

НУРИДДИН ИСМОИЛОВ

БУРГУТ ТОҒДА УЛҒАЯДИ

Саргузашт-детектив роман

Тўртинчи китоб

ТОШКЕНТ — 2019

Исмоилов, Нуриддин.

Бургут тоғда улғаяди: Саргузашт-детектив роман: / Нуриддин Исмоилов. — Т.: 2019.

4-китоб. — 254 б.

ISBN ...

© Н.Исмоилов. «Бургут тоғда улғаяди». 2019.

* * *

Миразиз аламини ичига ютди. «Уйга борганда бу хотиннинг суробини тўғрилайман!.. Ҳали менинг ортимдан қидириб борадиган бўлдими? Ҳали мени бировларнинг ёнида шарманда қиладиган бўлдими? Йў-ўқ, буни шунчаки ташлаб қўймайман. Терисини шилиб, сомон тиқаман. Қачондан бери гўдаядиган, кеккаядиган бўлиб қолди? Мен бекордан-бекорга Достонникида қолмадим. Сенинг турқитароватингни, ғийбатларга лиммо-лим гапларингни эшитмай, дедим. Сен менинг жонимга тегиб кетгансан. Бирор куним йўқки, сенинг ғурбатларингни эшитмасам. Ҳали уни ундоқ дейсан, бунисени бундоқ дейсан. Бари менинг қариндошларим. Бари менга тааллуқли одамлар. Аммо ўзингни киларнинг ҳаммаси сутга чайилгандай оппоқ. Осмондаги ойда, ёғаётган қорда кир бўлиши мумкин, лекин сенинг уруғинг топ-тоза. Гард юқмаган уларга», дея ўйлаётган Миразиз борган сари бўғилаверди. Борган сари асаб толалари таранглашаверди. Қўллари мушт бўлиб тугилди. Қўйлагининг ёқа тугмаларини ечди. Чуқур-чуқур нафас олди.

— Достон ўртоғингиз, — гап бошлаб қолди худди шу маҳал Рухшона, — бозорда ҳаммоллик қилиб юрган экан.

— Нима бўлибди шунга? Бировнинг чўнтагини кесмабдими? Пора олиб, ҳаромхўрлик қилмабдими? Нима қилибди, ҳаммоллик қилиб юрган бўлса? Айбми шу?! Шу гапириладиган гапми?! Сен билан мендан неча марталаб тоза у! Уқдингми?! Агар мен одамлардан бир-икки сўм пора олмаганимда шунақа гўддаярмидинг? Ойликка, қўл учида кун кўрганамда, гўшт олсам, нон ололмай юрганамда, бировларнинг ҳалол меҳнатини менга гапирармидинг?! Гапиролмасдинг! Шундай экан, тилингни тий! Бўғиб ўлдириб қўймасимдан, оғзингни ёп!

Рухшона эридан бунақа кескинликни кутмаганди. У нолимоқчийди. Ўпка-гина қилмоқчийди. «Сизга одам қури-

ганмиди улфатчилик қилишга», демоқчийди. «Хўп, майли, бирга маишат қилибсиз, ётиб қолишга бало бормиди», демоқчийди. «Кўрганлар нима дейди? Кимсан, прокурор, келиб-келиб бозорда бировларнинг юкини ташиб юрган нусха билан битта дастурхондан нон-туз еб ўтирибди дейишмайдими?» демоқчийди. Бари гаплари ичида қолди. Бўзрайди. Кўзлари жиққа ёшга тўлди. Лаблари титради. Гапириш ўрнига қулт этиб ютинди.

Илгари шундай қилса, Миразиз шаштидан тушарди. Чекарди. У ёқдан-бу ёққа бориб келарди. Кейин ёнига келарди. Елкасига қўлини қўярди. Гапирмасди. Ачомларди. Ана шунинг ўзида кўп гап бор эди. Кечирим ҳам. Кейин иккаласи яна аввалгидай апоқ-чапоқ бўлиб оларди. Бу сафарги ютиниши фойда бермади. «Афтидан, — ўйлади аёл, — Достон ўртоғи роса заҳарлаганга ўхшайди. Унга Моҳирўй ҳам қўшилган. Биладан, қизимга эга чиқишмоқчи. Шунинг учун эримни заҳарлашган. Лекин мен ҳам анойилардан эмасман. Осонгина жон бермайман. Доираю ноғорани бараварига чаламан. Бараварига ўйнайсанлар. Эр-хотин икковингга манави турқи совуқ Миразизни ҳам қўшиб қўяман». Илгари Рухшона эри ҳақида бошқача ўйларди ва бошқаларга ҳам бошқача гапирарди. «Прокурор жаноблари хўп топиб гапиради. Прокурор жаноблари кириб келиши билан уйимиз ёришиб кетади», дерди. Шундай одам пешонасига ёзилганидан ич-ичидан хурсанд бўларди. Ана шундай одам, мана, кўз очиб-юмгунча турқи совуққа айланди.

Уйга етганларидан кейин Миразиз хотинининг суробини тўғрилашга улгурмади. Қўнғироқ бўлди горкомдан. «Зудлик билан етиб келинг. Шошилиш йиғилиш», дейишди. Шу боис Миразиз апил-тапил ювинди-да, кийимларини алмаштириб ташқарига югурди. Бугун якшанба. Бугун хизмат машинаси келмайдиган кун. Лекин машина келибди. Демак, ҳайдовчига ҳам қўнғироқ қилишган. «Тезда бориб, хўжайининг олиб кел», дейишган... Ўзи охириги пайтларда ҳар хил гап-сўзлар урчиб юрибди. Ҳамма бараварига норози. Юртнинг каттаси, тепакал Москвада туриб, тўрт йил олдин айтган эди: «Беш йилдан сўнг, бундан чиқди, тўқсонинчи йилга бориб, бирорта ҳам уйсиз оила бўлмайди», деб. Бу ёғи ҳаммаси тескарисига айланиб кетди. Фар-

ғонада қирғинбарот жанжал бўлди. «Нозик ташкилот»даги таниши бу ҳақда икки ойча олдин айтганди. «Тайёргарлик кўриляпти. Арзимаган нарсадан жанжал чиқарилади. Кўпдан-кўп одамнинг ёстиғи қурийди», деганди. Лекин у ким билан ким уришиши ҳақида айтмаганди. Айтганида нима? Ҳеч нарса ўзгармайди. Фақатгина Миразиз бошқаларга нисбатан олдинроқ биледи қирғинбаротни.

Унинг хаёлидан хотини буткул чиқиб кетди. У ҳозир горкомда нима дейишларини, нимани муҳокама қилишларини ўйларди. «Балки, ёлғиз ўзимни чақиритгандир, — дея ўйлади Миразиз бироздан кейин. — Ҳар қалай, менинг касбимда ишлар бошқаларникига нисбатан кўпроқ бўлади. Кимдир, қаердадир ўғрилиқ қилган. Ёки биров-бировни пичоқлаб қўйган. Охири пайтларда шунақа воқеалар кўпайгандан-кўпайди. Айниқса, савил қолгур ароқни тақиқлашганидан сўнг. Магазинда битта зўравон нақ тўрттасини уриб ағдарибди. Ҳаммаси ана шу ароқни деб. Навбат кутгиси келмабди. Тўғри магазинга бостириб кирибди. Табиийки, унинг йўлини тўсмоқчи бўлишган. Шундан кейин урибди у. Кейин магазинчининг ҳам додини берган. Уни ушлаб келишди. Барзангидай бир нусха экан. Миразиз «Умрингни қамоқда чиритаман», деб унга қарши иш очди. Аммо юқоридан кўнғироқ қилиб: «Салгина шўхлик қилибди, қўйиб юборинглар», дейишди. «Шунақа катта жойда одамнинг бор экан, тўғри базадан яшиги билан олавермайсанми? Базада тиқилиб ётибди-ку», дея кўнглидан ўтказди Миразиз.

У горком идораси ёнида машинадан тушаётганида кўзи «нозик ташкилот»нинг одамига, танишига тушди. Қизиқ?! Негадир у фуқаро кийимида эмасди. Уларнинг кўзи бири-бирига тўқнашди. Бироқ сўрашмади. Тўғрироғи, «нозик» дарров кўзини олиб қочди-да, зиналардан чаққон юриб, тепага кўтарилди. Миразизнинг ичидан бир нима чирт этиб узилгандай бўлди. «Жиддий гап борга ўхшайди. Йўқса, бу ярамас одамга ўхшаб кўришган бўларди», дея кўнглидан ўтказди ва зиналардан бирма-бир кўтарила бошлади.

Йиғилишда горкомнинг роса пўстагини қоқишди. Министрлар советидан одам келган экан. Ўша бошлаб берди. «Ҳамма нарса ташлаб қўйилган. Магазинларга вақтида керакли озиқ-овқат маҳсулотлари етиб бормапти. Заводлар

кўнгилдагидай ишламаяпти», деди. Шундан кейин обком давом эттирди. Эҳҳе, бундай ўйлаб қарасанг, горкомнинг аҳмоқона ишлари жудаям кўп экан. Ҳатто ҳисоблаб охирига етмайсан. У ҳатто катта миқдорда пора ҳам олган экан. Яна чет элдан келадиган сара кийим-кечаклар, оёқ кийимларнинг ҳаммасини унинг ўзи бош бўлиб, устама нархда соттирибди. Ана шу жойда Миразизга битта «шапалоқ» тегиб ўтди. «Ишига совуққон», дейишди. «Кўриб кўрмасликка олган», дейишди. Миразиз терлай бошлади. Агар горкомнинг у билан қуда бўлмоқчи эканини билиб қолишса борми, ўғриликларга шерик қилиб қўйишлари ҳеч гап эмас. Ўзи «пахта иши» энди-энди эсдан чиқаётганди...

Йиғилиш икки соатдан кўпроққа чўзилди. Миразизни тер босди. «Қани энди эртароқ тугаса-ю, кетсам», дея ўйлай бошлади. Аммо аксига олгандай сўзга чиққанлар эринмасдан гапирар, жуда кераксиз, умуман ҳожати йўқ фикрларга ҳам алоҳида тўхталишарди.

Миразиз бўйинбоғи остидаги тугмачани ечди. Ўпкасини тўлдириб нафас олмоқчи эди, бўлмади. «Бу туришда узоққа бормайман, ҳушимдан кетишим аниқ», дея ўйлади у.

Эзмаликларнинг ҳам охири бор экан. Ниҳоят, мажлисни олиб борувчи «Тугади», деди. «Горкомнинг ишда қолишқолмаслигини кўриб чиқамиз. Шунингдек, прокурор жаноблари ҳам тайёргарлигини кўриб турсин», деди.

Миразиз ўзига тегишли бўлган гапни ҳам қулоғининг ёнидан ўтказиб юборди. Ташқарига ошиқди. «Ҳозирча машина ихтиёримда. Фойдаланиб уйгача борволай», дея ўйлаб, эшик томонга югураётганди, биров енгидан тортиди. Қараса, горком иржайиб турибди. «Нимага куйдирилган калладай тиржаяди бу?! Ахир йиғилишнинг ярмидан кўпи унга бағишланди-ку. Роса патини юлишди-ку. Иржайишга бало борми? Ундан кўра ҳўнграмайдими? Бор овозда ўкириб-ўкириб йиғламайдими? Ҳой, биродарлар, мен сизлар қўйган айбларнинг ярмидан кўпига умуман қўл урмаганман. Ҳатто баъзи айбларни энди эшитиб туришим демайдимми?..»

— Прокурор жаноблари, мен билан қолсалар, — деди горком томдан тараша тушгандай ва яна иржайишда давом этди.

Уларнинг ёнидан ўтувчиларнинг учтаси тўхтади. Ажаб-

ланишди. Бир прокурорга, бир горкомга қарашди. Биттаси бошини сарак-сарак қилди.

— Эшитдингизми, — деди у сўнгра шеригига, — жаноб эмиш?..

Миразиз шолғомдай қизарди ва горкомни ўхшатиб тузламоқчи бўлганида, бирдан унинг ранги оқараётганини кўрди.

— Эй-й! — дейиши билан горком орқасига қулади.

Яхшики, ёнидагилар ушлаб қолишди. Акс ҳолда, у катта эҳтимол билан бошини ёғоч тўсинга урарди. Чунки оёқлари умуман қийшаймай ағанаётганди. Кимдир «Дўхтир чақиринглар!» дея бақирди. Дўхтир ҳам узоқда эмас экан. Ахир тўртта касалхонанинг бош шифокори йиғилишда иштирок этган эди-да.

Миразиз ташқарига шошилди. Умуман, горкомни касалхонага олиб кетиш ва унинг бундан кейинги тақдири билан қизиқмади. У эртароқ бу ердан кетиши керак эди. Мумкин қадар тезроқ. Яна «Фалончи Пистончиевич, сиз кетмай тулинг», деган гап янграмасидан бурун. Йўқ, у ўзини айбдор ҳис этмаётганди. Шунчаки бу ерда тутолмаётганди. Юраги сиқилаётганди. Бўлмаса, уни танқидга салгина қўшиб кетишди. Бунинг учун қайғурмаса ҳам бўлади. Ахир қанчадан-қанча мажлисларда қатнашган ва бундан баттарини эшитганди.

— Уфф!!! — деди Миразиз машинанинг орқа ўриндиғига ўтирганидан кейин. — Тошмурод, тезроқ ҳайда! Уйга эртароқ борайлик!

— Хўжайин, тинчликми? — сўради ҳайдовчи одатдагидай.

Миразизнинг пешонасига биров ургандай бўлди. Тошмурод илгари ҳам ундан ҳол сўраган. Тинчликми, деган. Лекин ҳозир у қандайдир бошқача айтди. Қандайдир устидан кулгандай эди. Тўхта, бу анавиларнинг одами бўлсачи, атайлабдан... Ҳа, ҳа, худди шундай. Бу йигитни унинг ўзи истаб ишга олмади. Кадрлар бўлими юборди. Миразиз шунчаки эътибор бермади. Унга умуман фарқи йўқ эди ўша кезлари. Бўлмаса, ҳайдовчи энг ишонган одаминг бўлиши керак. Бир нарса-бир нарсалар чиқиб қолади. Ўшаларни бемалол ишониб топширишинга тўғри келади. Бегона, барибир, бегона. У ёнингдан узоқлашиши билан ҳамма

сирингдан бутун дунёни хабардор этади. Ўзингники эса тилини тишлайди...

Миразиз адашмаётганди. Тошмурод Миразизнинг таниши, тўғрироғи, дўсти (сохталигини Миразиз билмайди) «нозик ташкилот»нинг «нозик одами» — Уйғун Чориевга хизмат қилади. Тошмурод айнан Чориевнинг ёрдами билан барча иш олди текшир-текширлардан ўтиб олган. Бошқалар ички ишларга ўтиш учун тўрт-беш минг сўмдан сарфлаганда, у сариқ чақа ҳам ишлатмаган. «Бошида ҳайдовчилик қилиб турасан, кейин кўрсатган кароматингга қараб бошқа ишга ўтасан», деган унга Уйғун.

Тошмурод Миразизнинг уйқудан қачон уйғонишидан тортиб, қачон ётишигача ҳамма-ҳаммаси тўғрисида Уйғунга хабар беради. Ҳар куни. Яна Мавзуна тўғрисидаги маълумотлар ҳам Уйғунда тўлалигича бор. Фақат Фирдавсни билмайди. Билгани ҳуқуқшуносликда ўқийди. Достоннинг ўғли. Достон оддий қишлоқнинг одами. Фирдавснинг сурати унда бор. Уни отасиники билан таққослади. Буни қарангки, улар мутлақо бир-бирига ўхшамас экан. Айниқса, кўзлари. Достонники мунглироқ. Фирдавсники эса қандайдир ёниб турганга ўхшайди. Чориев Фирдавснинг онасини текширишни кўнглига тугиб қўйган. Аммо ҳали текширганича йўқ.

— Кайфиятинг яхшими? — дея сўради Миразиз ҳайдовчисидан мавзунни буткул бошқа томонга буриб.

— Ҳа, яхши, хўжайин. Аслида, хўжайин, мен кайфият нима эканини билмайман, — деб ҳиринглаб кулди Тошмурод.

— Бир ҳисобдан шуниси ҳам маъқул, ука. Кўп нарса билсанг, тез қарийсан. Энди бирорта озиқ-овқат магазинининг ёнида машинангни тўхтатиб юборасан. Мен физиллаб кириб чиқаман.

— Хўп бўлади. Лекин, хўжайин, мен турганда сиз физиллаб кириб чиқсангиз, қандоқ бўларкин?!

— Қаймоқ бўлади, ука, қаймоқ. Умрингда қаймоқ еганмисан? Емагансан. Еганинг қаймоқ эмас. Чунки бозордагилар тоза қаймоқ сотишмайди. Сотишаётгани қаймоқ эмас, алламбало. Магазиндаги эса умуман бошқа бир нарса. Мен сенга ҳақиқий қаймоқни едираман. Энди айтганимни қилгин-да, шундай магазиннинг ёнида тўхта. Ана, келиб қол-

дик ўзи.

Миразиз машинадан тушиб, ўпкасини тўлдириб нафас олди-да, тепасига катта ҳарфлар билан «Озиқ-овқатлар» деб ёзиб қўйилган пишиқ гиштдан қурилган икки қаватли бино томонга кета бошлади. У магазин пештахталари бундан уч-тўрт йил аввалгидай тўлиб-тошган, деган хаёлда эди. Йўқ, Миразиз осмондан тушиб қолгани йўқ. Шунчаки хаёли қочди. Шу боисдан ҳам шундай деб ўйлади. Ҳатто магазинга кирганидан кейин тўғри сотувчининг ёнига бориб:

— Анави зорманда шишадан иккита бериб юборинг, — деди.

Магазинчи кулди. Оқ халатининг кўкрак чўнтагидан кўзойнагини олиб, бурнининг устига қўндирди-да, деди:

— Ака, у нарса отлиққа йўғ-у... Кечирасиз, сиз отлиқ-сиз, лекин йўқ-да. Бўлганида бу ерга ҳатто эшикдан киролмасдингиз. Шунга минг бор узр. Лекин кейинги сафарга бир-иккита...

Магазинчи гапини охирлатмасидан Миразиз пештахталарга қаради. Қарийб бўм-бўш. Чунки бир-икки жойда кўк чой, эски печенье, қачон келтирилгани номаълум бўлган конфет турарди.

Миразиз томоқ қириб қўйди-да:

— Ўзингизга олиб қўйганингиздан бераверинг. Кийимимга эътибор қилманг. Ҳозир менга жудаям зарур, — деди.

— Сиздай одамнинг гапини икки қилиш ноқулай. Менда юмшоқроғи бор.

— Эй-й, айнан мен шу юмшоғини сўраётгандим-да. Ўткири ўткирлик қилади.

Магазинчи омборхонасига кириб кетди-да, иккита шиша кўтариб чиқди ва иржайганча қўлидагиларни Миразизга узатди. «Пули керак эмас. Меҳмон қилай сизни», деди. Шундай эса-да, Миразиз битта беш сўмликни кассанинг ёнига қўйди ва шишалардан бирини очиб, шу ернинг ўзидаёқ сипқорди. Иккинчисини қўйнига солиб кетмоқчи бўлди-ю, ниятидан қайтди. «Анави валакисаланг етказадиган жойига етказиб, магазинчини қийнаб юрмасин», деган ўй келди хаёлига ва иккинчисини ҳам бўшатди. Кейин магазинчига раҳмат айтиб, эшикдан чиқди. Унинг кайфияти бироз жойига тушгандай эди. Лекин, барибир, қово-

гини осилтириб олди-да, машинага ўтирди.

«Уйга бориб ухлайман, ҳаммасини эсимдан чиқазаман», деб ўйлаганди. Аммо эшиги ёнида горкомнинг эркатой ўғли — Комил турибди. Қоп-қора костюм-шим, оқ кўйлак кийган. Бўйинбоғ таққан, сочини силлиқ тараб олган эди у. «Чўтир башарангга шунақа кийинганинг сира ярашмабди», хаёлидан ўтказди Миразиз ва:

— Нима қилиб турибсан? — дея сўради Комилнинг са-ломига бошини ирғаб жавоб бераркан.

— Мавзунада ишим бор эди, — деди йигит безрайиб.

— Мавзунада ишим бор эди?! — деди шу заҳоти пешонаси тиришиб, кўзи олайган Миразиз.

* * *

Фирдавснинг қони қайнади. Яна ўша устозининг гапини эслади. «Оғир бўл. Мулоҳазали бўл», деганди у. «Ҳозир ҳеч қаерга бормаслигим керак. Аввал ўзимга келиб олай. Йўқса, бировни бекордан-бекорга хафа қилиб қўйишим мумкин. Яхшиси, уйга қайтаман. Шошадиган жойим йўқ. Бир-икки соат дам оламан. Бироз ётаман. Яхшилаб режа тузаман. Ана ундан кейин пулни эгасига олиб бориб бераман», дея кўнглидан ўтказди.

Қайтди. Уйига кириши билан ойисига дуч келди. Ойиси бирор нима сўрамади. Фирдавс ҳам ҳеч нима демади. Индамай хонасига ўтиб кетаётганида Моҳирўй уни тўхтатди.

— Менга бер, — деди ўғлига.

— Нега? — деди Фирдавс ҳайрон бўлиб.

— Керак, болам, бер.

— Ойи, пулни Миразиз амаким ташлаб кетмаган, — деди бирдан қизарган Фирдавс.

— Биламан ким ташлаганини. Сен беравер.

Ўғил ноилож чўнтагидаги пулларни чиқазиб, бошини эгганча ойисига узатди.

Моҳирўй шу заҳоти ортига бурилиб, шошилганча хонасига кириб кетди.

Фирдавс онаси уйдан чиқиб кетганини кўрмай қолди.

Моҳирўйнинг кўзига ҳеч нарса кўринмасди. Алами бўғзига тикилиб қолган эди. Шу боис таксига ўтирди. Унинг ёнида пули йўқ эди. Олиб чиқмаганди. Умуман эсида ҳам йўқ эди. Фақат Миразизнинг уйига яқинлашганида ёдига тушди. Юзи қизарди. Титраётган лабини тишларкан, ўйла-

ди: «Эй, Худо, нима кўргилик бу? Каллам қаёқда? Шарманда бўлдим-ку! Уйда қолган тўрт-беш сўмни олволсам бўлмасмиди? Манави ҳаром пулларга тегинолмайман. Бу пуллар мени, оиламизни пастга уриш учун ташлаб кетилган. Ирганаман бу пуллардан!»

— Ука, — деди Моҳирўй ялинчоқ овозда ҳайдовчига, — мени кейин уйга олиб бориб қўясиз-да.

— Пулини тўласангиз, яна келиб-кетишим мумкин, — дея кўзгу орқали аёлга қараб иржайди ҳайдовчи, — ундан кейин мени ука десангиз, сал адашасиз-да. Сиздан бир-икки ёшга каттаман.

— Унда, ака, шундай десам бўладими? — деди Моҳирўй баттар ноқулай аҳволга тушиб.

— Бемалол. Лекин-чи, кўринишингиз анча безовта. Сизни кўрган одам аёлнинг бирорта яқини ўтиб қолганга ўхшайди, деб ўйлайди, — дея ҳайдовчи яна бир марта кўзгу орқали Моҳирўйга қаради.

— Йў-ў-қ, ундаймас, битта ташвиш чиқиб қолди-да. Шунга югуриб чиқибман. Пул олиш ҳам ёдимдан кўтарилибди. Аслида, қайтишга автобусга минмоқчийдим, — дея Моҳирўй бошини эгди.

— Лекин-чи, мен сизни илгари қаердадир кўргандайман...

— Билмадим, одам одамга ўхшайди...

— Йўқ, мен шу кунгача сира хотирамдан нолиганмасман. Хотирам худди соатдай ишлайди. Бирор марта ҳам адашмаганман. Аниқ мен сизни илгари кўрганман. Қиз болалигингизда.

— Йўғ-э, — дея ҳайрон бўлди Моҳирўй, — мен қишлоқнинг қизиман.

Шундай деди-ю, зумда хаёлидан ёшлик йиллари, Фаррух билан яшагани ўтди.

— Балки. Лекин мен сизни аниқ кўрганман. Нафақат кўрганман. Гаплашганман. Ҳозир ёшингиз тахминан йигирма беш-ўттиз оралиғида бўлса керак.

— Йўқ, қарироқман, — дея пешонасини ушлади Моҳирўй.

— Ишонмайман. Сочингизда бир дона ҳам оқ йўқ. Юзингиз тиниқ...

— Айтдим-ку, сиз менга укам қаторисиз. Лекин укам

йўқ. Ҳозир юрагим сиқилияпти.

Ҳайдовчининг қармоғи сувдан бўш кўтарилган эди. Аммо у шошилмади. Ҳали қайтиш ҳам бор. Қайтишда яна бир уриниб кўради. Лекин жувон чиройлигина экан. Бундайларни қўлдан чиқариб бўладими? Аммо ҳақиқатан ҳам, юзи таниш.

Ҳайдовчи лабини тишлади, устакорликларини қайтишга олиб қўйди ва бир қўли билан иягини ишқалади-да:

— Хавотир олманг, ҳаммаси изига тушади, — деди ва газни босди.

Рухшона қонига ташна бўлиб ўтирарди. У охири пайтларда эрини сира тушунмаётганди. Горкомдай одам туриб, қизини қаёқдаги ялангоёқнинг боласига бермоқчи. «Туни билан уйга келмадинг. Мен нима хаёлларга бормадим?! Ваҳоланки, бир пайтлар ўзинг шу Моҳирўйни яхши кўриб қолганингни, ортидан югурганингни айтгандинг. Шуларни билиб туриб ҳам рашк қилмайми? Бошқа ҳар қандай жойда, менга деса, ҳафталаб қолиб кет, финг деган номард. Лекин сен ярамас, лўттибоз, қасамхўр, келиб-келиб, Моҳирўйнинг уйида қоласанми? Эйй, шошма, балки бошқа бир нималарни режалаштиргандирсан. Қизинг баҳона дийдор ғанимат. А, лаббай! Шошмай тур, шошмай тур! Ҳали менинг юзимга оёқ босадиган бўлдингми?! Мен буни шунчаки ташлаб қўймайман. Осонгина оғзидан нонини олдириб қўядиганлар хилиданмасман!

Мавзуна ҳам қараб турсин, ерга тикаман унақанги қулоқсиз қизни. Нима эмиш, нега бордингизмиш? Дадам ёш боламидики, орқасидан югурасизмиш. Амаким билан холамнинг олдида роса уятга қўйибсизмиш. Дадам энди қандай қилиб уларнинг юзига қарайдиммиш... Ҳали сен эрсираб қолдингми, деб юзига икки шапалоқ туширдим. Ана, аразлаганидан мактабга ҳам бормади. Хонасига қамалиб ўтирибди. Баттар бўлсин. Бундан бу ёғига катталарнинг ишига аралашмайдиган бўлади. Тавба қилдим, эндигина ўн еттига кирган. Шу ёшидан шунча ташвиш. Агар яна бирикки йил ўтса, ким нималарни бошлайди? Эртароқ эрга бериш керак. Лекин фақат анави пастларнинг боласига эмас.

Моҳирўйни аввалдан биламан-ку. Фирдавснинг ҳақиқий отаси кимлигидан ҳам хабарим бор. Мафиоз. Шундай экан, уларнинг боласи келажакда ким бўларди? Кўчанинг ода-

ми-да. Бировни уриб, пулини тортиб олади. Бировникига ўғирликка тушади. Йў-ў-ў-қ, Мавзунани икки дунёда ҳам унга бермайман! Ўлсам ўламанки, олдини оламан», дея хаёлидан ўтказди у. Худди шу маҳал дарвоза қўнғироғи жиринглади.

Аёл эринибгина ўрнидан турди. Эринибгина дарвоза ёнига борди ва унинг кичик табақасини секин очди-ю, тепа сочи тикка бўлди.

— Рухшонахон, шу ишни бекор қилибсизлар. Тўғри, шаҳарга яқинда кўчиб келдик. Ҳали ўзимизни тўла ўнглаганимизча йўқ. Айти пайтда зориқиб ҳам қолмаганмиз, шунинг учун манавиларни олиб қўйсангиз, — дея Моҳирўй қоғозга ўроелиқ бир нимани тутқазди қўлига.

— Нима бу? — деди бирдан ҳайрати ошган Рухшона.

— Очсангиз, кўрасиз, — деди Моҳирўй ва бирдан ортига бурилди-да, тез-тез юриб кетди.

Рухшона ҳеч вақога тушунмай аввалига елка қисди, сўнг турган жойида қоғозни очди. Пул! Шу заҳоти оёқларигача титради. Шу заҳоти «Эримнинг иши», деган ўй келди хаёлига. Шу заҳоти Моҳирўйни қарғалоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди, аммо у ўтирган такси жойидан жилди.

Моҳирўй юраги ураётганини ўзи ҳам эшитарди. Бир неча марта чуқур-чуқур нафас олиб чиқарди. Фойдаси бўлмади. Қайтага, бошида ҳам оғриқ пайдо бўлди. Юзи оловдай ёна бошлади. Лаблари қуруқлашди.

— Илтимос, деразани очиб қўйинг, — деди ҳайдовчига.

— Дераза очиқ-ку, — дея ҳайдовчи кўзгу орқали аёлга қаради. Ранги бўздай оқарибди. Кўзлари пирпираяпти.

— Соғлиғингиз яхшими? Балки, касалхонага олиб борарман, — деди бу сафар ҳақиқатан хавотирланган ҳайдовчи.

— Йўқ, уйимга бораман!..

Моҳирўй шундай дея кўзларини юмди. Ҳайдовчи эса ўриндиғи билан эшик орасига қўлини тикди. Шу ерда у доим шишада сув олиб юради. Ўзи учун. Сувни олиб аёлга узатди.

— Ичинг, бироз ўзингизга келасиз, — деди.

Ҳа, Моҳирўй бироз ўзига келди. Аммо кўз олдини қандайдир туман қоплаб олган эди.

— Мени қаердан миндирганингизни биласиз-а, — деди

у титроқ овозда ва жавобни эшитмай, — ўша ерга олиб бординг, — дея бошини эшикка тиради.

* * *

«Ўғрини ушламагунча, ўғри деб бўлмайди. Қўлингда далил, ҳужжат бўлиши керак. Ана ундан сўнг хулоса чиқарсанг бўлади. Миразиз амаки бирор нима қилишдан аввал ҳамма нарсани тарозига солиб кўради. Бировни, айниқса, қадрдон дўстининг кўнглини оғритадиган иш қилмайди. Хотини эса умуман бошқача аёл. Бундан чиқди. Яна ўша горкомнинг қизи... Лекин уни ҳам кўрмадим. Демак, унга кўнғироқ қиламан ёки бирор жойда кўришаман. Секин айлантириб, пул ҳақида сўрайман. Агар қилиқ уники бўлса, бошқача тузлайман. Тўхта, ойим пулни яна қайтариб олдику», дея кўнглидан ўтказди ва шоша-пиша хонасидан чиқди. Ошхонага кирди. Йўқ. У ердан энди чиқаётганди, синглисига дуч келди.

— Ойим қани? — дея сўради ундан.

— Қаергадир кетди. Сўрасам, жавоб бермади. Дарров келаман, деди, — дея акасининг юзига тикилди Моҳина.

— Оббо! — деди Фирдавс ва шоша-пиша хонасига кирди-да, кийиниб чиқди.

У онаси қаерга кетганини тахминан биларди. Бироқ ўзи ортидан боролмайди. Чунки кеч қолади. Орадан анча вақт ўтди. Шундай экан, кутишига тўғри келади.

Фирдавс бошини ҳам қилганча йўл бўйида у ёқдан-бу ёққа бориб келаверди. Чалғиш учун хаёлида ўқиган китобларидаги воқеаларни тиклади. «Одамларнинг тақдирлари галати. Бирор нимани режалаштириб, шуни охирига етказаман, деб уринаётганингда қутилмаганда олдиндан умуман бошқа бир нима чиқиб қолади. Лекин мен ҳаммасини ўзим мўлжаллагандай қилишим керак. Асқар билан ўқишни битирмагунча уйланмасликка келишиб олганмиз. Мен яна бир йилча ишламоқчиман ҳам. Унгача Мавзуна ҳам мактабни битиради. Ўқишга киради...»

У ўйини охирига етказолмади. Кўзи йўл бўйига тўхтаган таксига тушди. Ҳайдовчи югурганча машинани айланиб ўтиб, орқа эшикни очди. Фирдавснинг юраги бирдан шув этди. Аста-секин шу томонга юра бошлади, кейин югурди...

* * *

Лазиз тишлари орасида қолган гўшт парчасини тили билан чиқарди-да, ерга тупурди. Сўнг бурнини қисиб қўйиб:

— Эртага бўлмайди. Эртагача мен чидолмайман. Бугуноқ даф қиламиз, бугуноқ падарингга лаънатини орадан олиб ташлайман. Қиз фақат меники. Горкомга фақат мен куёв бўлишга арзийман. Қаёқдаги студент маишат қилиб юрадимиз? Биласизларми, унаштирилган куниёқ куёв болага машина совға қилишмоқчи. Тушуняпсанларми?! Ўша машинада менинг ёнимда сенлар ўтиришга лойиқсанлар, Федя! — деди газаб билан.

— Унда уйининг манзилини биласанми? — дея шишага қўлини узатди Федя.

— Топаман! — деб Лазиз қўлига ош пичоқ олди. — Мана шу билан, мана шу ўтмас пичоқ билан сўяман!

У ўрнидан туришга улгурмасидан ресторанга Арслон кириб келди-ю, ҳамманинг дами ичига тушиб кетди.

Арслон қўлида калит ўйнатиб келарди. Текстиль комбинати директорининг ўғли. Ишканининг ишкали. Қаерга борса, ким билан гаплашса, албатта, бирорта жанжални бошлайди. Бировлар уни Нормат чўлоқнинг югурдаклиридан деса, бошқа биттаси, отасининг қўли шунақа узунки, Нормат чўлоқ деганлари унинг олдида пешка бўлиб қолган, дейди.

Арслон тўғри Лазиз ўтирган столга кела бошлади.

— Федя, тайёр тур, жонга теккан, жағини эзамиз, — дея вишиллади Лазиз.

Федя бошини сарак-сарак қиларкан:

— Иложи йўқ. Уруғимиз билан қуритиб юборади, — деди унга жавобан шивирлаб.

— Ҳурматли такасалтанг, пиёниста, ишқемас граждандар, — деди Арслон уларнинг ёнига келиб, — оқаларингни кўришларинг билан ўрниларингдан турмайсанларми?! Ё орқаларинг стулга ёпишиб қолганми?! Ёрдам бериб юборайми?

— Чалғибмиз, ока, — дея ҳаммадан олдин Жавлон ўрнидан турди.

Кўзи кўкиш, юзию сочи оч сарғиш, тўладан келган, овози сал ингичкароқ йигит у. Лақаби «Хамир». Чунки Жавлон ҳар қандай стандартга мослаша олади. Думалоққа думалоқ. Квадратга квадрат. Узунчоққа узунчоқ. Агар эл-

липс бўлиш керак бўлса, бўлади. Шу боисдан ҳам унинг лақаби — «Хамир».

— Лекин-чи, даҳшат ўтирибсанлар, бу ресторанда унча-мунчаси ўтиролмайдди. Чўнтаги кўтармайдди. Санлар, ўххў, қанча шишани бўшатибсанлар. Яна еганларинг фақат қиммат овқат. Мана, банан ҳам турибди, — дея бўш стулни орқага бироз суриб, секин ўтирди Арслон.

— Аслида, Баха окахоннинг кичкина битта ишини би-тириб бергандик. Шунга окахон ҳақ берди. Санлар ҳам одамга ўхшаб ўтиринглар, деди, — деб ўшшайди Лазиз.

— Ў-ў-ў, унда анча юқорига кўтарилибсанлар-да. Гап йўқ. Агар шу кетишларинг бўлса, тўғри... кириб кетасанлар! — деб столни мушти билан гурсиллатиб урди Арслон.

Лазизнинг барча шерикларининг ранги гезарди. Хамир мослашиш учун кўзларини ўйнатди.

— Санларнинг ёшларингда, — дея чўнтагидан тутатқи олиб столнинг устига ташлади Арслон ва гапани давом эттирди, — бизнинг оддий ошхонага киришга ҳам ҳаддизмиз сизмасди. Пул тикилиб ётганди. Лекин оқалардан бирортасининг кўзига кўриниб, беҳурматлик қилмайлик, дердик... Хўш, бўпти, раз келибсанларми, маишат қилин-глар. Сан шўртумшуқ, — деб у Федя (Фарҳод) га қаради, — бор, официантни чақириб кел.

Федя дик этиб турди. Кўлини кўксига қўйиб, «Хўп бўлади», деди ва югуриб кетди. Кейин тезда официант билан бирга қайтиб келди.

— Одам бошига тўрт сихдан кийик гўштидан кабоб, «қулинг ўргилсин»дан икки шиша, шунга яраша газак олиб кел! — деди Арслон ва томоқ қириб қўйди.

Стол атрофида ўтирган ҳамманинг, ҳаттоки Лазизнинг ҳам юзи ёришди. Ахир буюртма бошқача бўлган эди-да.

Фақат официантнинг қовоғи осилди. Чунки у бунақаларнинг кўпини кўрган. Ейди-ичади, кейин бирорта жанжални бошлайди-да, шу баҳонада пулини тўламай жуфт-такни ростлаб қолади.

— Фақат, — деди официант ўтирганларга бир-бир қараб, — пулини олдиндан тўланглар.

— Ни-ма?! — дея ортига бурилиб, башарасини буриш-тирди Арслон.

— Ким билан гаплашаётганингни биласанми?! — деди

Лазиз.

— Ажали етганга ўхшайди бунинг, — деб орага қўшилди Хамир.

Официант ўн йилдан бери бу ерда ишлайди. Рус аёли. Семизгина.

— Мен тушунарли гапирдим, шекилли, ёки бошқалар келиб муомала қилишсинми?! — деди овозини бир парда кўтариб.

Арслон сергак тортди. Ҳар нарса бўлиши мумкин-да. Чунки бу ерга нафақат Арслонга ўхшаган эндигина «тожи» ўсиб чиқаётганлар эмас, балки, анча-мунча «катак»ни кўрганлар ҳам келади. Ажабмаски, бу официант улардан бирортаси билан ош-қатиқ бўлса.

— Сен бизни пули йўқ, деб ўйлаяпсанми?! — бақирди у ва чўнтагидан бир тахлам ўн сўмликларни чиқариб, столнинг устига ташлади.

— Столнинг устида турганини нима қиламан?! — деди аёл бўш келмай.

— Ма, ол! Керагичасини ажрат! — дея Арслон гўдайганча бошқаларга қараб қўйди ва бу билан «Кўрдингларми, мен сенларга ўхшаб, қурумсоқ эмасман», демоқчи бўлди.

Официант семиз бўлишига қарамай чаққонгина эди. Кўз очиб-юмгунча керагидан ортигини ажратиб олди-да, қолганини қайтариб берди ва дарров столдан узоқлашди. Нарироққа бориб, «Худога шукр! Агар булар зўравонликка ўтишганида, еб пулини тўламай кетишганида ҳам мен ҳеч нима қилолмасдим. Уларнинг ўрнига ҳаммасини ўз ойлигимдан тўлардим. Кейин хўжайин мени бир тепиб ҳайдаб юборарди... Тажрибам иш берди. Ўзиям юрагим отилиб чиқиб кетай деди», дея хаёлидан ўтказди ҳамда буюртмани бошқа ҳамкасбига берди. «Чойчақасиниям қўшиб олиб бўлдим. Фақат олиб бориб берсанг, бўлди. Уларнинг ёнига сира боргим келмаяпти. Сўраб қолишса, «Официантларнинг каттаси де, мени», деди.

Албатта, Арслоннинг ичидан зил кетган эди. Лекин буни бировга билдирмасликка уринди. Бунинг учун ягона йўл — умуман бошқа нарсалар ҳақида гапириш ва ҳамтовоқларини мумкин қадар кўпроқ ичириб, ўчириб ташлаш эди. Шунга зўр берди у.

Улар ресторанны тарк этаётганида бирортасининг ҳам

хаёли жойида эмасди. Нима қилаётгани, нима деяётгани-ни англайдигани йўқ эди ораларида. Ана шу сабаб Лазизнинг режаси ортга сурилди. Шунчаки жисмоний имкони-яти қолмагани унинг мўлжалини бузиб юборди. У ресторандан қандай чиқди. Кимлар ёрдам берди, билмайди. Кўзи юмуқ, гўлдирагани-гўлдираган эди.

* * *

Оғзи ачишиб, бурнидан бир нарсалар келиб уйғонди. Бу ёғи қорни ҳам бураб оғрирди. Ўрнидан бир амаллаб туриб, амаллаб эшикни топди-да, ташқарига чиқди. Ёш бола юрган экан. Ўшандан зарурат хонасини сўраб билди-да, шу ёққа шошди...

У жўмракни очаётганида осмонга қараб қўйди-да, ҳайрон бўлди. Чунки қуёш нақ тепада турган экан. Бошидан роса муздай сув қуйди. Бироз енгил тортди-ю, лекин оғзининг бемазалиги кетмади. Ана шундан кейингина бошини кўтариб, ён-атрофга қаради. Умуман қандайдир бошқача уй. Нақ олтмиш-етмиш йил аввал хом гиштдан пастгина қилиб қурилган. Томида шифер ҳам йўқ. Ҳовли айланасига оғиллар билан ўралган. «Қаерга келиб қолдик?» дея ўйлаб бошини қашлади ва уйга кирди. Федя чекиб ўтирибди. Қолганларнинг ҳаммаси тарашадай қотган.

— Қаердамиз? — деди Лазиз кирган заҳоти.

Федя елкасини қисди ва лабини буриб қўйди.

— Бунақанги жойларни билмасдим. Ким бизни бу ёққа олиб келди?

— Билганимда, — дея оғзидан паға-паға тутун чиқазди Федя, — бошимни қотириб ўтирмасдим. Ана, Арслон уйғонсин, ундан сўраймиз.

Хонани бадбўй ҳид босиб кетган эди. Ташқаридан ақл-ҳуши жойида одам бу ерга кириб қолса борми, қайт қилиб юбориши ҳеч гап эмасди. Аммо бу ердагилар бу нарсани сезишмайди. Сезишдан мосуво булар.

Кун пешиндан оққандан кейин қолганлар ҳам биринкетин уйғониб, ўринларидан туришди. Бировининг боши ёрилгудек оғриётган бўлса, бошқасининг юзи худди ўн йил касал ётган одамникидай шишиб кетган эди. Бировининг иккала кўзига ҳам қон тўлган бўлса, бошқасининг башараси докадай оқарган.

Ҳамма ҳайрон, ҳамма лол. Қандай қилиб бу ерга келиб

қолишган? Бировдан сўраб билиб олайлик, дейишса, ташқарида биргина бола юрибди. Ёши тахминан ўн ёшлар атрофида. Қоп-қора. Сочи ювилмаган, патак. Юз-қўли кир. Бурни оқиб туради. Ундан бир нима сўрагинг ҳам келмайди. Сўраганда ҳам болакай бирор нимани билиши даргумон. Лекин Лазиз чидолмади.

— Ҳой, болакай, биз бу ерга қачон келдик? — деди.

Унга жавобан бола елкасини қисди.

— Сендан бошқа одам борми бу ерда?

Бола яна елка қисиб қўйди.

— Қаер ўзи бу ер?

Жавоб ўша-ўша.

— Тилинг борми ўзи? Гапироласанми? Нимани сўрасам, елкангни қисасан?! — деди жаҳли чиққан Лазиз.

— Ўзингни бос, балки, ҳақиқатан ҳам, ҳеч нимадан хабари йўқдир. Биз келганимизда бу бола хурракни отиб, иккинчи тушини кўраётган бўлса керак, — дея уни шаштидан туширди Арслон.

— Одамга алам қилади. Биз қандай қилиб бу оғилхонага келиб қолдик?! Ким бизни бу ерга олиб келди?! — дея бақирди Лазиз.

— Ўпкангни бос!

Арслон илгари ранги қизил бўлган, энди занглаб туси бутунлай ўзгарган дарвоза томонга юрди. Гийқиллатиб очди ҳамда ташқарига чиқди-да:

— Эҳ-ҳе-е-е!!! — деб юборди.

Унинг ҳайратли товушини эшитган шериклари ёнига югуришди.

Дарҳақиқат, улар даштнинг ўртасида эди. Яқин атрофда дарахт тугул, ўт ҳам йўқ. Қарийб йигирма-ўттиз чақирим нарида қир кўринади.

— Вой, най, най, най, — дея сўкинди Федя, — қайси гўрда юрибмиз?!

— Нима, бу ерда шу биттагина болача яшайдими?! — деди Арслон. — Бўлиши мумкин эмас! Лекин ундан бир нарса сўраб, билиб бўлмайди.

— Калитини бурасангиз, окам, шунақанги билиб ола-сизки! — дея ўшшайди Хамир.

— Йўқ. Кутамиз кечгача. Бирорта одам келиб қолар. Менимча, чўпоннинг уйи бўлса керак бу. Кунни билан қаер-

лардадир қўй-қўзиларини боқади-да, кечга келади. Ана ундан кейин ҳаммасини сўраймиз.

— Ока, — деди Лазиз Арслонга юзланиб, — кечгача шу ерда кутиб ўтирмақчимисиз?

— Бошқа нима қилардинг, овсар?! Ўзи санларга қўшилиб, ақлимни йўқотдим. Лекин шаҳарга боргач, алоҳида ҳисоб-китоб қиламиз.

— Ҳаддингиздан ошманг, биз ҳам ердан чиққан қўзиқорин эмасмиз, — дея томоқ қириб қўйди Лазиз.

— Сан ҳали манга патингни ташлаяпсанми? Манга-я, — дея Арслон унинг ёнига яқинлашди, — қачондан бери одам бўлиб қолдинг?

Лазиз илк бора унинг юзига тик қаради. Атрофда фақат унинг ўртоқлари. Арслоннинг бир ўзи. Нима ҳам қила оларди. Керак бўлса, шу ернинг ўзида таъзирини бериб қўяди. Кенг дала, биров кўриб ўтирибдими? Шартта гўр қазиб, кўмиб ташлашади.

— Нима бўпти? Индамаганга бошга чиқиб оласизми? — деди Лазиз иягини кўтариб.

Кўзлари олайган Арслон шу заҳоти унинг башарасига мушт туширди. Лазиз ичаверганидан, чекаверганидан қарийб жонсиз бўлиб қолганди. Гурсиллаб орқаси билан йиқилди. Шу заҳоти бурнидан қон оқа бошлади. У умид билан ўртоқларига қаради. Ҳаммаси иржайиб турибди. Бирортаси унинг ёнини олай демайди.

— Федя, — деди у жаҳл билан, — нимани пойлаяпсан?!

— Оғайни, ўзинг ҳаддингдан ошдинг. Оғзингдан чиқатган гапга сал эътиборлироқ бўлгин-да, — дея жавоб берди Федя.

— Тушундим. Қойил санга! Бир кунда башарангни очиб қўйдинг! — деди ётган жойида Лазиз.

— Манга қара, ман-чи, тўғриман. Холисман. Агар-чи, отамнинг гапи нотўғри бўлса, ман кечирмайман. Ҳозир сан ноҳақсан, нега энди санинг ёнингни олишим керак!

Аслида, бошқача эди. Лазиз ким? Шунчаки ўртоғи. Чўнтагида бир мири йўқ. Битта горкомнинг қизи билан ош-қатиқлигини ҳисобга олмаганда, ундан бирор нима умид қилиш қийин. Бундай олиб қараганда, горкомнинг эрдан чиққан қизи ҳам ҳали осмондаги нарса. У бошқани ёқтириб қолган. Шундай экан, Лазизни четга суриб қўйса ҳам бўлаве-

ради. Арслоннинг бўлса, йўли бошқа. Унинг отаси ниҳоятда бой одам. Ҳаттоки анави Москвадан келган текширувчилар ҳам унга тегинишмади. Демак, қўли жуда узоқларга бемалол етади. Ҳозир эса Арслон билан яқин бўлиб олишнинг айна вақти. Ока, ока, дейди, олам гулистон. Бу ердан кетганларидан кейин эса ҳаммаси зўр бўлиб кетади.

Арслон тиржайганча Федяга қаради-да, унинг елкасига қоқиб қўяркан:

— Лекин сан бола чакки эмас экансан. Манимча, қолганлар ҳам шундайдир, — деди.

Хамир шу заҳоти қўлини кўксига қўйиб:

— Биз ҳам ҳаминша хизматдамиз, — деди.

Лазиз додлаб юбораёзди. Лекин начора. Ҳозир қўлидан ҳеч нарса келмайди. Чидаши керак. Амаллаб шу қийинчиликдан ўтиб олсин. У ёғи горкомнинг қизи билан тил бириктириб олади. Тўғри, бунинг учун аввал йўлдан Фирдавсни олиб ташлаш керак. Ана ундан кейин атрофига бошқа болаларни йиғади-да, манави қасамхўрларнинг бурнини ерга ишқайди.

У иккала қўлини ҳам юқорига кўтарди.

— Мен таслимман, Арслон ока! Ўзингиз ақлли, тушунадиган одамсиз. Бир қошиқ қонимиздан кечасиз энди.

Арслон Лазизнинг сочидан гижимлаб тортди-да, ўрнидан турғизди. Лазизнинг жони ҳалқумига келди. Башараси бужмайди. Бироқ чидади.

— Хизматда бўласанми?! — деди унга дарғазаб Арслон.

— Бош устига...

— Бошқа иягингни кўтарадиган бўлсанг, каллангни шартта олиб ташлайман!

— Ихтиёрим ўзингизда, окам.

— Шундоқ бўлсин, — дея кўксини кериб қўйди Арслон, кейин ёнидагиларга қараб, — қанақа кўчанинг болларисанлар? Одам чанқаб кетди-ю, бу биёбонда ичишга бирон нарса топиб келмайсанларми?! — дея бақирди.

— Хўп бўлади! Ҳозир есть қиламиз! — деди шу заҳоти кўзлари чақнаб кетган Жавлон. Ахир хушомад қилишнинг айна пайти. Ҳозир очко жамғариб қолиш керак. Кейинчалик асқатади.

У югурди. Дарвозадан ичкарига кирди. Арслон эса ерга чордона қуриб ўтириб олди ва қўлини пешонасига тираб,

соябон қилди-да, узоқларга термилди. «Агар, — дея ўйлади у чуқур нафас олиб, — бизни одам қилиш ниятлари бўлса, мана шунақанги жойга бир ҳафтагина ташлаб қўйишса, дарров мулла минган эшакдай бўлиб қолардик». У ўзининг ўйига қулгиси келди. Чунки умрида бирор марта ҳам бундай хаёлга бормаганди.

Жавлон югуриб келди. Қўлида бир шиша сув.

— Хўжайин, — деди у қувонч билан, — роса омадли одам экансиз. Энг охири қолган экан. Анави бола ерга кирганми, осмонга учганми, ишқилиб, ҳеч қаерда йўқ. Оғилхоналарга, уйга, умуман, ҳамма жойга кириб чиқдим. Крандан эса бор-йўғи мана шу бир шиша сув чиқди. У юз литрлик бочкага уланган экан.

— Йўғ-э, ростданми? — деди Арслон кўзларини катта-катта очиб.

— Ўлай агар!..

Барча йигитларнинг юзида нафрат ифодаси бор эди. Илло, ҳаммасининг томоғи қуриган, ўлгудек сув ичгиси келаётганди. Бирор баҳона билан ичкарига кириб, ичиб келишни ният қилишганди. Энди сув йўқ. Бори биргина шефга, яъни Арслонга аталган.

— Ўзинг барини ичиб қўйган бўлсанг керак! — деди Ха-мирга газаб билан қараган Лазиз.

— Нималар деяпсан? Мен сенга ўхшаб пасткашмасман. Хўжайин турганда, менинг ичишимга бало борми? Бундан кўра сувсизликдан ўлиб қолай, миқ этмайман!

Унинг гаплари шунақа сохта, шунақа сохта чиқдики, ҳатто Арслон ҳам ижирғанди.

— Кўриниб турибди, — деди у ва қултуллатиб сув ича бошлади.

Ҳа, худди шундай. Жавлон аввал обдан нафсини қондирган. Сўнг иккита шишани сувга тўлдирган. Қараса, сув тугади. Боладан яна сув бор-йўқлигини билиш учун уни қидирди. Тополмади. Кейин битта шишадаги сувни яширди-да, иккинчисини олиб чиқди.

Ярим шиша сув қолди. Арслон кафтининг орқаси билан лабини артди. Сўнг худди тўйган одамдай кекириб қўйди-да:

— Ўлиб қолмаларинг, ҳамманг бир қултумдан ич. Агар етмаса, Жавлоннинг қонини ичамиз, — деди.

— Хўжайин, — деди кўзи бирдан ёшга тўлган Хамир, — мен...

— Биламан сенинг кимлигингни. Гап тамом. Энди ичкарига кириб, ёғоч-поғоч топиб келинглари-да, мана шу ерга қоқинлар. Устига эса қўйлақларингни соябон қилинглари. Иссиқ бўғиб ташлаяпти одамни. Ичкари бўлса, сассиқ. Ҳамма ёқдан таппи ҳиди келади.

Ҳаш-паш дегунча унинг айтгани бажарилди ва Арслон сояда чўзилиб, ётиб олди.

Кечга яқин уларнинг ҳаммасини очлик қийнай бошлади. Биров ётолмай қолди. Худди шу пайт Федя узоқда чанг-тўзон кўрди.

— Ана! Пода ёки сурув қайтди! — дея ҳайқирди у.

Ҳамма ўрнидан турди ва у кўрсатган томонга қаради. Дарҳақиқат, ўша адирлар томондан кўкка чанг-тўзон кўтарилмақда эди. Уларнинг ичига илиқлик кирди. Юзларида ним табассум пайдо бўлди.

— Чўпон қайтмаптими? Омон қоламиз, йигитлар! — дея ҳайқирди Арслон.

Жавлон шу заҳоти чапак чалиб юборди.

Чўпонлар каттагина сурувни ҳайдаб келишди. Улар тўртта эди. Ҳаммаси отда эди. Иккитасида милтиқ бор эди. Барининг соқоли ўсган, юзи қорайганди. Устиларидаги фуфайканинг умуман ранги кўринмасди. Шу жазирамада бари бошига телпак кийиб олганди.

— Қурай! Қурай! — дейишарди тинмай.

Арслон ва унинг йигитлари ҳайрат билан тикилиб туришди. Бир нима дейишга, бирор нима сўрашга ботинишолмасди. Ҳалигина қаҳрамон эди улар. Милтиқчиларни кўришганидан кейин дарров дамлари ичига тушди. Шунчаки қараб туришди.

Арслон охири чидамади. Федя билан Жавлонга имлади. Улар дарров тушунишди ва шу заҳоти чўпонларга ёрдам беришга тушишди.

— Қурай! Қурай! Қурай!

Улар шунча ўтириб, оғилларнинг орқа томонига бир марта ҳам ўтиб қўйишмаганди. Шу боисдан улкан кўтонни кўришмаганди. Энди кўришди. Ҳайрон қолишди. Чунки кўтонга, йўқ деганда, ўн минг қўй бемалол сиғарди. Қўйларни шу ерга қамашди. Сўнг чўпонлар отидан тушишди. Боғ-

лашди. Бошидаги телпакларини ечишиб, қўлларига уриб қоқишди. Қаердандир болакай ҳам пайдо бўлди ва чўпонлардан бирининг ёнига югуриб борди. Чўпон уни кучоқлади. Сўнг кўтариб олди.

— Ассалому алайкум! — деди Арслон чўпонлар яқинлашганида.

Болакайни кўтариб олган чўпон уни ерга қўйди. Эчки соқолини силади, ана ундан кейин дағал овозда:

— Ва алайкум, — деди ва қўлини узатиб Арслоннинг нозик бармоқларини қаттиқ сиқди. — Қалай, кайф тарқадими?! Ҳа, ўликдай бўлиб келдиларинг ўзиям!

Арслоннинг суяклари бир-бирига ишқаланиб, кўзидан ўт чиқиб кетаёзди.

— Шундай бўлиб қолди-да, — деди кейин қизариб-бўзариб ўзини оқламоқчи бўлгандек.

— Бир жигитлик қимоқчи бўгансанлар-да, — деб чўпон унинг елкасига қўлини ташлади. Шунчаки ташламади. Гурсиллатиб урди. Арслоннинг оёқлари қийшайиб кетди. — Ҳо-о, орқаларингни зўрлабсизлар-да, ҳеч балога кучи ет-маса ҳам.

Арслон бунақанги қочириқларни илгари эшитмагани боис тушунмади. Жавлон илғади. Ичидан зил кетди. Аммо унинг юзи одатдагидай тиржайиб турарди. Вазият, хўжайин ўзгараётганга ўхшайди. Энди чўпонга иржайиб-тиржайиш керакка ўхшаб турибди.

— Ака, бизни бу ерга ким олиб келди? — деди пайтдан фойдаланиб қолмоқчи бўлган Лазиз.

Шу заҳоти чўпоннинг юзи жиддийлашди. Сўнг ўша жиддий қиёфада:

— Яхши одамлар, — деб жавоб қилди.

— Лекин-чи, — дея орага қўшилди Хамир, — қўйларингиз жудаям кўп экан.

— Ҳе, менинг қўйларим эмас. Сурув яхши одамники. Болам болалик қилибди. Сенларга сув берибди. Берма, девдим. Сувсизликдан ҳамманг энангни кўришинг керак эди. Бир-бирингнинг гўштингни ейишинг керак эди.

— Ока, — деди Арслон бироз нафасини ростлаб олганидан кейин, — кўрдик. Агар озгина келмай қолганингизда, гўштимизни ҳам ердик.

— Одам бўп қопсан ҳамманг, — деб чўпон уларнинг

ёнидан ўтиб, уй томонга кета бошлади.

Улар турган жойида бир-бирига қараганча қаққайиб қолишди.

— Мараз, — деди Арслон чўпон дарвозадан ичкарига кириб кетганидан кейин, — меҳмон ҳам демайди.

— Секин ими-жимиди тўртовиниям бурнини ерга ишқайми? — дея сўз қотди Федя.

— Бекорга гўдаймаяпти. Ким бўлса ҳам ўша айтган яхши одамига ишонапти. Ундан кейин қолган учта чўпон бизнинг ёнимизга келмади, нариги томондан кетди. Менимча, бирор жойга биқиниб, ҳаракатларимизни пойлашаётган бўлишса керак, — деб бошини қашлади Лазиз.

— Гапингда жон бор, — деди Арслон, — ана, болакай ҳам қаердандир чиқиб келди. Санлар атрофни яхшилаб текширмагансанлар.

— Нима қилдик? — дея унга жавдираб қаради Жавлон.

— Қутамиз шу ерда. Чақирса, борамиз. Бўлмаса, обрўмизни тўкиб ёнига бормаймиз, — дея ерга ўтирди Арслон.

Ҳаммадан кўра унга кўпроқ алам қилаётганди. Қаёқдаги бир чўпон уни ерга урди. Устидан кулди. У бўлса, миқ этолмади. Бунга чидаш оғир.

— Ока, — деди унинг ёнига ўтирган Федя, — бир эшитганим бор. Чўлоқдан олдин шаҳарга қандайдир чўпоннинг ўғли эгалик қилган экан. Бу чўпон шундан қолганлардан биттаси эмасмикин?!

Арслон жавоб беришдан олдин дарвоза томонга қаради. Сўнг ёнига тупурди.

— Билмадим! Лекин шундай бўлганида, Чўлоқ омон қўймаган бўларди. Чунки ўша чўпоннинг боласи Чўлоқнинг ашаддий душмани саналаркан. Бургут экан лақаби. Майли, бу ёғини кўрамыз-да. Дам олишда давом этиб туринглари-чи, — дея тупроққа яна узала тушиб ётиб олди Арслон.

Чўпон уларни чақирди. Куёш ботиб, атрофга қоронғилик тушганида, чигирткалар сайрашни бошлаганида.

Арслон шериклари билан бирга боришга тайёр эди. Кун бўйи жазирама, сувсизлик қийнаган бўлса, энди ҳаво совиган, қоринлари эса очганди. Овқат ҳақидаги ҳар қандай гапга улар жон-жон деб рози бўладиган аҳволда эди. Қолаверса, бироз олдин дарвозанинг ортидан қовурилган

гўштнинг ҳиди чиққанди.

Олдинда Арслон, кейин Лазиз, сўнг бошқалар бирин-кетин дарвозадан киришди. Қовурилган гўшт ҳиди баттар иштаҳаларини қитиқлади. Ўз-ўзидан уларнинг қадами тезлашди ва бирин-кетин уйга киришди. Ўша ўзлари ҳавосини бузиб юборган уйга. Аммо ҳозир бадбўйликдан асар ҳам қолмаган, бунинг ўрнига ҳамма ёқни таом ҳиди тутиб кетганди.

Улар уйга киришди-ю, остонада таққа тўхташди. Чунки бояги чўпон тўрга ўтириб олган, олдига дастурхон ёзилган, дастурхоннинг устида бир лаган гўшт. Яна «дардисар»дан ҳам иккита шиша турибди. Бу ёғи газак, нон, чой. Йигитлар кириши билан чўпон қип-қизил бўлиб пишган катта суякли гўштан бир тишлам узиб олди ва иштаҳа билан чайнаганча, уларга қараб иржайди ҳамда шу ҳолида:

— Иштаҳам зўр, битта қўйни бир ўзим еб қўяман, — деди.

«Тешиб чиқсин», дея хаёлидан ўтказди Лазиз. Қолганлар эса қулт этиб ютинишди.

— Сенлар, — дея чайналган луқмасини ютди чўпон ва ёғ қўли билан зормандадан пиёлага қултуллашиб тўлдириб қуяркан, гапини давом эттирди, — тутқундасанлар!

— Ким айтди?! — деди қўллари мушт бўлиб тугилган Арслон.

— Яхши одамнинг одамлари! — деб пиёлани бир қўтаришда бўшатди чўпон ҳамда газак учун гўштан бир тишлади.

— Ким ўша яхши одам?! — деди баттар ғазаби қўзиган Арслон.

— Келади, кўрасан.

— Нега чақирдинг?!

Чўпон чайнашдан тўхтади-да, ёғ қўлини сочиққа артди.

— Ҳов, жўжахўроз, ёшинг нечада?! — деди сўнг чойнакка қўлини чўзаркан.

— Йигирма бешда, нимаиди?

— Мен сендан икки марта каттаман! Агар яна бир марта сенласанг, энангни учқўрғондан кўрсатаман.

— Сен...

— Тўхта, — дея унинг қўлидан ушлаб шаштидан қай-

тарди Лазиз.

Чўпон хихилаб кулди ва тишини ковлади-да, чойдан бир хўплам ичиб, пиёлани дастурхон устига қўйди. Кейин:

— Эржигит! — дея бақирди.

Эшик шу заҳоти очилди. Уйдагиларни четга суриб, бошқа бир чўпон олдинга ўтди-да:

— Лаббай, Норбой ака! — деди.

— Манави сайроқи билан ёнидагисини қолдир, қолганларини у ёққа обор, — деди Норбой чўпон.

Эржигит шу заҳоти ортига бурилиб:

— Журинглар, — дея боши билан эшик томонга имлади.

Унинг буйруғига ҳамма бирдан итоат этди. Арслоннинг эса ичидан зил кетди. «Номардлар! Лайчалар! Биз кетмай-миз, десанглар, уриб ўлдириб қўярмиди?» дея хаёлидан ўтказди.

Эшик очилиб ёпилди. Хонада Чўпон, Арслон ва Лазиз қолди.

— Нимага турибсан қоққан қозикдай, манави ерга келиб ўтир, — деди Норбой чўпон.

Арслон билан Лазиз бир-бирига қараб қўйди.

— Мени меҳмон қилолмайди, деб ўйлаганмидинг? Ит эмасман. Ўтир ёнимга!

Бу таклиф бошқача эди. Шу боис иккисига ҳам жон кирди. Қарийб югургудек бўлиб Норбой чўпон кўрсатган жойга ўтиришди.

Чўпон уларга бир-бир қараб қўйди ҳамда мийиғида кулиб:

— Олдин манавиндан кўрасанлар, — дея шишани қўлига олди.

Ўтирганларнинг ҳар икковининг ҳам юраги гупиллаб уриб кетди. Ҳар иккаласи ҳам ютоқиб-ютоқиб пиёладагини ичди. Зеро, улар чўпондан бундай такаллуфни умуман кутмаганди. Ўзи ейди, ичади, бизни томошабин қилиб қўяди, деб ўйлаганди. Лекин кутилмаганда Норбой чўпон мард чиқиб қолди.

— Энди этдан олинглар.

Лазиз додлаб юбораёзди. Ҳатто кўзидан ёш чиқишига бир баҳя қолди. У шоша-пиша энг катта бўлакка қўлини чўзди. Арслон ҳам худди шу бўлакни мўлжалга олганди.

— Ҳов! Ҳов! — деди бирдан чўпон. — Очингдан ўлган бўлсанг ҳам ҳовлиқма!

* * *

Моҳирўй машинадан тушиши билан йиқилиб кетмаслик учун эшикни ушлаб олди. «Инфаркт ёки инсулт бўлганда одам йиқилса, бирдан жони узилади», деган гапни эшитганди аёл. «Ҳозир мен шу аҳволдаман. Йиқилмаслигим керак. Болаларимнинг ҳеч қурса, биттасининг тўйини кўрай. Яна бирор куним шодмонлик билан ўтиши керак-ку!»

Моҳирўй машина эшигини қаттиқроқ ушлади. Худди шу маҳал Фирдавс етиб келди.

— Ая! Ая! Сизга нима бўлди?! — деди ва онасининг белидан кучди.

— Бошим айланяпти. Уйга тезроқ кирайлик, бироз ётсам, ўтиб кетади, — деди Моҳирўй зўрға.

Фирдавс онасини суяди. Моҳирўй оёғини судраб босди. Уй учинчи қаватда. Шундай маҳалда унинг баландлиги билиниб қолади. Лекин наилож.

— Ая, кўтариб олай, бу туришда чиқолмайсиз, — деди Фирдавс биринчи қаватга кўтарилишганидан сўнг.

— Йўқ-йўқ, болам, уят бўлади. Кўрганлар нима деб ўйлайди. Ўзим бир амаллайман, — дея ҳансираганча эътироз билдирди Моҳирўй.

— Амаллашингиз бўлмайди, — деб Фирдавс онасининг олдига чўк тушди, — бўйнимдан кучоқланг.

Фирдавс бақувват, Моҳирўй енгил эди. Шу боисдан ҳам ўғилга онасини учинчи қаватга кўтариб чиқиш муаммо туғдирмади. Фақат уйга киргазганидан сўнг онасини тушираётганида сал бўлмаса, йиқитиб қўяёзди. Яхшики, Моҳина шу ерда эди. Яхшики, у онасини ушлаб турарди. Акс ҳолда йиқитиб қўйиши ҳам ҳеч гап эмасди.

Фирдавс аясини ётқизганидан сўнг телефон ёнига югурди. «Тез ёрдам»га қўнғироқ қилди. Лекин қани эди у ёқдан гўшакни кўтара қолишса, нақ беш дақиқага яқин чақирув товуши кетди. Фирдавсга шундай туюлди. У жиғибийрон бўлди. Бир неча марта онаси ётган хона томонга қаради ва энди гўшакни жойига қўймоқчи бўлганида у ёқдан қандайдир аёлнинг эринчоқ овози келди:

— Ал-ло!.. «Тез ёрдам» эшитади!

— Опа, бунча гўшакни кўтаришларинг қийин? — деди қўллари мушт бўлиб тугилган Фирдавс.

— Ўйнаб ўтирганимиз йўқ. Гапиринг, нима шикоятингиз бор?

— Ойимнинг мазаси бўлмапти...

— Неча ёшда?

— Қирқ... Қирқдан ошган.

— Аниқроғи...

— Қирқ ёшу уч ойлик.

— Қаерда турасизлар?

Фирдавс шоша-пиша манзилни айтди.

— Ёнингда ким бор?

— Мен, синглим.

— Сиз кими бўласиз касалнинг?

— Ўғли.

— Кутинг...

Гўшак қўйилди. Қисқа товуш келди. Фирдавс онасининг ёнига югуриб борди. Пешонасига қўлини қўйди. Иссиғи йўқ. Бундан чиқди, қон босими ошган. Хўш, нима қон босимини туширади? Лимон. Лекин лимон деган нарса, бу уйга умуман кириб келмаган. Аммо куни кеча Миразиз амакиси бошқа нарсалар билан бирга лимон ҳам олиб келганди. Онаси уни паррак-паррак қилиб кесиб, столга қўйганди. Иккита параги ишлатилди. Қолгани қолди. Моҳирўй уни музлаткичга қўйган, Фирдавс буни эрталаб кўрганди.

У ўрнидан сапчиб турди ва ошхонага югурмоқчи бўлганида бирдан бошқа бир нима хаёлига келиб тўхтади. «Уни Миразиз амаки олиб келган. Аям кўрса, бирдан ўша одам ёдига тушади. Баттар босими кўтарилиши мумкин».

— Моҳина, сен сочиқни хўллаб келиб, ойимнинг пешонасига қўй, мен дорихонага чиқиб келаман, — деди у синглисига. Ҳамда энди ортига бурилган эди ҳамки, эшик тақиллади. Фирдавс шоша-пиша очди. Қаршисида бир одам турибди. Пешонаси тиришган, кўзи олайган.

— Сизга нима керак? — деди Фирдавс унинг совуқдан-совуқ башарасига қараб.

— Шу йўл билан секингина суриб қолмоқчимидинглар!? — деди эркак дағдаға қилиб.

— Тушунмадим сизни?! Ким, қаерга суриб қолади? —

дея ҳайрон бўлди Фирдавс.

— Анави ўзини касалликка солган хотин шу уйга кирдими? Машинадан тушар-тушмас югуриб келиб, суягандинг-ку?!

— Ҳа. Менинг аям. Нима қилибди? — энсаси қотди Фирдавсинг.

— Таксининг пулини бермайсанларми?! Ёки бу ёғи фирибгарликми?

— Оғзингизга қараб гапиринг, амаки. Кўрдингиз аҳволини. Шунга дарров ҳар нарса деяверманг. Қанча бўлади такси пулингиз?

— Ўн сўм! — деди ҳайдовчи белига қўлини қўйиб.

— Ўн сўм?! Ҳозир, — дея Фирдавс ўгирилди-ю тўхтади, сўнг яна ҳайдовчига юзланди, — ўн сўм дедингизми? Аям бутун шаҳарни айланиб чиқмагандир. Нега энди ўн сўм бўлади?

— Олиб бориш, қайтариб келиш, кутиш. Сенга нима, майнабозчиликми? Бор, олиб кел пулимни! — ўдағайлади ҳайдовчи.

Фирдавс ўзини босиб туrolмади. Бирдан ҳайдовчининг ёқасидан олиб:

— Тилингизга эрк берманг. Бор-йўғи ўн сўм экан, — деди ва эркакнинг ёқасини қўйиб юборди-да, ичкарига кириб кетди.

Ўзининг пули бор эди. Ўн икки сўм. Шунинг ўн сўмини олиб чиқиб берди ва эшикни ёпди.

Ҳайдовчи ўзида йўқ хурсанд эди. Хурсанд бўлмасинми? Машина ҳисоблагичи бир сўм-у олтмиш тийинни кўрсатган бир пайтда, у ўн сўм олди. Зўр-ку, зўр! Фақат инсоф деган нарса бутунлай бошқа томонга кетди. Инсоф деган нарса бу одамга умуман бегона. Унинг шиори шундай: «Отам машинага минса ҳам пулини оламан. Тамом!» Лекин у ҳозирги эга чиққан пули унга мутлақо буюрмаслигини билмасди. Керак бўлса, юз баробар бўлиб чиқиб кетишидан беҳабар эди...

Фирдавс эшик ёнида бир муддат турди. Кўзини юмиб, қўлларини мушт қилиб тугди. Чуқур-чуқур нафас олди. Шундан кейингина хонасига кириб, шимининг чўнтагига қўлини тикди-да, қолган икки сўмни олди.

Дорихона унчалик ҳам узоқ эмас. Ярим бекатча нарида.

Югурса, беш дақиқада етади.

У йўлакдан ташқарига ўқдай отилиб чиқди ва янада қадамини тезлатди. Бироқ яна секинлатишига тўғри келди. Чунки унча узоқ бўлмаган масофада одамлар тўпланиб туришарди. Қизиқиши устун келиб борди. Икки киши ёқаллашиб турибди. Улардан бири ҳалиги такси ҳайдовчиси эди. У машинасида «Газ 24»нинг нақ биқинидан урган экан. «Худонинг қаҳрини келтириш яхши эмас», дея кўнглидан ўтказди йигит.

Фирдавс бор-йўғи йигирма тийинга дори сотиб олди ва келиб онасига ичирди. Моҳирўйнинг бирдан кўзи равшанлашди. Бош оғриғи йўқолиб, ўрнидан турди. Ана шундан кейингина «Тез ёрдам»дагилар келишди. Моҳирўйнинг қон босимини ўлчашди. «Сал баланд экан. Шунга шунчами? Одам бироз босиқроқ бўлади-да. Арзимаган нарса учун «Тез ёрдам»ни безовта қилаверасизларми? Ҳозир бошқа бир жойда оғир касал чиқиб қолса-чи?! Етиб боролмаганимиздан ўлса-чи», дея роса минғир-минғир қилди дўхтир.

Кетар чоғи Фирдавс унинг чўнтагига синглисидан уч сўм олиб, солиб қўйди. Дўхтир керакмас-керакмас дейди-ю, чўнтагини очиб турибди. Фирдавснинг бир кулгиси қистаса, бир жаҳли чиқади. Аммо начора?! Ким қаерлардан овора бўлиб келган. Бунинг устига бола-чақаси бўлса керак. Қуруқ ойлик билан «жўжалари»нинг қорнини тўйғазиб бўлармиди? Фирдавснинг бергани дўхтирга ёқмади. Лекин йўқдан кўра, шу ҳам ҳарна.

Ҳамма ёқ тинчиганидан кейин Фирдавс хонасига кирди. Ўзини сим каравотга ташлаб, ўйлади: «Нималар бўляпти ўзи? Миразиз амаким... Йўқ, боягина, ҳа, эрталаб умуман бошқача фикрга келгандим».

У ўрнидан туриб, телефонни олди-да, ўз хонасига кирди. Эшикни ёпиб, рақам терди. Нариги томондан дарров гўшак кўтарилди ҳамда қиз боланинг нозик, шўх, эрка овози келди.

— Мени танимайсиз? — деди Фирдавс салом-алик ҳам қилмасдан.

— Нега энди танимас эканман?! Кўнғироқ қилишингизни интизорлик билан кутсам-у, овозингизни эсимдан чиқазиб қўяманми, Фирдавс акажоним! — деди қизгина.

Фирдавс бошини сарак-сарак қилди. «Қиз бола деган

сал уялган, сал у ёқ-бу ёқни ўйлаб гапирадиган бўлмай-дими? Оғзига нима келса «қўйиб» юбораверадими», дея кўнглидан ўтказди-да:

— Мени уялтириб қўйдингиз? — деди.

— Вой, Худога шукр. Ишқилиб, тўғри ўзингизнинг қўлингизга тегдими? Синглингизми, онангизми топиб олса, нима бўлади, дея хавотирда эдим. Улар сизга айтишмаганида жуда ғалати бўларди-да.

Фирдавснинг бошига биров гурзи билан ургандай бўлди. Фижинди.

— Лекин йигит кишининг уйига пул ташлаб кетиш одамни ноқулай аҳволга солади-да, — деди амаллаб аламини ичига ютаркан.

— Йўқ. Замонавий ҳаётда бунақанги нарсалар бўлмаслиги керак. Мен сизни шунчаки тушундим. Харажатларингизнинг ҳам анчалигидан хабарим бор.

— Қанақа харажат экан? — дея ҳайрон бўлди Фирдавс.

— Кеча сизга тўймай орқангиздан боргандим. Кутилмаганда адажонни сал бошқачароқ аҳволда кўрдим...

Бирдан Фирдавснинг юзидан иситмаси чиқиб кетди. У беихтиёр ўрнидан турди. Кўз ўнгидан дадасининг ҳаммоллик қилаётгани ўтди. Оёғининг учигача титради. Қулоғи шанғиллади. Қизнинг қолган гапларини умуман эшитмади.

— Ҳозир, ҳозир. Сиз билан кўришайлик. Бир соат ичида. «Чароғон» қаҳвахонасида, — деди.

— Хўп бўлади. Фақат қаҳвахона менга ёқмайди. Ресторанда ўтиришни яхши кўраман. Ўша жойда кўришамиз. Кейин бошқа ёққа кетамиз, майлими?

— Бўпти.

Фирдавс пешонасидаги терни ғазаб билан артди. «Мен сенга пул ташлаб кетишни, бировларни камситишни кўрсатиб қўяман. Отанг горком бўлса, ҳамма нарса мумкин, деб ўйлайсанми? Чучварани хом санабсан. Агар тавбанга таянтирмасам исмимни бошқа қўяман», дея хаёлидан ўтказди ва телефон билан шошилганча хонасидан чиқди. Йўлақда синглиси турган экан. Савол назари билан қаради.

— Мен дарров келаман. Асқар билан қиладиган ишларим бор эди, — деди унга ва телефонни жойига қўйиб, эшик томонга йўналди.

Таксида юришга унинг пули озлик қиларди. Шунинг учун

ҳам мажбуран автобус бекатига борди.

* * *

Комил баттар башарасини тириштирди. Тортиниш, уялиш деган нарсалар унга бегона эди. Умуман, оиласида шундай тарбия топган. Кўнглига келганини бемалол гапираверади ва бунинг учун ҳеч қачон ноқулай аҳволга тушмайди, афсусланмайди.

— Шунақами? Эҳтимол, менда ишинг бордир?! — деди газаб отини жиловлаган Миразиз.

— Йўқ. Қизингизда...

— Ҳов, тутуриқсиз, бузуқ башарангнинг янаям бузилишини хоҳлайсанми?! — деди Миразиз Комилнинг билагидан ушлаб сиқаркан.

Комилнинг ранги гезарди. Киприклари пирпираб Миразизга қаради.

— Ҳозироқ қорангни ўчир. Агар яна бир марта эшигининг тагида кўрадиган бўлсам, бўлиб ташлайман, тушундингми? Бўламан! Отангнинг кимлиги мен учун икки пул! — деб у куёв бўлиш иштиёқида келган йигитнинг қўлини қўйиб юборди.

Комил тутқунликдан қутулиб чиққан шоқолдай олдиорқасига қарамасдан қочди.

— Садқаи йигит кет, — деди Комилнинг ортидан қараб қолган Миразиз, — сендақага қизимни берганимдан кўра, уни бир умр уйимда сақлаганим минг марта афзал.

Миразиз эшик кўнғироғини босиб ўтирмади. Ўзининг калити билан очди. Сўнг уйга кирди. Юраги бетламаётганди, сира киргиси келмаётганди. Бироқ нима қилсин? Уйи кириши керак. Хотини билан гаплашмаса ҳам бироз ётиши, дам олиши лозим. Мажлис уни эзиб ташлагани камлик қилгандай эшигининг тагида анави сўхтаси совуқни учратиши дард устига чипқон бўлди.

Ҳовлида ҳеч ким йўқ эди. Умуман, уйда биров борлиги билинмайди. Ҳамма ёқ жим-жит. «Мавзуна дарсга кетган, хоним эса чўзилиб ётган бўлса керак», деб ўйлади у. Эшик ёнига бориб, энгашганча туфлисини ечаётганида ичкаридан оёқ товуши эшитилди. «Ётмаган экан-да. Ётишга роса тўйган бўлса керак», кўнглидан ўтказди Миразиз ва қаддини ростлаган эди ҳамки, эшик очилди. Рўпарасида хотини пайдо бўлди. Унинг юзи докадай оқарган, лаблари

титрарди.

— Ҳмм, тинчликми? — деди Миразиз.

— Тинчликми-йўқлигини сиздан сўраймиз-да! — дея кесатди Рухшона.

— Яна нима?! — деб оёғи билан туфлисини еча бошлади Миразиз.

— Манави нима?! — деди бирдан Рухшона бир даста пулни эрининг тумшуғининг тагига келтириб.

— Нима деб ўйлайсан? — хотинининг қилиғидан газаби кўзиса-да, ўзини босди Миразиз.

— Пул!..

— Биларкансан-ку, яна нега мендан сўраяпсан?

— Кимнинг кўнглини олмоқчи бўлдингиз?

— Тушунмадим?!

— Кимнинг кўнглини олмоқчи бўлдингиз, деяпм-а-а-ан?! — қичқирди Рухшона.

— Бўқирма! Овозингни ўчир-да, ичкарига кир! — деди кўзи олайиб кетган Миразиз.

— Қилиб юрган ишингизни бошқалар эшитмасин деяпсиз-да, тўғрими?! — баттар овозига зўр берди Рухшона.

Миразиз аёлининг бақаришига чидолмади ва ўзи истамаган ҳолда хотинининг юзига шапалоқ тортиб юборди. Турмуш қургани бери биринчи марта.

Зарба қаттиқ бўлди. Аёл бундай бўлишини кутмаганди. Шу боис сал қолса, эшикнинг рошига бошини уриб олаёзди.

Аёл қўллари қалтираганча кафтини юзига қўйди.

— Ҳали сиз шу даражага етдингизми?! Ҳали...

— Кир, деяпман! — дея Рухшонани очиқ эшикдан ичкарига итарди Миразиз.

— Бўлди, ҳаммаси тамом! Ўзи илгаридан билиб юрган-дим. Сизгандим! Бекорга серқатнов бўлиб қолмагандингиз!..

— Ҳов! — деди Миразиз ортидан эшикни ёпаркан, — нималар деб валдираяпсан ўзингдан-ўзинг?!

— Менинг гапарим валдираш бўлиб қолдими энди?! Тўғри, тўғри. Уникининг олдида валдираш сиз учун! — дея кўзидан ёш оққизди Рухшона.

— Мен сенга айтяпман, ўзингдан кетма! — бақирди Миразиз.

— Унда манави пулларни нега ташлаб келдингиз?! —

дея эридан ошириб чинқирди Рухшона.

— Қанақа пул? Қаерга ташлаб келаман?!

— Қаерга?! Эсингиздан чиқиб қолдими қаерга ташлаб келганингиз?!

— Қонимга ташна қилма! Бир ёқли қилиб қўяман ҳозир. Минг йилга қамалсам қамалай, лекин сени аввал гўрга тиқаман. Гапир. Қаерга пул ташлайман, нега ташлайман?!

— Моҳирўйнинг уйига! Келиб, ўз қўли билан бериб кетди! Ер ёрилмади, кириб кетмадим! Унинг гапларига илон пўст ташлайди!

Миразиз дами чиққан пуфакдай бирдан бўшашди.

— Моҳирўй?.. Мен уларникига пул ташлабманми? Кетаётганимда чўнтагимда эллик сўмим бор эди. У-бу нарса сотиб олдим. Кейин аниқ биламан, ўн икки сўм-у етмиш тийин қолди. Шундай экан, бировникига ташлаб келиш учун шунча пулни қаердан оламан?!

— Ҳа-а-а, ана, кўрдингизми? Моҳирўйнинг исмини эшитишингиз билан дарров ўзгардингиз. Бир балоси бўлма-са, шудгорда қуйруқ на қилур. Нима дедингиз?! Балки, қизингизни шу пастларнинг боласига беришдан мақсадингиз бошқадир! Қиз баҳона дийдор ғанимат! — дея эрига еб қўйгудек тикилди Рухшона.

— Нима?! Нима дединг?! Яна бир марта такрорла! — дея хотинининг устига бостириб кела бошлади Миразиз.

Рухшона ортига чекинди. Илло, эри билан бирга ўлим шарпаси унга яқинлашаётгандай туюлди. Даҳшат. Эри ҳозир ўлдирадими уни?! Бор-йўғи «Хаёлинг Моҳирўйда» дегани учун-а?!

— Дадаси, — деди Рухшона шу заҳоти тиз чўкиб, — шайтон мени йўлдан оздирди! Шайтоннинг гапига кириб қўйдим!..

— Шайтон?! Сен шайтонни йўлдан оздиришинг мумкин, сен! — бақирди Миразиз ва деворни муштлади.

— А-а-а-а!!! — дея чинқириб юборди Рухшона ва бошини қўллари билан беркитганча ялинди, — раҳм қилинг! Раҳм қилинг!

Миразиз кўзларини чирт юмди. Тишини бир-бирига шунақанги қаттиқ босдики, гичирлаган товуш эшитилди.

— Қизимиз ҳақи-хурмати! Раҳм қилинг! — давом этди Рухшона.

Миразиз ортига бурилди. Тез-тез юриб ошхонага кирди. Қолгани беихтиёр содир этилди. У қўлига илинган нарса-ни тўғри келган томонга улоқтира бошлади. Пиёлалар, чойнаклар, косалар бирин-кетин жаранглаб синаверди. Ҳар синганида, Рухшона сакраб тушаверди. Охири Миразиз музлаткичнинг ёнига бориб, жаҳл билан эшикни очди. Кўзи шишага тушди. Шишани олиб, очди ва шу турган жойида кулқуллатиб ичидагини юта бошлади. Илгари шиша очилмаганди. Бир ойча бурун келтириб қўйилганича турганди. Миразиз эса бир томчи ҳам қолдирмади. Сўнг шишани ҳам деворга уриб чил-чил синдирди-да, қаддини ростлади. Юзини шифтга қаратди. Иржайди ва шу туришида орқаси билан гурсиллаб қулади.

Рухшона бу сафар сакраб тушди. Кўзлари олайганча ошхона томонга қараркан, қўйлагининг ёқасига туфлади.

— Эй, Худо! Эй, Худо, нималар бўляпти ўзи?! — дея секин қўрқа-писа товуш чиққан томонга бир-икки қадам босди.

Тўхтади.

— Эй, Худо! Эримга нима бўлди?! Ўлиб қолдимми?! Ўзини бирор нима қилиб қўйдими?! Энди нима қиламан! Нима қиламан энди?!

Шундай дея аёл ошхонага югурди. Эшикни очганча не кўз билан кўрсинки, эри ўртада узала тушиб ётибди. Ҳамма ёқда идишларнинг синиқлари. Оёқ босгулик жой йўқ.

— Миразиз ака! Сизга нима бўлди?! Нега бунчалик юрагингизга яқин олдингиз?! Мен шунчаки рашкимни кўрсатиб қўймоқчи эдим. Бунчаликка боради, деб ўйламагандим! — деди Рухшона ва оёғи билан идишларнинг синиқларини четга суриб, Миразизнинг ёнига борди-да, ўтириб эрининг бошини тиззасига олди. Шунда Миразиз нималардир деб гўлдиради. Ароқ ҳиди келди унинг оғзидан.

— Уфф! Худога шукр, мен юрагингизга бирор нима бўлдимикин, деб қўрқиб кетдим. Ҳозир, ҳозир мен сизга қатиқ ичираман. Қатиқ ичингизни ювади. Ёрдами тегади! — дея аёл эрининг бошини яна гилам устига қўйиб, ўрнидан турди.

У музлаткичдаги бус-бутун шиша йўқлигини кўрди. «Ҳаммасини ичибди. Ишқилиб зўрлик қилмасин», дея кўнглидан ўтказди.

Эшик қўнғироғи чалинганда Рухшона энди Миразизнинг оғзидан қатиқ қуяётганди. Бирдан чўчиб тушди.

— Мавзуна бўлса керак! — деди ўзига-ўзи, — дадасининг шу аҳволда ётганини кўрса, юраги ёрилади! Ҳозир, ҳозир қизим, сени магазинга жўнатаман. Келгунингча дадангни бир амаллаб ётоққа олиб кираман!

Аёл шоша-пиша ошхонадан чиқди-да, уй йўлагида сочилиб ётган пулларни териб олди. Бу ўша пуллар эди. Бошига кулфат келтирган пуллар.

Рухшона дарвоза ёнигача югуриб борди, аммо дарров очолмади. Қўли қалтирайверди. Ичида айтиши керак бўлган гапларни бир неча марта такрорлади. Чуқур-чуқур нафас олди. Кейин дарвозанинг кичик табақасини очди ва бирдан кўзи косасидан чиққудек олайди. Ахир қўнғироқнинг тугмачасини босаётган Фирдавс экан-да.

— Ҳа-а-а!!! Энди сен келдингми?! — дея бирдан бақириб юборди Рухшона.

— Хола... Хола... — деди довдираб қолган Фирдавс.

— Мен сенинг гўрдан чиққан холангманми?! Ма! — дея аёл чўнтагида турган пулларни Фирдавснинг юзига отди-да, дарвозани қарсиллатиб ёпди. Сўнг шарақ-шуруқ қилиб дарвозани қулфлади ва ошхонага югурди. Худди биров келиб қоладигандай. Жиноят устида қўлга туширадигандай шоша-пиша шиша синиқлари-ю, чинни идишларининг майдаланганларини йиғиштириб, ахлат челака ташлади. Ана ундан кейин эрини елкасидан, костюмидан ушлаб, амаллаб ётоқхонагача судраб борди. Жиққа терга ботди. Пешонаси-ю, бўйнининг терини артди. Сўнг Миразизни икки кишилик қаравотнинг устига чиқарди. У эрини бунчалик оғир деб ўйламаганди. Жуда қийин бўлди. «Одам шунчалик ҳам бўладими, семириб ётган экан-да шу пайтгача», дея хаёлидан ўтказди.

Миразиз пишиллаб нафас олар, аммо кўзини очмасди.

Ишини охирлатиб бўлган Рухшона мийиғида кулди. Энди аёлнинг ичига шайтон кириб олганди. «Қара, боягина аямасдан юзингга шапалоқ тортиб юборганди. Яна ўлдириш ниятида устингга бостириб келганди. Сал бўлмаса, ўлдирадди ҳам. Нияти ёмон-да. Ана ундан сўнг Моҳирўйга қилажак хушомадини ўйла. Достон? У ким бўлибди? Йўлини қилиб осонгина «жойини солади». Лекин жазоланмайди.

Худди сени ўлдирганидан сўнг осонгина четда қолгандай. Хўш, нима қилиш керак? Битта йўли бор. Ана пар ёстиқ, шундай оғзидан босасан, икки дақиқага қолмасдан жони узилади»...

* * *

Фирдавсни ток ургандай бўлди. У қотиб қолди. Ҳеч нар- сани тушунмади. Нега бу аёл лом-мим демасдан унинг юзига пул билан урди. Бунинг ўрнига битта шапалоқ ту- ширса бўлмасмиди?.. «Аям билан ораларида жиддий бир нарса бўлганга ўхшайди. Бориб ишимни битирай, ана ун- дан сўнг ҳаммасини жой-жойига қўяман. Ўзи ўша пулни бекор аямга берган эканман», деб ўйлади Фирдавс ва бе- кат томонга югурди. Бекат унақа узоқда эмас. Лекин ҳозир жудаям олисдай туюлди. Ҳалигина жуда тез келиб қўйган- ди. Хоҳлаб-хоҳламай келганди. Миразиз амакиси, Мавзуна дарвозадан чиқишидан чўчиб келганди. Кўнглидагидай бўлди. Аммо бутунлай бошқача.

Мана бекат. Бирорта ҳам одам йўқ. Бу автобус келиб- кетганидан далолат. Эндигиси қачон келади, Худо билади.

Фирдавс тоқатсизланиб, бекат бўйлаб у ёқдан-бу ёққа бориб келаверди. Горкомнинг қизи билан телефонда гап- лашганидан сўнг унга айтажак сўзларини режалаштириб қўйганди. Энди ҳаммаси тумандай тарқаб кетди. Хаёлида тиклаш учун қанча уринмасин, жўяли фикр келмаяпти. Чақиб, чақиб олиши керакки, у бетайин қиз бир умрга эслаб юрсин. Лекин ўша чақадиган сўзларни тополмаяпти. «Бўлди, индамайман, шундай пулини олдига ташлайман- у кетаман», деган қарорга келди охири. Аммо бунинг учун эртароқ автобус келиши керак. У миниши керак... Анали ярамас таксичи «қўпориб» кетмаганида ҳозир бирорта ма- шинани тўхтатиб, манзилга олиб боришни илтимос қилар- ди. Энди эса чўнтаги қуп-қуруқ. Қуп-қуруқ чўнтак билан машинага миниш эса навбатдаги ишқалнинг калитидир.

Ниҳоят, кутилган автобус келди. Тўхтади. Тўла экан. Шун- га қарамасдан, Фирдавс бир амаллаб минди. Ундан кейин эшик зўрға ёпилди.

Қаҳвахона олдида, йўл ёқасида биттагина машина ту- рарди. «Жигули». Оппоқ. Ялтиллайди. Бир қарашдаёқ одам- ни ўзига ром этади. Янги дейсиз. Аслидаям шундай. Сотиб олинганига бир ой ҳам бўлмаган. Горкомнинг Бозорбой

исмли тоғасининг номига. Лекин Фирдавс машина қизга тегишли эканини билмайди. Умуман, у машинага эътибор ҳам бермади. Тўғри қаҳвахонага кирди. Юз кишилик залда биргина уни кутаётган қиз ўтирибди. Қип-қизил кўйлақда. Бошидаги шляпа алламбало. Қизил рангда. У Фирдавсни кўриши билан ўрнидан турди.

— Бу ерни манави қандилларга ўрнатилган чироқлар, ойнадан тушиб турган куёш нури ёритмаяпти. Фақат гўзалликда тенгсиз маликанинг нури чароғон этган. Ҳеч ким йўқ бу ерда. Чунки биров киролмайди. Кўзи қамашади. Маликанинг сержило, сеҳрли нурлари кирган одамнинг кўз гавҳарини тортиб олади...

— Ура! — деди қиз Фирдавснинг гапларини охиригача эшитмай, чапак чаларкан, — романтика!

— Манави ёқда ошхона бор, — деб Фирдавс ўнг тарафидаги эшикни кўрсатди, — у ерда чучвара пиширишади. Лекин ошпазлар ҳозир ҳеч нарса пиширмаяпти. Улар деразани ланг очиб, бошини ташқарига чиқариб олишган. Хизмат қиладиган официантлар ҳам. Чунки залда ўтирган хонимнинг шуъласи уларни кўр қилиб қўяди! Керак бўлса, куйдириб кулга айлантиради.

— Кутганимдан ҳам ортиқ. Мен бу сўзларингиз олдида бошимни эгаман! Сиз мени асир этдингиз! — дея ҳайқирди қиз.

Фирдавс қизнинг ёнига борди.

— Лекин чучварани пиширмай тўғри қилишган. Чунки ҳисоби нотўғри чиқади, нега биласизми, хоним?! — дея Фирдавс қизга еб қўйгудек тикилди.

Горкомнинг эркатойи йигитнинг кўзларидаги қаҳрни кўриб ажабланди.

— Биласиз сабабини. Мени чув туширишмасин, деган хаёлда хомлигида санаб қўйгансиз. Аммо пишганидан кейин санаш керак эди! — дея Фирдавс чўнтагига қўлини тикди-да, бир даста пул чиқариб, қизнинг юзига қадади. — Манави сен ташлаб кетган пуллар! Агар шу ишни яна қиладиган бўлсанг, соғ қўймайман! Горком тугул, ундан каттасининг эркаси бўлсанг ҳам! Тушундингми?!

Фирдавс ортига бурилди-ю, шахдам қадам ташлаб, чиқиб кетди.

— Мен... Мен сизни...

Эшик қарсиллади. Қиз чўчиб тушди ва пулларни ташлаб юборди-да, кафти билан юзини беркитганча ўкириб йиғлади.

— А-а-а!!! Мен сени деб шундай қилгандим! Отанг хорзор бўлиб юрмасин дегандим! Бировларнинг мардикори бўлмасин дегандим! — дея чинқирди қиз. — Сен бўлсанг, сен бўлсанг устимдан кулдинг! Сен мени шарманда қилдинг! Пасткаш!.. Ким бо-о-о-р!..

Қизнинг бақирганини эшитган учта официант залга югуриб чиққан эди. Улар ҳайрон бўлиб туришарди.

— Тинчликми? — деди улардан биттаси қизнинг ёнига югуриб келиб.

Эрка қизнинг калласи қалтираб унга қаради.

— Тортни ахлатга ташла. Нима егулик-ичгуликларинг бўлса, ҳаммасини бу ёққа олиб кел. Телефон ҳам келтир! Бўл тез! — деди қиз унга.

Официантнинг кўзи сочилиб ётган пулларда эди. Ҳозир қиз ўзи билан ўзи овора, шу баҳонада озроғини олиб, чўнтагига тиқиб олса, тешиб чиқмайди.

У нарироқда қоққан қозикдай турган шерикларига тезроқ қизнинг айтганини бажаришни буюрди ва ўзи соҳибжамолнинг елкасидан тутди. Бундай пайтда қиз зоти, айнақса, мана бунақа олифта, ўзига оро берадиганлар бировнинг юпатишига, меҳрига зор бўлишини у яхши биларди. Пайтдан фойдаланиш керак.

— Мен унинг учун нималар қилмадим?! — деди горкомнинг эркаси официантнинг кўксига бошини қўйиб, — у эса устимдан кулиб кетди! Ўзи бечора бола. Бир тийини йўқ, қурумсоқ! Мен обрўмни тўкиб...

— Сиқилманг, ҳаммаси яхши бўлади. Унақалар ўзи одаммас. Худо бекордан бекорга гадо қилиб яратмаган, — деб официант қизни секин стулга ўтқазди. Шу баҳонада столнинг устида ётган иккита юзталиқни чўнтагига тиқишга улгурди.

— Боринг, менга телефон олиб келинг, — деди қиз йиғи овозида.

— Телефонни бу ёққача олиб келиб бўлмайди, яхшиси, юринг.

Қиз кассанинг орқа тарафидаги оқиш рангли телефондан Лазизга қўнғироқ қилди. Аммо қўнғироғига ҳеч ким

жавоб бермади.

— Мана шундай оғир пайтларда топиб бўлмайди ит эмганларни! — қичқирди қиз ва келиб яна жойига ўтирди. Қараса, пуллар ерда сочилиб ётибди. Официантларни чақирди. Пулларини териб беришларини илтимос қилди.

Пул яна юз сўмга камайди.

«Мен буни шунчаки ташлаб қўймайман. Фирдавсни тиз чўктираман. Оёқларимни ялашга мажбур эгаман», дея хаёлидан ўтказди қиз.

* * *

— Норбой ока! — деди Арслон оғзидаги луқмасини чайнаш асносида, — ўлай агар, очликдан чўзилиб қолгандик. Сиз зўр одамсиз! Лекин суякларни қолдирамыз!

— Нима дединг? — деди бирдан пешонаси тиришган Норбой чўпон. — Суякларни қолдирамыз, дедингми? Кимга, менгами?!

— Йўғ-э, еёлмаймыз, демоқчиман, тишимиз ўтмайди, окахон! — дея ҳиринглаб кулди Арслон.

— Унда коса билан ичасан! Бир косани тўлдириб бераман, ичасан! — деди ғазаб билан Норбой чўпон.

— Сиз нима десангиз шу. Челақлаб ичасан, десангиз, уни ҳам қиламан.

— Яна бошқа нарса бор! Яхши одам — ока келади, ҳадемай. У билан гаплашишинг керак. Тагин ўликдай чўзилиб қолсанг, сени ҳақиқатан ҳам, гўрга тикади.

Арслон бирдан жиддий тортди-да, Лазизга қаради. Кейин деди:

— Унда бир қошиқ қонимдан кечинг. Аввал гаплашиб олай, ундан кейин нима десангиз бажараман. Фақат яхши одамнинг кимлигини айтмаяпсиз-да.

— Келсин, ўзинг таниб оласан.

Арслоннинг иштаҳаси бўғилди. Ҳали тўймаганди. Анчамунча гўшт ейиши керак эди. Бироқ томоғидан ҳеч нарса ўтмай қолди. Лазиз эса тиним билмаяпти. Ҳали оғзидагини чайнаб ютмасидан, худди биров ундан олдин лагандаги гўштнинг ҳаммасини оладигандай бошқа бўлакни қўлига олади.

Ниҳоят, Лазизнинг ҳам нафси ором топди. Қани энди тўқ қоринга битта тутатса, жойига борарди-да. Бироқ йўқ. Норбой чўпон носкаш экан. Бундан чиқди, унда ҳам

бўлмайди.

— Биз ҳам бир тилнинг тагига ташлаб, ҳалигидай қилайлик, — дея ўшшайиб чўпонга қаради Лазиз.

— Илгари ҳалигидай қилганмидинг? — деб бурнини тортиб қўйди чўпон.

— Бўлмаган. Лекин...

— Лекин-пекини йўқ, — дея Лазизнинг гапини бўлди чўпон, — аввал чакиб юрмаган бўлсанг, ҳалигидай бўлиб қоласан. Бунинг устига, кўзинг чиққудек ичдинг.

— Бир чимдим, ока. Шу билан ҳеч нарса қилмас, — деди Лазиз қовоғини осилтириб.

— Ҳеч нарса қилмайди, аммо энангни кўрасан. Шунинг учун хўжайин келгунича боси-иб ўтир!

— Чида, — дея гапга аралашди Арслон ҳам, — ўлмайсан.

* * *

Нормат чўлоқ шаҳар ташқарисида ўзи қурдирган саунада айшу ишратда эди. Шу саунани қурдирганига беш йил бўлди. Россияга — Краснодар ўлкасига борганди виносини сотгани. Сотолмади. У ёқдагилар уни сариқ чақага ҳам олишмади. «Сен «КП»га ишлайсан», дейишди. «Биринчи секретарнинг югурдагисан», дейишди. «Бир келдинг, қайтиб қорангни кўрсатма», дейишди. «Азбаройи ўзимизнинг крайкомимизнинг ҳурмати жонингни олмадик», дейишди. Чўлоқ мулзам бўлди. Шотирларига: «Яхши битта жой топинглар, бир-икки кун заҳар-заққумни чиқариб ташламансам, расво бўламан», деди. Шунда уни саунага олиб боришди. Чўлоққа ёқди. Роса чўмилди. Бильярд ўйнади. Нозик-нозик бармоқларга баданини силатди. Сўнг ортига қайтиб келди-да, шаҳар четидан ер олиб, сауна қурдирди. Илгари ҳам бунақанги типдаги ҳаммомлар бор эди. Бироқ унга ёқмасди. Қандайдир бошқачасини кўнгли тусаганди ва ўзи истагандай қилиб қурдирди. Эндиликда бу сауна унинг энг ёқтирган масканига айланди. Ҳафтада камида икки марта келади. Икки-учта шотирларини ёнига олади. Маззада, уларнинг устидан кулиб ўтиради. Бу ёғи нозик бармоқлилар ҳам унинг «меҳмони» бўлишади.

Шундай қилиб Нормат чўлоқ айни ишратининг авжида хабар келди. Хабарчи обрў олишни ҳамма нарсадан устун қўйгувчи Баха эди.

— Хўжайин, Хамелеоннинг ўгли ресторанда ўтирволиб, номингизга ҳар хил бўлмағур гапларни қиляпти. Ўзича шайка тузиб олибди. «Яқин кунларда Чўлоқни бу оёғидан ҳам айираман», деяётган экан. Отасининг пуллари обдан шишираётганга ўхшайди. Яна балки, таълим ҳам олгандир. «Болам, кўчанинг эгаси ўзинг бўласан», деган бўлса керак, — деди.

— Пул қутуртиргани ростдир. Лекин унинг отаси бошқача одам. Бир марта дон чўқиганида юз марта атрофга қарайди. Эҳтиёткорнинг эҳтиёткори. Болларинга айт, ичадиганига «ширин» нарсалардан қўшсин, кейин чўпонникига олиб бориб ташланглар, эртага сурувни кўргани бораман. Энди мени безовта қилма. Онангни уч кўрғонидан кўрса-таман, — деди Нормат чўлоқ Бахага жавобан.

— Хўп бўлади! — деди Баха қўлларини кўксига қўйиб, икки букиларкан.

Кетди у. Ресторанга бориб шундоғам кайфи ошиб қолган Арслон ва унинг ҳамтовоқларини обдан сийлади. Қараб-сизки, ҳаммаси бирин-кетин «қийшайди».

Баханинг оғзи қулоғида эди. Чунки ишни бундай осон ва силлиққина бажараман деб ўйламаганди. Албатта, жўжахўрозларнинг бирортаси ақлини йўқотмай ёки у берган дорини ичмай хушёр бўлганида ва қаршилиқ кўрсатганида ҳам «жойини» соларди. Бахтига бундай бўлмади ва у учгудек бўлиб Нормат чўлоқнинг ёнига борди. Чўлоқ обдан дам олиб бўлган ва уйига кетишга чоғланиб турган экан.

— Шеф, айтганингиздан ҳам «чоткий» қилдим. Чўпонникига жўнатдим, — деди Баха.

Чўлоқ унинг кўксига мушти билан энгилгина ураркан:

— Шу кетишингда бир кун одам бўлиб қоларсан, энди киргин-да, ойимчаларнинг дардини эшит. Тонгга яқин қўйиб юбор. Яна пасткашлиқ қилиб пулдан қисма. Хизматни дўндиришди. Лекин энди, эскиришди. Эртага пешиндан кейин йўлга тушамиз, — деб қоп-қора «Газ 24»нинг орқа ўриндигига ўтирди.

* * *

— Шеф келяпти, — деди чўпонлардан бири кириб.

Норбой чўпон ўрнидан сапчиб турди-да, ташқарига югурди. Шоша-пиша носини тупурди, оғзини чайди. Сўнг чўпонларга бақирди:

— Дарвозани очиб қўйинглар! Қўйни сўйинглар! Ўчоққа олов ёқ! Тезлаштир!

Арслон билан Лазиз ҳам унинг ортидан чиқиб, ташқарида безрайиб туришарди.

— Сенлар дарвозанинг ёнида турунлар! Анави шайкаларингни ҳам айтиб кел! Ҳаммангнинг қўлинг кўксингда бўлсин! Бошингни эгиб тур! Агар бирортангдан шефнинг кўнгли тўлмаса, ов милтиғим билан нақ оғзингдан отаман! — деди чўпон уларга пўписа қилиб.

Арслон қолган йигитларни бошқа чўпонлар ёрдамида топди. Уларни оғилхонага киргазишибди. Шу ёқда овқатлантиришибди. Ҳар бирига ёнғоқдан сал каттароқ гўшт ва қулоғининг ўлчамида нон беришибди. Хамир шундай қилишганини айтиб, тўнғиллади. «Еганим қорнимгаям етиб бормади. Тишларимнинг орасида қолиб кетди», деди у.

— Тиш қўйдириб олганингда тишларингнинг ораси очиқ бўлмасди. Маза қилиб чайнаганингни ютардинг, — дея Хамирнинг устидан кулди Лазиз.

Кейин Арслон чўпоннинг гапини йигитларга етказди.

— Қовун тушириб қўймаларинг. Тирик қолишни истасанглар, — дея қўшимча ҳам қилди.

Учта машина бирин-кетин ичкарига кирди. Қоронғида чанг кўринмас экан, аммо Арслон йигитлари билан тупроқ егандай бўлишди.

Эшик очилиши билан Норбой чўпон «Газ 24»нинг ёнига югуриб борди-да:

— Хуш келибсиз, хўжайин! — деди.

— Аслида, — деди Нормат чўлоқ кўришиш учун унга қўлини чўзаркан, — сен ресторанда эшикбон бўлишинг керак эди. Нега чўпонлик қилиб юрибсан, тушунмайман?!

— Амрингиз бош устига. Сиз қаёққа десангиз, биз шу ёққа кетаверамиз-да!

— Балосан, балосан! Энди айт-чи, қўйларимдан нечтасини бўри еб кетди?!

— Бўрини ўзим еб қўяман, хўжайин! Қайтанга қўшилди! Юз бош!

— Туғдими?!

— Бэ-э, хўжайин, мени биласиз-ку!

— Маккорсан, чўпон! Маккорсан! Қани ичкарига бошла-чи, кейин айтиб берасан!

— Анави йигитлар!..

— Эй-й, ҳалиям тирикми улар! — деди Чўлоқ овозини баландлатиб.

Дарвоза ёнида турганларнинг эти жимирлади.

— Арслон, — деди оёғи қалтираётган Лазиз, — бизни ўлдиргани келдими дейман!

— Билмадим?! Шунақага ўхшайди.

— Аста суриб қолсак-чи, — гапга қўшилди Жавлон.

— Эсинг жойидами? Тириклайин овчи кучукларга ем бўлмоқчимисан! — дея шивирлади Федя.

— Гапни кўпайтирмаларинг, бас қил вишир-виширни. Эшитиб қолса, онангни кўрасан ҳамманг, — деди паст овозда Арслон.

Чўлоқ эшик томон юрди. Шу кетишда «Маишатбозларни сал туриб ёнимга олиб кирасан. Унгача Баха дарс ўтади», деди.

Шеф уйга кириб кетганидан сўнг Баха дарвоза ёнида турганларни чақирди. Кейин чўпонлардан биридан сўради:

— Оғилхонанг ҳали ҳам бўшми?

— Тайёр!

— Яша! Йигитларимнинг эса роса қўллари қичиган. Қичувини қолдирмасак бўлмайди, — дея ҳиринглаб кулди.

Чақирикни эшитганидан сўнг йигитларнинг юраги товонларига тушиб кетаёзди. Жавлон ҳатто ичида калима қайтарди. Улар бир лаҳза туриб қолишди. Ахир қандай қилиб боришсин? Ким бошлаб боради? Арслоннинг арслонлиги шу ергача экан. Унинг ўзи ҳам йиғламоқдан бери бўлиб турибди. Шу аҳволида у атрофига шайка йиғмоқчийди. Кўчада обрў орттирмоқчийди. Энди эса хавфнинг «ҳиди»ни олиши билан тиззаси қалтираяпти.

— Нима бало, дарвозанинг ёнига михлаб қўйганмисанлар?! — дея чўпонларга бақирди Баха.

Ана шундан кейингина дарвоза «қўриқчилари» секин-аста кела бошлади.

— Югур! — деди Баха қони қайнаб.

Йигитлар югуришди ва кўз очиб-юмгунча Баханинг қаршисида тизилиб туришди.

— Башараларинг қоронғида умуман кўринмаяпти! Қани, оғилга ҳамманг!

Уларни саккизта девдай йигит гўё кўй ҳайдагандай ҳайдаб кетишди. Баха чекди. «Чанг босилгандан кейин билинаркан ҳавонинг тозалиги, лекин биз тоза ҳавони кўтаролмаймиз, бузмасак, кўнглимиз жойига тушмайди», дея кўнглидан ўтказди ҳамда бостириб-бостириб тутун ютганидан сўнг у ҳам оғил томонга кетди.

Ҳамма ёқни таппи ҳиди босиб кетганди. Чўпонлар ўрғаниб кетишган, шу ерда овқатланганлар ҳам бироз кўникишганди, бироқ кейин келганларнинг, улар қатори Арслон билан Лазизнинг ҳам башараси бужмайди. Лекин на-чора. Шу исдан ҳидлаши ва кўникиши шарт.

— Санинг башаранг манга таниш, — деди ҳаммадан кейин оғилхонага кирган Баха Арслонга, — илгари қаердадир кўргандайман. Қани, бу ёққа кел-чи.

Арслоннинг ичида умид чироқлари ёнди ва хотиржам Баханинг ёнига яқинлашди. Бироқ кутилмаганда қорнига шунақанги қаттиқ мушт тушди-ки:

— И-и-и!!! — деганча икки букилиб қолди.

Шотирлар Баханинг худди шундай бошлаб беришини кутиб туришганди. Улар шундоғам очликдан, сувсизликдан тинка-мадори қуриб, оёқларида зўрга турган «меҳмонлар»ни савалашга тушишди. Сира аяшмади. Юзлари борми, қоринлари борми, оёқларининг ораси борми, аямасдан мушт, унинг ортидан тепки «ёмғири»ни ёғдиришди. Бечоралар ҳар зарба «еганида» жони борича бўкиришар:

— Ўлиб қоламан! Окажон! Ўламан! — дея чинқаришарди.

Уларнинг қаршиликсиз жон ҳолатда ялиниб-ёлвориши ураётганларни баттар қутуртирарди. Узоғи билан беш дақиқа. Ҳа, худди шунча вақт кетди шўринг қурғурларнинг ерга қапишиб қолишига. Ҳатто бирортасининг ҳам нафас олаётгани билинмасди.

— Етарли! — деди Баха.

Шундан кейингина калтаклаш тўхтади.

— Ана кўрдингми?! — деди Баха Арслонга. — Сен битта мушт билан қутулдинг. Гапларингни, мақтанишларингни мириқиб эшитганлар эса энасини уч кўрғондан кўришди. Сен нега калтакланмадинг, биласанми?!

Кўзлари олайиб кетган Арслон «йўқ», дегандек бошини кимирлатди.

— Отанг ажойиб одам. Ҳурмати баланд. Ана шу отанг, ундан кейин шефнинг бағрикенглиги, оқибатни билиши сабаб қутулиб қолдинг!

«Отажон, мингга киринг! Отажон, болангизни уришди!» дея ичида нола қилди Арслон ва унинг кўзидан ёш оқа бошлади.

— Эркакмисан! — деди Арслоннинг йиғлаётганини кўрган Баханинг қони қайнаб.

— Бўлди, мана, — дея шоша-пиша кўз ёшларини артди Арслон.

— Буларни, — деди Баха чўзилиб ётганларни кўрсатиб, — йиғиштириб олинглар, сан ман билан юр!

Арслоннинг елкасидан тоғ ағдарилгандай бўлди. У ито-аткорлик билан Бахага эргашди.

Уй ичкарасида бунгача қуйидаги суҳбат бўлиб ўтганди.

— Қани, тез гапир, — деди Нормат чўлоқ кўрпачага ўтириши билан, — юзта қўйни қаердан олдинг?

— Окахон, йўли осон! Қозоғистон томонга ўтдим. Иккита шунқор билан. Қарасак, қўй дегани Ер юзига сиғмайди. Секин чўпоннинг ёнига бордим. Атаганингни бер, дедим...

— У бериб юборди, тўғрими? — дея Норбой чўпоннинг гапини бўлди.

— Йўқ, ўжар бола экан. Бунинг устига шериклари ҳам кўп эди. Майли, дедим. Кўрамиз, дедим. Кейин шартга ўзимизнинг қўйларни уларникига кўшиб юбордим. Қўйларни ажратиб оладиган пайтда битта чўпон билан тил топишдим. Унинг гапига қараганда шу кунларда мингта қўйни «тинчитишармиш». Билмай оғзидан гуллаб қўйди у. Худо берди, дедим ва пойлаб юрдим. Келди ўша кун. Нақ савдонинг устига бордим. «Давлатникини пуллаб чўнтагинга уряпсанми? Ё менга юзта берасан, ё умрингни қамоқда чиритаман», дедим. У ёғи савдолашиб кетдик. Эликтасини менга сотди. Қолганини қўшиб берди.

— Калланга балли, чўпон! — дея Нормат чўлоқ Норбойнинг сонига урди. — Лекин эликтасини сотиб олибсан-да.

— Хўжайин, — деди Норбой қўлини кўксига қўйиб, — хизматдамиз!..

— Ўша эликтанинг пулини оласан. Мардга мардмиз биз

ҳам, — дея ғўдайди Нормат чўлоқ, — энди бор, олиб кел. Эрталабдан бери туз тотмаганман. Унгача «ўраб» тураман.

У айтган нарса аллақачон «ўралган» эди. Тутатқи қути-сида эди. У гугуртгни олди-ю, ёқди. Ўпкаси тутунга тўлди. Бир муддат ичида ушлаб, юзи қизара бошлаганидан кейин ташқарига чиқарди тутунни. Худди шу маҳал Баха Арслонни бошлаб келди. Нормат чўлоқ бармоқлари орасидагини чўпонга берди ва афтини бужмайтириб:

— Бу турқи совуқ ким? — деб сўради.

— Хамелеон окамизнинг эркатойи.

Арслон отасининг лақабини эшитиши билан Бахага қараб қўйди.

— Шунақами? Кел, болам, ёнгинамда ўтир, — деди Нормат чўлоқ.

Арслон шу заҳоти унинг айтганини бажарди.

— Менга қара, — деди Нормат Арслонга тикилиб, — манави башара қўлини теккиздими сенга? — деб у Бахани кўрсатди.

— Й-ў-ў-қ, — деди Арслон Бахага қараб қўйиб.

— Тушунарли, — деб Нормат чўлоқ Бахага юзланди-да, — сен ит эмганга нима дегандим?! — деди.

— Худди айтганингиздай қилдим, — дея бошини эгди Баха.

— Ичини тўкиб ташлабсан-у, ит! — деди Нормат чўлоқ ва қўйнидан тўппонча чиқарди.

Баханинг эти музлади. Чунки Чўлоққа ишониб бўлмайди. У истаган пайтда тепкини босиб юбораверади. Ўзиникими, бегонами, фарқи йўқ, сал ёқмай қолса бўлди. Ўйинчоғини қўйнидан чиқаради-да, «тарс-турс» қилади. Қараб-сизки, битта бечоранинг шўри қуриб турибди.

— Ўрамадан бер бунга, — дея гапини давом этказди тўппончани дастурхоннинг устига қўйган Нормат чўлоқ.

Баха шу заҳоти чўнтагидан қути олди. «Беломор»нинг устидан тупугини суриб, тайёр қилиб Арслонга узатди.

— Мазасини биласанми? — деб Нормат кўзининг таги билан Арслонга қаради.

— Сал-пал.

— Энди сал-палмас, яхшилаб билиб оласан. Қани, бошла!..

Арслоннинг боши аввал тиниқлашди. Енгил тортди. Кей-

ин кўзи қизарди. Қорни очқаб кетди. Буни қарангки, худди унинг қорнининг очқашини пойлаб туришгандай бир лаган гўшт келтиришди. Буғи чиқиб, қизариб пишган гўшт.

Орадан ярим соатча ўтгач, Арслон анча тетиклашиб қолди. Шу боисдан Нормат чўлоқ билан эркин гаплашди.

— Ока, ўртоқларим ўлиб қолишмасин, — деди.

— Баракалла, — деди шу заҳоти унинг елкасига қоққан Нормат чўлоқ, — ҳақиқий дўст мана бунақа бўлибди-да. Битта ўзингнинг маишат қилгинг келмаяпти. Баха, бор, йигитларнинг қорнини тўйгазинглар. Улар ҳали бизга кўп керак бўлишади.

Баха турди-ю, кетди. Чўлоқ чўпонга имлаганди, уям чиқиб кетди.

— Отанг комбинатни топширганини биласанми? — деди Нормат Арслонга тикилиб.

— Топширибдими? — деди шу заҳоти Арслон.

— Билмаганинг қизиқ-ку, болам?!

— Нега топширади?

— Керак. Топширди-ю, сўнг ўзи сотиб олди. Кооператив. Нима, дунёдан хабаринг йўқми? Балки, отангнинг пули жудаям кўплигидан ҳам беҳабардирсан.

— Уйда умуман иш тўғрисида гапирмайди. Лекин комбинатни сотиб олгани... Жуда қиммат...

— Шу отанг қимматга олади, деб ўйлайсанми? Сув текинга тушди. Яна бошқа нарсаларни сотиб олишнинг мўлжаллаб юрганидан хабарим бор.

— Уйга борсам, — деб Арслон бошини қашлади, — сўрайман.

Шундан кейин Арслон гапирмади. Унинг тили музлаб қолганга ўхшарди. Айлантираман деса, айланмайди. Шунинг учун ҳам фақат овқат егани-еган. Бу ёғи қорни шишгандан шишиб боряпти. Аммо у тўйганини билмайди. Қанча кўп еса, шунча камдай туюляпти.

— Бас, — деди орадан бир қанча вақт ўтганидан сўнг Нормат чўлоқ, — бу туришда бўкиб қоласан. Ҳали отангнинг қўлига соғ-омон топширишим керак. Кеча уйга бормаганинг учун анча безовталанибди бечора. «Топишга ёрдамлаш», деб илтимос қилганди. Мана, топдим. Энди боргин-да, ўртоқларингнинг ҳолидан хабар ол. Баха келсин бу ёққа.

Арслон эшикдан чиқаётганида Бахага дуч келди. Ҳеч нима демади. Тили айланмади.

— Роса пишириб қўйибсан-ку, — деди Баха кирганидан сўнг Нормат чўлоқ.

— Хўжайин, биласиз-ку, — дея жавоб берди Баха.

— Буни яхшилаб «ўтқаз». Соғин сигир бўлади. Отасининг пули жудаям кўп. Озгина чиқим қилса, камбағал бўлиб қолмайди. Хўш, энди сенлар ҳам қўл қовуштириб ўтирмасдан, қўйларнинг ярмини пулланглар. Қолгани турсин, бир кунимизга яраб қолади. Винзавод сотилаётган экан. Эрта-индин у меники бўлиши керак. Анави «хўрозча»ларни шаҳарга сочиб ташла. Бир-иккитаси катта йўлга ҳам чиқишсин. Йиғсин!

— Хўп бўлади!

— Бирортаси ўлиб қолмабдими?

— Йўқ. Лекин биттаси ўзига келмаяпти. Жигари эзилганми, дейман-да.

— Биттаси ўлса, қўшилиб сан ҳам ўласан. Бор, чўпонни чақир, — деди Чўлоқ яна «ўрама»дан бир дона олиб, лаблари орасига қистираркан.

Улар ярим кечада қайтишди. Ўзига келолмаган Федя эди. Уни ҳам амаллаб кўзини очишди. Лекин у ўрнидан туролмади. Сал қимирласа, инграб юбораверди.

— Шаҳарга боргунча ўлиб қолмаса, касалхонага ётқизинглар. Анави дўхтир ҳидини чиқармасин, — деди Нормат чўлоқ.

Арслон йигитлари билан бирга «Тез ёрдам» машинасида қайтди. Бир кун олдин ҳам худди шу машина ташлаб кетганлигини айтишди унга.

Лазиз уйга келиши билан тўғри ҳаммомга кирди. Нақ бир соат ётди. Юзига қўлини теккизса, зириллайди. Бели, қорни кўкарган. Ҳар кўзи тушганда, шафқат билмас барзанги эсига тушади. «Ўлдираман, ўлдираман! Эслаб қолдим. Мени қандай қийнаган бўлса, икки баробар қилиб қайтарман. Қасос қиёматга қолмайди», деб ўйлади. Лекин иссиққина сувнинг ичида ётиш, жоннинг роҳати эди. Бутун тананг маза қилади.

Лазиз ҳаммомдан чиқиб ётоғига кирганида соат миллари тунги учдан ошганди. Ана шу маҳал телефон жиринглади. «Менга ўхшаб уйқуси ҳаром бўлган бетайиндир-да»,

деб ўйлади Лазиз ва эринчоқлик билан гўшакни кўтарди-да, қулоғига тутди.

— Қаерларда юрасиз, Лазиз ака?! Айни керак пайти бирдан қорангизни ўчириб қоласиз! — деди қиз бола йиғи овозда.

— Ҳа, хоним, нима бўлди?! Нега ухلامасдан ўтириб-сиз?

— Шундай пайти кўзга уйқу келармиди? Менинг ис-мим ўзгарди. Сабинаман энди. Фамилиям Икромова.

— Тушунмадим?! Сабина Икромова? — дея пешонаси-ни тириштирди Лазиз.

— Ҳа. Дунё ағдар-тўнтар бўп кетди. Ўзгаришлар катта. Сиз билан қиладиган ишларимиз бор.

— Тинчликми, ишқилиб?

— Йўқ-да. Анави шўртумшуқ бор-у... Хуллас, бу ёғи те-лефонда гаплашадиган гап эмас. Ҳозир уйингизга бораман.

— Ўзи яқинда келдим, роса чарчаганман.

— Мен бораман, десам, сиз йўқ, деяпсизми?

— Нимага йўқ, дерканман. Сизни соғинганман. Кута-ман, — дея Лазиз гўшакни қўйди ҳамда меҳмонхонага кир-ди-да, катта кўзгуга қаради. Иккала кўзи, юзи шишиб кет-ган эди. Бунинг устига қошининг тепаси ёрилганди.

«Мени Ф... Эй-й, Сабина шу аҳволда кўрса, додлаб юбор-са керак... Қизиқ, унинг тилидан Фирдавс деган йигит туш-май қолганди. Нега бирдан ўзгарди? Дарвоқе, ўша лаънати сабаб мен ҳозир манави аҳволдаман. Ўлиб кетишим ҳам мумкин эди... Агар ўшанда асабийлашмаганимда, маразни йўқ қилишга қасд қилмаганимда ресторандан кетардим. Федяни чақирмасдим... Лекин барининг кимлигини билиб олдим. Сал Арслоннинг юки оғир келганди, дарров у то-монга ўтиб олишди. Қизиқ, Арслонга қарийб умуман те-гинишмади. Бизни бўлса, ўласи қилиб калтаклашди. Отаси шунақа бақувват одамми?.. Аммо энди ҳаммаси ўтди. Нор-матнинг шайкаларидан бирига айландим. Аслида, ўзим одам йиғмоқчийдим. Горкомнинг эркатойи ёрдамида. Энди ўзим бировга хизмат қиладиган бўлиб қолдим. Лекин буниям битта яхши томони бор, кўчада гўдаийб юрасан, бирорта-си ҳам мушугингни пишт деёлмайди... Имм, башарам оғриб кетяпти. Ҳозир ўткирроқ бирор нима ютиб олмасам, уму-ман мазам бўлмай қолади».

У музлаткичдан истаганини олди. Бир пиёлагина ютди. Сўнг газак қилди-да, келиб каравотига чўзилди. Дарров кўзини уйқу элтди ва пишиллаб ухлай бошлади. Агар эшик кўнғироғи кетма-кет асабий жирингламаганида, қотиб ухларди.

Зўрға кўзини очиб, амаллаб каравотидан тушди-да, оёғини судраб эшик ёнига борди. Шунгачаям кўнғироқ беш-олти марта жиринглади.

У ким келганини сўрамасдан эшикни очди. Қаршисида эркатой қиз турибди.

— Во-о-о-й!!! — деб юборди кўзлари олайиб кетган эндиликда исми Сабина бўлиб ўзгарган қиз. — Нима бўлди сизга?! Ким бундай аҳволга солди?!

— Ичкарига киринг, — деди Лазиз кўзини эриниб очиб, — кўшнилар эшитишмасин.

Сабина чаққонлик билан ўзини ичкарига олди ва Лазизнинг юзини кафти билан секин силади.

— Имм, — деди Лазиз афтини бужмайтириб.

— Қайси маразнинг иши бу?! Нима гуноҳ қилдингизки, сизни одамгарчиликдан чиқариб ташлабди?! — деди Сабина кўзига ёш тўлиб.

— Тарихи узун, юринг, — деб Лазиз қизнинг қўлидан ушлади-да, ҳозиргина туриб келган хона томон бошлади.

* * *

Рухшонанинг кўзига эри ва болишдан бошқа ҳеч нарса кўринмай қолди. Шайтон ёнгинасида йўл-йўриқ кўрсатиб: «Ёстиқни оласан, юзига босасан. Ҳозир унинг айни ожиз пайти, ҳатто қўлини ҳам кўтаролмайди. Димикади, ўлади. Шу билан қутуласан-қўясан», дея ҳали у томонидан, ҳали бу томонидан айланиб, қулоғига қуярди.

Рухшона секин битта қадам босди. Бирдан эрининг шапалоқ тортганини эслади. Юзида ўша-ўша аччиқ оғриқни ҳис этди. Яна битта қадам босди. Негадир ўз-ўзидан қўллари қалтирай бошлади. Юраги эса шунақа тез урардики, пишиллаб нафас оларди. «Одам ўлдириш бунча қийин. Киноларда тез қилишади-ку?! Шундай боради-ю, ўлдириб ташлайверади. Мен бўлсам... Барибир, ҳеч ким билмайди. «Маст эди. Ўзини бошқаролмасди. Ёстиққа юзтубан ётиб, нафаси қайтиб қолибди, билмабман. Ухлаяпти, деб ўйлабман». Ана, баҳона тайёр! Кейин ҳамма ихтиёр ўзимда

бўлади. Мавзунани горкомнинг ўғли — Комилга бераман. Қарабсизки, сира қийинчилик кўрмай яшайвераман...»

Эшик қўнғироғи чалинди. Ёки аёлга шундай туюлди. Юришдан тўхтади. Қулоқ солди. Жимлик. Аммо эрини ўлдириш учун яна бир қадам босган эди ҳамки, қўнғироқ яна жиринглади. Аввалгисидан қаттиқроқ, асабийроқ...

— Ким бўлди экан?! Қиладиган ишимни ҳеч ким билмаслиги керак. Ярамастар! Шундай пайти ҳам келадими?! Бало борми?! — деди аёл титраб ва шоша-пиша ётоқхонадан чиқди. Дарвоза ёнига югурмоқчи бўлди, аммо шу заҳоти тўхтади. Ахир бу ёқдаги иши — қотиллик қилиши, эрини ўлдириши қолиб кетади-ку! «Йўқ, уйда ҳеч ким йўқ, деб ўйласин, келган жойига кетаверсин», дея қўнғилдан ўтказди. Ана шунда яна бир марта қўнғироқ чалинди. Узоқроқ чалинди. Келгувчи одам бир неча муддат тугмачадан қўлини олмади. «Йўқ. Бу уйда ҳеч ким йўқ! Ҳамма ўлган! Одамлар, кўчадан келганлар бу уйдагиларнинг барини кўмишга, қабристонга олиб кетган! Бор шу ёққа!» — дея Рухшона жони борича бақирди ва ҳўнграб йиғлади.

Қўнғироқ аёлнинг бақиршига эътибор ҳам бермай қайта-қайта жиринглайверди.

— Бас! — деди аёл ва дарвоза томонга кетди. Бу сафар қўли қалтирамади. Жаҳл билан дарвозани очди.

Мавзуна турибди. Рухшона ҳайрон. Назарида қизи эмас, бошқа биров келиши керакдай эди. Ўша бошқага аталган гаплари бор эди ичида. Бирдан довдиради.

— Сен?! Нимага келдинг?! — деди.

— Ойи, сизга нима бўлди? Рангингиз бунча оқариб кетган? Сочларингиз тўзғиган. Тинчликми? — дея ҳайратланганча онасига термилди Мавзуна.

— Менга? Менга нима бўларди? Сен ўзинг бунча тез келдинг?! Бориб, бир айланиб келмайсанми?

— Нимага айланиб келаман? Ойи, нима деганингиз бу? Уйда нима бўляпти? Ким бор уйда?! — деди Мавзуна овозини бироз баландлатиб.

— Уйдами? Уйда нима бўларди? Уйда ҳеч нима бўлмайди. Сен... Сен, тўхта. Сен менинг энг яқиним, қадрдонимсан, тўғрими? «Биринчи бўлиб онангга яхшилик қил», деган гаплар ҳам бор. Кир, кир, — дея Рухшона шоша-пиша қизининг қўлидан ушлаб, ичкарига тортқилади.

Мавзуна ҳайрон эди. Аини пайтда қўрқаётганди ҳам. Ай-ниқса, у ичкарига кирганидан сўнг онаси дарвоза эшигини қарсиллатиб ёпганида, чўчиб тушди.

— Нима гап, ойи?! — деди ҳамон ҳеч нарсага тушунмай.

— Менга қара, қизим. Ҳозиргина ўзинг менинг энг яқиним эканинга иқрор бўлдинг...

— Мен...

— Тўхта, гапимни бўлма. Бундан чиқди, доим ёрдам беришинг керак! Зарур! Энди бир гап...

— Уйда ким бор?!

— Бақирма. Гапимни бўлма! Ким бўларди уйда?! Анави даданг бор! Хуллас, мен битта иш қилмоқчи бўлиб турибман. Битта ўзим уддалолмасам керак, деб қўрқаётгандим. Менга қара, юзим қизариб кетганми?!

— Қизармаган, ойи, худди докадай оппоқ.

— Эй-й, энди нима фарқи бор? Даданг мени урди. Аямасдан урди. Ҳа-а, жуда ёмон урди... Мен дадангни ўлдирмоқчиман! Сен менга ёрдам берасан!..

Мавзунанинг бирдан кўзлари олайди.

— Эс... Эс... Эсингиз жойидами? — деди қиз пичирлаб.

— Ҳа, жойида, — дея худди қизи каби пичирлади Рухшона, — шунинг учун сенга айтяпман-да. Жуда осон. Шундай ёстиқни юзига босамиз, тамом-вассалом! Ўлиб қолади. Биров билмайди...

— Ойи-и-и-и!!! — дея чинқариб юборди Мавзуна ва уй томонга югурди.

Дадаси билан онасининг хонасига ҳовлиқиб кирди. Дадаси шифтга қараб ётибди. Кўзлари юмуқ. Оғзи бироз очилган.

— Дада! Дадажоним! — деди каравот ёнига бориб, тиз чўкаркан, — сизга нима бўлди, дада?! Кўзингизни очинг, — дея Мавзуна кўзидан ёшини дув-дув оқизганча падари бузрукворининг юзига юзини яқинлаштирган эди ҳамки, ароқ ҳидини туйди.

— Нафас оляпсизми? — деб бармоқларини дадасининг бурнига яқинлаштирди. — Ҳа, яхши, нафас олаётган экансиз. Тирик экансиз. Мен ҳозир, ҳозир ёрдам бераман сизга. Дарров ўзингизга келасиз. Ўзимнинг меҳрибон дадажоним!

Мавзуна сумкасини гилам устига ташлаб, ҳаммомга югуриб борди-да, сочиқни ҳўллади ва яна ётоққа қайтиб кел-

ди. Келди-ю, қотиб қолди. Чунки қаердандир пайдо бўлган Рухшона эрининг юзига ёстиқни босган эди.

Борибоқ онасининг қўлига ёпишган Мавзуна:

— Нима қиялпсиз?! Ойи, ўзингизни босинг! Босинг ўзингизни деяпман, ойи! — дея жон-жаҳди билан ёстиқни тортиб олди. Сўнг уни эшик томонга улоқтирди ва шошганча дадасининг юзини ҳўл сочиқ билан арта бошлади.

— Сен менинг душманим экансан! Мен бола туғмабман, ўзимга душман туғибман! Душманимга кўкрак сути берибман! Розимасман! Берган сутимга розимасман! — деб Рухшона ўзини полга ташлаб юборди ва ҳўнграб йиғлашга тушди.

Мавзуна карахт аҳволда эди. Унинг-да кўзига ҳеч нима кўринмай қолди. Фақат битта нарсани — дадаси эртароқ кўзини очишини истарди у.

— Дада! Дада, туринг, менинг кучим етмаяпти! Илтимос, кўзингизни очинг, дадажон! — деди қиз ёшини дув-дув оқизиб.

Миразиз лабини ялади. Сўнг хиёл кўзини очди. Туман ичида Мавзунани кўрди.

— Қизим! — деди.

— Дада, менман, мен! Туринг, дада, илтимос, туринг!

— Бошим, бошимни кўтаролмаяпман, жуда оғир.

— Ўзим сизга қайноқ қаҳва дамлаб бераман, — дея Мавзуна югуриб онасининг тепасига келди. — Ойи, ойижон, келинг, мен сизга ёрдам бериб юбораман. Юринг, тоза ҳавога чиқайлик, дарров ўзингизга келиб қоласиз.

Рухшона эрининг овозини эшитганидан сўнг энди кеч эканини тушунди. Беихтиёр қизига итоат этиб, қўлларига суянганча қаддини ростлади.

Мавзуна онасини ҳаммомга олиб кирди. Юзини муздай сувда ювди. Рухшонанинг кўзлари чарақлаб очилиб кетгандай бўлди.

— Мавзуна, нима бало қиялпсан? Нега менинг юзимни ювяпсан, нима, ўзим юволмайманми? — деди у ўзини ҳайрон кўрсатиб.

— Эй-й, Худого шуқр. Ойи, мени ўлдириб қўйишингизга сал қолди! Нега бунақа қилдингиз?! Сиз сира унақа эмасдингиз-ку! — деди ҳўнграб йиғлаб юборган қиз.

— Вой, нима деганинг бу? Нима қилибман? — дея ўзини

гўлликка солди Рухшона.

— Дадамни ўлдирмоқчи бўлдингиз. Ёстиқ билан бўғмоқчи бўлдингиз. Агар дадамга бирор нима қилганингизда, мен ўзимни-ўзим ўлдирамиз! — деб Мавзуна ҳаммомдан чиқиб кетди.

Рухшона ошхонани яхшилаб тозаламаганди. Ҳамон ҳали у бурчакда, ҳали бу бурчакда идишларнинг синиқлари ётарди. Буни кўрганидан кейин Мавзуна янада даҳшатга тушди. Дадасига қаҳва дамлашдан воз кечди. Шкафларни қидириб биргина соғ қолган косани топди ва шунга муздай сув тўлдириб, отасининг ёнига югурди. Хаёлида онаси яна борадигандай, яна дадасини бўғишга уринадигандай туюлаётганди. Ҳар тугул, онаси бормабди. Дадаси ҳам ёнбошига ўгирилибди.

— Дада, дадажон, — деди Мавзуна йиғи овозда, — мана, сизга муздай сув олиб келдим, ичволинг, ўзингизга келасиз.

— Қизим, баттар қилади. Бунинг ўрнига қатиқ олиб кел, — деди Миразиз кўзи юмуқ ҳолда.

— Ҳўп!..

Мавзуна қатиқ келтирганидан сўнг дадасининг бошини кўтарди. Миразиз бир амаллаб қатиқни ичди ва яна ёстиққа бошини қўйди. Кейин Мавзунага қараб:

— Хафа бўлмайсан, қизим, бир шунақа бўлиб қолди-да, — дея кечирим сўради.

— Дада, илтимос, бошқа бундай қилманг! Мен кўрқиб кетдим. Мени...

У ёғини айтолмади. Ойимга кучим етмаганида нима бўларди, демоқчийди. Лекин айтолмади. Тили бормади. Бунинг ўрнига:

— Мени кўрқитманг, — деди.

Сўнг хонадан чиқди. Ҳаммомга кирди. Рухшона орқасини деворга тираганча бир нуқтага термилиб ўтирарди. Аёл қизи келиши билан унга юзланиб:

— Мавзуна, — дейиши билан қизи шартта ортига бурилиб, яна ҳаммомдан чиқиб кетди.

Тўғри хонасига борди. Устидан кулфлади-да, каравоти-га ўзини ташлаб, ҳўнграб йиғлаб юборди. Кейин:

— А-а-а-а!!! — дея бақирди юзини ёстиғига босиб.

Сўнг шу ётиши бўйича иккала қўли билан кўрпани муш-

тлашга тушди. Тинимсиз икки-уч дақиқа муштлади.

— Кўзларим оқиб тушганда яхши эди, ҳеч нимани кўрмасдим. Ҳеч нимадан хабарим бўлмасди. Энди қандай юраман?! Йўқ, чидолмайман. Чидолмайман! Сизлар мени шунчалик эздингларми, энди ўзларинг эзилинглар! Менинг ҳам доғимда куйинглар! Мен ўзимни ўлдираман!..

* * *

— Вой-вў-ў-ў-й!!! Қайси қўлинг сингур қилди?! Соғ жойингиз қолмабди-ку! — деди Сабина Лазизнинг танасини кўрганидан сўнг кўзлари олайиб. — Шунчаликка ҳам боришадими?! Ваҳшийлик-ку бу!

— Чўлоқнинг одамларининг қўлига тушиб қолдик. Арслон билан суришиб, — деди Лазиз ётган жойида.

— Ким у Арслон? — дея пешонасини тириштирди Сабина.

— Текстиль хўжайинининг эркатойи. Уям оладиганини олди. Камроғ-у, лекин олди, — деб Лазиз кўзларини юмди. Чунки унинг танасига Сабина бармоқларининг учини теккизиб-теккизмай силар, бу эса Лазизни баттар бўшаштираётганди.

— Нега кам олди? — деди Сабина бир нуқтага тикилиб.

— Отасининг обрўси баланд экан. Қайтаётганимизда Арслон мақтанди. Отаси ўша комбинатни сотиб олганмиш.

— Ҳмм, ҳали шунақа бойлар борми? — деди Сабина ва силашни тўхтатиб Лазизнинг юзига тикилди-да: — Чўлоқ ким? — дея сўради.

— Чўлоқ... Чўлоқ кўчанинг эгаси, — шундай деб Лазиз пишиллаб ухлаб қолди.

Сабина ўрнидан турди. Жирканиб Лазизга бир муддат тикилди-да, ошхонага ўтди. Шу ёқда стулга ўтириб тутатди. «Мен келиб-келиб, ҳали сенга ўхшаган қўлидан бир иш келмайдиган латта билан биргалашиб, Фирдавсдан ўчимни олмоқчиманми? Йўқ, бўлмайди! Эпполмайсан. Ўтириб қўясан. Сенинг ўрнингга ўша Арслон маъқул. Унақа бойвачча эркатойларни қандай қилиб қармоққа илинтиришни яхши биламан. Шундай қиламанки, чизган чизгимдан чиқмайди. Қанча десам, сарфлайверади. Сенга эса мен сарфлашим керак. Чунки чўнтагингда бир миринг йўқ... Аввал Арслон, ундан кейин Чўлоққа етиб бораман... Ёшман. Демак, кўп нарсага улгураман. Бу ёғи адажонимнинг ҳам

ишлари орқага кетганга ўхшайди. Касалхонага бекордан-бекорга тушиб қолмаган бўлса керак. Бу ёғи исм-шарифимизни ўзгартирдик. Шунинг ўзиям масала жиддийлигини кўрсатиб турибди. Мени эртароқ Москвага кетсин, деди меҳрибонгинам. Лекин ҳали битмаган ишларим бор-да. Қандай қилиб кетаман?! Ўзи Москва ҳам тинч эмас. Ҳали у кўчада, ҳали бу кўчада плакат кўтарволишиб, «Ундоқ қилинсин, бундоқ қилинсин!» дея томоқ йиртишиб юрганларга ҳар куни дуч келасан. Адам алғов-далғов замон бошланди, деганди бир сафар. Аммо у ёғини айтмаганди...» дея ўйлар экан, бармоқлари орасидагини тортиб қўйди-да, оғзидан паға-паға тутун чиқарди ва беихтиёр билагидаги кичкина соатга қаради.

— Эҳ-ҳе, жудаям кеч бўлиб кетибди. Кўчада машиналар ҳам қолмаган бўлса керак. Эрталаб тонг отар-отмас кетаман. Кейин яна қайтиб келаман. «Арслон билан таништириб қўй», дейман Лазизга.

Қиз ошхонада у ёқдан-бу ёққа бориб келиб юрди. «Исқирт. Ҳаммаёқ исқирт. Идишлар олингани бери ювилмаган бўлса керак. Ўзи Лазизнинг қўчалиги бор-да. Қаерликман деганди? Эсимдан чиқибди. Бунинг нима фарқи бор?» дея ўйлади-да, бориб музлаткични очди. Бир бўлак колбаса билан битта шиша бор экан. Шишадаги суюқлик яримлаган.

Сабина иккисини ҳам олди-да, жойига келиб ўтирди ҳамда бармоқлари орасидагини стол устидаги чой юқи қотиб қолган пиёланинг ичига эзди. Сўнг «Ўлай агар, уйимда бўлганида, бунақанги колбасага қўлимни ҳам теккизмаган бўлардим. Лекин ҳозир начора. Начорадан кейин бечора. Аммо мен ҳеч қачон бечора бўлмайман», дея ўйлаб, шишанинг оғзидан суюқликни ичди. Афти бужмайди. Ундан кейин колбасадан бир тишлади.

— Во-о, — деди ўзига-ўзи, — мазали экан. Менимча, меҳмонхонанинг буфетидан олган. Яхши колбасалар кўпинча ўша ерларда бўлади.

Қизнинг боши гангиди ва шу ернинг ўзида столга бошини қўйганча ухлаб қолди.

Уйғонганида аллақачон қуёш деразадан мўралаб, энди ундан ҳам тепага ўтиб кетаётганди. У даставвал қаерда ух-

лаганини билолмай гарангсиди. Атрофига қаради. Ҳаммаёқ исқирт. «Қаердан келиб қолдим бунақанги жойга», дея ўйлаши билан ёдига тушди.

— Оббо, ухлаб қолибман-ку, — дея шоша-пиша турдида, ҳаммомга кирди, бирдан димоғига бадбўй ҳид урилиб, кўнгли айниди ва оғзини ёпиб қандай кирган бўлса, шундай чиқиб, яна ошхонага ўтди. Шу ерда юзини ювди. Барибир, бўлмади. Ичидаги бор-йўғини чиқариб ташлагач, енгил тортди. Кейин «Энди уйга бориб келмасам бўлмайди», деган ўйда аввал Лазиз ётган хонага кирди. Бу ер киргулик бўлмай қолибди. Шунақанги бир-биридан бадбўй ҳидлар йиғилибдики, бошинг айланади. Сабина бир қўли билан бурнани қисди-да, бориб деразани очди. Сўнг уйдан чиқиб кетди.

Такси тўхтатди. Ҳайдовчи билан узоқроқ туриб гаплашди. Чунки афтини бужмайтирса, чидолмайди.

Уйда онаси йўқ экан. Қаергадир кетибди. Комил эса ҳали-ҳамон ухламоқда эди. У ҳам уйга жуда кеч келадиган одат чиқарган. Туни билан ким қаерларда санқийди-да, тонгга яқин кириб келади. Сўнг пешингача ухлайди.

Сабинахон чўмилди. Тишларини обдан қайта-қайта ювди. Сўнг ҳаммомдан чиқиб, сочини қуритгач, баданига атир сепди ва тамадихонага кирмоқчи бўлганида, онаси уйга келиб қолди.

— Қаерда эдинг? — деди она уйга кира солиб, елкасидаги бежирим оппоқ сумкачасини столнинг устига қўяркан.

— Дугонамникида. Гапимиз қизиб, кеч бўлганини сезмабман. Қолишга мажбур бўлдим, — дея жавоб берди Сабина.

— Уфф, — деди аёл ва стулга ўтирди-да, юзини кафтлари орасига олди. — Ишларимизнинг ҳаммаси чаппасидан кетди. Адангнинг аҳволи яхши эмас.

— Нега? Кеча яхши дегандингиз-ку?! — дея хавотир билан онасига қаради Сабина.

— Соғлиғи ҳозир ҳам ёмон эмас. Аммо ишдан олишибди. Москвадаги ўртоғини тополмай жинниси чиқиб ётибди. Агар шу бир-икки кунда тополмаса, адангга иш очишармиш. Ёнига терговчи келиб кетибди. Бугун яна сен билан нотариусга боришимиз керак. Дала ҳовлини номингга ўтка-

замиз. Бўлмаса, кўлдан кетади.

— Ойи, бугун менинг ишларим жудаям кўп, — дея нозу бўлиб тўнғиллади Сабина.

— Эй, йиғиштир ҳамма ишларингни! Бу ёқ ёнаман, деб турган пайтда сенинг ишингга бало борми? Ундан кейин эртарақ Москвага кетишинг керак! Ўзи сенларни эркалатиб, ёмон қилдик. Иккалангнинг ҳам маишатдан бошинг чиқмайди. Эринг билан тинчгина яшаб турганингда...

— Ойи, биласиз-ку, нималар бўлганини! Яна ярамни янгиламоқчимисиз?! Яхшиям ажрашган эканман. Бўлмаса, ҳозир мени қул қилиб олишган бўлишарди, пастлар!

— Ўзинг топгансан ўшани. Аданг сенга минг марта «Улар бизнинг тенгимиз эмас», деб айтганди, лекин қулоқ солмадинг... Нима эмиш, бойлигимиздан ҳазар қилармиш! Жонимга тегиб кетди ҳаммаси. Музлаткичдан ул-бул нарса ол, қорним очди. Эрталаб ҳам туз тотмагандим!

Сабина яхна гўшт, колбаса, пишлоқ олиб столнинг устига қўйди. Сўнг чой дамлади ва онасига қўшилиб нонушта қилди. Шу аснода Лазизнинг уйғонишини чамалади. Ҳали-бери уйғонмайди у. Кечга уйғонса ҳам катта гап. Арслон ҳам бошини ёстиғидан ундан сал олдин ё кейин кўтарди. Чунки иккаласи ҳам бир гўрларда бирга юрган. Демак, бемалол онаси билан нотариусга борса бўлаверади.

Роза ҳамма ҳужжатларни олиб чиқди. Кейин машинага ўтирди. Она-бола ҳужжатларнинг ҳаммасини Сабинанинг номига ўтказишга боришди. Ишлари осон битди. Чунки нотариус горкомнинг ишдан кетганидан беҳабар экан.

— Зудлик билан Москвага уч, ўқишингга бор, — деди Роза уйга қайтишаётганида қизига.

Қизнинг эса бутунлай бошқа режалари бор эди. Бирор ҳафтасиз кетолмайди. Олдин Фирдавсдан қасдини олади. Ана ундан сўнг боради ўша Москвага. Ўзи ўқишида ҳам зўрға илиниб турибди. Иккита имтиҳонни топширмаган. Шулардан биттасига умуман бормаган. Шундай экан, бироз юраги безиллапти. Адамга айтиб, ҳал қиламан, деб ўйлаганди. Аксига олиб, адасининг ҳам иши чаппасидан кетди.

— Ойи, — деди Сабина лабини тишлаб, — у ёқдаги уй менинг эски паспортимдаги исм-фамилиямга олинган. Уни нима қиламиз?

— Ҳеч нима. Иккита паспорт билан юраверасан. Бу ёқда-лигингда Сабинасан. У ёқда аввалги исминг, тамом-вассалом! Бу ёғи уйдаги пулларни ҳам бир ёқли қилишимиз зарур. Мабодо тинтув ўтказиб қолишса, текширувчиларнинг эси чиқиб кетади, — деди Роза ва машинасининг тезлигини оширди.

— Жудаям кўпми, ойи? — деди қувончдан кўзлари порлаган Сабина.

— Мен ҳам аниғини билмайман. Лекин беш юз, олти юз мингдан кам эмас. Яна олтинларни кўшиб ҳисобласанг, қанчага боришини тасаввур қилавер. Лекин сен бундан хурсанд бўлмаслигинг керак. Аввало, ундан қандай фойдаланиш йўлларини ўйлаб кўришимиз зарур. Хуллас, шу пулларни деб бошим шунақа оғрияптики, қўярга жой тополмаяпман.

— Шуни эртaroқ айтмайсизми, ойи?!

— Йўқ, — дея шу заҳоти қизининг гапини бўлди Роза, — сен ҳали жудаям ёшлик қиласан. Сен ҳозир пулга бошингни қотирмаслигинг керак. Сен тугул, аканг ҳам аралашмайди пулга. Қачон битта оиланинг бошлиғи бўлади, ана ундан сўнг мумкин. Айтганча, хоним, сиз ҳам кечаси билан юришни бас қилинг. Шунча ўйнаб-кулганингиз етади. Хўжайиннинг гапларига қараганда, аҳвол оғирмиш. Шу кетишда одамлар егани нон тополмай қолишади, дейди.

— Йўғ-э, — дея киприкларини пирпиратди Сабина.

— Ишқилиб, охири бахайр бўлсин. Хуллас, ҳозир уйга борганингдан кейин тўғри аэропортга кетасан. Илгаригидай телефонда ҳал қилиш йўқ. Тушундингми?

— Хўп, сиз нима десангиз шу!

Сабина номига «хўп» деганди. Асли мақсади бошқа эди. Ахир у Лазиз билан бирга Арслоннинг ёнига бориши, у билан танишиши, керак бўлса, бир-икки сўм бериб, Фирдавсни йўқ қилишни илтимос қилиши керак эди. Агар пулга кўнмаса, бошқа амалидан фойдаланади.

Роза машинани қизига берди-да, ўзи уйга кириб кетди. Сабина ўзи режалаштиргандай тўғри Лазизни кига кетди.

Яхши, Лазиз уйғонибди. Эшикни очди. Аммо йигитнинг башараси кечагидан баттар шишиб кетганди. Унинг юзига қараган одамнинг афти буришади. Овози ҳам хириллаб ётибди.

— Юргилигингиз қолмабди-ку, — деди унга нафрат билан тикилган Сабина.

— Бошим ҳам бўлиниб кетай деяпти. Яхши келдингиз, менга озгина ёрдамингиз керак, — дея Лазиз Сабинанинг раҳмини келтириш мақсадида ёрилган қошининг устини секин силади.

— Хўп, қани, бу ёққа юринг-чи, — деб Сабина уни ошхонага бошлади.

Улар бир-бирига қарама-қарши ўтиришди. Сабина чўнтагидан бир қути тутатқини олиб столнинг устига ташлади. Лазиз шу заҳоти унга қўл чўзиб, бир донасини олди-да, ёрилган лаблари орасига қистирди. Сабина эса гугурт ёқиб, унга тутди-да:

— Шунақа юраверасизми? — деб сўради.

— Энди бир-икки кун ҳеч қаерга чиқолмасам керак. Лекин тузалишим билан анави онангни эмгурларнинг битта-битта пачағини чиқараман. Қилмишлари учун жавоб беришади улар, — дея бурнини тортиб қўйди Лазиз.

— Овора бўлманг, сизнинг қўлингиз етмайди. Қайтага бундан баттар қилиб ташлашади. Яхшиси, уларга қўшилиб олинг. Атрофингизга одам, куч йиғинг. Кейин қолгани бир гап бўлар. Аммо ҳозир зудлик билан қиладиган иш бор.

— Нима иш?

— Фирдавсни тинчитиш. Мен Москвага кетгунимча уни бир ёқли қилишим керак.

— Москвага кетмоқчимисиз? — деди Лазиз ва тутундан ўпкасини тўлдириб ютди.

— Менинг ўқишим борлигини эсингиздан чиқазиб қўйдингизми? Қолаверса, сизнинг боришингиз учун шаброит ҳам қилиб қўйишим керак. Уйнинг бекаси бўлиб ўтирмайсиз-ку. Аммо ҳозир бу ҳақда гаплашишнинг мавриди эмас. Менга ўша сиз айтган Арслон деган йигит керак.

— Нима қиласиз уни? — дея томоғини қириб қўйди Лазиз.

— Ёлламан!

— Менсизми?

— Бу аҳволингизда қандай қилиб сизни олиб бораман? Сиз умуман кўчага ҳам чиқолмайдиган аҳволдасиз-ку. Кейин танганинг иккинчи томони ҳам бор. Сиз ҳеч нарсадан беҳабар, жиноятга аралашмай четда қоласиз. Аммо ишин-

гиз битади. Кейин тузаласиз-да, орқамдан учиб борасиз. Қарабсизки, ҳамма ёқ сип-силлиқ.

— Маъқул. Лекин мен касалхонага тушиб қоламанми, деб қўрқяпман. Чунки қорним ёмон оғрияпти. Жигаримни эзиб юборишдими, деб ўйлаяпман-да.

Сабина шу заҳоти қип-қизил сумкачасини кавлаштириб, иккита йигирма беш сўмлик олди-да, столнинг устига қўйди.

— Дори-дармон қиласиз. Қорнингизнинг оғриётгани жигарингизнинг эзилганиданмас, ҳеч вақонинг йўқлигидан. Мен ҳозир гастрономга тушиб, ҳамма нарса олиб келаман. Унгача илтимос, ошхонани сал одам ўтирадиган қилиб қўйинг, деразаларни очинг. Ана шунда озгина энгил тор-тасиз, — деди сўнг столни чертиб.

Лазиз бошини эгиб:

— Музлаткичда «яримта» бор эди, бош оғриққа зўр бўларди-да, — дея бармоқлари орасидагидан тортиб қўйди.

— Тушундим. Бўлади у ҳам. Унингиз менинг томоғимдан ўтиб кетди. Бўпти, вақтни йўқотмайлик, — деди Сабина ва ўрнидан турди.

Қиз шошарди. Шу боисдан зиналарнинг иккитасини бир қилиб пастга югуриб тушди. Машинасига ўтирди. Тўғри базага кетди. Чунки озиқ-овқат дўконида ҳеч вақо йўқлигини биледи. Базада эса танишлари бор. Айтганини бир зумда тўғрилаб беришади. Аслида, улар Сабинани яхши кўришади. Гўзаллиги учун эмас, албатта. Мардлиги учун. У доим олган нарсаларининг устига беш-ўн сўм ташлаб кетади. Адаси шунақа ўргатган. «Ишингни битириб берган одамга сўраганидан бир-икки сўм ортиғи билан бер. Қизғанчиқлик қилма. Ана шунда ҳамиша ошиғинг олчи бўлади», деган.

Сабина машинадан тушди-ю, юкхонани очиб қўйди ва тўғри базага кириб борди. Директорнинг шахсан ўзи уни кутиб олди. Сабина унга нимага келганини айтиб, бир нечта қип-қизил ўн сўмликларни директорнинг чўнтагига солди. Директорнинг «кулоқ»лари ҳамма жойда бор. Горкомнинг ишдан кетганини ўша лаҳзанинг ўзидаёқ эшитган. Ҳозир қизга бемалол «Сенга бу ерда пишириб қўйибдими? Тур, йўқол», деса ҳам бўлаверарди. Лекин у ундай қилмади. Чунки йўлбарснинг яралангани ҳам йўлбарс. Эрта

бир кун ҳамла қилиб қолиш эҳтимоли бор. Шу боисдан у Сабинанинг елкасидан қучиб қўйди-да: «Машинага бориб ўтириб туринг, йигитларнинг ўзлари юклаб беришади», деди. Сабина унинг шунчаки қучиб қўйганида ўзгача мазмун борлигини шу ондаёқ сизди.

Сезгани баробарида хурсанд бўлди ва «Демак, буни ҳам илинтирса бўларкан. Илгари адам катта одам бўлганлиги учун хушомад қиларди. Энди кўнглида бошқа нарсалар бор», дея хаёлидан ўтказиб, раҳматни қуюқ қилди-да, ортидан «Яхшилигингизни ҳеч қачон эсимдан чиқазмайман», деди нозли овозда ҳамда машинасининг ёнига кетди.

Йигитлар кўп куттиришмади. Эркак киши базўр кўтарадиган икки қутини машинасининг юкхонасига жойлаб беришди.

Қиз Лазизнинг уйига биттасини кўтариб чиқди. Чиққунча бўлари бўлди. Ўзиям жиққа терга ботди.

Лазиз ошхонани сал-пал эпақага келтирибди. «Шунисига ҳам шукр», дея кўнглидан ўтказди Сабина ҳамда қутидаги егуликларни бирма-бир столнинг устига қўя бошлади. Лазизнинг оғзи қулоғида. Илло, у Сабинадан бундай мурувват кутмаганди.

— Арслоннинг телефон рақамини беринг, — деди ишини битириб бўлган қиз сумкачасидан ён дафтарча оларкан.

— Ҳалиги... — дея чайналди Лазиз.

— Эркак бўлинг! — деди бирдан гаши келган Сабина. — Кеча нима дегандингиз? Энди бошқа гапга бало борми? Дардимни очиқ-ойдин айтдим-ку сизга. Ёки мендан умидингиз йўқми?

Лазизнинг бирдан ичи шув этди. Сабина кетиб қолса борми, ҳамма нарсанинг расвоси чиқади. Пул, амал, гўдайиб юришлар ўз-ўзидан йўқолади. Мана, унинг касаллигини кўриб, қанча нарса кўтариб келибди.

— Ҳозир, — деди у минғирлаб, — нариги шимимнинг чўнтагида бўлса керак ўша қоғозча.

У меҳмонхонага кирди-ю, чиқди. Шунчаки кириб чиқди. Чунки нариги шимининг ўзи йўқ. Бор-йўғи, мана шу кийиб юрган жинсиси.

— Мана, мана, — дея Лазиз хунук ўшшайиб қоғозчани Сабинага узатди.

— Телефонингиз бор, а?! Яхшиям шу нарса бор. Бўлма-са, билмадим, бу уйни нимага ўхшатиш мумкин эди? Майли, ҳали ҳаммасини тўғрилаймиз. Москвадаги уйингиз бошқача бўлади, — деб Сабина йўлакдаги столнинг устида турган телефон ёнига борди. Гўшакни кўтариб, ишлаш-ишламаслигини билиш учун қулоғига тутди. Сўнг рақам терди. Гўшакни аёл киши кўтарди. Сабина овозини янада майинлаштириб, салом берди-да, Арслонни сўради. Аёл қизни сўроққа тутиб ўтирмади. «Ҳозир чақираман», деди.

Лекин Арслоннинг телефон ёнига келиши чўзилди. Сабина бот-бот билагидаги соатига қараб қўяр, сўнг бир нималар деганча гўлдираб овқатланаётган Лазизнинг гапини эшитиб, тушунишга уринар, бироқ ҳеч нимани англолмасди. Ниҳоят:

— Ким бу? — деган дағал овоз келди гўшакдан.

— Мен Сабинаман. Лазиз ўртоғингизнинг таниши, — деди қиз сўзларига озгина кулги аралаштириб.

— Сабинахон, яхшимисиз? Ўртоғим қалай, ухляяптими ё уйғотиб олдингизми?

— Турганларига анча бўлган. Сизда озгина ишим бор эди.

— Айтаверинг.

— Агар вақтингиз бўлса, бирор жойда кўришсак. Телефонда айтадиган гап эмасди-да.

— Бўпти. Мен ярим соатлардан кейин анҳор бўйидаги ресторанда бўламан. Лекин кўп ўтирмайман. Беш дақиқа.

— Яхши. Мен йўлга чиқяпман, — дея Сабина бирдан гўшакни қўйди. Кейин кафтларини бир-бирига ишқалади-да, жилмайди. «Маккорасиз, хоним. Шу истеъдодингиз билан маликаликка лойиқсиз», дея қўнглидан ўтказди ҳамда оғзи кавшанишдан тинмаётган Лазизнинг ёнига борди-да, ликопчадан бир бўлак дудланган колбасани олиб тишлади.

— Мен сизга ишонаман, — деди Лазиз ва стакандаги суюқликни бир кўтаришда ичиб, газакка нонни ҳидлади. — Аммо, — деди сўнгра Сабинага қараб, — рашким жудаям кучли.

Сабина мийиғида қулиб, «Ўл-а, сўтак, шу туришингда рашкка бало борми? Ундан кўра оёқ кийимимни ялтилла-тиб тозалаб қўйсанг-чи», дея қўнглидан ўтказаркан:

— Биринчидан, мен биров билан ресторанда маишат қилиш учун бормаяпман, иккинчидан, сизнинг менга қилган хизматингиз биргина телефон рақамини топиб беришингиз бўлди. Албатта, текинга эмас. Шундай экан, фақат ва фақат натижа ҳақида ўйланг, — дея сумкачасини елкасига илди-да, эшик томон юраркан, қўшиб қўйди. — Бўпти, чувак.

У ресторан эшиги ёнига борди. Атрофда ҳеч ким йўқ. Соатига қаради. Ҳали нақ ўн беш дақиқа бор экан. «Оббо, шошибман. Лазиз билан озгина гаплашиб ўтирсам бўларкан. Эй, ўша турқи совуқнинг минғир-минғиридан кўра, очиқ ҳавода ширин хаёлларга берилган минг марта афзал», дея кўнглидан ўтказган Сабина емакхона ёнидаги йўлакчада у ёқдан-бу ёққа бориб кела бошлади. Эри билан ўтказган илк кечани ёдига олмоқчи эди. Аммо улгурмади. Арслон келиб қолди. Таксида. Машинадан тушди-ю, тўғри қизнинг ёнига келгач:

— Сиз мени кутмаяпсизми, мабодо? — деди.

— Агар сиз Арслон ака бўлсангиз, кутяпман, — дея жилмайди Сабина.

«Ў-ў, даҳшат-у, шаҳарда шунча йил юриб, бунақанги кетворган қизни кўрмаганман», дея ўйлади шу заҳоти Арслон.

— Унда танишайлик, — йигит томонга қўлини чўзди Сабина, — исмим Сабина. Фаттоҳ Норқуловичнинг қизиман.

— Ия, ўзимизнинг Фаттоҳ акани-я! — деди бирдан кўзлари каттариб кетган Арслон.

— Агар горкомни назарда тутаётган бўлсангиз, шундай, — дея Сабина юзидаги табассумини йўқотмаган қўйи йигитга тикилди.

— Фаттоҳ Норқулович адамнинг энг яқин дўстларидан бири. Бизникига камида саккиз-ўн марта келган. Мен уларга чой ташиб, хизмат қилганман. Буни қарангки, аканинг шунақанги соҳибжамол қизи бор экан-у, билмай юрган эканмиз, — деб Арслон қизнинг қўлини қаттиқроқ қисди.

Сабинанинг қўли қизарди. Юзига хийла қизиллик югурди.

— Шу ерда туриб гаплашаверамизми? — деди у қўлини қутқариш мақсадида.

— Эй, минг бор узр! Чиройингиз ўзига маҳлиё қилиб қўйди. Қани юринг ичкарига, — дея қизнинг қўлини қўйиб юборди Арслон.

Ресторанда бирорта ҳам хўранда йўқ эди. Кундузи кўп бўлмайти. Асосан, кечга келишади мижозлар.

Арслон Сабинани залнинг тўридаги столга бошлади. Сал нарироқда бўлгани яхши-да, ҳарна, кўздан пана. Аслида, алоҳида хонага олиб кириши керак эди. Агар Сабина унга таниш бўлмаган одамнинг қизи бўлганида, шундай қиларди. Ҳатто ўйлаб-нетиб ўтирмай шундай қарорга келарди. Энди эса сал ноқулай. Чунки қизнинг кўнглига бемаза хаёллар келиши мумкин.

— Тўғриси, — деди Арслон улар бир-бирига рўпара ўтиришганида, — нега сизни шу кунгача кўрмаганман?!

— Бунисини билмадим. Лекин икки йилдан бери Москвада ўқийман.

— А-а-а, шунинг учун. Чунки уйлариингга икки марта борганман. Ойингизни кўрганман. Ажойиб аёл.

Уларнинг ёнига қўлига кичкинагина ён дафтарча ва қалам тутган официант келди ва салом бергач:

— Нима буюртма қиласиз? — дея сўради.

— Яхши қиз, — деди унга юзланган Арслон, — бугун алоҳида кутилмаган қувончли кун. Шунга ўзингиз газаклардан, рестораниинг энг зўр таомидан келтирасиз. Кейин «беш юлдуз»дан ҳам битта...

— Йўқ, йўқ, — дея бирдан унинг гапини бўлди Сабина, — мен рулдаман. Яна қиладиган ишларим ҳали кўп. Бунинг устига фақат байрамларда, шунда ҳам озгина-озгинадан татиб кўраман.

У гапириб бўлганидан сўнг кулгичли табассумини Арслонга ҳадя қилди.

— Ана, ҳозир ўзингиз айтдингиз, байрамларда деб. Бугун байрам. Ҳар қалай, мен учун. Чунки сиздай соҳибжамолни учратдим. Иккинчидан, машинага қайғурманг. Ҳал қиламиз. Учунчидан, ишларингизнинг барини бошқа кунга қолдирамиз.

— Лекин мен эртага Москвага учиб кетишим керак.

— Муаммо эмас! Ишларингизнинг ҳаммаси битаети. Москвага учасиз, — деб яна официантга юзланди Арслон, — эшитдингиз-а, энди тезлаштиринг.

Официант ҳам жилмайиб қўйди-да, енгил қадам ташлаб уларнинг ёнидан узоқлашди.

— Хў-ў-ш, ҳа-а, Лазиз билан қандай танишгансиз?

— Битта дугонам бор, ўша таништириб қўйган, — дея энсасини қотирди Сабина. — У билан шунчаки танишмиз. Ундан нари эмас.

— Мени эса сизни кўрганим заҳоти рашк ўти қуршаб олганди.

— Нега? — дея қиқирлаб кулди Сабина.

— Менимча, кўзим тушган заҳоти севиб қолган бўлсам керак.

Сабинанинг қиқирлаши бирдан йўқолди. Аммо табассу-ми қолди. Боши ҳам бироз эгилди.

— Кў-й-йинг, — деди ноз билан.

— Ростдан шундай!

— Бир кўришда-я?!

— Бошқача бўлиши мумкинми?

— Билмадим. Келинг, яхшиси, мен нега сиз билан учрашмоқчи бўлганимни айтай.

— Бемалол.

— Айтганча, сиз беш дақиқа вақтим бор, дегандингиз. Мен яна...

— Бўлди, қолган ишларнинг бари дамани олади.

— Хуллас, Лазиз ака сизни жуда бошқача таърифлади. Дангал йигит, деди. Айтганининг устидан чиқадиганлардан, деди. Яна қўли ҳам узун, деди.

— Энди-и-и, — дея гавдасини сал кўтариб гердайган бўлди Арслон, — эркак эркак бўлиши керак-да. Хотинчалишларни жиним суймайди.

— Кўриниб турибди. Бирдан салобатингиз босаркан. Сизга айтмоқчи бўлганим бироз ноқулайроқ... Аслида, бу масалани адажонимга айтганимда, киприк қоққунча ҳал қилиб ташларди. Лекин эп кўрмадим. Ундан кейин ота-онага айтадиган нарса эмас. Сал бошқачароқ.

— Менга бемалол айтаверинг.

Сабина сумкачасидан расм олди-да, столнинг устига қўйди. Бу расмни у Мавзунанинг альбомидан ўғирлаб олганди. Мана, керак бўлиб қоларкан.

— Ким бу? — деди Арслон суратни қўлига олиб.

— Менинг ашаддий душманам, — дея жавоб берди Са-

бина жиддий тортиб.

— Душманым?! — деб Арслон расмга тикилиброқ қаради. — Нима қилган?

— Тарихи узун. Лекин ер билан битта қилиб кетди. Пасткашлик қилди. Хаёлингизга анавиндақа нарсалар келма-син. Бошқа масалада пасткашлик қилди. Мен уни тузук бола деб ўйлагандим. Лекин... Юрфақда ўқийди.

— Имм, тушунарли, — дея пешонасини тириштирди Арслон.

— Лазиз аканинг қўлидан келмаскан. Шунга...

— Йўқ қиламан! Бурдалаб ташлайман! Ҳали сизнинг ди-лингизни оғритадиган бўлдим бу мараз?! Бугуноқ оёғин-гизни ўпмаса, отимни бошқа қўяман! — дея кеккайди Ар-слон ва суратни қўйлагининг кўкрак чўнтагига солиб қўйди.

— Мен сизга ишонганим учун илтимос қиляпман...

— Илтимос қилманг, бунақанги нарсаларни шунчаки билдириб қўйинг, тамом-вассалом! У ёғини ўзим ҳал қилиб, натижасини сизга айтавераман.

Шу пайт уларнинг ёнига официант келди. Унинг патни-сида турли газаклар, чиройли кесилган нон ва Арслон ай-тган «беш юлдуз» бор эди.

* * *

Нормат «Қурувчи» маҳалласидаги уйига борди. Шаҳар-нинг шимоли-шарқидаги бу уйни беш йил бурун сотиб олганди. Фақат бу уйни эмас, икки ёнидаги ҳовлиларни ҳам. Учала уйни ҳам бузиб, яхлит битта қилиб қурган. Икки қаватли. Яна ертўласи ҳам бор. Ертўлага юк машина ҳам бемалол кириб чиқади. Ҳовлиси боғ. Боғнинг ўртасида фав-вора отилиб турибди. Чўлоқ бу ерга ҳафтада ёки икки ҳаф-тада бир келади. Йигитларини ҳам шу ерга чақиради. Жа-золаниш керак бўлганларини жазолайди. Мукофот?! Ҳеч кимни мукофотламайди. Унинг назарида бирорта ҳам одам мукофотга лойиқ эмас. Албатта, ўзидан бошқа.

Чўлоқ дарвозадан киргандан сўнг ўнг қўлдаги иккинчи хонада ўтиради. Ҳозир ҳам шу ерда. Бир ўзи. Хурсанд. Чўпон уни хурсанд қилди. Элликта қўйнинг пулини оласан, деди унга. Лекин биттасиниям бермайди. Керак бўлса, чўпон-дан яна шунчасини олади. Камига қарз ҳам қилиб қўяди. Бунинг минг битта йўлини билади.

«Ўрама»дан сўнг кўнгли бир қадар кўтарилган Нормат

чўлоқ ором курсига ястанди-да:

— Рифқат! — дея бақирди.

Шу заҳоти сочини тап-тақирга олдирган, хўппа семиз киши кириб келди.

— Ким келди? — деди Нормат кўзларини бироз қисиб.

— Битгаси бугун машинасидан айрилибди. Яп-янги «ноль олти» экан. Ўзимизнинг йигитлар чаққонлик қилишибди.

— Яхши. Бу ёққа ким жўнатган?

— Ўроз.

— Унда нима қилиб бечорани ташқарида ушлаб турибсан? Киргиз, ҳасратини эшитайлик.

— Хўп, — деб Рифқат ортига бурилди-ю, гавдасига ярашмаган чаққонлик билан чиқиб кетди ва бироздан сўнг элликлардан ошган, мўйловли, қорачадан келган, бошига дўппи кўндирган бир одамни бошлаб келди.

— Исминг нима? — деди бирдан башарасини тириштириб олган Нормат.

— Вафоқул, ака, — деди келган одам кўлларини кўксига қўйиб.

— Нима дардинг бор?

— Машина миниб келгандим. Янги. Ўтган ҳафтада олгандим. Давлатга гўшт топшириб, шунинг пулига.

— Ҳе, — дея ўшшайди Нормат Рифқатга қараб, — гўшт топширганмишлар. Сенинг нима, бутун бошли мол ферманг бормидики, ўн-ўн бешта ҳўкизингни сўйиб, гўшти-ни топширасан?! Рост гапиришга қачон ўрганасанлар?! Йўли шунақа де. Ёки шунчаки сотиб олганман де. Хўп, майли, қанчага олгандинг?

— Ўн беш мингга, — дея жавоб берди машинасини ўғирлатган Вафоқул.

— Зўрсан-ку! Бу ерга келишдан олдин қаерга бординг?

— Ҳеч қаерга!

— Ёлғон гапирмаяпсанми?!

— Йўқ!

— Машинангни топиб бераман. Эвазига ярим пулини берасан. Розимисан шунга?

— Ака, жуда кўп-ку, қандай қиламан? Ўзи кўни-кўшнидан...

— Йўқол, мен сенинг машинангни излаб топадиган искович ит эмасман. Тамом. Ана, мелисага бор, ўшалар то-

пишсин.

— Ака...

— Йўқол! — дея бақирди Нормат чўлоқ.

Шу заҳоти Рифқат бечоранинг қўлтиғидан олди-да, ташқарига судради.

— Одамларга яхшилик ҳам ёқмайди, — деб Чўлоқ Кубадан келтирилган тутатқини қутидан олди-да, бармоқлари орасида айлантира бошлади.

Рифқат дарров қайтиб кирди.

— Айт, сўйиб ташлашсин-да, бўлаклаб сотворишсин. Янги экан, пули бузилмасин. Навбатдагини чақир, — деди Нормат ва гугурт ёқди.

Рифқат эса тезда узун бўйли, озгин, тепакал бир одамни бошлаб кирди.

— Сен умрингда овқат-повқат еганмисан? — деди унинг туришига кулгиси қистаган Нормат.

— Юқмайди. Роса хўран одамман. Унча-мунча нарсани кўрдим, демайман. Лекин негадир сира эт олмайман, окахон! — деди келган одам икки букилиб.

— Ичингда илонинг бўлса керак. Хўш, нимага келдинг? — дея тутун ютиб ўтирган жойидан қимирлаб қўйди Чўлоқ.

— Арзимаган бир иш.

— Чайналма. Жиним суймайди.

— Бозорга ишга ўтмоқчиман. Паттачи бўлиб. Директорнинг ёнига борсам, ҳатто нега келдинг, деб сўрамасдан ҳайдаб юборди. Алам қилиб кетди, окахон. Шундан кейин тўғри ёнингизга нажот истаб келавердим.

— Нима, мен сенга бозоркомманми, тўғри келавергани, — дея ўшшайди Чўлоқ.

— Окахон, сизнинг қўлингиз етмайдиган жойнинг ўзи йўқлигини бутун шаҳар билади.

— Атаганинг борми?

— Албатта. Мана, — деб иш сўрагувчи газета қоғозига ўралган бир даста пулни қўйнидан чиқарди.

— Қанча?

— Бешта.

— Оз-ку.

— У ёғига қарздормиз, окахон.

— Шундоғам қарздорсан. Бу ёққа келишни ўйлаганингдаёқ қарзга ботгансан. Кунлик тўловинг бўлади. Суммаси-

ни йигитлар айтишади. Эртага эрталаб патта пули йиғасан. Келишдикми?

— Катта раҳмат, окахон. Дунё тургунча турунг, окахон!

— Бўлди, овозингни ўчиргин-да, кетавер...

У кетди. Рифқат савол назари билан тикилди.

— Анави Эгамқулга топшир. Ҳозироқ ишни битирсин,
— деди Нормат чўлоқ олдидаги тутунни ҳайдаб.

— Ҳўп. Кейингисиними?

— Чақир. Бугун дам олмайдиган куним, шекилли.

Икки киши кирди. Иккаласи ҳам ногирон. Бирининг қўли йўқ, иккинчисининг оёғи.

Чўлоқ ўрнидан туриб, секин уларнинг ёнига борди. Қўли йўқнинг елкасига кафтини қўйиб:

— Тушунаман. Айтмасанглар ҳам биламан. Мени айнан сенлар хурсанд қиласанлар. Шуни ҳам билиб қўйганларинг яхши. Агар хотирам панд бермаса, ўтган ойнанинг ўн бешида олгандинглар, тўғрими? — деди.

— Ҳа, — деди қўлсиз ногирон ерга қараб.

— Дарров тугатиб қўйдингларми? Ҳимм, айтганча, машатга борибсанлар, деб эшитдим.

— Йўғ-э, биз унақа нарсага ярамаймиз.

— Во-ха-ха! Лекин дангал гапирганларинг учун яна бераман. Кетса, мендан кетибди, — деб Нормат боя ўтирган жойига борди ва столнинг тортмасини тортди-да, бир сиқим бир сўмликларни олди ва келтириб оёқсиз ногироннинг қўлига тутқазди.

— Ҳаммаси эмас. Ҳозир йигитларга айтаман. Кафега олиб бориб, иккалангни ҳам роса сийлайди. Сенларга ҳурматим чексиз. Сенлар уруш кўргансанлар! — деди кейин.

— Раҳмат, — деди қўли йўқ ногирон, — бир ҳафтадан кейин яна келарканмиз-да.

— Нега? — дея пешонасини тириштирди Нормат чўлоқ.

— Бир сиқим бир сўмлик нима бўларди?

— Ўҳ! Ўҳ! Ўҳ! Ўзи мен ҳам сизларга ўхшаган ногирон бўлсам. Сенлар ҳам келиб-келиб мени тунайсанларми? Яхшимас, яхшимас...

— Ўзингиз яхши кўраман, деб айтгандингиз-ку, — деди оёқсиз ногирон.

— Ана шу ожиз жойимни биласанлар. Шунинг учун шилганларинг-шилган. Майли, шу сафар сал кейинроқ келин-

глар. Майли, яна беш-олтита уч сўмлик бераман.

— Эшитдик, французларники бор экан. Ҳеч бўлмаса, шундан элликтадан қуйиб беринг, — деди қўлсиз ногирон.

— Бекзод! Аммамнинг ўғли эканлигини эсингдан чиқарма. Мен сенга ҳамма нарса беришим мумкин. Лекин эртага пиёниста бўлиб кетишингга йўл қўёлмайман! — дея бақириб юборди Нормат.

— Ҳар доим шунақа, — дея шу заҳоти кўзига ёш олди Бекзод, — бир нарса сўрасам, дўқ-пўписа қилиб ҳайдайсиз. Анави югурдакларингиз бўлса, кунига машина алмаштиради. Етти ёт бегоналар!

— Уфф! Роса жонга тегдинг-да! — деди Нормат ва ортига қайтди-да, ором курсисининг орқасидаги шкафни очди ҳамда алламбало шиша билан бирга учта стаканни олиб, столнинг устига қўйди. Ҳар учала стаканни суюқликка тўлдириб, ҳали-ҳамон эшик ёнида турганлардан дағал овозда сўради:

— Илтимос қилсамгина келиб ўтирасанларми?!

— Боя бизни ёнингизга киргизган шотирингизни чақиринг, — деди Бекзод.

— Нима қиласан уни? — дея қовоғини осилтирди чўлоқ.

— Менга ичириб қўймайдими?

— Ўзим ичиравераман.

— Сиз ичиришни билмайсиз. Сиз сўкишни, уришни биласиз. Сиз зўрсиз!

— Раҳмат! Ҳеч қурса, шундай гапни биларкансан.

Нормат уларни ичирганидан сўнг чиқариб юборди-да, «тутатқиси»дан қайта-қайта тутун ютганидан сўнг яна Рифқатни чақирди. Навбат кутаётганлар бор-йўқлигини суриштирди. Яна биттаси машинасини ўғирлатган экан, ёрдам сўраб келибди.

— Хабар берибдими? — деди Нормат Рифқатга еб қўйгудек тикилиб.

Рифқат семиз бошини қимирлатиб, тасдиқ ишорасини қилди.

— Ўша ёққа борсин. Ўрозга айт, бунисини ҳам майдалаб ташласин. Энди йигитларнинг ҳаммасини ертўлага йиғ.

— Йиғилган, кутишяпти.

— Бўпти, ҳозир бораман, — дея Нормат энди ўрнидан турмоқчи бўлганида, телефон асабий жиринглади.

У гўшакни кўтаришдан олдин французларнинг ичим-лигидан стаканга тўлдирди ва бир кўтаришда ҳаммасини ичди-да, лабини кафтининг орқасига артиб, гўшакка кўлини чўзди.

— Алло, — деди эринчоқлик билан.

— Адаси! Адаси! Тезроқ травматологияга келинг. Каттангизни машина туртиб кетибди! — дея йиғлаганча бақирди хотини.

— Тирикми?! Тирикми, деб сўраяпман сен ифлосдан?! — дея кўзлари олайганча ўқирди Нормат.

— Билмайман! Бизни киритишмаяпти! Реанимацияда ўғлингиз!

Нормат гўшакни телефоннинг устига қарсиллатиб урди. Шовқинни эшитган Рифқат чопқиллаб кирди.

— Ифлос, ҳаммангни ўлдириб ипга тизаман! — дея унга қарата шиша отди Нормат. Рифқат энгашиб қолди. Шиша эшикка тегиб, чил-чил синди.

Чўлоқ унинг чап бериб қолганига эътибор ҳам бермади. Эшикка оқсоқланганча югурди. Шу кетишида бақирди:

— Тўртта машинани тайёрла! Бахтиёр катта дўхтирларнинг ҳаммасини травматологияга тўпласин!

Рифқат ундан олдин хонадан чиқиб кетди. Ахир ҳайдовчиларга ҳозирнинг ўзидаёқ унинг буйруғини етказиши керак, акс ҳолда, калласи кетиши мумкин. Чўлоқ қутурган пайтда бировни аямайди. Кайфияти бузилдими, тамом, айтганини зудлик билан бажариш шарт.

У шошилганча дарвозахонага чиқди-ю, «тутаб» турганларга ўшқирди:

— Машинага ўтиринглар!

Ўзи эса югурганча бориб дарвозани очди ва ўзини четга олди. Иккита машина ўқдай учиб чиқиб кетди. Кейин ордан икки дақиқа ҳам ўтмасдан яна иккита машина йўлга тушди.

Шундан кейин Бахтиёрнинг уйига қўнғироқ қилди. У марказий шифохонада ишлайди. Ҳеч қачон навбатчи бўлмайди. Чунки Норматга исталган пайти керак бўлиб қолиши мумкин. Шунинг учун соат олтидан кейин уйида ўтиради.

Рифқат унга буйруқни етказганидан сўнг тин олди. Алам билан синган шишага қараркан, ўйлади: «Бошимга тегиб

кетганида борми, ўзим ҳам тўғри касалхонага кетардим. Йў-ў-ўқ, мен касалхонага бормайман. Жони чиққан Чўлоқ шу заҳоти отиб ташлайди. У ҳаромида инсоф деган нарсанинг ўзи йўқ».

Нормат чўлоқ кета-кетгунча сўкинди. Соатига қаради. Ярим тундан ошибди. Шундай маҳалда ўғлига кўчада нима бор? Неча марта айтган, қуёш ботиши билан қайси гўрда бўлсанг ҳам уйга етиб кел, деб. Лекин боласи ўзидан ўтган ўжар. Баъзи кунлари умуман уйни эсидан чиқариб қўяди. Қайсидир маишатхонада ичиб, думалаб қолган бўлади. У шунинг учун сўкинди. Ўғлини гапига киритолмаётгани учун сўкинди. Шунча одамни атрофига йиғиб, тартибга солиб ўтирибди. Аммо боласига кучи етмаяпти. Мана, кўрққани охири содир бўлибди.

Йўлда бундай маҳал машиналар қарийб бўлмайди. Шу боис у ўтирган қоп-қора «Газ 24» энг юқори тезликда елдай учарди. Шунинг учун ҳам у ҳаш-паш дегунча касалхонага етиб борди.

Оқсоқ ҳолига соғ одамлардан тезроқ югуриб, ҳар иккита зинани битта қилиб иккинчи қаватга кўтарилди ва йўлакка чиқди-да, шитоб билан юриб кетди. Атрофини йигитлари ўраб олган, кўзлари олма-кесак териб, ҳамма ёқни кузатиб боришарди.

Чўлоқ «Реанимация» деб ёзиб қўйилган эшик ёнида хотини ва иккита қизига дуч бўлди.

— Адажон! — деганча иккала қизи ҳам унинг бўйнига осилди.

— Ҳаммаси яхши бўлади. Ҳаммасини жойига қўямиз. Ўзларингни босинглар! — дея Нормат қизларининг пешонасидан ўпиб қўйди. Сўнг бошини ҳам қилиб ўтирган хотинига қаради-да:

— Нега ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ аза очиб ўтирибсан, ифлос?! — деди.

— Киритишмаяпти-ку... Операция бошланганига уч соат бўлибди, — дея жавоб қилди аёл кўзида ёш билан бошини кўтариб.

— Ни-ма?! Уч соат?! Нега шу пайтгача айтмадинг?! — деб бақариб юборди Нормат.

— Бизга яқинда хабар беришди. Кимдир ўғлингизни таниб қолибди. Ўша кўнғироқ қилиб айтди. Келсак, аллақа-

чон операцияни бошлаб юборишган экан. Шу заҳоти сизга қўнғироқ қилдим.

Нормат чўлоқ эшик тутқичини ушлаб, қаттиқ тортди. Лекин эшик очилмади. Шунда у йигитларига қаради. Шотирлар энди эшикни бузмоқчи бўлишганида, унинг туйнуги очилиб, семизгина аёлнинг боши кўринди.

— Илтимос, шовқин солманглар, операция кетяпти! Бир одамнинг жони қил устида! — деди ҳалиги аёл.

Нормат шу заҳоти йигитларини тўхтатди-да:

— Синглим, ишқилиб, тирик қолармикин? — деди ялинчоқ овозда.

— Билмадим, дўхтирлар кириб кетишгани бўйи чиқишмади. Лекин ўша одамни...

— Одам?! — деди бирдан ичига илиқлик кирган Нормат.

— Ҳа. Тўғрироғи, йигит. Йигирма-йигирма беш ёш атрофида. Аҳволи оғир эди. Дўхтирларнинг айтишича, кўп қон йўқотибди. Уриб кетган одам қочиб кетган экан. «Тез ёрдам» машинаси бориб, олиб келди.

Норматнинг бошига биров гурзи билан ургандай бўлди. У ўзига энг яқин турган шотирининг ёқасидан олиб:

— Сен гўрсўхталарнинг кўзларинг қаерда эди?! — дея томоғи йиртилгудек ўқирди.

— Амаки, илтимос, шовқин солманг! — деди унга шу заҳоти эшик ортида турган ҳамшира.

Нормат шотирининг ёқасини кўйиб юборди-да, вишиллади:

— Ернинг тагидан бўлса ҳам топинглар!

Иккита йигит шу заҳоти йўлак бўйлаб югуриб кетди. Ҳамшира эса дўхтирлардан бири операция хонасидан чиққанлигини айтди.

* * *

Достон уйига кириб келди. Унинг пешонаси тиришган, кўзлари бироз қисилган, нафас олиши оғир эди. Дадасини бундай аҳволда кўрган Фирдавснинг кўнгли оғриди. «Шу ёшга кириб ҳам уйдагилар учун тузукроқ бирор нима қилмадим. Ейман, ичаман, кияман. Лекин буларнинг бари қаердан келяпти, деб бир оғиз сўрамайман. Агар ўқишга бориб келаётганимни ҳисобга олмаса, ҳаётимда тузукроқ маъно йўқ», дея ўйлади.

Достон ошхонага ўтаётган маҳал ётоқдан Моҳирўйнинг

овози келди:

— Фирдавс, даданг келдими?

— Ҳа, — деди ўғлининг ўрнига жавоб берган Достон, — келдим.

— Бу ёққа бир қарайсизми?

Достон савол назари билан ўғлига боқди.

— Салгина мазаси бўлмаганди. Ҳозир яхши, — дея шивирлади Фирдавс.

Достон бошини қашлади. Оғир нафас олди. Сўнг хотинининг ёнига кирди.

Моҳирўй кўрпага ўраниб ётибди. Кўп терлаганидан сочлари ҳўл бўлган. Лаби ҳам бироз қуруқлашганди. Достон кириши билан аёлининг кўзларидан ёш оқди.

— Нима бўлди? Нега йиғлаяпсан? Сал касал бўлганинггами? — деди Достон ўзини қувноқ кўрсатишга уриниб.

— Эшикни ёпинг, — пичирлади Моҳирўй.

Достоннинг ҳали ҳеч гапдан хабари йўқ эди. Шу боис ҳайрон бўлди. Яна кўнглига даҳшатли ўй келди: Моҳирўй бедаво касалликка дучор бўлган-у, буни болалари билиш-ни истамаяпти.

Эркак шоша-пиша аёлининг айтганини қилди ва хотинининг ёнига келиб ўтирди. Моҳирўй шу заҳоти эрининг кўлини ушлаб:

— Мени кечиринг, — деди йиғламсираб.

— Нега? Нима гуноҳинг учун? — дея яна ҳазиллашмоқчи бўлди Достон.

— Жуда ёмон иш қилиб қўйдим.

Шу гапнинг ўзиёқ Достоннинг хаёлидаги гумонни тумандай тарқатиб юборди.

— Сенинг қўлингдан ёмон иш келиши мумкинлигини энди эшитиб туришим. Янгилик-ку! Лекин нима бўлган-даям битта зўр иш қилибсан.

— Сиз гапни бошқа ёқларга чалғитманг. Мени эшитинг. Эрталаб Миразиз ака хотини билан бирга чиқиб кетганидан кейин Фирдавс пул топиб олибди. Мен хом калла, уни Миразиз ака бизга ичи ачиганидан ташлаб кетган, деб ўйлабман-да, оёғимни қўлимга олиб уларникига югурибман. Хотини чиқди. «Бошқа бундай иш қилманглар», деб қўлига бердим-у, орқамга қайтдим. Уйга келсам... — деб Моҳирўй титроқ қўли билан кўзидан оқаётган ёшни

артди ва ютиниб олди-да, гапини давом эткизди, — Фирдавс пул ташлаб кетган бутунлай бошқа одамлигини айтди. Кейин у бориб пулни қайтариб олибди-да, эгасига бериб келибди.

— Вой-вў-ў-ўй!!! Шунга шунчами? Осмон узилиб ерга тушмабди-ку! Мен сенинг ваҳимангни кўриб, юрак олдириб қўйишимга сал қолди-я! Миразиз зўр, тушунадиган одам. Хатолик кимдан ўтмайди? Ҳаммадан ўтади. Нима, Миразиз ёки унинг хотини ҳеч қачон хато қилмабдими? Қилган улар ҳам. Беайб Парвардигор. Сен ҳеч нимадан сиқилма. Ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Ҳали ўзим Миразиз билан ҳам гаплашаман. Бўлди, эсингдан чиқар. Агар дардинг шу бўлса, ётишинг уят. Биласанми, мен уйга келаётганда нимани хаёл қилиб келдим? Моҳирўй картошка қовуриб қўйган бўлса-ю, мен бориб маза қилиб есам деб. Ёгли картошка яхши-да, кечаги бемаза ютгуликларни босади. Лекин бекор орзу қилибман, — дея бошини эгди Достон.

— Ҳақиқатан ҳам, унчалик ёмон нарсамасми? — деди Моҳирўй эрининг юзига тикилиб.

— Мутлақо. Аммо менинг хоҳишимни эшитсанг ҳам, ётаверишинг ёмон.

— Ҳозир. Дарров тайёр бўлади. Сиз ювиниб туринг, — дея Моҳирўй устидаги кўрпани олиб ташлади.

Достон ётоқдан чиқаётиб, кўзини чирт юмиб очди. «Бунчалик ҳам ношуд бўлмасам, Моҳирўйни ҳаммадан бахтли қиламан, дегандим. Лекин бечорасифат қилиб қўйдим», деб кўнглидан ўтказди эркак. Дадасининг аччиқ кўз юмиб очишини Фирдавс кўрган эди. Кўргани заҳоти юраги гурсиллаб уриб кетди. Ичида бир нима чирт этиб узилгандай бўлди.

— Тинчликми, дада? — деди.

Достон бирдан Фирдавсга қаради. Жилмайди.

— Мен аянгнинг киприклари сал ортиқча пирпираб кетса ҳам чидолмай кетаман. Шунга сал... Сен эътибор берма, — деб ўглининг ёнидан ўтиб кетди.

У ҳали ҳаммомга киришга улгурмасидан телефон жиринглади.

— Мен кўтараман, — деди Фирдавс ва ичида «Ишқилиб, Миразиз амакининг уйидагилардан бирортаси бўлмасин», деган хавотирда гўшакни кўтариб қулоғига тутди.

— Алло, алло! — деган таниш овозни эшитиб, бироз кўнгли равшан тортиди.

— Асқар, нега бунча ҳовлиқасан? — деди хотиржам Фирдавс.

— Фирдавс, оғайни, аҳвол чатоқ! Тез етиб келмасанг, бўлмайди! — дея яна ҳовлиқди Асқар.

— Нима гап? Қаерга тезда етиб бораман?!

— Жамшидларникига. Оғайни, илтимос, тезроқ етиб кел! Бу хол қўйибди! Келганингда ҳаммасини билиб оласан! — Асқар шундай деб гўшакни қўйди.

— Уфф! Ўзи шу етмай турувди. Ё бугун қандайдир бошқа томоним билан уйғонганман. Биттаси совимай, иккинчиси бошланыпти. Жамшид қандай хол қўяди? Оғирбосиқ бола бўлса. Бировнинг мушугини пишт демаса, — дея ўзига-ўзи пичирлади Фирдавс ва бошини қашладида, хонасига кирди.

Кийиниб, ташқари эшик ёнига яқинлашганида онаси тўхтатди.

— Ким қўнғироқ қилди? Қаерга кетяпсан? Нега кўзларинг безовта? — дея саволларни қаторлаштириб ташлади у.

— Асқар. Жамшид имтиҳондан ўтолмаганга ўхшайди, — жавоб берди Фирдавс.

— Имтиҳон пайтимас-ку.

— Аввал ҳам ўтолмаган-да. Қайта топшириб яна ўтолмабди.

— Тезроқ қайт!

— Ҳўп.

Фирдавс кўчага чиққанидан сўнг «Ёлғон гапирганим учун кечиринг», деди секингина.

У Жамшидларникига етиб боргунича бир соатга яқин вақт ўтди. Чунки минган автобусидан тушиб, бошқасига ўтиришига тўғри келди.

Беш қаватли уйнинг иккинчи қаватига кўтарилди. Қўнғироқни босди. Эшикни Асқар очди.

— Одам ҳам шунақа бўладими? Агар тошбақани чақирганимда сендан олдин етиб келарди! — деди у қовоғини солиб.

— Автобусма-автобус юргандан кейин шу-да. Нима гап?

— Кир ичкарига.

Жамшидларникида негадир Асқар иккисидан бошқа ҳеч ким йўқ экан. Жамшид хонасида, юзини ёстиққа босиб ётибди.

— Нега ётибди бу? — деди Фирдавс энсаси қотиб.

— Қисқаси, ўртоқ, бу кишим машинада одам уриб кетибди! — деди Асқар баланд овозда.

Шу заҳоти Жамшид ўрнидан сакраб турди-да:

— Нега бир хум тилла топган аҳмоқдай бўкираяпсан?! — дея қичқирди Асқарга.

— Ўзи сўради-ку, шунга айтяпман!

— Сўраса, томоқ йиртишинг керакми?! Ё бутун маҳалла эшитсин, деяпсанми?! —

— Тўхта, — дея уларнинг орасига тушди Фирдавс, — ўзларингни босинглар! Жамшид, ўтир, оғайни. Қани, бир бошидан гапириб бер-чи.

Жамшид каравотга ўтирди. Кейин алам билан «И-и-и!» дея пешонасига ураркан:

— Энди умрим қамоқда чирийди! — деди кўзидан ёшини оқизиб.

— Ваҳима қилма, ҳамма нарсанинг йўли бор. Сен аввал гапириб бер, нима бўлди? — дея пешонасини тириштирди Фирдавс.

— Бувимни тоғамларникига олиб бориб қайтаётгандим... Барно билан кўришамиз, деб келишиб қўйгандим. Бордим. У уйининг ёнида экан. «Машинага ўтир. Озгина сайр қиламиз», дедим. У кўнмади. Лекин мен машинани ҳайдаб кетдим. «У озгина айланамиз. Уйимдагилар хавотир олишади. Дарров излашга тушишади», деди. Шундай бўлсаям мен анча айлантирдим. Қайтаётгандик. Анави дискотека бўладиган жой бор-ку, «Парвоз» деган. Шунинг тўғрисидан ўтаётганимда битта маст йўлимга югуриб чиқди. Ўзи секин кетаётгандим. Шундай бўлсаям, қанча тормоз босмай, фойдаси бўлмади. Унинг ўзи машинага қараб югурди. Уриб юбордим. Учиб кетди!..

— Касалхонага олиб бордингми? — деди кўзлари катта-риб кетган Фирдавс.

— Йў-ў-ў-қ!!! Кўрқиб кетди-и-им!!! Барноям кўрқди! «Биров кўриб қолмасидан ҳайданг!» деди. Мен ҳам қандай қочиб кетганимни сезмай қолдим! Кўзимга ҳеч нарса кўринмасди! Барнони ташладим-да, маҳаллаларни оралаб, уйга ке-

либ олдим. Машинани гаражга тикдим! Бўлди!

— Эй-й-й, аҳмоқ, нега ёрдам кўрсатмадинг?! Маст бўлсам касалхонага оборишинг керак эди! Анави Барнонг ҳам фирт тентак экан! Кеч ундан! — деди Фирдавс жаҳл билан.

— Майли, оғайни, кечаман. Лекин айт, нима қилай? Ҳали уйимдагилар ҳам билишмайди. Ҳаммаси тўйга кетишган. Адам: «Умуман машинага оёғингни оширма!» деганди. Айтганларини қилмай... Бувим такси олиб кел, деганди, кулоқ солмадим-да, ялиниб-ёлвориб бувимниям кўндиргандим. Энди нима қиламан, оғайни?!

— Билмадим, — дея Фирдавс бошини сарак-сарак қилди, — билмадим. Билганим, касалхоналарни суриштириш керак. Агар тирик қолган бўлса, бир амалини қилиб пул-мул бериш лозим. Шунда ҳам бировга сездирмай. Ҳатто унинг ўзи ҳам пул қаердан келганини билмаслиги шарт. Ўшанда виждонингнинг олдида салгина ўзингни оқлаган ҳисобланасан. Аммо, барибир, қонун олдида жавоб беришинг керак. Мабодо, Худо кўрсатмасин, ўлган бўлса, очиғи, бир нима деёлмайман...

— Фирдавс, сени оғайним деганман. Қадрдоним деганман. Битта прокурор амаким бор дегандинг, эсингдами?! — деди Жамшид кўзлари мўлтираб. — Ўшанга айтсанг, балки мени қамоқдан олиб қолармиди?

— Жиннимисан, бутун бошли одамни ўлдириб юбориб, яна қутулиб қолмоқчимисан?! — деди Фирдавс жаҳл билан.

— Мен сенга айтдим-ку! Унинг ўзи машинага келиб урилди деб! Фалокат кимлар билан бўлмайди. Ҳали ўқишни битирмай туриб, менга терговчилик қилма! Сен айтган нарсаларни ўзим ҳам биламан. Лекин омон қолишим керак! Ундан кейин хатомни тўғрилайман, оғайни! Виждоним бор менинг! Аммо бутун келажагимнинг расвоси чиқади! Тушунсанг-чи! Сени умид билан чақирганман! Оғайним бўлиб, сен ёрдам бермасанг, ким ёрдам беради?! Ота-онам ўқитувчи! Бой одамлар эмас, ҳамма ёқни сотиб олгани! — қичқирди Жамшид.

— Фирдавс, у тўғри айтяпти! Атайлабдан қилмаган-ку. Бунинг устига, маст одамнинг ўзи ўзининг бошига етган. Бирор чора топмасак, оғайнимиздан айрилиб қоламиз. Бу сен учун ҳамма нарсага тайёрлигини ўзинг ҳам яхши би-

ласан. Кейин ҳозирдан ўлдига чиқариб қўймайлик. Айтганиндай, суриштирайлик. Тирик бўлса, бир нарса қилиб рози қилармиз. Нима дединг? — деди Асқар.

Фирдавс индамади. Нима десин? Куни кеча амаким бизникига келганди. Лекин кейин мана бунақа, мана бунақа воқеалар бўлди, десинми? Деёлмайди-да.

— Майли, — деди у чуқур хўрсиниб, — лекин Асқар иккимиз суриштирамиз. Жамшид уйдан чиқмайди. Ҳа, айтганча, аввал машинани кўрайлик. Балки, уни тозалашга тўғри келар.

— Устахонага олиб борамиз, — деди бирдан Асқар.

— Ҳа, тўппа-тўғри. Устахонага олиб борасан. Лекин бу ёққа қайтиб келишга улгурмасингдан Жамшидни темир «билакузук»да олиб кетаётган бўлади ўн-ўн беш йилга. «Сайру саёҳат» учун. Юр, ундан кўра, сен, — деб Жамшидга қаради Фирдавс, — калитни бер. Ўзинг уйингдан қимирлама. Ҳа-а, яна бир нарса-бир нарсалар қиламан, деб юрма. Бировга оғзингдан ҳам гуллама.

Жамшид индамай гаражнинг ҳам, машинанинг ҳам калитини Фирдавснинг қўлига топширди.

Улар машинани кўришди. Олдинги бампери бироз қийшайибди. Кейин фаранинг тагида қон юқи ҳам бор экан.

— Устидан босиб ўтиб кетганми дейман? — деди ранги бирдан оқарган Асқар.

— Шунақага ўхшайди. Бечора кўрққанидан нима қиларини билмай қолган-да. Бўпти, латтани ол, қонни артиб ташлайлик.

Икки ўртоқ қонни артишганидан сўнг машинанинг тагини ҳам кўришди. Ғилдиракнинг ички томонида, рамага илиниб қолган қўйлак парчасини топишди.

— Фирдавс, оғайни, аниқ ўлган у. Устидан босиб ўтиб кетади-ю, соғ қолармиди?! — деди Асқар ваҳима аралаш.

— Ҳамма нарса бўлиши мумкин. Яхши ният қил. Кўрганларинг тўғрисида бировга чурқ этма! Энди метрога тушамиз. Шу ёқдан кўнғироқ қиламиз касалхоналарга... Ҳамма-сига эмас, аварияга учраганларни травматологияга олиб боришади. Травматологиянинг телефон рақамини справочнидан оламиз.

Улар гаражни қулфлаганидан сўнг шошилганча метро томон кетишди. Унча узоқ эмас, автобуска чиқсанг, уч бе-

катдан сўнг метро.

Улар кетиб боришаркан, бир оғиз ҳам гаплашишмади. Чунки икковини ҳам қўрқув эгаллаб олганди. Аввалига салпал туртиб ўтиб кетган бўлса, қўл-пўли сингандир, жаваҳима қиладиган нарса эмас, деб ўйлашганди. Аммо қонни, рамадаги қўйлак парчасини кўрганларидан сўнг икковининг ҳам дами ичига тушди. Шу боис ҳам гаплашишмади.

Маълумотлар бюросидан травматологиянинг телефон рақамини олишди. Сўнг қўрқа-писа қўнғироқ қилишди. Гўшакни бир қиз кўтарди.

— Алло, яхши қиз, кеча битта одам аварияга учраб касалхонага ётқизилмадими? — деди Фирдавс.

— Ётқизилганда қандоқ! Аллақачон ўлиб ҳам бўлди. Мафиознинг ўғли экан. Ҳаммаёқнинг тўполонини чиқариб ташлади! Айтганча, сиз кимсиз, нега сўраяпсиз? — деди қиз.

Фирдавс шу заҳоти гўшакни илиб қўйди-да, Асқарга қараб:

— Расво! — деди ва атрофига олазарак боқди.

— Ўлибдимми?

— Мафиянинг каттаси ким?

— Кўчанингми?

— Нима фарқи бор?!

— Анави, анави... Кимийди исми? Ҳа, Нормат чўлоқ!

— Ўшанинг ўғли экан!

Асқарнинг кўзи орқасига битиб қолай деди. Ранги эса баттар оқарди.

— Нима қиламиз?! — деди ҳовлиқиб.

— Аввал бу ердан кетамиз!..

Улар метродан югуриб чиқишди. Тўхтаб бир-бирига қарашди.

— Оғайни, энди нима бўлади? — деди Асқар.

— Расво. Жамшидни умуман ҳеч ким тополмаслиги керак. У энди шунчаки қамалмайди. Уни ўлдириб юборишади. Шунчаки эмас, дабдала қилиб ўлдиришади. Қутқариш керак. Ҳозир кетдик уйига. Чўнтагингда пулинг борми?

— Беш сўм.

— Бўлди, таксида кетамиз. Миқ этма. Тамом! Уйингдагиларга ҳам билиб-билмай гуллаб қўйма. Агар оғайнингни

яхши кўрсанг, — деб Фирдавс зувиллаб ўтаётган машиналарга қўлини кўтарди. Биттаси тўхтади. Манзилни айтдию, ҳайдовчининг ёнига ўтирди. «Ишқилиб, — дея хаёлидан ўтказди кўзини юмиб, — машинани кўрган одам бўлма-син-да».

— Роса изғишибди, — деди худди шу пайт ҳайдовчи кўзгу орқали орқа ўриндиққа қараб қўйиб.

Асқарнинг ранги ҳамон оппоқ эди. Худди иситмаси баланд одамдай тез-тез нафас оларди.

— Нима изғибди? — сўради Фирдавс ўзини хотиржам тутиб.

— Нима эмас, кимлар?! Кўчанинг одамлари. Тўхтатишди. Биқинимга пичоқ тираб: «Кеча қаерда эдинг? Қанақа одамларни олиб юргандинг?» деб роса калламни қотиришди. Яхшиямки, менинг сменам эмасди. Бўлмаса, ким нима қилишарди? Машинанглар йўқми мабодо? — деди ҳайдовчи ва пешонасини силади.

— Биз студентмиз, ака, машина нима қилсин? — дея мийиғида кулиб қўйди Фирдавс.

— Менга қара, студентлар дискотекаларга кўп боришди, тўғрими? — дея ҳайдовчи Фирдавсга қараб қўйди.

— Билмадим, — дея елкасини қисди Фирдавс, — бойваччалар боришса керак... Энди студентнинг бойи бўлмайди. Айтмоқчиманки, ота-онаси бой бўлса, боласини эркалатса, ана шулар боришади-да унақа жойларга. Биз зўрға тушликка пул топамиз.

— Лекин таксида юрамиз, дегин, — дея кесатди ҳайдовчи.

— Ўртоғимиз уйланыпти. Шунга бир сўм-бир сўм қилдик. Кечга қоляпмиз, шунинг учун. Бўлмаса, автобусда кетардик. Энди ўн тийинлик жойга бир сўм тўлаймиз.

— Икки, — дея бармоқларини кўрсатди ҳайдовчи, — ҳаммангни арзон гаровга олиб бораверсак, таксичиларнинг болаларини ким боқади? Айтганча, курсдошларингдан ҳеч ким дискотекага бормайдими?

— Қишлоқ хўжалиги институтидан бормайди. Бошқаларидан билмадим.

— Тушунарли, — деб бурнини ишқалаб қўйди ҳайдовчи.

Асқар жонини суғуриб олгудек бўлиб, ҳайдовчига икки

сўм берди. Аслида, уч бекатга узоғи билан эллик тийинга такси олиб бориб қўйиши керак. Лекин унақанги такси йўқ-да. Тўғрироғи, ҳайдовчи йўқ.

«Янгилик»ни эшитган Жамшид тахта бўлиб қолди. Бир муддат шу тахлит турганидан сўнг кўзидан ёш оқа бошлади.

* * *

— Тўғрисини айтсам, — деди Арслон иржайиб, — бугун умуман ичмайман, дея қасам ичгандим. Лекин бузилади.

— Нега бузиларкан? Ичманг, тамом-вассалом, — дея узун киприкларини пирпиратиб жилмайганча йигитга тикилди Сабина.

— Бунинг сира иложи йўқ. Сиздай офатижон мен билан битта стол атрофида ўтирганида ҳаяжонни босиш учун озгина ютмасам, қиз боладан баттар бўп қоламан. Тилим айланмайди.

— Қўйинг, бу гап сизга сира ярашмади. Сиз истаган қизни бемалол сеҳрлаб, ўзингизники қилиб олишингиз мумкин.

Бефаросатлик устига бефаросатлик. Бу масалада улар айнан топишиб туришганди.

— Раҳма-а-ат! — дея бўйни ингичка шишани қўлига олди Арслон.

Сууюқлик кичкинагина рюмкани қизартириб юборди. Сабина унга лабини теккизиб қўйган бўлса, Арслон оғзини катта очиб, ичидаги борини тўкиб юборди. Сўнг қўлини мушт қилиб, лаблари устига босди-да:

— Ҳар-ҳар замон озгина-озгинадан бўп турса зиён қилмас, нима дедингиз? — деб ўшшайганча қизга қаради.

— Албатта. Мен сиз билан Москвада ўтиришимизни тасаввур қиляпман. У ёқда атмосфера бутунлай бошқача... Лекин анави ярамасни бир ёқли қилмасдан туриб ўтириш менинг кўнглимга сиғмаса керак, — дея бошини эгди Сабина ва гарчи ҳеч қанақанги намлик бўлмаса-да, кўзларига қоғоз сочиқчани теккизиб қўйди.

— Айтдим-ку, сиз умуман қайғурманг. Ўзим у итваччанинг жойини соламан! Сиз билан энди кўришганимда оқанинг хурматига дегандим, энди азбаройи ўзингиз учун шундай қиламан. Тамом-вассалом, — дея Арслон яна рюмкани тўлдирди. Бу сафар ҳам бир кўтаришди уни бўшатди ва

Сабинани ҳам мажбур қилди.

Улар қарийб бир соатча ўтиришди. Арслон бу ердан чиқиб бир жойга борамиз, деди. Аммо Сабина: «Йўқ, аввал ҳамма ишлар битсин, ана ундан кейин. Бутунлай бошқача бўлади. Москва, Европа. Кўнглингизни тўқ қилинг», деб кўнмади. Арслон ҳеч қачон бундай чиройли қизларни қўлдан чиқазиб юбормасди. Бу сафар эса Сабинанинг шартига кўнмасдан иложи йўқ эди. Чунки у оддий қизлардан эмас. Фаттоҳ Норкуловичдай одамнинг эркаси.

Арслон уйига борди. Чўмилиб чиқди. Шундан кейингина хизматкор аёлни чақирди.

— Нега уйда ҳеч ким йўқ? — деди.

— Кетишди, бир коттаконний боласий ўлибдий. Шунга таъзияга, — дея жавоб берди оқсоч хотин ўзбек тилини бузиб гапириб.

— Қанақа каттакон экан ўша? — дея ошхонадаги юмшоқ стулга ўтирди Арслон.

— Ман белишемча, Нормат экан отларий.

— Нормат?! — дея шу заҳоти ўрнидан туриб кетди Арслон. — Қанақа Нормат?! Чўлоқмасми?

— Бийлмадим. Хўжайин телефонда гаплашганда айтдий. Эшийтдийм.

— Йўғ-э, Нормат аканинг ўгли-я?! Нимага ўларкан?..

— Мошийна урган экан.

Арслон секин қайтиб ўтирди-да, қошини қашлагач:

— Майли, менга битта қаҳва дамлаб келинг. Ичиб, кейин бораман. Окашон менга ҳам таниш бўлади. Эшитмаганимни қаранглар, — дея орқага ўзини ташлади.

«Худо бор. Худо ҳаммасини кўриб турибди. Куни кеча бизни нима азобларга қўйгандинг?! Мен-ку майли, битта мушт билан қутулдим. Лекин болаларнинг пачағини чиқариб ташладинг. Анави Федяни эса чалажон қилдинг. Касалхонада ётибди. На тирик, на ўлик. Энди ўзингнинг боланг... Ишқилиб, яхшилаб мажақлабдими? Таниб бўлмайдиган қилибдими? Зўр бўпти! Ана энди қадамингни ўйлаб босасан. Чунки бу ёғига меросхўринг йўқ. Қизларинг... Қизларинг сен ўлишинг билан қўлма-қўл бўлиб кетади. Керак бўлса, ўзим бошлаб бераман. Сабаби, мен бўламан у пайтда кўчанинг эгаси», дея кўнглидан ўтказди Арслон ва ўрнидан туриб хонасига кетди.

Қахвани шоша-пиша ичган бўлди. Сўнг хизматкор аёлни ёнига чақириб, унинг юзига пуфлади. «Ҳеч қандай ҳид келмаяптими?» деб сўради. Аёлнинг афти бужмайди.

— Бўлмайдий, хед ямон. Мен сезга бошка нарса берман.

Хизматкор шундай деб чиқиб кетди-да, тўртта данакдай-данакдай қоп-қора уруғ келтирди. «Аччиқ, лекин ҳидни ўлдиради», деди.

Арслон еди. У нафақат аччиқ экан, балки ўта бадбўй ҳам эканки, башараси бужмайди. Аммо на илож! «Зўр келганда заҳар ют», деган гап бор.

Худди ер ёрилиб, одам кўкариб чиққандай эди. Арслон бунчалик кўп одамнинг бир жойга тўпланганини сира кўрмаган. Албатта, стадионни ҳисобга олмаганда. У Нормат чўлоқнинг уйи яқинига ҳам боролмади. Чунки бунинг сира иложи йўқ эди. У ёқда, асосан, катталар бўлишади. Кейин шу ердагилардан эшитдики, бошқа республикаларнинг зўравонларидан саккизтаси келибди. «Ҳар бирининг камида юзтадан шотири бўлса керак», ўйлади Арслон ва нигоҳи билан бошқа миллат вакиллари қидирди. Ўн-ўн бештасига кўзи тушди. «Қолганлари ҳам бир гўрларда туришган бўлишса керак. Ҳозир Чўлоқнинг ёнига боролмаяпман. Аммо келгусида у менинг ёнимга келолмайди. Чунки кўчанинг эгаси ўзим бўламан. Фақат ўзим! Бунинг учун ҳамма нарса бор менда! Пул! Обрў! Оз бўлсаям атрофимда беш-олтита бола! Боя каллам ишламабди... Йўқ, уларни олиб келиб бўлмайди. Ҳаммасининг башараси бузилиб кетган. Аслида, улар Лазизга тегишли. Лекин Лазиз энди ҳеч ким. Яна ўзимникилар ҳам бор. Аммо ҳозир улар қаерда юрибди, Худо биледи!.. Ҳеч қурса, Баха мени кўриши керак. Унга келганимни билдириб қўйсам, фойдадан холи бўлмайди», дея кўнглидан ўтказди Арслон ва тобутнинг чиқишини кутиб турганларни четлаб, илгарилай бошлади.

Топди Бахани. Унинг ўзи шу ёққа келаётганда дуч келиб қолишди.

— Қайси гўрда эдинг?! — деди Баха ерга қараб вишилларкан.

— Беҳабар қолибман, — дея шивирлади Арслон ўзини оқламоқчи бўлиб.

— Онангинг уйида эканлигидан хабаринг борми?
Арслон миқ этолмай қолди. Ранги гезарди. Қўлини мушт қилиб тугди.

— Мен билан юр!

Арслон Баханинг ортидан эргашди. Анча юришганидан сўнг одамлар сийраклашди. Ана шу ерда Баха тўхтади ҳамда Арслоннинг енгидан ушлаб яқинроғига тортди-да:

— Оқ «Москвич 412». Рулда ёш бола бўлган. Машина рақами номаълум. Топларинг. Анави пачоқ болаларингнинг ҳаммасини оёққа турғаз. Тушундингми?! — деди паст, аммо кескин овозда.

* * *

Нормат чўлоқ жазавага тушди. Уни ҳеч ким ҳеч қачон бундай аҳволда кўрмаганди. «Бандалик, Худо сабр берсин! Қутқариб қолишнинг иложи бўлмади», деган дўхтирнинг ёқасидан олди. Аввал юзига тупурди. Кейин дўппослашга тушиб кетди. Шу пайт орага шотирлари аралашиб, Норматни ушлаб қолишди.

— Ҳали сен итваччалар мени тўхтатиб қоладиган бўлдингларми?! — дея қичқирган Чўлоқ қўйнидан тўппонча чиқарди. Атрофдагиларнинг ҳаммасининг кўзи ола-кула бўлиб кетди. Бечора шифокор эса сал бўлмаса инфарктга учраёзди. Нормат тўппончани унга тўғрилаб тепкини босди. Бироқ қурол ўқланмаганди. Ўқдонни солиш Чўлоқнинг эсидан чиққанди.

— Маразлар! — деб ўкирган Нормат тўппончани шифокорга қарата улоқтирди. Шу заҳоти дўхтир ўрнидан турдию, қочиб қолди.

— Ада! Адажон!!! — дея чинқирганча қизлари Норматга ёпишди.

У қизларини бағрига босди. Беихтиёр кўзидан ёш сизиб чиқди.

— Адажон, ундай қилманг! — деди шунда қизларидан бири.

— Бўлди, бўлди, қизим! Тамом! Мен яхшиман! Мен яхшиман! Ҳозир уйга кетамиз. Акангниям олиб кетамиз. Ярамасгина, аҳмоққина акажонингни! — деди Нормат зўрға ўзини босиб.

Шунда қизларидан бири дадасининг бағридан чиқиб, онасига талпинди. Нормат дўхтирға ташланганида, ҳамма

у билан овора бўлиб, Чўлоқнинг хотинини эсларидан чиқаришганди. У ўриндиқда қийшайиб қолганди. Кўзлари юмуқ, юзида қон йўқ эди.

Норматнинг шотирлари дўхтирларга пўписа қилишди. Чунки улар юракларини олдириб қўйишган, бирортаси ҳам келиб аёлга ёрдам кўрсатишни истамасди. Ҳар тугул, ораларидан битта марди чиқди. Пётр Семёнович. Келиб аёлнинг қон босимини ўлчади. Сўнг ҳамшираларга дори олиб келишларини айтди. Укол қилди. Шундан сўнг Норматнинг хотини кўзини очди.

Нормат чўлоқ алам билан келди уйига. Ўғлидан айрилгани учун эмас. Шундай одамнинг боласини машинада уриб кетишга кимнинг ҳадди сиққани алам қиларди унга. Аслида, ўғлининг ёнида иккита қўриқчиси бўларди. Бироқ дискотекада уларни шайтон йўлдан урди. Иккови ҳам ичкиликка берилди. Сўнг рақсга тушаётган қизларнинг бошини айлантиришга тушиб кетишди. Шу билан хўжайиннинг эркатоини кўздан қочиришди. Базмгоҳда шовқин кўтарилди. Бир муддатга мусиқа тинди. «Бировни машина уриб кетибди», деган овоза тарқалди. Ана шундан кейингина тансоқчилар эркатоини қидиришди. Бироқ у ҳеч қаерда йўқ эди. Кейин фалокат рўй берган жойга югуришди. Яна кеч қолишибди. «Тез ёрдам» машинаси улардан олдин келиб, йўл чеккасида хириллаб ётган йигитни олиб кетишга улгурибди.

Тансоқчилар жуфтакни ростлашди. Шу кечанинг ўзидаёқ шаҳардан кетишди. Чунки тирик қолмасликларини яхши билишарди. Аммо қочиб ҳам қутулишмади. Эндигина тонг отганида ушлашди. Сабаби, улар паноҳ истаб борган одам шу ондаёқ сотиб қўйди. Аввалига меҳмон қилди. Воқеани эшитиб, қайғурган киши бўлди. Сўнгра керакли одамга кўнғироқ қилди.

— Иккисини ҳам олиб келдик, — деди Баха дарвозахонада бошини эгганча хомуш ўтирган Норматга.

— Қайси иккиси? — дея сўради Нормат дўриллаган овозда.

— Қўриқчиликка қўйганларимиз.

Чўлоқ шу заҳоти ўрнидан турди. Унинг кўзлари чақчайиб, даҳшатли кўриниш олган эди. Қўйнидан тўппончасини олди.

— Ўқдон! — деди ғазаб билан.

Баха кўрқа-писа чўнтагидан ўқдонни олди. Кўли қалтираб Норматга узатди ва киприклари пирпираганча қараб турди.

— Дарвоза ортида турибди икковиям, — деб Баха айбдорларнинг жойини айтаркан, бироз ортига тисарилди. Чунки Норматдан ҳар нарсани кутиш мумкин. Бу тентак жини кўзиганда бировни аяб ўтирмайди. Айби борми-йўқми, фарқи йўқ унга. Тарс-турс отиб ташлайди.

Чўлоқ оқсоқланганча ташқарига чиқди. Икки йигити тиз чўкиб ўтирибди. Боши эгилган. Титраяпти.

— Нега?! — дея сўради улардан Нормат.

Улар миқ этишмади. Шунда бошқа шотирлар иккисининг ҳам сочларидан тортиб, бошини кўтарди.

— Оч оғзингни! — деди ғазабига чидолмаётган Нормат.

Улар оғзини очишди. Қуролнинг мили аввал биттасининг, сўнг иккинчисининг оғзига тикилди ва ҳар сафар чўлоқ ғазаб билан тепкини босди.

Вазифани уддалаёлмаган икки кўриқчининг ҳам танаси ерга қулади. Ҳар икковининг ҳам бошининг орқаси ўпирилиб кетганди.

— Йўқот! — деди кўзи қонга тўлган Нормат.

У аввалги жойига бориб ўтирди. Кўлини юқорига кўтарган эди, шу заҳоти бармоқлари орасига тутаётган «ўрама» қистирилди. Икки шеригидан айрилган шотирлар ўта зийрак эди. Ҳатто улар «беш юлдуз»дан рюмкага қуйиб, газани билан бирга тайёрлаб қўйишганди. Токи сўраб қолса, шошмаслик учун. Бахтларига Нормат ундан сўрамади.

Тонг отганидан сўнг таниш-билишлари кўнгил сўраб, гуруҳ-гуруҳ бўлиб келаверишди. Яна унга бошқа республикадаги зўравонлар ҳам йўлга чиқишганини айтишди. У ғўдайди. «Мана, мен кимман?! Мана, менинг маъракамга қанча одам келади? Бу-ку маърака, тўй бўлса борми, ҳеч қаерга одам сифмайди...»

Буни қарангки, ғам-алам ўрнини дарров ғўдайиш, кеккайиш, манмансираш эгаллаб олди. Энг катта амалдорлар билангина кўл бериб кўришди. Қолганларига шунчаки бошини қимирлатиб тураверди. Шунда уни телефонга чақиришаётганини айтишди.

— Ким экан? — деди иягини янада кўтарган Чўлоқ.

— Окахонингиз экан, — жавоб берди хабарчи.

Норматнинг юзи шу заҳоти ўзгарди ва шошганча телефон турадиган хонага кетди. Гўшакни кўтарди. Сал нафас ростлаб, ғамгин овозда:

— Алло, — деди.

— Ҳов эшшак, нима бало қилипсан?! Ўлган битта сенинг болангми? Нега бутун шаҳарни йиғиб олдинг?! Онангни учқўрғонидан кўрсатаман! Йўқот йиғилганларни! Маъракангни ими-жимидида ўтказ!

— Хўп, хўп... — деди елкаси қисилиб кетган Нормат.

Гўшакдан эса қисқа товуш келиб қолди. Чўлоқ гўшакни жойига қўйди. Сўнг ташқарига чиқиб Бахани ёнига чақирди.

— Ваҳима бўлиб кетди. Одамларни камайтир. Ўзимизни киларниям, — дея унинг қулоғига шивирлади.

— Тобутни эртароқ чиқариш керак. Шунда одам камаяди, хўжайин, — дея шивирлади Баха.

— Ғассол келганми?

— Буйруқни кутиб турибди.

— Ҳозир бошланглар, ярим соатга қолмай чиқарамиз.

— Хўп, — дея қўлини кўксига қўйди Баха.

Норматнинг хотини дод-вой қилиб қолди. Аммо унинг оҳ-воҳига ким ҳам эътибор берарди?! Бу ёқда буйруқ бошқача бўлиб турганида, бу ёғи таъзияга келганларни эртароқ тарқатиш кераклиги уқтирилаётганида, онанинг фарёдини биров эшитармиди?

Қабристонга борувчилар кўп эди. Аммо автобуслар бутунлай бошқа ёққа кетди. Уларни ҳар жой-ҳар жойга тўқди. Нормат чўлоқнинг ўғлини унинг шотирлари ва бошқа республикадан келганлар ҳамда яна уч-тўртта одам, шунингдек, битта мулла кўмди.

Нормат чўлоқ қайтиб келиб, ўзи қулдай хизмат қиладиган амалдорга кўнғироқ қилди. Ҳаммаси худди айтганингиздай бўлди, дея маълумот берди.

У кўғирчоқ эди. Ўша кўғирчоқлигини қилди. Аслида, унинг ақли жинойий тўда тўплашга етмасди. Мана, «Таъзияни буз!» деб буюрди. У шу заҳоти буйруқни адо этди. Бўлмаса, унча-мунча эмас, умрининг давомчиси саналмиш ўғли ўлиб турибди. Ўғлидан айрилиб турибди. Ана шундай пайтда ҳам ўзича бир иш қилолмади. Гўшакни қўйганидан кей-

ин ташқарига чиқди. Бахани чақирди-да:

— Топдингларми? — деб сўради.

— Бугундан кечга қолмайди, хўжайин. Машина аниқ, ким бошқаргани ҳам. Тўғри ёнингизга олиб келайликми ёки?..

* * *

Миразиз эслади. Лекин воқеа қандайдир туман ичида содир этилганди. Хотини пайдо бўлди. Қўлида ёстиқ. Унга яқинлашиб келди. Бир нарсалар деди. Миразиз эшитмади. Эшитса ҳам хотираси панд берди. Кейин бирдан унинг нафаси қайтди. Сўнг Мавзунанинг пайдо бўлиши, бақир-чақир...

— Ҳой, — деди ҳали-ҳамон кўзлари сузилиб турган Миразиз эшик раҳига суяниб, каравотда юзини ёстиққа босганча қимирламай ётган Рухшонага, — сен нима қилдинг? Сен мени ўлдирмоқчи бўлдингми?

— Ҳа, ўлдирмоқчи эдим! — дея бирдан бошини кўтарди Рухшона. — Ўлдириб ҳаммасидан қутулмоқчи эдим!

— Ҳали шундайми? — деди Миразиз оғзининг чеккаси-ни бармоғи билан артиб. — Унда ташвиш қилмасанг ҳам бўлади. Ётаман, шартта қорнимгами, юрагимгами пичоқ тикасан. Мен умуман қаршилик қилмайман. Қарабсанки, ўлиб турибман-да.

— Ҳа-а, тўғри. Ундан кейин сиз гўрингизда тинчгина ётасиз, мен бўлсам қамалиб кетаман. Эшитганман, қамалганларни қандай азоблашини.

Миразиз ҳайратдан донг қотди. Кейин бирдан қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди. Унинг кулишини Мавзуна ҳам эшитди. Қулоғини динг қилди. «Жонимга қасд қилмоқчи бўлиб турган пайтимда булар нима билан шуғулланыпти? Дадамнинг кулиши хурсандчилик аломатига ўхшамайди», дея хаёлидан ўтказди-да, эшигини секин қия очди.

— Кулманг! Мен сизга куладиган гап айтаётганим йўқ! Шунча йил мен билан яшаб кимлигимни билмаган бўлсангиз, энди билиб оласиз!

Миразиз хотинига тикилди.

— Вой, маккор! Мен сени мардлик қилади десам, ҳали қилган ишинг учун жавоб бермасдан эсон-омон қутулиб қолмоқчимисан? Ёстиқ билан бўғиб ўлдирсам, ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолади, деб ўйладингми? Чучварани хом

санабсан. Шундай қилишадик, тилингдан илинасан!

— Дада! — деди хонасидан отилиб чиққан Мавзуна. — Яна нима? Нега бундай бўлиб қолдинглар?! Нега?!

— Ҳалиги... қизим, биз шунчаки битта воқеани...

— Дада, икковингиз ҳам яшайсиз. Фақат мени кўмиб келишларингизга тўғри келади. Мен эртанги куёшни кўришни истамайман!..

Миразиз сергак тортди. Рухшона ўрнидан туриб ўтирди.

— Қизим, нималар деяпсан? — дея ортига бурилиб Мавзунанинг ёнига бормоқчи бўлган Миразиз мункиб кетди ва, сал бўлмаса, йиқилиб тушаёзди. Кейин, барибир, йиқилди. Чунки ёнидан югуриб ўтаётган Рухшона уни туртиб юборганди. Атайлаб туртганди. Чунки эри мувозанатини йўқотганини кўрди. Бунақанги пайтда сал тегинсанг бўлди, гурсиллаб йиқилади.

Мавзуна онасининг қилиғини кўрди ва шу заҳоти йўлакка ўтириб олди-да, кафтлари билан юзини беркитиб, бақриб йиғлашга тушди.

— Она қизим, эрка қизим. Қўй, йиғлама. Ҳали ҳаммаси изига тушиб кетади. Ҳаммаси яхши бўлади! — деди Рухшона ва қизининг сочини силамоқчи бўлганида, Мавзуна бирдан онасининг юзига қаради:

— Мен нима деб турибман-у, сиз нима қияпсиз?!

— Вой, қизим, ҳеч нима қилмадим-ку?! Даданг билан салгина муросамиз келишмаганди. Аста-секин жойига тушяпти...

— Дадамни атай йиқитиб ўтдингиз-ку?..

— Вой, вой, вой, — дея кулган бўлди Рухшона, — йиқитмадим, жоним болам, ўлибманми йиқитиб, шунчаки сенинг ёнингга шошиб, билмасдан тегиб кетдим. Фирт маст одам йиқилмасдан гўр бўлармиди?

— Ойи, — деди кўз ёшини артган Мавзуна, — илтимос, хонангизга кириб бироз ётинг, мен дадам билан гаплашиб олай.

Энди Рухшона йиғлади. Унинг кўзларидан тинимсиз ёш оқарди.

— Кейин сиз билан, хўпми? Хавотир олманг, ёнингизга бораман. Кечгача бирга ўтирамыз. Хўпми?

Рухшона жавоб бермади. Индамай ўрнидан турди-да, ётоқхонага кетди.

Миразиз деворга суянганча ўтирарди. У қизининг гапларидан эзилди. Бечоранинг жони ҳалак. Қийналиб кетди. Ҳаммасини тўхтатиш керак. Ҳаммаси жонга тегди.

— Дада, юринг, қаҳва дамлаб бераман. Аччиққина. Тетиклашасиз, — деб Мавзуна Миразизнинг ёнига келди-да, қўлидан ушлаб торта бошлади.

Миразиз турди. Қизига итоат этиб у билан бирга ошхонага борди. Мавзуна қаҳва дамлаб бўлгунича миқ этмай ўтирди. Қаҳванинг косага дамланганини кўрганидан кейин эса лабини тишлади.

— Мени кечир, қизим, жаҳл устида ҳамма идишларни синдириб ташлабман. Бироз ўзимга келиб олай, кейин магазинга бориб янгисини олиб келаман.

Қиз дадасининг елкасига бошини қўйди-да:

— Дада, мен сизларсиз бир кун ҳам яшолмайман, — дея шивирлади.

— Қизим, ўзимнинг эркатойим, мен-чи, мен сенсиз кун кўра оламанми? Сен менга Худо берган яккаю ёлғизимсан-ку!

— Унда нега ойим билан сира келишолмаяпсиз? Нега жанжаллашганларинг-жанжаллашган. Нима бўлди ўзи?

Миразиз мийиғида кулди. Кейин:

— Аслини олганда, арзимас бир нарса. Айтгулик ҳам эмас. Лекин қара, шайтон аралашса, ҳамма нарса бўлиб кетиши мумкин экан. Қанчадан-қанча одамларни сўроқ қилганман. Бир хилларининг гапларини эшитиб, ансам қотарди. Энди ўйлаб қарасам, ҳамма нарса бўлиши мумкин экан, — деб косадаги қаҳвадан бир ҳўплам ичди.

— Дада, бугун ҳеч қаерга чиқманг! Меҳмонхонада кераклича идишлар бор. Ҳозирча шуларни ишлатиб турамиз. Ҳозир ўзим ош дамлайман. Яраш оши, ана ундан кейин бари сиз айтгандай изига тушиб кетади. Хўпми, — деб секин ўрнидан турди Мавзуна ва эшик томонга йўналаркан, — ойимни ҳам сал тинчлантириб келай, — деди.

Рухшона бир нуқтага термилганча каравотда ўтирарди. У ҳатто қизига қараб ҳам қўймади.

— Ойи, бас қилайлик ҳаммасини, — дея онасининг ёнига ўтирди Мавзуна.

— Сен, — деди ўша-ўша қимир этмай ўтирган Рухшона, — дадангга кўшилиб ҳамма нарсада мени айбдор қилияп-

сан. Фақат сенинг кўрганинг, мен дадангни ўлдирмоқчи бўлганим бўлди. Аслида, у мени руҳан ўлдириб бўлганди. У бир пайтлар Моҳирўйни жонидан ортиқ яхши кўрарди...

— Фирдавс акамнинг ойисини-я!

* * *

— Кўз ёш тўкиш билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Кейин сен қиз бола эмассанки, увиллаб йиғласанг. Бунинг ўрнига чора излаш учун каллангни қотир, — деди Жамшидга қараб турган Фирдавс.

— Қандай чора? Мен тамом бўлибман-ку! Улар бир жойда тўхтаб туришмайди. Мелиса излаб тополмаслиги мумкин. Лекин Нормат чўлоқнинг одамлари топади. Қўлимдан ушлаб, мелисанинг ихтиёрига топширмайди...

— Оғайни, — деди унинг елкасига қўлини қўйган Фирдавс, — ўзингни бос. Ҳали ҳеч нима ҳал бўлмади. Ҳали ҳаммаси олдинда. Агар сен оддий одамнинг боласини уриб юборганинга, мелисага ўзим олиб бориб топширадим. Энди унақа қилиб бўлмайди. Биринчи навбатда, бампер топишимиз керак. Эскироғидан бўлса ҳам.

— Ўғирлаймиз! — деди бирдан Асқар.

— Эсинг жойидами? Ўғирликка бало борми? Бу ўлганинг устига чиқиб тепиш билан баробар-ку. Калланг қанақа ўзи? — деди унга Фирдавс.

— Оддий. Энди биз сизчалик ақлимасмиз-да. Хўп, ўзинг айт, ким бамперини беради? Ҳеч ким! Мабодо берган тақдирида ҳам сўраб боришса, фалончи сотволиб кетди, дейди. Бозордан олмоқчимисан?! Олиб бўпсан, у ерда аллақачон Чўлоқнинг одамлари изғиб юрибди. Демак, битта йўл қоляпти. Кеч бўлишини кутиш, сўнг секин бориб, бирор-та кўп қаватли уйнинг олдида турган «Москвич»нинг бамперини ечиб келиш, — деди Асқар ва дераза ёнига бориб, ташқарига қаради.

— Мен...

— Шошма, — деди Асқар бирдан Фирдавснинг гапини бўлиб, — иккитаси юрибди. Гаражларнинг ёнида. Эшикларнинг тирқишларидан ичкарига қарашяпти.

Фирдавс дарров унинг ёнига борди.

— Негадир уларнинг башараси танишга ўхшаяпти. Эсингдами, кўчанинг бир-иккита боласи билан туртишиб қолганмиз. Анча бўлиб кетди бунга. Шулардан биттасига ўхшаб

кетяпти, — деди у пастда изғиб юрганлардан кўзини узмай.

— Жамшид. Гаражингнинг дарвозаси жипс ёпилармиди? — дея эшик томонга юзланди Асқар.

— Ҳа. Лекин ҳали замон адам билан ойим келиб қолишади. Сизлар келгунларингча қўнғироқ қилишганди. Адам қаергадир бормоқчи экан машинада.

— Пиёда бориб келади аданг ўша жойга, — деди ҳалиҳамон пастдагилардан кўзини узмай турган Фирдавс, — ҳеч нарса қилмайди. Энди гаражингнинг калитини бер.

— Нима қилмоқчисан?

— Ўзим биламан!..

Фирдавс пастдаги айғоқчилар кетганидан сўнг Жамшиддан калитни олди-да, гаражнинг ёнига борди. Ичкарига кирди. Машинанинг иккита филдирагининг дамани чиқариб ташлади. Сўнг қайтиб чиқиб, калитни яна Жамшидга берди.

— Оғайни, — деди сўнгра унга қараб, — бугун ҳеч қаерга чиқма. Умуман бировга кўриниш берма. Ҳатто уйиндагилар билан ҳам узоқ гаплашма. Кейин бошингни ҳадеб деворга ураверма. Ҳаммасини ҳал қиламиз. Бу дунёда ўлимдан бошқа нарсанинг давоси, албатта, топилади. Энди биз кетдик.

— Уйимдагилар келгунича ўтиринглар, — дея кўзларини мўлтиратиб қаради унга Жамшид.

— Жон деб ўтирардим. Лекин вазият шундай. Бунинг устига, мен бу ерда ўтирганим билан сенинг муаммонг ҳал бўлиб қолмайди, бўпти, хайр, кузатгани чиқма, — деди Фирдавс.

У уйига борганида қандайдир ҳоригандай эди. Боши ҳам лўқиллаб оғирди.

— Нега бунча қолиб кетдинг? — дея сўради ўғли уйига кириши билан Моҳирўй.

— Ишларим сал чўзилди, — деб баҳона қилди Фирдавс.

— Ошхонага кир. Даданг сени кутиб ўтирибди.

Фирдавс ҳайрон бўлди. Бироқ лом-мим демади. Хонасига кириб кийимларини алмаштирганидан сўнг тўғри ошхонага борди. Дадасининг рўпарасига ўтирди. Моҳирўй дарров қовурилган картошкани келтириб, ўғлининг олдига қўйди. Ўзи ошхонадан чиқиб кетди.

— Айни тўйиб овқатланадиган пайтинг. Лекин уйимизда сал фақирона...

— Дада, — дея шу заҳоти падарининг гапини бўлди Фирдавс, — қўйсангиз-чи. Шунинг борлигига ҳам шуқр. Мен ўзи кўзингизга қаролмай юрибман.

— Нега?

— Ёрдам беролмаяпман-да. Лекин шу бирор жойга ишга киришни мўлжаллаяпман.

— Ҳеч қанақанги иш-пишга кирмайсан! Ўзим йўлини қиламан.

Фирдавс овқатдан оғзига солиб чайнаркан, сўради:

— Нормат чўлоқ деганлари қанақа одам?

— Гирт муттаҳам, гирром одам. Атрофидагиларнинг ҳам ҳаммаси пасткашлар. Улардан олдингилар мард эди. Гапида турадиган, бекордан бекорга бировга озор бермайдиган эди улар. Аммо дунё чархпалаги тескарига айланиб кетди-ми, билмайман, ишқилиб, мана шунақанги номардларнинг куни туғиб қолди. Айтганча, нега сўраб қолдинг? — деди бирдан хаёлига келган нарсадан қўрқиб кетган Достон.

— Йўқ, ўзим шунчаки. Бугун болалардан эшитдим. Ўғли ўлибдими?

Достон қаддини ростлаб, деворга орқасини суяди-да:

— Қанақа қилиб ўлибди? — деди Фирдавсга синовчан нигоҳ ташлаб.

— Машина уриб кетганмиш, — дея ўзини хотиржам тутиб жавоб берди ўғил.

— Ҳимм. Машина урмаган. Худо урган десанг, тўғрироқ бўлади. Лекин ўзининг осон ўлим топишини истамасдим. Кўрсатган кароматига яраша ит азобида ўлса, ана буниси бошқача.

— Дада, сизнинг у билан салом-алигингиз борми? — деди Фирдавс отасининг бунчалик Нормат ҳақида ёмон гапираётганидан ҳайрон бўлиб.

— Йўқ. Мен ҳам худди сендай орқаворотдан эшитганман, — деди Достон ва кўзларини юмди. Ёшлик йилларини хотирасида тиклади. «Эсиз, ҳозир ҳақиқий даданг тирик бўлганида борми, кўча дунёси умуман бошқача бўларди», дея кўнглидан ўтказди.

Телефон жиринглаб қолди. Гўшакни Моҳирўй кўтарди.

Телефон қилувчига салом берди. Сўнг «Ҳа, уйда» деб эри-ни телефонга чақирди. Ўзи эса ошхонага кирди.

— Ая, — деди паст овозда Фирдавс, — дадамнинг мафиозларга алоқаси борми?

Моҳирўйнинг бошига биров гурзи билан ургандай бўлди. Шу заҳоти унинг ранги оқарди.

— Қанақа мафиоз? Ким у? — деди ўзини гўлликка солиб.

— Кўчанинг эгалари. Дадам ниманидир яшираётганга ўхшайди-да. Шунга...

— Дадангнинг ҳеч қанақанги безориларга алоқаси йўқ. Миянгдан бунақанги нарсани чиқариб ташла. Тамом-вас-салом! Айтганча, амакингникига борганинг ҳақида ҳеч нима демаринг-ку, — дея гапни бошқа томонга бурди Моҳирўй.

Фирдавснинг гапиргиси йўқ эди. Яна онасининг кўнглини оғритиб қўйишни истамасди у.

— Айтарли ҳеч гап бўлмади. Рухшона холам сал ранжигандай. Лекин билдирмади. Одам адашиб туради-да, деди. Кейин пулни берди, — дея ёлғони ошкор бўлиб қолмаслиги учун қошиқни кўлига олди Фирдавс.

— Болам, мабодо даданг ана шу ўртоғининг қизига сени уйлантираман, деса кўнма, хўпми? — деди Моҳирўй ўғлидан кўзини узмай.

— Нега, ая? — дея ҳайрон бўлиб сўради Фирдавс.

— Рухшона кеккайган аёл. «Онасини кўриб, қизини ол», деган гаплар бор. Даданг Миразиз амакинг билан ўтирган-нида мастликда «Қизингни келин қиламан. Агар Мавзуна-ни ўғлимдан бошқасига берадиган бўлсанг, сендан кечаман», дебди. Амакинг ҳам дарров кўнибди. Сен кетганингдан кейин даданг билан шу ҳақда гаплашдик. Лафзимдан қайтмайман, дейди. Лекин менга сира ёқмаяпти-да.

— Уйланаман деб туриб олсам-чи? — дея жилмайди Фирдавс.

— Унда билмадим! Унда менинг кўнглимга қарамаган бўласан. Лекин болам, яхшилаб ўйлаб кўр!..

— Ая, ҳали менинг уйланишимга, эҳҳе, қанча бор?! Шундай экан, бу тўғрида бошингизни қотирманг.

Достон қайтиб келиб, она-боланинг суҳбати узилиб қолди. Достон бир Моҳирўйга, бир Фирдавсга қараб қўйди-да:

— Гапинг тўғри экан. Роса ҳаммаёқда шов-шувмиш. Норматнинг югурдаклари ўша одамни оёқ яланг бўлиб қидириб юрганмиш, — дея ёнбошига ёстиқ олди.

— Топиша олармикин? — деди Фирдавс гўё эътиборсиздай.

— Ана, машинанинг оқлигини, рулда ёш бола бўлганлигини билишибди-ку. Демак, топишади.

Фирдавснинг бошига шу заҳоти оғриқ кирди. Кўз ўнгида Жамшид пайдо бўлди. Унинг қийноқларга чидолмай додлаётгани хаёлида гавдаланди. Чунки унинг дадасининг машинаси оқ рангда.

— Афсус, — дея носқовоғини олиш учун қўлини чўнтагига тикди Достон, — Норматга қарши тура оладиган одам йўқ. Бўлганида борми?..

Моҳирўй бошини эгди. «У одам ҳозир қабрда», дея дили сўзлади. Ўпкаси тўлди. Ўкириб-ўкириб йиғлагиси келди. Аммо қандай йиғласин? Нима деб йиғласин?..

— Бўлмагани ҳам яхши бир ҳисобдан, — деб юборди беихтиёр.

— Нега энди? Нормат «ўзи хон, қўланкаси майдон» бўлиб юраверадими? — деди Достон кафтига нос тўкаркан.

— Ҳамма бир-бирини қиришни бошлаб юборарди. Одамлар уйида хотиржам ўтиролмасди, — дея жавоб берди Моҳирўй.

— Ая, дада, бир хил пайтлари гапларингизни эшитиб, булар ёшлигида кўча безорилари билан роса уришишган бўлса керак, деб қоламан, — деди Фирдавс кулиб.

Эр-хотин шу заҳоти бир-бирига қаради.

— Ҳозир ҳамманики ўхшаб кетяпти. Ана, бугун эрталаб пиёз сотувчи савдогар: «Акаларимга айтаман, бутун бозорингни ағдар-тўнтар қилиб ташлайди», дейди. Ўзинг савдогар бўлсанг, оқаларингга бало борми? Оқаларинг бўлганида, сени бозорга қўйиб қўйишармиди? Сал олди-орқангга қараб гапирсанг-чи, деб оғиз жуфтладим-у, яна индамадим. Чунки унақаларга бир нима деб балога қолиб кетишинг мумкин. Ўзи қизиққон одам бўлсам. Жаҳлим бурнимнинг устида турса. Ана кўрдингми?

— Йўқ, — дея бошини чайқади Фирдавс, — сизларники бутунлай бошқача.

— Қўй, ўғлим, сен бунақа нарсаларни ўйламаям, га-

пирмаям. Сенинг вазифанг — ўқиш. Келажакда яхши одам бўлиш. Шундай экан, овқатингни еб бўлган бўлсанг, ўрнингда тур-да, хонангга кириб дарсингни қил. Ўзи бугун кун бўйи санғидинг.

Фирдавс юзига фотиҳа тортиб, ўрнидан турди ва хонасига кетди... Унинг калласига китобдаги бирорта ҳам сатр кирмади. Бутун ўй-хаёлини Жамшид эгаллаб олганди. «Энди унинг ҳоли нима кечади?» дерди ўзига-ўзи.

Орадан ярим соатча ўтиб, Моҳина хонасининг эшигини тақиллатди. Кейин қия очиб:

— Ака, сизни телефонга чақирешяпти. Тезроқ боринг экан, — деди.

Фирдавснинг бирдан хаёлига Жамшид келди. Унга аниқ бирор нима бўлган, дея кўнглидан ўтказди-да, шошди.

Адашмаган экан. Ҳақиқатан ҳам, Жамшид кўнғироқ қилаётган экан.

— Оғайни, бизникига кел, адам дабдаламни чиқариб ташлади. Машинани кўрибди. Ишим расво. Мен ҳеч нима деёлмаяпман. Илтимос, келгин! — у охириги гапини айтаётганида йиғлаб юборди ва гўшакни қўйиб қўйди.

Фирдавс бошини қашлади. Уйидагиларга нима баҳона қилади? Бу ёғи ҳализамон шом киради. Лекин оғайнисиникига бормаса ҳам бўлмайди. Жамшиднинг ёнида туриши керак. Бирор нималарни баҳона қилиб унинг отасини шаштидан тушириши керак. Нима қилиб бўлса ҳам орадан бир-икки кун ўтказиб олиши керак.

Фирдавс яна хонасига кирди ва тезда кийинди-да, оёқ учида юриб уйдан чиқди. Эшикни ҳам жуда секин очиб, секин ёпди. Кейин пастга югурди.

У автобусга чиққанида негадир юраги жуда безовта эди. «Менимча, уйдагиларга ҳеч нима демасдан кетганимга энди улар хавотир олишаётган бўлса керак. Айниқса, ойим уйга қайтиб келгунимча эшикнинг тагида ўтиради... Уфф, эртароқ қайтаман. Жамшиднинг адасини хотиржам қиламан-у, дарров изимга қайтаман», дея хаёлидан ўтказаркан, Фирдавс беихтиёр чўнтагига қўлини тикди. Шунда унинг ёдига нимадир тушди. Ахир бир тийини ҳам йўқ-ку?! Мана, нимага юраги безовта бўлган.

У пешонасига муштлади. Шу ондаёқ қизларнинг қиқирлаб кулганини эшитди. Қараса, ёнгинасидаги ўриндикда

иккита қиз ўтирибди. Тахминан иккиси ҳам ўзи тенги. Юзи дув этиб қизарди.

— Кечирасизлар, — деди қизларга.

— Вой, нега биздан кечирим сўрайсиз? — деди қизлардан бири. У дераза томонда ўтирарди.

— Ҳалигидай... Айтмоқчи, нега пешонамга урганимни биласизларми?

Унга қараб турган иккала қиз ҳам бошини сарак-сарак қилишди.

— Автобусга шундай чиқволибман...

— Биз шундаймас, бундай чиқдик, — деди яна ўша қиз. Кейин улар яна қиқирлаб кулишди.

— Пулсизми? — деди бирдан Фирдавс.

— Йўқ, нега энди?!

— Мен эса пулсиз чиқдим. Кийимларимни алмаштирган-нимда, пулларим нариги чўнтагимда қолиб кетибди.

— Ёрдам берамиз. Лекин беш тийинлигимиз йўқ. Ҳаммаси йигирма тийин, — деди дераза томонда ўтирган қиз.

Унинг сочлари қоп-қора эди. Орқасига ёйиб ташлаб олганди. Юзи оппоқ. Кўзлари шахло. Бурунчаси сал-пал узун эди.

Фирдавснинг танаси музлади. «Олма», деди ичидан қандайдир бир куч. Бу пайтда уларнинг ёнига кондуктор аёл келганди.

— Йўл ҳақини чиқаринг-чи, йигит, — деди чиптачи.

Фирдавс бирдан унга қаради. Кондуктор бироз ортига тисланди ва жилмайганча:

— Сиз бергандингиз-а, — дея ёнидан ўтиб кетди.

Қизлар ҳам, Фирдавс ҳам ажабланди.

— Кўз бойлоғичга ўхшайди, — деди қизлардан бири.

Фирдавс улардан қай бири гапирганини билолмади. Чунки боши ғувиллай бошлаганди...

У Жамшидларнинг йўлагида иккита барзангига дуч келди. Икковининг ҳам башараси тиртиқ, кўзлари совуқдан-совуқ эди.

Фирдавс тўхтади. Буни кўрган барзангилар бир-бирига қараб олишди. Бири йўғон бўйнини силади. Иккинчиси чўнтагига қўлини тикди. Иккисининг ҳам ичига илиқлик кирди. Иккисининг ҳам хаёлига: «Рулда мана шу бола бўлган», деган ўй келди. Зўр-ку! Нормат чўлоққа айбдорни

улар топиб боришади. Эвазига мукофот олмаган тақдирда ҳам, обрўлари ошади. Шефнинг ишончи янаям ортади. Бунинг орқасидан, эҳҳе, қанча пул топса бўлади! Бу ёғи машина, уй дегандай, ажабмаски, тўрт-бешта болани ёнларига қўшиб қўйса. Энди нозик ишларни бировнинг қўли билан бажариш бошқачада, барибир.

«Булар бунча тез Жамшидни топишди? Ҳеч қурса, бир-икки кун ўтмайдими? Айтганча, гаражларни текшириб юрганлар бор эди. Ўшалар хабар етказишган. Лекин унда Жамшидларнинг машинаси турган гаражни ўтган-кетгандан сўраб, кимники эканини билиб, сўнг тўғри уйига бостириб боравермайдими?» хаёлига шундай ўй келди Фирдавснинг.

— Ҳов бола, нега тўхтаб қолдинг? Биз сени қанчадан бери интизорлик билан кутиб турибмиз, — деди барзангилардан бири.

— Мени кутиб турибсизлар?! — дея ўзини гўлликка солди Фирдавс.

— Ҳа, худди сени. Оғайни, энди бунақамас-да. Ўзингдан катталарни ҳурмат қилмайсанми? Ё уйингда бу нарсага ўргатишмаганми? — деди иккинчи йигит.

— Уйимизда кўп нарсага ўргатишган. Лекин бировга ваъда бермаган бўлсам, қанақа қилиб куттириб қўйишим мумкин? — деди Фирдавс ва уларга яқинлашди-да: — Нега кутяпсизлар? — деб сўради.

— Нега бўларди, укажон? Ишимиз бор-да сенда. Сени деб ким қаёқдан овора-ю сарсон бўлиб келдик. Манави ерда туравериб, оёқларимиз синиб кетай, деди камига.

Ваҳоланки, уларнинг келганига унча кўп бўлмаганди. Шу ердаги гаражларнинг бирида оқ «Москвич» бор деган хабар тарқалганидан сўнг келишди. Шунда ҳам бошқа массив, бошқа кўп қаватли уйларнинг олдидаги машиналарни кўришганидан сўнг келишди. У ёқда бирорта ҳам шубҳали нарса топишмади. Эгалари катта кишилар. Бунинг устига, бирорта ҳам машинанинг бирор жойи қирилмаганди. Албатта, юрадиганларининг. Яна тўртта машина борки, уларнинг жойидан жилмаганига бир йилдан уч ойгача вақт бўлган. Буниси... Фирдавс келгунича барзангиларнинг ёнидан биров ўтмаганди. Уларнинг бу йўлак ёнида туриши шунчаки тасодиф эди.

— Менда нима ишларингиз бор эди? — деди Фирдавс уларнинг ёнига келганидан сўнг.

— Бир оғиз гап, — деб барзангилардан бири қўли билан гаражлар томонни кўрсатди, — ҳов анави, чапдан тўртинчи гараж кимники?

— Бизники, — дея жавоб берди Фирдавс ўзини хотир-жам тутишга ҳаракат қилиб.

— Вой, айланай, — деди бошқа барзанги унинг билагидан тутиб, — ўша гаражни очиб кўрсатолмайсанми? Ичида турган машинани бир кўрамиз, тамом-вассалом.

— Нима қиласизлар кўриб?..

— Нима қилардик? Сотиб оламиз!..

— Ким айтди сизларга сотилади деб?..

— Ўзимиз билдик. Биз шунақа билиб қоладиганлар хилданмиз. Машинанинг ранги оқми?

— Йўқ. Қаймоқ ранг.

Барзангилар шу заҳоти бир-бирига қараб олишди. Сўнг бири сўради:

— Менга қара, ўша қаймоқ ранг «Москвич»ни ўзинг ҳам миниб турасанми?

— Ҳа. Ҳар қуни.

— Қайси пайт?..

— Асосан, кечки пайт. Такси қиламан-да. Чунки шу пайтда солиқчилар ин-инига кириб кетади. ГАИларга бир-икки сўм бераман ёки уларнинг кўзларига кўринмай юраман. Мен сизга айтсам, солиқчилар ёмон. Улар такси тўхтатган киши бўлишади-да, машинага миниб олишади. Ана ундан кейин шўрингизни қуритишади.

— Чатоқ экан-ку, — дея хунук иржайган барзангилардан бири бошини сарак-сарак қилди.

— Сизлар мабодо солиқчи эмасмисизлар?

— Йўқ. Биз сенга ёрдам берадиганларданмиз. Қани юрчи, — деб Фирдавснинг қўлидан ушлаб турган барзанги гараж томонга судрамоқчи бўлди.

— Қўйворинг қўлимни! — дея Фирдавс бир силтаб қўлини барзангининг чангалидан озод қилди.

— Ие, — деди шу заҳоти иккинчи барзанги, — чаққонгина эканми?

— Шунақага ўхшайди. Энди-энди қичқирмоқчи бўлаёт-

ган жўжахўрозлардан-да.

— Ким жўжахўроз?! — дея овозини бир парда кўтарди Фирдавс.

— Эҳ, шу ҳаммасини тинчгина ҳал қилиб кетаман, дейсан, лекин сира ўхшамайди-да. Ўзингдан катта бир нима деганида «Хўп бўлади» демайсанми?

— Балки, сизлар ўғридирсизлар. Машинани тинчитгани келгандирсизлар?!

— Ҳов, лайча, тинчитгани келганимизда сен билан ма-нави ерда бозор қилиб ўтирмасдик!

— Ўзинг кўппаксан!

Барзангиларга бунақа муомала сира ёқмасди. Уларни фақатгина учта одам сўкиши мумкин. Шеф ва унинг иккита ёрдамчиси. Бошқага мумкин эмас.

Фирдавснинг юзига улардан бири шапалоқ тортди. Лекин тегмади. Фирдавс шу заҳоти энгашиб қолди-да, ўтказиб юборди.

— Ие, сенда бир-икки қамчи борга ўхшайди, — деди унинг шериги ва ўхшатиб мушт туширмоқчи эди, негадир кўли бўшлиққа қараб кетди.

— Бу ёғи қизийдиганга ўхшайди, анчадан бери маза қилмагандим, — дея иржайди зарбасини ўхшатолмаган барзанги, — сен боланинг исминг нима ўзи?

— Абдусаттор, — дея мийиғида кулиб жавоб берди Фирдавс.

— Абдусаттор, лекин ҳақиқатан ҳам, зўр экансан. Аммо акаларинг сенинг зўрлигингга қараб ўтиришмайди-да, — дея у шеригига қаради. — Султон, бостир! — деди сўнг.

Султон ўзини Фирдавснинг устига отди. Унинг услуби шунақа эди. Кўпинча оғирлигидан фойдаланарди. Иш берарди. Рақибни уни кўтаролмай ерга қуларди. Аммо Султон бу сафар Фирдавсни босиб қололмади. Бунинг устига, ўзи бетонга гурсиллаб тушдики, кўзидан ўт чақнади. Чунки тиззаси ёрилгандай бўлди. Инқиллади. Сўкинди ва шу сўкиниш билан Фирдавснинг қонини қайнатиб юборди. У қўллари таяниб, ўрнидан турмоқчи бўлган барзангининг башарасига тепди-да, шу заҳоти шеригининг афтини мушти билан бежади.

— Нима бу аҳвол?!

Фирдавс бирдан кўп қаватли уйнинг сал нарисидаги

йўлакка қаради. Соқоли кўксига тушган чол турарди ҳас-сага суяниб.

— Бошқа жойларни расво қилгандиларинг, энди уйларнинг олдига навбат етдими?!

Чолнинг овозини баралла қўйиб уришишидан юқори қавату пастки қаватлардаги деразалар очилди.

— Нима гап?! — дея бақирди биров.

— Уйимиздаям тинчлик йўқ! — қичқирди иккинчиси.

— Муштлашишга бошқа жой қуриганмиди?!

— Жонга тегиб кетдинглар-ку!

— Маза, томошанинг зўри!

— У-у-у-у-р-р-р!!!

Фирдавс уларнинг бақир-чақирига чалғиб барзангиларни эсидан чиқарди. Ҳали исмини айтмагани унинг билатидан маҳкам ушлади. У бир умр тош кўтариш билан шуғулланган, шу боисдан мускуллари бўртиб чиққан, елкалари шишган, кўрган одамни чўчитадиған қиёфада эди. Шунинг билан бирга ушлаган жойини қўйиб юбормасди. Фирдавсга эса бунақа вазиятда қутулишнинг осон йўлини ўргатишганди. У вақтни бой бермай, барзангининг кўзига кўлини тикиб юборди.

— А-а-а! — дея бақирганча қолган барзанги Фирдавсни қўйиб юборди ва шу заҳоти нозик жойига тепки тегди.

Фирдавс қочди. Атай, анавиларнинг ўрнидан туришини ва унинг ортидан қувишини кутиб, кейин қочди. Аслида, қувадиганлар югурадиган аҳволда эмасди. Улар сўқинишар, бири оёқларини икки ёнига кенг ёзиб, иккинчиси айиқдай лапанглаб қувишарди. Бошқа томондан қараганда, улар ҳам қочишаётганди. Агар кўп қаватли уйларда яшайдиганлар пастга тушишса борми, бир мартадан енгилгина шапалоқдан туширишганда ҳам икковини бир ёқли қилиб ташлашади. Лекин улар шунчаки шапалоқ туширмайди-да. Айниқса, ёшлар. Фирдавс уларнинг кучига куч қўшиб кетди. Уларнинг-да ҳозир қаҳрамонлик кўрсатгиси келиб турибди. Айниқса, яқинда афғондан, ҳарбийдан келган йигитнинг.

* * *

Жамшид беш-олти марта тарсаки еди. Кўзидан ўт чақнаб кетди ҳар сафар. Кейин дадаси камарини ечаётганида онаси Жамшиднинг жонига ора кирди.

— Адаси, ўлдириб қўясиз боламни! Шу битта матоҳни деб бечорани ўлдирмоқчимисиз-з-з! — дея эрининг қўлига ёпишди аёлгина.

Шокир қўлини силтади.
Кейин деворни гурс-гурс муштлади.

— Мен бу ифлосга минг марта айтганман, оёгингни оширма деб! Бу мараз шу кетишида мени хонавайрон қилади! Қўлингда битта ҳужжатинг йўқ, бало борми машина ҳайдаб, расво! — дея бақирди ва ошхонага кириб кетди. Аммо у ерда ҳам ўтиролмади.

«Яқингинада динамикни алмаштиргандим. Тормоз ҳам яхши ишламаётганди. Уф-ф-ф, онангни эмгур!» дея тўнғиллади ва ташқарига чиқиб кетди. Ҳовлидаги ўриндиққа ўтириб энди тутатган эди ҳамки, қўшниси чиқди. Умрини кўчада ўтказадиган, уйига фақат ётишга келадиган қўшниси. Шокирнинг билишича, у қайсидир ресторанда ошпаз бўлиб ишлайди. Илгарилари кўришиб қолганида: «Ишимиз оғир, чегараси йўқ. Одамлар саккиз соат ишлашса, биз керак бўлса, суткада йигирма тўрт соат тик оёқда турамиз», деганди. У бугун негадир уйида экан. Яна аксига олиб, Шокирнинг уйидаги бақир-чақирни эшитибди. Келиб Шокирнинг ёнига ўтирди-ю:

— Қўшни, тинчликми? Уйда сира овозингизни чиқармасдингиз, бугун жуда бошқача бўлди? — деб сўради.

Шокирнинг энсаси қотди:

— Чунки сиз уйингизда ўтирмайсиз-да, шунинг учун овозимни эшитмагансиз.

— Майли, қўшни, энди оилада нималар бўлмайди, дейсиз. Соғлиқни асранг. Мана, мен ҳам кунора хотинни онасига қўшиб бутун қариндош-уруғини «мақтайман». Шундай қилмасам, талтайиб кетади. Сўкишим худди дорига ўхшаб қолган. Бўпти, у ёқ-бу ёқни қўйинг, арининг уяси қўзиганини эшитдингизми? — деди ошпаз қўшни Шокирга синовчан тикилиб.

— Йўқ. Қанақа ари? — дея ҳайрон бўлиб сўради у.

— Қанақа бўларди? Кўчанинг одамларини айтяпман. Каттасининг боласини машина босиб кетибди. Шу заҳоти ўлибди. Энди мафиознинг югурдаклари зир югуриб ўша одам-

ни қидираётганмиш. Бизнинг хўжайиннинг машинасини ҳам кўриб кетишди. Уники-ку, «Жигули». Қаранг, «Москвич» уриб кетган экан... Ўзи уриш тугул, мажақлаб ташла-са ҳам ҳақи кетади ўша одамнинг. Падарингга лаънати-ларнинг қилган ишларини эшитсангиз, эсингиз кетади. Ҳаром мана шунақа қилиб тешиб чиқади, ака.

— «Москвич», дедингизми? — дея ҳайрон бўлган кишидай қўшнисига қаради Шокир.

— Ҳа-а, «Москвич». Айтганча, сизники ҳам «Москвич»-ку?! Қаранг, битта-яримтаси келиб қолиши мумкин.

Шокир қўл силтади. Сўнг:

— Минмаганимга икки ойдан ошиб кетди, — деди гўё эътиборсиздай. Кейин билагидаги соатига қаради-да, — оббо, бир жойга боришим керак эди. Узр, қўшни, ҳали гаплашармиз-а, — деб ўрнидан турди.

Уйига кирди ва қўли қалтираб укасига қўнғироқ қилди.

— Холмурод, ука, бамперингни бериб тур, жудаям зарур бўлиб қолди, — деди укаси гўшакни кўтариши билан.

— Нима қиласиз, ака?! — деди укаси бошини қашлаб.

— Жиянинг иш қилганга ўхшайди. Ҳозир уйингдан чиқ-қин-да, дарров олиб кел...

— Ҳалиги, ака...

— Йиғиштир ҳалигингни! Йилда бир марта илтимос қиламан, шундаям ўзингни тарозига соласан! Айтганимни қил! Ё хотинингдан кўрқапсанми?! Сенга хотин керак! Сенга
ака
бир тийин!..

— Бўлди-бўлди, бирдан қизишаверманг, ҳозир олиб бораман, — деб Холмурод гўшакни қўйди.

Шокир укаси келгунича ташқарида ўтирди. Бир қути тутатқини тугатиб қўяёзди. Укаси келганида эса бор захрини унга сочди. «Уйинг тўрт қадам бўлсаям саккиз соатда келдинг! Сенлар шунақасанлар ўзи, ишинг тушганида кўзимни юмиб-очишга улгурмайман. Мен бирор нима айтсам, саккиз кун кутишим керак», дея бобиллаб берди.

Сўнг ака-ука шошилинич машинанинг бамперини алмаштиришди. Шокир шундан кейин ҳам қўнгли тинчимамай, машинанинг тагига кирди-да, қўл чироқни ёқиб, артиб-суртди. Ана ундан кейин укаси билан бирга ўзининг бамперини бўлақларга бўлди ва укаси миниб келган «Запорожец»-

нинг юкхонасига ортди. «Узоқроқ массивнинг ахлатхонасига ташлагин-да, орқангга қайт. Мен уйда кутиб ўтираман», деди.

Шокирнинг кўнгли бироз хотиржам тортгандай эди. Аммо юраги тинимсиз гупиллаб урар, ҳализамон «қўча»нинг каттасининг югурдаклари эшигини тақиллатадигандай туюларди. «Агар келишса, аниқ довдирайман, аниқ гапимни йўқотиб қўяман. Ўзимни-ўзим ушлаб бераман», дея кўнглидан ўтказди ҳамда музлаткичдан шишани олди. Одатда, ичкиликка сира ишқибозлиги йўқ эди. Бировларнинг ичаётганини кўрганида: «Шу заҳарни қандай ютишаркин?» дерди. Бугун эса ўз ихтиёри билан бир пиёлани кўтариб юборди.

Ташқарида қий-чув бошланганида, у укасига дардини дoston қилиб ўтирарди.

— Кунни-кун, тунни-тун демайман. Итда тиним бор, менда йўқ. Лекин Жамшид жиянинг одам бўлмапти. У ўқишга кирмади, мен кирдим. Бор-йўғимни чиқариб бердим. Етмаганига сендан олдим, таниш-билишлардан қарз кўтардим. Энди у бир куни ўқишни битиради. Одам бўлади, деб турганимда, манави қилиқни чиқариб турибди...

Шу пайт кўчадан эшитилган бақир-чақир унинг гапини бўлди, укаси билан бирга деразадан ташқарига қаради ва иккита ҳўкиздай барзангини битта озгин бола чўзиб ташлаганидан хурсанд бўлди. «Қани энди менинг болам ҳам худди шундай қилолса», дея кўнглидан ўтказди. Кейин укасига:

— Жиянингни машинангга миндир-да, уйингга олиб кет. Эртага тоғамларникига жўнатиб юбор, беш-олти кун шу ёқда юриб келсин, — деди.

— Ўқиши-чи? — деди Холмурод.

— Ўқишини бир амаллаймиз, бу ёғи тинчисин. Энди эртароқ кетинглар, — деб алам билан навбатдаги пиёлани ҳам «оқлаб» қўйди.

* * *

Таъзияда охиригача қатнашолмагани Арслонга алам қилди. Унинг умиди кўча болаларидан беш-олтитасини, албатта, зўрини таниб қолиш, кейин улар билан алоқа ўрнатиш эди. Лекин қайси гўрдан бўлсаям Баха пайдо бўлди-ю, унинг режаларини чиппакка чиқарди.

Арслон уйига қайтиб келди ва дарров кийимларини ал-маштирди-да, оқсочга ичимлик олиб келишни буюрди.

— Сездан хужайин обежатса килади, — дея эътироз билдирди хизматкор аёл.

— Олиб кел, дегандан кейин айтганимни қилмайсанми?! У ёғи билан сенинг неча пуллик ишинг бор! — дея бирдан бақриб юборди Арслон.

Оқсоч ноилож кетди. Чунки кетмаса, аниқ балога қоларди. Катта хўжайин яхши. Унинг гапларига эътироз билдирсанг ҳам жаҳли чиқмайди. Қайтанга, «Тўғри айтдинг, ҳаддимдан ошмаслигим керак», дейди. Ёки шунга ўхшаш бирор нима. Аммо бу илонча ёмон. Бу илонча шу заҳоти чақади.

«Беш юлдуз»дан битта ва унга мос ширинликдан олиб келиб, столнинг устига қўйди. Бу пайтда Арслон жуда ҳаддидан ошиб, оёқларини столнинг устига қўйганча ўзи юмшоқ оромкурсида ўтирар эди. Оқсочнинг ичидан зил кетди. Бироқ лом-мим демади.

Арслон шифтга қараганча хаёлга берилиб, ора-чора қипқизил суюқликдан озгинадан ютиб қўярди. Яна тутатарди ҳам. У ўйлаб сира ўйининг охирига етолмасди. «Ахир мен ҳам эга чиқишим керак-ку. Менинг атрофида ҳам қўлларини кўксига қўйиб хизмат қиладиганлар бўлиши керак. Мана бунақанги маъраками, тўйми каминанинг иштирокисиз ўтмаслиги лозим. Лекин бунинг учун нима қилиш керак? Ана, бор, Лазизнинг одамларини ўзимга оғдириб олдим ҳам дейлик. Ундан кейин-чи?.. Ҳа-а, ундан кейин шотирлар сонини янада ошириш керак. Бизга қурол керак бўлади. Кимдан оламан уни? Албатта, ҳозир айни алғовдалғов замон. Менимча, кимлардир қаерлардандир олиб келиб сотишаётгандир. Топаман. Қуролим борми, демак, қўлим ҳам анча узун бўлиб қолади. Керак бўлса, Нормат чўлоқ ўйлаб муомала қилади...»

Ҳовлидан отасининг овози эшитилиши Арслоннинг хаёлини бўлиб юборди. У дарров «беш юлдуз»ни столнинг тагига яширди. Аммо тутунни йўқотишнинг иложи йўқ эди. Шунга қарамай Арслон тутунни ҳайдаган бўлди-да, кулдонни столнинг остидаги идишнинг ёнига қўйди.

Отаси кириб келди. Арслон ўрнидан турди ва салом берди.

— Ҳа, бойвачча, маишатни бугун ҳам давом этказяп-

сизми дейман? — деди Хидир Хурсандович.

— Йўқ, ўзим шундай. Сал...

— Тушунарли. Сал бошинг оғриб турибди. Шунга бош оғриқ қиляпсан. Столнинг тагидагини устига қўй.

Хамелеон ўғлининг рўпарасидаги оромкурсига ўтирди. Арслон қўйган идишни олди-да, ўзига ичимлик қўйди. Бир ҳўплам ичди. Сўнг лаб-лунжини артди.

— Ада, анави бор-ку?! Ҳамма кўчага хўжайинлик қиладиган одам, дейди-ку...

— Мижговланмай, менинг окахоним, Нормат чўлоқ деб қўя қол, — дея иржайди Хидир Хурсандович ва яна ичди.

— Қанақасига менинг окахоним бўлсин?! — деб бошини
Арслон. эгди

— Ҳэ, ўғлим, сен шохида юрсанг, мен баргидаман. Бир кун кимнинг асири бўлдинг? Эвазига у мендан қанча олганини биласанми? Икки минг сўмни қуртдай санаб олди.

Шу заҳоти Арслоннинг кўзи олайиб кетди ва отасига қаради-да:

— Икки минг сўм?! — деди.

— Нима, нархинг арзонмиди?

— Энди, ада, нимага олади? Менинг ундан қарзим бўлмаса. Ўзидан-ўзи олаверадими?

Хамелеон тилини чиқариб кўрсаткич бармоғини унинг устига қўйди.

— Мана бунинг учун, болам. Мана шунинг учун. Агар қаерда, қандай гапни гапириш кераклигини билганингда, олмасди. Ололмасди. Лекин мен бугун хурсанд бўлдим. Тўғри, бировнинг ғамига хурсанд бўлмаслик керак. Чунки эрта бир кун сенинг бошингга ҳам ташвиш тушиши мумкин. Аммо, барибир, чўлоқ ҳам яхшигина чиқим қилиши керак эди. Вақти-соати келганди. Лекин жуда қиммат тўлади. Ўғлидан айрилиши жуда даҳшат. Бунинг устига, катталарнинг ҳам ундан кўнгли қолганга ўхшайди.

— Нима бўлди? — дея бошини қашлади Арслон.

— Таъзияда тартиб бор. Буни хоҳласа ҳам биров бузолмайди. Бироқ Чўлоқникини бузишди.

— Ада, шундан фойдаланиб «кўча»ни қўлга олсак-чи?! — деди бирдан ҳовлиққан Арслон.

Хамелеоннинг кўзи олайди. Бир кўтаришда идишидаги-

нинг ҳаммасини ичди-да, столнинг устига қарсиллатиб қ ў й д и .
Арслон отасининг бу қилиғидан чўчиб тушди.

— Сен ҳали кўчага ҳаракат қилияпсанми?! — деди Хидир Хурсандович.

— Йўқ. Лекин, ана, кўрдингиз, ҳатто сизга ҳам ҳужум қилишди. Мен бунга қандай қараб тураман?

— Агар сен аҳмоқ бўлмаганингда, менинг ёнимга ҳам яқинлашолмаган бўлишарди. Ундан кейин Чўлоқ мен учун икки пулга қиммат одам. Мени юқорида уни бошқараётганлар қизиқтиради. Тушундингми?! Ҳозир юқорининг ҳам пайтавасига қурт тушган. Биттаси қочди. Москвага. Лекин у ёқ ҳам расво!

— Унда мен нима қилай?

— Босиб ўтир. Ана комбинатни сотиб олдим, — дея кўкрагини керди Хамелеон.

Арслон шу заҳоти бошини эгди.

— Мен уни Норматдан эшитдим. Сиз айтганингизда бошқача бўларди.

— Тўғри. Лекин сен думингни ушлатмайсан-да.

— Ада, миямга зўр фикр келди, — деб ўрнидан туриб кетди Арслон, — комбинатни сотиб олган бўлсангиз, уни кўриқлайдиган кўриқчилар керак. Мен ана шу кўриқчиларни йиғаман. Кейин «кўча» сизга гинг деёлмайди. Деса, шартга калласини олиб ташлаймиз.

— Мана бу гапингда жон бор. Ҳар тугул, сен ҳам одамга ўхшаб фикрларкансан. Бугун дамингни ол. Кечаги гадоилигинг етади. Яна ҳозир ҳам тортиб олибсан. Эртадан бошлаб ишга киришаверасан.

— Ада, бугундан ҳаракатимни қилаверай. Чарчоқ йўқ. Қайтанга тетиклашдим. Ундан кейин Баха...

— Қайси Баха? — дея пешонасини тириштирди Хидир Хурсандович.

— Ўша Чўлоқнинг ёнида юрадиган. Иш буюрди.

— Нима?! — дея бирдан ўрнидан туриб кетди Хамелеон. — Чўлоқнинг ўзи қолиб, ҳали ёнида юрадиганлар ҳам иш буюрадиган бўлиб қолишдими?!

— Майли, дедим. Аслида, шу иши менга керак эди. Нормат чўлоқнинг ёнига яқинлашиб олишим учун.

Хидир Хурсандович столни муштлади. Ўғли бирдан чўчиб

тушди.

— Нима иш?! — деди газаб отига буткул миниб олган Хамелеон.

— Чўлоқнинг боласини уриб кетган машинани топиш. Оқ «Москвич» экан.

— Шунақами? — деди Хамелеон ва ошхонадан шахдам қадам билан айвончага чиқди. Столнинг устида турган телефон гўшагини кўтариб, рақам тера бошлади.

Арслоннинг ичи куйиб кетаётганди. Роса «отгиси» келаётганди. Отаси чиққанидан фойдаланиб, шоша-пиша идишни тўлдирди-да, бир кўтаришда ичиб юборди ва ҳеч нима кўрмагандай лаб-лунжини артиб ўтираверди.

— Ассалому алайкум, хўжайин! Бир қошиқ қонимдан кечасиз, бевақт қўнғироқ қилиб кўйдим! — дея иржайди Хидир Хурсанович.

— Сен ўзи вақтида қўнғироқ қилмайсан! — деган жавоб бўлди унинг гапига.

Хидир Хурсанович хохолаб кулди-да, бирдан жиддий тортди:

— Устоз, Чўлоқ жудаям ҳаддидан ошиб кетмаяптими?

— Нима қилди яна?

— Шахсий томорқамизни пайҳон қилибди. Аниқроғи, атрофидагилар.

— Сен ишингни қил, қолгани бизнинг кўлимизда.

Кўринмас одам гўшакни кўйди. Гарчи у аниқ бир гап айтмаган эса-да, Хамелеоннинг оғзи қулоғида эди. Чунки Чўлоққа қарши гап айта олди. Айтгани унинг назарида инобатга олинди. Аммо у тусини ўзгартирмади. Чунки ичида бўлаётган ҳодисаларни ҳаттоки ўғлига ҳам билдирмаслиги керак.

— Бор, — деди ота ўғлига қовоғини солиб, — айтганимни қил.

У Арслонга «Дамингни ол», деганди. Бироқ ўғил отасининг гапини бошқача тушунди. Айтгани, демак, фабрика учун кўриқчи йигитларни тўпла дегани, дея ўйлади у. Фабрика ниқоб. У ўзи учун одам йиғади. Ҳеч нарсдан қайтмайдиган, керак бўлса, унинг учун жонини аямайдиган йигитларни.

— Хўп, — деди Арслон ва ўрнидан турди-да, ташқарига йўналди. Бир муддат отасининг кўзини шамғалат қилиш

учун ҳовлида айланиб юрди. Кейин кетди. Бу аҳволда машина минолмасди. Тўғрироғи, минади. Аммо минадиган бўлса, отаси сезиб қолади. Шу боис такси тўхтатди-ю, ҳайдовчига Сирғалига боришини айтди.

Ўртоғи бор. Гавдаси уникидан қарийб икки баробар катта. Башараси ҳам қўрқинчли. Етимхонада ўсган. Ҳозир машина устахонасида ишлайди. Ҳамкасblлари унга «Дамкрат» дея лақаб қўйишган. Чунки унча-мунча машиналарни олди ё орқасидан бемалол кўтариб тура олади. Қизиғи, шу туришида ярим соатгача ушлаб турган пайтлари ҳам бўлган. Аммо шундай гавда ва кучга эга бўлишига қарамасдан ўлгудай содда. Ёш боланинг ҳам гапига ишониб кетаверади. Арслонга айнан унинг соддалиги ва кучи керак. Агар у Арслоннинг ёнида турса борми, исталган одамнинг дами ичига тушиб кетади.

«Энг яқин кўриқчим бўлади. Турсам ҳам, ўтирсам ҳам ёнимда олиб юраман. Менга Баханг ким бўлибди? Чўлоғинг ким бўлибди? Ҳаммаси оёғимни ўпади. Дарвоқе, эсимдан чиқибди», дея хаёлидан ўтказган Арслон кўйлагининг кўкрак чўнтагидан Фирдавснинг расмини олди. Қаради ва: «Биринчи қурбоним сен бўласан», дея кўнглидан ўтказди.

* * *

Сабина Лазизнинг ёнига қайтиб келди. Лазиз маст эди. Зўрға ўтирарди. Йигит ҳатто ўрнидан туролмасди. Эшик эса Сабина кетгани бўйича қулфланмаганди. Алам қилди-да унга. Чунки Лазиз Сабинани жуда яхши биледи. Сал қуввати зўрроғини ёки кўркароғини кўриб қолса бўлди, шу томонга оғиб кетади. Мана, у ҳозир Арслон билан учрашувга кетди. Демак, Арслонни кига айланади. Албатта, вақтинча. Токи ундан зўрроғи чиққунича. Чиққанидан кейин эса бир қанот қоқади-ю, бошқа шохга кўнади. Лекин одамнинг хўрлиги келаркан. «Мен чин кўнгилдан унга ошиқ бўлгандим. Шунинг учун ҳам бировларнинг обдан тепкисини едим. Шундай бўлмаслиги мумкин эди-ку. Бўлмасди ҳам. Сабаби, ўлгудай ичмасдим. Меъёрига етганидан кейин секингина туриб, тўғри уйга келардим. Одатим шунақа. Аммо бир марта шу падарингга лаънат Сабинани деб қоқилдим. Қиз бола ҳам шунақа аферист бўладими? Бўлмаса, неча марталаб «Сиз ҳақиқий эркак экансиз. Бир марта эрга тегиб чиққанамга кўзингизни юмсангиз, доим бағрингиз-

да бўламан. Садоқатли бўламан», деганди. Бироқ қайси гўрдандир ўша Фирдавсни кўрди-ю, айниди. «У ҳақиқий инсон экан. Мен юристларни яхши кўраман. Фирдавс эса бўлажак юрист», деди. Аммо йигит уни назарига илмабди. Шунинг учун ундан ўч олмоқчи. Мендан фойдаланмоқчи эди. Қараса, бир аҳволдаман, шартга Арслонни топди-ю, унинг ёнига учди-кетди». Мана шундай ўйлар исканжасида Лазиз тинмай ичарди. Охири ичолмай ҳам қолди. Бир нуқтага тикилган кўйи ўтирибди.

— Войбў-ў-ў-й, — деб юборди йигитнинг рўпарасига келган Сабина, — чўчқадан ҳам баттар бўлиб кетибсан-ку! Лазиз бир нарсалар деб гўлдиради.

— Сенинг бунчалик итлигингни билмагандим. Ҳайф сенга атаган тунларим. Ҳатто жаҳлим чиқишига ҳам арзимайсан! Шунчаки сендан нафратланаман! — дея қиз жаҳл билан уйдан чиқиб кетди.

Пастга тушди. Машинасининг эшигини очди-да, газаб билан юқорига қаради. Лабини алам билан тишлади. Сўнг машинасига ўтирди-да, «Жигули»ни ҳайдаб кетди.

Сабина уйига борганида кўнгли нотинч эди. Гарчи Арслон билан гапни бир жойга қўйган, Арслон Фирдавсдан унинг қасосини олишга ваъда берган эса-да, ҳеч нарса қилмагандай туюлаверди.

Онаси эса қизини кутиб турган экан. Кўриши билан бирдан кучоғини очди.

— Жа, ерда қолмаган эканмиз! — деди табассум билан. — Ҳали кучимиз бор экан. Ҳали обрўмизни сақлайдиганлар қолган экан, — дея аёл қизининг ёнига келди-да, Сабинанинг иккала юзидан ҳам чўлпиллатиб ўпди.

— Нима гап, ойи? — деди онасининг юзига қараган Сабина.

— Адангга хизмат қилиб юрганлардан биттасига кўнги-роқ қилдим. Сенга Москвага чипта кераклигини айтдим. Тайёр, деди. Аэропорт кассасига бориб, исм-шарифини айтса бўлди, эртанги рейсга беради, деди.

— Нега, ойи?! — деди бирдан кўзлари катталашиб кетган Сабина. — Ҳали қиладиган ишларим бор, дегандим-ку сизга! Бирор ҳафтадан кейин кетаман, деб тургандим.

Розанинг шу заҳоти қовоғи осилди.

— Сенинг калланг борми?! Қанақа ағдар-тўнтарлар бўла-

ётганини биласанми ўзи?! Ҳамма ёқ остин-устун бўлиб кетган. Эртароқ Москвадаги уйимизга бориб, бу ёқдан борадиган қимматбаҳо нарсаларни, пулларни қабул қилишинг керак. Бундай нарсаларни ўзингникидан бошқага ишониб бўлмайди. Сен бу ерда ишим бор, деб калламни қотирасан! Нима, адангнинг ажалидан беш кун бурун ўлиб кетишини хоҳлайсанми? Ёки мен инфаркт бўлайми?!

Аёл ўзи истамаган ҳолда бақириб юборди. Чунки тўлиб турганди. Кимга заҳрини сочишни билмай турганди. Сабаби, эридан жудаям ёмон хабар эшитди. «Менинг қамалишим аниқ бўлиб турибди. Шундай экан, тезроқ ҳамма йиққан-терганимни олиб кетинглар. Москвага, ундан Лондонга. Пулларнинг барини валютага айлантириш керак. Шунингдек, Швейцарияга ҳам бориб, олтин қўймаларни банкка қўйиш керак. Ҳозирги тўполондан фойдаланилмаса, кейин кеч бўлади. Агар мен қамалмайдиган бўлсам, касалхонадан чиқишим билан тўғри Москвага учиб кетаман. Андрей Петрович ёрдам бераман, деяпти. Лекин унинг ҳам ишлари яхши эмаскан. Тўполоннинг каттаси Москвада экан. Ит эгасини танимай қолган давр ҳозир, деди у. Шундай экан, хотин, отни қамчила», деган эди.

Сабинанинг киприклари пирпиради. У кўзларини мўлтиратиб онасига қараб турарди.

— Ўзимнинг эркатоим, — дея Роза қизини кучоқлади, — хафа қилиб қўйганим учун кечир мени. Лекин жоним қизим, бу ерда қиладиган ишимиз қолмаганини тушун. Балки, сен ўқишингни Европада давом эттирарсан. Агар шундай бўлса, бу ёқдаги ҳар қандай иш мингинчи ўринга тушиб кетади. Европада ҳаёт бутунлай бошқача.

— Йўғ-э, — деб Сабина ҳам онасини маҳкам кучоқлаб олди, — рост гапиряпсизми?!

— Бирор марта сени алдаган жойим борми?!

— Ўзимнинг ойижоним. Бунақа ойи ҳеч кимда йўқ. Фақат гапингизга кўнмаганим учун мени кечиринг, хўпми?! Ҳаммаси сиз айтгандай бўлади. Ҳозироқ нарсаларимни йиғиштираман. Ундан кейин физиллаб аэропортга бориб келаман.

— Фақат машинада бораман, дема, — дея Роза қизини кучоғидан бўшатиб унинг юзига қаради.

— Ойи? — дея қовоғини солди Сабина.

— Ичгансан. Шундай ҳиди анқиб турибди. Бунақа аҳволда машина ҳайдашингга йўл қўймайман. Ҳозир тинчлик керак.

— Унда такси чақиртириб берасиз.

— Ҳўп.

Сабина чопқиллаб уйга кириб кетди. Ўзини юмшоққина икки кишилик ётоққа ташлади. Оёғу қўлларини тапиллатди. Кейин бирдан ҳаракатдан тўхтади. «Агар мен кетиб қолсам, Фирдавс анави Мавзунага уйланиб олади. Бирда бўлма-са, бирда хаёлига мени келтириб устимдан кулади. Буни-сига эса мен чидолмайман. Ҳатто Европада юрсам ҳам ичим ёнади. Шундай экан, ишни охирига етказиб кетишим керак», дея хаёлидан ўтказди-да, ўрнидан сапчиб турди. Кейин югуриб бориб йўлакдаги телефон гўшагини кўтарди. Арслонга қўнғироқ қилди. Лекин у уйида йўқ экан. Бир келибди-ю, яна кетибди. Сабина бўшашди ва истар-истамас гўшакни қўйди.

Кечки пайт юпун кийинган, сочи патак бўлиб кетган, соқол-мўйлови ўсган бир одам уларникига жомадон қўтариб келди. Сабинанинг ҳайрон қолгани, онаси уни қучоқ очиб кутиб олди. Дарров меҳмонхонага киритди. Сўнг Сабинани чақирди.

У кирганида қизил жомадон узун столнинг устида турарди.

— Ҳаммасими? — деди Роза пиёниста сифат эркакка тикилиб.

— Ҳаммаси. Биз хўжайинга хиёнат қиладиганларданмас-миз. Фаттоҳ Норқулович мени нақ ўлимдан олиб қолган одам. Жон олдида бир жомадон металл нима деган гап? — деди жомадон келтирган одам хафа бўлиб.

— Узр, Неъмат ака, ўзим ҳам сизнинг қандай одамлигингизни яхши биламан. Илтимос, мендан хафа бўлманг, чунки сўнгги пайтларда ўзимни жуда ёмон ҳис этиб юрибман. Аммо буни Сабинанинг бир ўзи олиб кетолмайди. Оғирлигини қаранг.

— Тушунаман. Сиз у ёғидан қайғурманг. Аввал жомадонни очиб бир кўриб олинг. Кўнглим хотиржам бўлсин. Унгача мен музлаткичингиз билан «салом-алик» қилиб келаман.

— Неъмат ака, одамни уялтирманг. Ҳозир Сабинанинг

ўзи ҳамма нарсани тайёрлайди.

— Эҳ, — дея хунук кулди Неъмат, — мени роҳатдан айирмоқчимисиз? Билсангиз, музлаткичдан шундоқ олиб, шундоқ кўтаришнинг гашти бутунлай бошқача бўлади. Яна аниқ биламанки, сизнинг музлаткичингизда тузланган бод-ринг бор. Уни бир тишласангиз карс этади. Оҳ, унинг лаз-зати бошқача-да, онагинам!

— Мумкин. Сизга мумкин. Эшикдан чиқишингиз билан чапга қайрилсангиз, ошхонага борасиз, музлаткич ихтиё-рингизда.

Неъмат кафтларини бир-бирига уриб ишқалади ҳамда оғзидан сувини оқизиб Роза айтган ёққа кетди. Роза эса жомадонни очди. У қимматбаҳо тақинчоқлар билан лиқ тўла эди. Сабинанинг кўзи қамашди.

— Войвўй-ў-ўй!!! Ойи-и-и-и!!! Нима бу-у-у?!

— Нима деб ўйлайсан? — деди Роза ўзида йўқ хурсанд бўлиб.

— Кўзларимга ишонмайман. Кимники бу, ойижон?!

— Бизники-да, қизим, бизники!

— Даҳшат! Ҳали биз шунақа боймизми?! Қаердан ол-динглар бунча бойликни?

— Тисс, — дея кўрсаткич бармоғини лабининг устига қўйганча эшик томонга қараб қўйди Роза, — овозингни баландлатма. Аданг бечоранинг пешона тери. Бир пайтлар адажонинг Гдян билан Ивановга ёрдамчи бўлган. Ҳали ҳаммасини сенга айтиб бераман.

— Қаерда турарди шунча нарса?

— Дала ҳовлимизда.

— Мен сира кўрмаганман-ку!

— Бошқасида. Анави келган одам ўша дала ҳовлимиз-нинг қоровули. Ниҳоятда ишончли одам, — дея Роза жо-мадонни ёпди.

— Ойи, бир марта ушлаб ҳам кўрмадим-ку?!

— Ҳали кўп ушлайсан. Тақасан ҳам. Ҳозир вақти эмас. Ундан кўра менга ёрдамлаш.

Она-бола жомадонни бир амаллаб кўтариб, уй тўрига олиб боришди. Роза унинг устига духоба ёпди-да, кейин устидан тўртта ёстиқ қўйди. «Энди кетдик», деди сўнгра қизига.

Неъмат қўшиқ хиргойи қилиб ўтирарди. Розани кўриши

билан ўрнидан турди.

— Бемалол ўтираверинг. Ҳозир ўзим сизга гўшт қовуриб бераман, — деди Роза.

— Оҳ, онагинам, бир марта қовуриб берганингизда жуда бошқача бўлган. Ҳалигача оғзимдан мазаси кетмайди, — дея ўшшайди Неъмат.

Роза ишга киришди. Сабина эса меҳмоннинг рўпарасига ўтириб олди-да:

— Сиз ниҳоятда дилкаш одам экансиз, — деди.

— Онагинам, — деб Роза томонга юзини бурди Неъмат, — бу қизалоқни нега бирор марта ҳам олиб бормагансизлар?

— Бу қизалоқнинг сира вақти бўлмайди. Ўзимиз зўрға кўрамиз, — деди Роза кулиб.

— Мен ўзим бирга бораман, бу қизнинг гўзаллигига, жононлигига бир қаранг. Оҳ, оҳ, оҳ! Бир йигитнинг бахтияя! Анавиларни бунга кўтартириб қўймайман! Ўзим бирга кетаман.

— Лекин, — деб Роза улар томонга ўтирилди, — бугун битта ўзига чипта олиб келган эканмиз-да.

— Онагинам, чиптадан сира қайғурманг. Бор чипта, — дея Сабинага кўзини қисиб қўйди Неъмат.

У Роза қовуриб берган бир лаган гўштни иккита нон билан еб қўйди, шунинг баробарида битта шишани бўшатди. Ана ундан кейин хайрлашиб чиқиб кетди.

— Ғалати одам экан, — деди Неъмат кетганидан сўнг Сабина.

— Кўнгли биллурдай тоза. Аданг бунақа одамлар юз мингтадан битта чиқади, деган. Эртага сен билан бирга кетса, кўнглим хотиржам бўлади. Буни қара, шунча нарсани хавотирланмай сенга бериб юбормоқчи бўлибман-а!

Улар яна ошхонага қайтиб киришди ва энди режа тузмоқчи бўлиб туришганида, Комил кириб келди. Унинг иккала кўзи ҳам қип-қизил эди.

— Қаёқларда юрибсан?! — деди унга Роза жаҳл билан.

— Қаёқда?! — дея калласини орқасига буриб эшикка қаради Комил. Сўнг қўли билан шу томонни кўрсатиб. — Ўша ёқда, — деди.

— Адангнинг касалхонадалиги, менинг уйда бир аҳволда ўтирганим сени қизиқтирмайдими? Нега кўзингга қон

тўлган?!

— Эй-й, — дея Комил синглизининг бурнига чертиб, унинг ёнидаги стулга ўтирди.

Сабина «Ва-ай, қўпол», дея акасининг елкасига муштлади. Комил ҳиринглаб куларкан:

— Мен қўполманми? — дея эрмаклаб кулди.

— Ҳа, қўполсиз!

— Йигитларинг-чи?..

— Уятсиз, нималар деб валдираяпсан?! — деди шу заҳоти Роза жаҳл билан.

— Ҳа, нима бўпти? Ростини айтяпман-да. Бунингизнинг йигитлари — бир, икки, — дея бармоқларини санай бошлади Комил.

— Ўчир овозингни! Сен ҳеч қачон одам бўлмайсан! Шундай одамнинг боласи-я! Кўрганлар нима дейди?! Ҳеч бўлмаганда аданг касалхонадалигида уйда ўтирсанг бўлмайди-ми? Адангдан-ку хабар олмайсан! — деди Роза куйиниб.

Комил қўлини силтади:

— Адамни, эътиборингиз учун, сўрайдиганлар сон мингта. Сал йўталиб қўйса, оёқларининг остига пой-патак бўлишади. Ундан кўра менга овқат беринг, ўлгудай очман. Бутун бошли қўйни есам ҳам қорним тўймайди! Ҳе, ҳе, ҳе!

— Тўйдириб юборишмадими?

— Йўқ, тўйдиришмади.

— Қани, менга пуфла-чи, — деди ўғлининг юзига юзини яқинлаштирган Роза.

— Бемалол. Лекин биз ичмайдиганлар хилиданмиз.

— Ойи, — деди бирдан Сабина, — бунингиз чакиб олган!

Комил синглизига ўгирилиб:

— Ҳой, бедана, нима деб сайраяпсан?! — деди ва онасига қаради. — Ойи, бунингиз ҳурматимни жойига қўйсин. Бўлмаса, мен ўзимга жавоб бермайман... Ундан кейин анави прокурорнинг қизига ҳам уйланмайман! Адамнинг ўзи уйлансин унга. Уйига борсам итдай тишлади мени!

— Шошма, — дея ўрнидан турди Роза, — сен уларни-кига бордингми?

— Ҳа, бордим. Ўзингиз айтгандингиз-ку, қиз билан кўриш деб. Кўришгани бордим. Лекин адаси келиб қолди қайси гўрдандир. Мени итни ҳайдагандай ҳайдади-я! Овқ-

ат беринг, илтимос!

— Ҳимм, тушунарли. Шунақа пайтда одамнинг қандай-лиги билинади. Майли, прокурор прокурорлигини қилиб турсин. Ҳали аданг шунақа қиладики, ўша прокуроринг туғилганига пушаймон ейди, — деди Роза кўзига ёш олиб.

— Ие, ойи, йиғлаяпсизми?! Йиғламанг, бир тийин-ку улар! Мен ўзим эртага бориб, разбор қилиб келаман! Прокурор бўлса ўзига, синдириб ташлайман!

Роза кўз ёшини артиб, овқатга уннай бошлади.

— Мен аллақачон у қизнинг бўлмаслигини айтгандим. Гапимга кулоқ солмадинглар. Пастларга пастлар муносиб, — деди Сабина сочини ўйнаб.

— Тўппа-тўғри. Энди молодец гап айтдинг, — деб Комил сингисининг елкасидан қучди-да, бошидан ўпиб қўйди. Кейин ўрнидан туриб, совуқ сувнинг жўмрагини очди. Бошини эгиб оғзи билан оқаётган сувдан қултулла-тиб ичди. Сўнг эшик тарафга кетди. Унга биров «Қаерга кетяпсан?» демади. Комилнинг эса кўзи тинаётганди. Ётиб ухлагиси келаётганди.

Тўғри меҳмонхонага кирди. Тўрдаги ёстиққа кўзи тушди. «Шуни оламан-у, бошимга қўйиб гиламнинг устида ухлайман», дея минғирлади. У ҳали ёстиқнинг остида жомадон турганлигини, жомадон бойликларга тўлалигини билмасди.

* * *

Фирдавс тўхтамади. Аслида, нарироққа бориб, ортидан келаётган иккита барзангини ҳам ерга ёпиштириб ташламоқчи эди. Бироқ ниятидан қайтди. Бошқа уришгиси келмади ва тезроқ югурди. Ортидан уни сўкишганини, «Тўхта, расвонгни чиқараман!» деган гапларини эшитди. Лекин тўхтамади. Бекатга борди. Автобус энди юраётган экан. Бир сакраб орқа эшикдан чиқиб олди ва тутқичдан ушлаб пешонасида пайдо бўлган тер томчиларини енгига артди-да, автобуснинг орқа деразасидан қаради. Қувиб келаётганларнинг бирортаси ҳам кўринмади. «Ҳали-бери етиб келишолмайди. Келишганида эса мен умуман бошқа жойда бўламан», дея ўйлади Фирдавс ва дераза ёнидаги бўш ўриндиққа ўтирди. Ана шунда унинг пули йўқлиги хаёлига келди. Йўқ, у аввал кондукторни кўрди. У ҳайдовчига бир нималар деб гапиргач, бу ёққа келаётганди. Автобусда одам

кўп эмасди. Узоғи билан етти-саккизта. Фирдавснинг хаёлига яна ўша қизлар келди. Шўх, ажойиб қизлар. Аввалига Фирдавснинг пули йўқлигига маза қилишганди. Ҳар иккала қиз ҳам «Яхшиям пули йўқ экан. Шу баҳонада гаплашдик», деб ўйлашганди. Бироқ кейин кондуктор аёл унга бир қаради-ю, кечирим сўради. Кира ҳақини олганини айтди. Шунда қизлар «Атайлабдан биз билан танишиш мақсадида пул бериб туролмайсизларми, дебди. Танишишнинг умуман бошқача усули, лекин ажойиб экан. Аслидаям кўринишидан пулсиз юрадиган йигитларга ўхшамайди», дейишди.

Фирдавс эса ҳайрон эди. «Қандай қилиб олмаган кира ҳақини кондуктор олдим, дейди? Ўзидан-ўзи мени қизларнинг олдида уялиб қолмасин, деган хаёлда «Бергандинг» деявермайди-ку. Жуда ғалати бўлди. Лекин энди-чи?! Энди нима бўлади?! Мен Жамшиддан бирор йигирма тийин олмоқчи ва шу билан уйга етиб олмоқчи эдим. Аммо режам ўхшамади. Роса шарманда бўлдим», деган ўйда йигит деразадан ташқарига қараб олди.

Кондуктор Фирдавснинг ёнидан ўтиб кетди. Орқа эшик охиригача ёпилмаган экан. Ёлди, кейин яна унинг ёнидан ўтиб, олдинги ўриндиққа бориб ўтириб олди.

«Ялинаман, ёлвораман. Эсимдан чиқибди, дейман. Керак бўлса, керак бўлса...», деган хаёлда Фирдавс чўнтақларини кавлаштирди. Фақатгина талабалик гувоҳномаси бор экан. «Гаровга бераман. Эртага пулни бериб қайтариб оламан», деб ўйлади йигит.

Автобус биринчи бекатда тўхтади-да, тушадиганларни тушириб, минадиганларни миндирди. Иккинчисида тўхтади, яна худди шундай қилди. Аммо учинчисига етиб боролмади. Филдираги ҳаво қўйиб юборди. «Айни кўнглимдаги иш. Мен, албатта, бировга ёмонлик соғинмайман. Бироқ ҳозирги ҳолат дилимдагидай бўлди. Мени шармандаликдан сақлаб қолди», дея ўйлади Фирдавс ва бошқалар қатори автобусдан тушди. Одамлар норози эди. «Йўлга тушишдан олдин автобуснинг у ёқ-бу ёғига қараб олиш керак эди. Энди шунча йўлга пиёда кетамизми?» дейишди. «Мен нима қилай? — деди ҳайдовчи йиғлагудек бўлиб. — Гаражда бирорта ҳам янги баллон йўқ. Бугунни ўтказар, дегандим».

У бечора пешонасига урди. Ахир бола-чақаси бор. Бир-

икки сўм топиб бориши керак. Бу ёқда эски шалтоғи чиқиб кетган автобус кунда бўлмаса ҳам, кунора битта иш-кал қилади.

Фирдавс тез юрди. Қарийб югурди. Хавотири анави барзангилардан. Қўрқмайди. Қўрқадиган эмаслигини кўрди. Бироқ яна одамларга ўзини кўз-кўз қилишни ҳам истамайди-да. Бунинг устига, устози мусобақадан бошқа пайт бировга қўл кўтарма, деб тайинлаган.

Уйига ярим соатлардан кейин кириб борди. Ота-онаси ошхонада уни кутиб ўтиришган экан.

— Қаерда эдинг? — дейишди худди келишиб олгандай бараварига.

— Шундай кўчага чиқиб айланиб келдим, — дея жавоб қайтарди Фирдавс.

— Тушундим, — деди Достон ва столнинг устида турган гугуртни айлантирди, — мен ҳам ёшлигимда худди шундай дердим. Буни қараки, дарров ўзимга қайтиб келяпти. Биз энди сен билан ота-боладай эмас, яқин ўртоқдай гап-лашамиз. Ойинг эса бизни ёлғиз қолдиради.

У Моҳирўйга қаради. Моҳирўйнинг юзида безовталиқ бор эди. Сира кетгиси йўқ эди. Уларнинг гапини эшитгиси кел-лаётганди. Бироқ на илож, эри кет, дегандай термилиб тур-гач, кетади-да.

— Энди гапир, — деди Достон носқовоғини олиш мақсадида чўнтагига қўлини соларкан.

— Нимани, дада?

— Қаерга бординг? Ким билан кўришдинг? Нимани режалаштириб юрибсан? Хуллас, нима бўлса, ҳаммасини оқизмай-томизмай гапир. Ундан кейин мен фикримни билдираман. Қарабсанки, ҳаммасига ечим бор, — деб Достон бўйнини чўзганча ётоғи томонга қаради. Эшик ёпилганми-йўқми, билмоқчи эди. Ёпилган экан.

— Айтдим-ку, бир-иккита болалар билан кўчада гаплашиб қолдик, — деди Фирдавс бошини эгиб.

— Ошна, сен ёлғон гапиролмайсан. Гапиришни билмайсан. Гапирсанг ҳам юзинг-кўзинг ошкор қилиб қўяди. Агар бирорта қиз бола билан учрашганигда ҳам мен билардим. Аянг безовталаяпти. «Кўнглим нотинч, ишқилиб, Фирдавс бир нарсани бошламаган бўлсин», дейди. Билиб қўй, аянг иккимизнинг бу дунёда тортмаган азобимиз қолма-

ган. Шундай экан, ростини айтгин, ечим топамиз.

— Жамшиднинг бошига ташвиш тушиб қолган. Ҳаёти қил устида.

— Нима қилганки, бундай аҳволга тушибди?..

— Хуллас, шаҳардаги шов-шувнинг сабабчиси у.

— Нима? Йўғ-э?! Ҳали у Чўлоқнинг боласини уриб кетганмиди?

— Ҳа. Кейин қўрқиб қочган. Ҳозир уни қидириб юришибди. Қарийб топишган экан.

— Хўш?..

— Мен зиммамга олдим!..

— Нима дединг?! Бошқатдан қайтар! — дея ўрнидан туриб кетди Достон. — Зиммамга олдим, дедингми?!

Фирдавс «ҳа», дегандай бошини қимирлатди.

Достон ўзини тутиб туролмади. Ўзи истамаган ҳолда Фирдавснинг бошига шапалоқ туширди-да:

— Аҳмоқ! — дея бақириб юборди.

Шу заҳоти Моҳирўй ётоқдан югуриб чиқди.

— Нима бўлди? Қаерда экан?! — деди титраб-қақшаб.

Фирдавс йўқлигида эр-хотин уни обдан муҳокама қилишганди. «Ишқилиб, кўча болаларига кўшилиб қолмасин. Бизнинг кунимиз бошига тушмасин», дейишганди. Шунинг учун ҳам ҳозир Достон ўлини сўроққа тутаётганди.

— Шу ёшидан уйланаман, дейди бунинг! — деди Достон бошқа гап тополмаганидан.

Моҳирўйнинг юзидаги жиддийлик табассумга айланди.

— Вақти-соати келгандир-да, шунга аҳмоқ бўлиб қолмайди-ку. Майли, ўша қизнинг кимлигини айтсин, борибоқ бошини боғлаб келамиз, — деди ва ошхона томон юра бошлади. Аини чоғда аёлнинг кўнглидан «Танлагани, ишқилиб, Мавзуна бўлмасин», деган ўй ўтди.

— Майли, — деди ғазабини ичига ютган Достон, — лекин ҳали вақти бор эди-да. Менга қара, сен бориб тур. Биз кейинги гапларниям гаплашайлик.

— Қанақа гап? — ҳайрон бўлди Моҳирўй.

— Харажат масаласи. Хуллас, сен боравер, ўзим кейин ҳаммасини айтиб бераман. Чунки, барибир, сенсиз ҳал бўлмайди. Унгача эркакча гапларимизни охирлатиб қўяйлик.

— Кўрдингми? — деди отаси Моҳирўй яна қайтиб хона-сига кириб кетганидан сўнг. — Уни қанчалик авайлайман! Сен тентак бўлса?! Агар бундайроқ айби бўлганида бўйнингга олганингга рози эдим. Лекин, биласанми, бунинг оқиба-ти нима бўлади? Мени ўйламаганингдаям аянгни ўйла-санг бўлмасмиди?

Достон стулга ўтирди, тилининг тагига бир чимдим нос ташлади. Кейин яна туриб кетди. Чунки ичидаги галаён уни ўтиришга қўймасди.

— Хуллас, дада, аҳвол мана шундай, — деди бир муд-датдан сўнг Фирдавс, — сиз менга маслаҳатлашамиз, йўли-ни топамиз, деганингиз учун айтдим. Ота сифатида эмас, дўстинг сифатида гаплашаман, деганингиз учун айтдим. Менинг ўрнимда бўлганингизда нима қилардингиз? Ўрто-ғингизнинг ўлиб кетишига индамай қараб турармидингиз?

Достон жойига қайтиб ўтирди. Юзини кафтлари орасига олди. Бошини чайқади. Сўнг паст, аммо кескин овозда:

— Нима қилганингни ипидан игнасигача гапириб бер, — деди.

Фирдавс секин бошини кўтарди ва Жамшиднинг қўнғи-роқ қилганидан бошлаб, уйдан чиқиб кетгани-ю, барзан-гиларга дуч келиб, уларнинг ҳар иккисини ҳам уриб, сўнг қочганигача, ҳатто автобуснинг гилдираги бўшаб қолга-нигача гапириб берди.

Достон ўғлининг сўзларини бўлмай диққат билан эшитди. Сўнг Фирдавснинг елкасига қўлини ташлагач:

— Қани энди ўша ўртоғинг ҳам сен қилган ишни қилол-са, қани энди уйдан чиқиб: «Аслида, мен айбдорман, мен Чўлоқнинг боласини мажақлаб кетдим», деёлса. Деёл-майди-да. Агар қилган ишингни эшитса, бир том бўйи сак-райди, — деди.

— Йўқ, дада, у ҳам мард бола.

— Айтган гапларингга унинг мардлигининг ҳиди йўқ. Энди гап бундай, ўғлим, сен қилган ишларинг тўғрисида бировга миқ этма. Ҳаттоки ўша Жамшидга ҳам бир оғиз бир нима дема. «Сен чақирганингда бормоқчи эдим, ле-кин уйдагилар қўйиб юборишмади. Кеч бўлди, уйда ўтир, дейишди. Бунинг устига, синглимнинг туғилган куни эди, шу боис боролмадим», дегин.

— Лекин...

— Гапимни бўлмай эшит. Ана шунда ўртоғинг тўрт-беш кун уйдан чиқмай ўтиради. Мабодо чиқса ҳам, биров унга бир нима демайди. Сабаби, у сенмас. Гараж, машина масаласи эса бир гап бўлар. Балки, ўзим унинг адаси билан гаплашиб оларман. Хуллас, туя кўрдингми, йўқ. Ўқишинга бор, тўғри уйга қайтиб кел. У ёғи бир гап бўлар. Менинг эскидан бир-иккита танишим бор, секин ўшалардан сўрайман. Очиқчасига эмас, қоғозга ўраб сўрайман. Ниҳоятда маккор одамлар, бирор йўлини айтишар. Энди бор, хонангга кир, миянгдан ҳамма нарсани чиқариб ташла, тушундингми?

Фирдавс «ҳа», дегандай бошини қимирлатди-да, ўрнидан турди.

Достоннинг боши қотди. Ўғли кетиши билан музлаткични очди. Бироқ тусаганини олмади. «Ундан ютадиган бўлсам аҳмоқликдан бошқа нарсани ўйламайман», деди ва яна қайтиб ёпди-да, стулга келиб ўтирди.

У тилининг остидаги носни соатлаб ушлаб тура оларди. Керак бўлса, бировлар билан бемалол гаплашар, агар зарур бўлса, устидан чой ҳам ичарди. Чой носига тегмайди, айна чоғда эримайди ҳам. Ҳозир ҳам шундай эди.

Достон ўйлай-ўйлай, охири, Ёдгорга қўнғироқ қилиш керак, деган тўхтама келди. Ёдгор Фаррухнинг садоқатли йигитларидан эди. Норматнинг ҳамласидан омон қолганлардан биттаси ҳам шу. У Достоннинг Моҳирўйга уйланганини ва Фирдавсга оталик қилаётганини ҳам биларди. Агар унга Фирдавснинг бошига тушган ташвишни айтса, бажонидил ёрдам беради. Агар хабарсиз қолса, Достонни қўймайди. «Хўжайиннинг яккаю ягона ўғлини, умрининг давомчисини, керак бўлса, меросхўрини ҳимоя қилолмадингми?» дейди. «Фирдавсга оталик қилаётганинг учун ҳам Фаррухнинг хотинига уйланганинга тегинмагандим сенга. Сенинг ниятинг фақатгина Моҳирўйни қўлга киритиш экан. Энди ундан айриласан», дейиши ҳам мумкин. «Фирдавс учун жон бериб, жон олаётганимни у қаёқдан ҳам тушунсин... Фаррух Фирдавснинг отаси эмас, унинг отаси менман. Менман!» дея ўйлаган Достон шитоб билан юриб, телефон ёнига келди. Гўшакни кўтарди. Лекин Ёдгорнинг телефон рақамини эслаёлмади. Жаҳли чиқди ҳамда ётоққа кирди-да, эски ён дафтарини шкафдан қидира бошлади.

Каравотда ўтирганча эрининг хатти-ҳаракатини кузатаётган Моҳирўй чидолмади.

— Нимани изляяпсиз? — деди.

— Битта ён дафтарим бор эди. Қаердалигини эслолма-япман, — дея жавоб берди Достон.

— Шкафнинг пастки тортмасини кўринг. Нега бунча безовтасиз?

— Сен ухлайвер. Мен ўзим. Битта танишимнинг телефон рақами бор эди унда. Эртага вокзалга юк туширгани бор-моқчиман. Эшитишимга қараганда, юк ўша танишимники экан. Бир-икки оғиз гаплашиб қўйсам, кўпроқ пул берадими, дейман-да, — деди Достон оғзига келган гапни қайтармай ҳамда ён дафтарни топди-ю, унинг зарур саҳифасини очди. Юзи ёришди ва телефоннинг ёнига югурди.

Рақам терди. Гўшакни тахмини бўйича Ёдгор кўтариши керак эди. Достон овоз эгасини Ёдгор деб ўйлади ва кўзини юмиб очди-да, салом-алиқдан олдин:

— Бургут қанот қоқди! — деди.

Моҳирўй Достоннинг гапини эшитди. Шу заҳоти юраги гупиллаб ура бошлади. «Бургут қанот қоқди». Ким у бургут?! Илгари Фаррух акаси эди. Энди-чи?! Наҳотки эри Фирдавсни назарда тутаётган бўлса?.. Унақада Моҳирўй тамом бўлади-ку. Нима, умрининг қолган қисмини ҳам юрак ҳовучлаб ўтказадими? Йўқ! Йўқ! Йўқ! Чидолмайди! Достоннинг бундай қилишга ҳақи йўқ. Унга Фирдавснинг жиноятчилар оламига олиб кириш ҳуқуқи берилмаган. Ўлсам ўламанки, тиш-тирноғим билан қарши курашаман!»

Аёл ўрнидан турди-да, эшикка яқинлаша бошлади.

Бу пайтда Достон ўзи қўнғироқ қилган одам билан гаплашишда давом этарди.

— Бургут! — ҳайқирди суҳбатдоши. — Бургут омон бўлсин! Сен кимсан?..

— Достонман. Достон!.. Эсингдан чиқариб қўймадингми?

— Ҳар кимни эсимдан чиқаришим мумкин. Лекин сени эмас. Келинойи... Кечирасан, хотининг омонми?

— Ҳаммаси жойида. Кўришмасак, иш чигаллашяпти. Эртага соат ўн бирга вақтинг қалай?

— Сен учун бекорман! Қаерга борай?

— «Баҳористон» кафесининг ёнида кўришамиз унда.

— Келишдик.

Икки томонда ҳам гўшаклар қўйилди. Достон энди ор- тига бурилган эди ҳамки, Моҳирўйни кўрди. Довдиради.

— Сен ҳалиям ухламаганмидинг? Кеч бўлиб кетди-ку, — деди бошқа гап тополмаганидан.

— Достон ака, ким билан ким тўғрисида гаплашдин- гиз? — деди Моҳирўй лаблари титраб.

Достон жавоб беришдан олдин ўглининг ётоғи эшигига қараб олди ва Моҳирўйнинг билагидан оҳиста тутди-да:

— Ичкарида айтаман, — деди шивирлаб.

Эр-хотин каравотга ёнма-ён ўтиришди.

— Мен, — дея аввал Моҳирўй гап бошлади, — ҳеч қачон Фирдавснинг жиноятчи бўлишига йўл қўймайман!

— Мени истайди дейсанми? Ҳеч қачон! — деди аёлига жавобан Достон.

— Лекин сиз телефонда кимгадир...

— Шошма, бир нарсанинг тагига етмасдан туриб хуло- са чиқарма. Ҳозир Фирдавсга бошқа пайтдагилардан-да кўпроқ ёрдам керак. Сенга умуман айтмоқчи эмасдим. Ле- кин ўзинг билиб қолибсан. Агар Фирдавсни ҳимоя қилиш чорасини кўрмасам, у ёғи нима бўлишини билмайман!..

— Ни-ма? Нима бўлди унга? Бевақт кўчага чиқмаса, бировнинг бурнини қонатмаган бўлса, ўзидан-ўзи хавфда қолаверадими?! — дея овозини бир парда кўтарди Моҳирўй.

— Секинроқ. Ҳамма нарсанинг сабаби бор.

— Мабодо...

— Ҳеч қандай мабодо йўқ. Хуллас, йигитлар ёрдамлаша- миз, дейишди. Азбаройи Фаррухнинг ҳурмати учун. Ана ҳамма нарсани билиб олдинг. Қолганига ишинг бўлмасин!..

Моҳирўй туни билан мижжа қоқмади. Эрталаб унинг қовоқлари шишган эди.

* * *

Арслон устахонага кирди. Эски «Газ 21» ўртада турибди. Биров унинг тагига кириб «чуқалаш» билан овора. У ба- қирди.

— Башара! У-у Башара! Отинг ўчсин, Башара! Онаси чала туққан, Башара!

Ўзининг бақирishi ўзига наша қилиб, кейин хохола- ганча кулди.

— Ит, — деди унинг бақирishiга жавобан машина та-

гидаги одам, — ҳидлаб-ҳидлаб шу ерниям топиб келдингми?!

— Келдим. Чиқ бу ёққа. Хўкиздай гавданг билан қандай сиғиб кетдинг, Башара?! Чиқ бу ёққа!

— Суягингни кемириб тур, ит, ҳозир чиқаман. Битта болт қолди, шуни охиригача бураб олай, — дея оёқларини қимирлатиб қўйди Ўлмас.

Ҳа, Арслон Башара деб чақираётган йигитнинг исми Ўлмас эди. Башара деб унга Арслон лақаб қўйиб олганди. У битта шу Арслонга бир нима деёлмасди. Қолганлар мабодо унинг лақаби билан чақириб қўйса, туғилганига пушаймон қилдирарди. Арслондан эса кўрқади. Аниқроғи, унинг бойлигидан, отасидан кўрқади. Шунинг учун унга бир нима деёлмайди. Баъзан жаҳли чиқиб турган бўлса хезланади, аммо охирги лаҳзада ўзини босади. Айни чоғда Арслон ҳам ундан ҳайиқади. «Ишқилиб, қутуриб кетмасин. Қутурса, буни тўхатиб бўлмайди», дея ўйлайди. Шунга қарамасдан ҳазилни тўхатмайди.

— Қўй шу болтингни! Соққали иш турганда машинанинг тагида мойга ботишга бало борми, чиқ, мен сени кути-иб ўтиргани келганим йўқ. Вақтим тигиз, — дея Арслон унинг оёқ кийимига бир тепди.

Шундан кейингина Ўлмас сирғалиб-сирғалиб машинанинг остидан чиқди. Унинг юзига, пешонасига қора мой теккан эди. Иккала қўлига эса қараб бўлмасди. У шу қўллари билан Арслонга кўришиш учун чўзди.

— Сенинг онанг бефаросатнинг бефаросати бўлсин, деб туққанда, Башара, — деди Арслон афтини бужмайтириб, — аввал қўлингни совунлаб ювиб, кейин кўришмайсанми? Турқинггаям қараб бўлмай қолибди. Бўл тез, сенга зўр иш бор!

— Илгариям одаммасдинг, ҳозир ҳам, — дея тўнғиллади Ўлмас ва ювинишга кетди.

У келгунича Арслон эски, ярми синиқ стулга ўтириб, темир-терсақларни кузатганча тутатиб ўтирди.

— Ҳов, фаросатли, — деб бақирди унга Ўлмас, — ҳамма ёқ бензин, ёғ бўлса, чекишга бало борми? Ўт кетиб қолса, онангни кўрасан!

— Дарров қайтардинг-а, — дея Арслон тутатқисини ерга ташлаб, товони билан эзди.

— Нима гапинг бор эди? — деди Ўлмас сочиққа кўли ва юзини артаркан.

— Хуллас, гап бундай, оғайни. Пахан ўзининг фабрикасини сотиб олди. Энди у давлатники эмас, бизники...

— Ў-ў-ў-ў!!! Ўлмаснинг ҳайратдан кўзи олайиб кетди.

— Гапни бўлма. Паханда пул тиқилиб ётганини яширсам ҳам яхши биласан. Мингдан зиёд одам ишлайдиган ташкилот бизники бўлганидан кейин ишлар ҳам кўпайиб кетди.

— Мен нима иш қиламан, бирорта кийим-пийим тикаманми? — дея иржайди Ўлмас.

— Падаркусур, сал одамга ўхшаб оғзингни юмиб эшит. Сенга ишнинг зўри бор. Фабрикани, унинг раҳбарларини кўриқлаш керак. Шуларнинг каттаси сен бўласан. Сен доим менинг ёнимда юрасан. Чўнтагинг тўла соққа. Еб-ичиш даҳшат. Шунга розимисан? — деб Арслон унинг юзига синовчан тикилди.

— Қанча берасан? — дея кўлининг орқаси билан бурнини артди Ўлмас.

— Мана шу ерда қора мойга ботиб қанча топасан?

— Энди, ҳар қалай қора қозонни қайнатишга етади.

— Ана шу қора қозонингни ҳар куни ўн мартадан қайнатишинга етгулик бераман. Бўладими? Бундан ташқари, яна ора-чора бошқа ишлардан тўрт-беш сўм тушиб туради. Кунига. Жухудлар бир-бирини нима деб қарғашини биласанми?

— Мен хотинмасман қарғишларга қизиқадиган...

— Сени биров хотин деяётгани йўқ. Сен қарийб тўрт марта эркасан. Чунки гавданг нормальный одамниқидан тўрт марта катта. Айниқса, калланг, — дея хихилаб кулди Арслон ва яна гапини давом этказди. — Ошқовоқ каллангни қотирмасанг ҳам айтай, улар бир-бирини «Кунинг ойликка қолсин», деб қарғайди. Хуллас, эзилмагинда кийимларингни алмаштириб, қорамойхонангдан чиқ. Ҳа, битта гап эсимдан чиқай деб қолибди. Мен, — деб кўрсаткич бармоғини кўкрагига урди, — «кўча» билан зўр бўлиб олдим. Аммо ҳозир каттанинг бошига иш тушган эшитгандирсан?

— Хмм, боласини мажақлаб кетишибдимми?

— Мажақлаб кетишганида майли эди. Хуллас, қидири-

шимиз керак. Агар ҳаммадан олдин ўша маразни топсак, мукофот бор. Энди тезроқ бўл, мен сени ташқарида кутиб тураман.

Арслон тутатди ҳамда тутунни чуқур-чуқур ичига ютиб, бир неча марта ерни тепиб қўйди. Чунки қилаётган ишларидан завқи ошаётганди. Агар ҳамма ўйлаганлари кўнглидагидай бўлса, бу ўртада ундан зўр одам бўлмайди.

Ўлмас кийиниб чиқди-да, устахонасини ёпди. Арслон унга яна бир марта бошдан-оёқ қараб чиқди ва иягини ишқалаб:

— Башара, тўғриси, сенга қойилман. Қандай қилиб бундай катта бўлиб кетгансан? — деди.

— Отам бақувват одам бўлган экан. Қаерга борамиз?

— Марказдаги бозорга. Ана шу ерга деҳқонлар кўп келади. Аксариятида оқ «Москвич». Секин битта-битта кўриб чиқамиз, — деб Арслон йўл тарафга икки қадам босар-босмас кўзи оқ «Москвич»га тушди. У йўл четида турарди, — Ана, биринчиси. Ажабмас, биттада овимиз юришиб қолса.

Улар машина ёнига боришди. Орқа томондан чолнинг битта-битта ҳассага суяниб келаётганини ҳисобга олмаса, атрофда ҳеч ким йўқ.

— Бу арава кимники?! — дея бақирди Арслон ва капотга мушт туширди.

— Ҳов, — деди чол юришдан тўхтаб, — отангнинг мулкимидики, уряпсан?

— Бобой, қаранг, йўлнинг ўртасига қўйиб кетибди, — деб ўзини оқламоқчи бўлди Арслон.

— Кўзинг кўрми, нима бало? Йўлнинг четида турибди-ку?! Қанақанги бадбахт одамларнинг боласисан? — деди чол ва юришда давом этди.

Арслон эса энсасини қотириб, Ўлмасга қараб қўйди. Ҳўкиздай шериги қизариб кетганди.

Чол келди. Машинанинг капотига разм солди. Сўнг ўгирилиб Арслонга қаради-да:

— Пачақ қилибсан-ку! — деди ғазаб билан.

— Ўзи аравага ўхшаган битта машина бўлса, пачақ бўлганда қаёққа борарди? — дея ҳиринглади Арслон.

Чол шу заҳоти унинг оёғига ҳассаси билан бир туширди.

— Вой! — деди Арслон ва орқасига тисарилди.

— Сен ҳам тамом бўлган бир бола экансан, бақирди-

шингга бало борми? — деди чол ҳам.

— Агар, агар қари бўлмаганингизда кўрсатардим тамом бўлганлигимни! — бўқирди Арслон.

— Нимани кўрсатасан? А! Тарбиясиз, нимани кўрсатасан?!

— Кетдик, — дея Арслоннинг қўлидан ушлади Ўлмас, — шу чол билан тенг бўлма. Томи кетганга ўхшайди.

Шундай дейиши билан чол унинг ҳам елкасига ҳассаси билан урди.

Ўлмас, вой, демади. Фақат газаб билан чолга қараб қўйди-да, Арслонни судради.

Арслон нарироққа бориб сўқинди. «Чол бўлса ўзига, иззатини билсин. Ҳозир бориб ўлдираман», деди. Аммо Ўлмас қўймади. «Кўрганлар нима дейди? Қўй, кетдик», дея уни олиб кетди.

Улар такси тўхтатишди. Чол эса машинага ўтирди-да, ҳайдаб кетди. Уларнинг ёнидан ўтаётганда бир нарсалар деди. Бироқ иккиси ҳам яхши англолмади. Арслон сўқинди. Ўхшатиб сўқинди. Куракда турмайдиган қилиб сўқинди. Ўлмас эса кулди. «Лекин чол боплади!» деди.

Бозор ёнидаги автотураргоҳдан улар бирорта ҳам оқ «Москвич» топа олишмади. Кун кеч бўлиб қолганди. Бозор қилгани келганлар аллақачон кетиб бўлишган, бозорда эса фақат савдогарлар қолишганди. Улардан бирортасининг ҳам машинаси оқ эмасди.

Иш юришмагандан кейин Арслон Ўлмасни уйига олиб кетди. Уни отасига кўрсатмоқчи эди. «Мана шу йигит менинг тансоқчим бўлади. Фабрика қоровулларига катта қилиб қўяман уни», демоқчи эди. Аммо бахтга қарши отаси уйда йўқ экан. Онаси ҳам. Фақат ўша оқсоч куймаланиб юрарди. «Бир ҳисобдан, — ўйлади Арслон, — уйдагиларнинг йўқлиги ҳам яхши бўлди, улар келишгунча Ўлмас билан озгина-озгинадан «отамиз». Кейин бир-иккита жойга қўнғироқ қиламан».

Отгиликдан сўнг Арслон Бахага қўнғироқ қилди.

— Қайси гўрда юрибсан, ҳозироқ етиб кел! — дея амир қилди Баха унинг овозини эшитиши билан.

Арслоннинг жаҳли чиқди. «Бу гапинг учун ҳали жавоб берасан, сен ифлосни эмаклатмасам, отимни бошқа қўяман», деди у ва Ўлмасга «Кетдик, битта жойга бориб

келамиз», дея ўрнидан турди.

Норматнинг таъзия бўлган уйда тўрт-бешта қўриқчи ва Чўлоқнинг қизлари ҳамда хотинидан бошқа ҳеч ким йўқ, ҳаммаси эски уйда экан.

Аллақачон қоронғи тушганди. Арслоннинг ичига эса гулгула оралаганди. Негадир Чўлоқнинг уйига боришга унинг оёғи тортмади. Аммо энди бормасликнинг ҳам иложи йўқ. Сабаби, бу уйдагилар унинг келганини билишди. Қолаверса, Ўлмас ёнида юрибди. Бир кунда унинг олдида обрўси тушиб қолишидан ҳам чўчиди-да.

Дарвозанинг кичик табақаси очиқ экан. Ташқарида ҳеч ким йўқ. Аммо ичкарида иккитаси кўлларини орқаларига қилиб туришибди. Гавдали йигитлар. Лекин Ўлмасдай эмас. Ўлмас улардан ҳам девмандроқ.

Улар Арслонни ичкарига киритишмади. Биттаси ертўлага тушиб, Бахани чақириб чиқди. Бироқ у чиқмади. Бошқа бир йигит чиқди. Ертўла — энг даҳшатли жой. У ерга сени меҳмон қилиш учун чақиринмайди. Аммо энди у ерга тушмасдан ҳам илож йўқ.

Ертўланинг бўйи камида тўрт метр келаркан. Ҳамма ёқ қалин девор. Яна бирорта ҳам устун йўқ.

— Бу ёққа кел! — деди ўртада кўлини орқасига қилиб турган Баха кўрсаткич бармоғи билан имлаб, уни ёнига чақираркан.

«Ишқилиб, омон чиқай», дея хаёлидан ўтказган Арслон қулт этиб ютинди ва оёғи қалтираганча у чақирган жойга борди. Баханинг атрофида саккизтача барзанги бор эди. Улардан иккитаси тиз чўккан, икковининг ҳам боши эгилганди.

Ўлмас илгари бунақанги йигитларга сира дуч келмаган ва бундай ертўлага ҳам тушмаганди. Шу боис уни бироз кўрқув эгаллади. У Арслоннинг ортидан эргашди.

Баха уларнинг етиб боришини кутиб ўтирмади. Афтидан, у толиқиб кетганди. Чунки Чўлоқдан оладиганини олганди-да. «Сен ифлос, текинхўр, ялоқ ялаган, битта ишни удалолмаяпсанми!» деб орқасига шунақа тепдики, Баханинг жони чиқиб кетаёзди. Йўқ, тепки унақа қаттиқ бўлмади. Қаттиғи, ҳамманинг кўз ўнгида калтак егани бўлди. Чунки уларни кузатиб турганлар орасида Баханинг йигитлари ҳам бор эди. Бу ўша оқ «Москвич»ни минган бола

топилавермаганидан кейин бўлди. Аввалига Баханинг топган маълумоти шефни хурсанд қилди. Бироқ натижа чўзилаверганидан сўнг Нормат уни тепди. Тепишдан олдин уруғаймоғию, ота-онасини баолохонадор қилиб сўкди, сўнг тепди.

— Ит, — дея Баха Арслоннинг ёқасидан олди, — қайси гўрда юрибсан?! Қачон ёнимда бўлишинг керак эди?!

Арслон жавоб беришга улгурмади. Баха унинг оғиз очишига қўймади. Башарасига мушт туширди. Шу заҳоти Арслоннинг бурнидан қон келди.

— Сен кимсан?! — деди Баха энди Ўлмаснинг ёқасидан олиб.

Жуда қизиқ ҳолат рўй берди шунда. Тасаввур қилинг, биринчи синф ўқувчиси ўнинчида ўқийдиганнинг ёқасидан олиб, унга дағдаға қилиб турибди.

— Мен Арслоннинг ўртоғиман, — жавоб берди Ўлмас йўғон овозда.

Баха унинг жағига ўзи истагандай зарба беролмаслигини билиб қорнига мушт туширди. Ўлмас қилт этмади.

— Чаккимас, — дея юмшоққина шапалоқ уриб қўйди Баха.

Ва ердан энди тураётган Арслоннинг қайтадан ёқасидан оларкан кўзи унинг қўйлагининг кўкрак чўнтагига тушди.

— Нима бу? — деб уни олди. — Ия, расм-ку. Кимнинг расмини кўтариб юрибсан? Негадир танишга ўхшайди...

Бўйи бир метрнинг нари-берисида бўлган семизгина жингалак соч, ёши эса аллақачон ўттизга етиб қўйган «одамча» Равшан югуриб келди-да, бир сакраб Баханинг қўлидаги расмни тортиб олди. Баха унга ҳеч нарса деёлмайди. Унга ҳатто Нормат чўлоқнинг ҳам қаттиқ гапирмайди. У эрка. У қоп-қоронғида турадиган, юзини бу ердигилардан бирортаси ҳам кўрмаган амалдорнинг жияни. Унинг асосий вазифаси пойлоқчилик қилиш, гап топиш. Ҳозир у эшиқдан кириб келди. Келганини эса биров кўрмади.

— Ўша, бу ўша бола! И! — деди Равшан чийилдоқ овозда ҳамда бурнидан оққан қони қотгани бўйи ҳамон тиз чўкиб ўтирган иккита барзангининг ёнига борди-да, бирининг сочидан гижимлаб ушлаб юқорига кўтарди ҳамда

расмни кўрсатди. — Танидингми?

— Ҳа, — жавоб берди барзанги.

— Равшанбек, — дея иржайди Баха, — буларга кўп қаватли уйда яшайдиганлар ёппасига ёпирилиб, халақит беришибди.

— Шундай бўлди, — деди боши кўтарилган барзанги, — биз уни энди тутмоқчи бўлганимизда улар ҳамма ёғимиздан ўраб олишди. Шундан фойдаланиб, расмдаги бола қочиб кетди.

Равшан бу гапларни эшитганидан кейин кичкинагина, кучсизгина муштчаси билан унинг юзига урди. Аммо унинг уриши барзангига чивин чаққанчалик ҳам таъсир қилмади.

— Икковингниям бу бола дабдалангни чиқариб ташлади-ку. Уй одамлари сенларга эмас, унга халақит беришди. Агар улар чиқиб қолишмаганида ўша бола икковингниям ўлдириб ташларди, — деди Равшан чийиллаб.

— Жуда қаттиқ шуғулланган экан, — дея, ниҳоят, тан олди барзангиларнинг иккинчиси, — жудаям чаққон. Тутишнинг иложиси бўлмади.

— Тушунарли, — деб Баха расмни кўлига олди ва унга синчковлик билан тикилди, — мен ҳам буни кўрганман. Анча бўлиб кетган кўрганимга. Яхши уришади.

У ўрнидан туриб бурнидан оққан қонни дастрўмоли билан артаётган Арслоннинг ёнига келди-да:

— Ким бу? — деб сўради.

— У билан шахсий ҳисоб-китобим бор. Битта яқин қариндошимни қаттиқ хафа қилган экан. Қидириб юрибман, — жавоб берди Арслон.

— Сенинг шахсий ҳисоб-китобинг мен учун икки пул. Ким, деб сўраяпман, ифлос?! — деди Баха ғазаб билан.

— Исми Фирдавс экан. Юридикскийда ўқиркан. Ҳозирча маълумот шу.

— Сен худди шу бола машинада шефнинг ўғлини уриб кетганини билармидинг?

Арслоннинг бирдан кўзи олаймб кетди.

— Йўқ, — дея бошини қимирлатиб:

— Нодир! — бўкирди Баха. — Расмга яна бир марта қарангларда уйини топинглар. Уруғи билан ушлаб олиб келасанлар! Абжағи чиқса, чиқсин. Лекин жони бўлсин. Жонини шефнинг ўзи олади!

Мавзунанинг кўзидан икки томчи ёш думалади ва у бармоқлари титраганча ёноғига келиб тўхтаган ёшни секингина артди. Сўнг яна саволини қайтарди:

— Фирдавс акамнинг ойисини-я?!

— Ҳа. У пайтда ҳали сен туғилмагандинг. Аслида, — деб эшик томонга қараб қўйди-да, сўнг гапини давом этказди Рухшона, — Моҳирўй жиноий тўда бошлиғининг хотини эди. Ўша пайтда ҳам худди ҳозиргидай гўзал эди. Унинг ёнига биров яқинлашолмасди. Лекин эрини ўлдириб кетишди.

Шундан кейин унинг хотини учун ов бошланган. Шулар қаторида даданг ҳам бўлган. Аммо Достоннинг омади чопди. У йўлини топиб, Моҳирўйга уйланди. Моҳирўй ақлу ҳушидан айрилган эди. Битта жойга ўтқазиб қўйсанг, қимирламай бир нуқтага термилганча ўтираверарди. У ўзининг Достонга қандай қилиб текканлигини ҳам билмайди. Достон уни тоққа, қишлоғига олиб кетди. Шу ёқда нима амал қилган бўлса қилган. Хуллас, Моҳирўй тузалди. Аввалги ҳолига қайтди.

— Фирдавс акам-чи? — дея киприк қоқмай онасига термилди Мавзуна.

— У ўшанинг боласи. Шунинг учун ҳам ораларингда бирор нима бўлишига тўсқинлик қиляпман. Худодан ялиниб-ёлвориб, тиланиб олган қизимни «кўча боши»сининг ўғлига бермайман-ку?! Қизим, тақдир сабаб отаники болада такрорланади... Энди даданг билан орамиздаги масалага келсак, унинг аввалги ошиқлиги яна уйғонганга ўхшайди. Ҳа, орадан йиллар ўтди. Менинг юзимга ажин тушди. Анчамунча қаридим. Лекин Моҳирўй ўшандай турибди. Ҳар қандай аёл каби менинг ҳам рашк қилишга ҳақим бор.

Мавзуна онасини кучоқлади. Кўз ўнгиде Фирдавсни Сабинадан қизгангани намоён бўлди. Ўшанда унинг ичи қанчалик куйиб кетган эди.

— Ая, мен сизни яхши тушуниб турибман. Ҳаммасини жойига қўйиб олайлик, кейин қолган гапларни батафсил гаплашиб оламиз... Мен сизга айтсам, ош қилмоқчиман. Ҳаммамиз бир стол атрофида ўтириб еймиз. Хўпми? — деди қизгина.

Рухшона жавоб бермади. Қизининг сочини силади-да,

ёстиққа бошини қўйди.

Мавзуна ишга киришди. Унинг ҳаракатлари ҳаддан зиёд чаққон эди. Ҳар битта ишни югуриб бажарарди. Ҳаттоки сабзини кўз очиб-юмгунча тўғради. Илгаригагидай «Қўлимни кесиб олсам-чи?» деб ўйламади. Қандай тўғраб қўйганини ҳатто ўзи ҳам сезмай қолди.

Анча хаёли жойига келган Миразиз қизининг ишларини кузатаркан, ўзидан-ўзи хафа бўлди. «Бекор қилдим. Қачондан бери аёллар билан тенглашма, деб ўзимга-ўзим тайинлардим. Бугун... Шартмиди идишларни отиш, чилпарчин қилиш. Бечора қизимнинг жони ҳалак. Ота-онасини яраштириб қўймоқчи. Меҳрибонлигини қаранг бунинг. Шундай қизимни хафа қилдим-а. Ўзи анави сабил қолгурни бекор ичдим-да!»

У ошхонада ортиқ ўтиролмади. Ҳовлига чиқди. Бошини эгиб, сайр қилди. Янаям тетиклашди. Янаям фикри теранлашди. Энди унинг кайфи қарийб бутунлай тарқанди. Аммо оғзидан келаётган бадбўй ҳид ҳамон ўша-ўша эди.

Ош пишгач, Мавзуна аввал отасини чақирди. Нафақат чақирди, балки ўзи ҳовлига чиқиб, дадасининг қўлидан етаклаб уйга олиб кирди. Сўнг ётоққа борди. Рухшона пинакка кетганди. Уйғотди. «Юринг», деди. Аммо онаси унамади. «Ўзларинг еяверинглар, мен ухлайман», деб ёстиқдан ҳатто бошини ҳам кўтармади.

— Йўқ, сизсиз емаймиз. Мен боя сизга илтимос қилгандим-ку! Доим айтганларингизни қиламан, сиз ҳам бир сафар менинг гапимга кўнинг, — деб Мавзуна ўжарлик билан туриб олди.

Рухшона ноилож ўрнидан турди. Ҳаммомга кириб юзини ювди. Сўнг артинди. Шунда ҳам қизи унинг ёнидан жилмади. Мавзуна онсининг ҳам қўлидан ушлаб ошхонага олиб борди.

Рухшона эридан узоқроқда ўтирмоқчийди. Яна қизи кўнмади. Уни мажбурлаб дадасининг ёнига ўтқазди. Сўнг:

— Дада, бир дуо қилинг, — деди кафтини очиб.

Миразиз бирдан довдираб қолди. Чайналди. Йўқ, у илгари кўп дуо қилган. Лекин ҳозир нима дейишга ҳайрон эди. Мавзуна эса кафтини очганча, унга қараб турибди. У кўз қирини хотинига ташлади. Унинг ҳам кафти очиқ. Демак, нимадир дейиши керак. Айтадиган гапи ҳаммага маъқул

келиши керак.

У сўзлашдан олдин томоғини қириб олди. Ҳамда:

— Ҳамиша тинчлик бўлсин, омин, — деб юзига фотиҳа тортди.

— Айтганингиз келсин, уйимизда ҳеч қачон жанжал бўлмасин, — дея тантанавор оҳангда отасининг гапига қўшимча қилди Мавзуна.

Рухшонанинг эса ичидан зил кетди. «Отаси билан келишиб олганга ўхшайди», деган ўй яшин тезлигида хаёлини ялаб ўтди. Шунга қарамасдан ошга қўлини узатди.

Миразизнинг қорни тўйганидан кейин кайфияти анча кўтарилди. У қизини ошни боплагани учун роса мақтади ва шундан сўнг бир пиёлагина кўк чой ичган эди ҳамки телефон жиринглаб қолди. Мавзуна гўшакни кўтариб қулогига тутди. Гаплашди. Кейин қайтиб келиб:

— Дада, тезда ишга етиб бораркансиз. Шошилиш йиғилиш бор экан, — деди.

Миразиз девордаги соатга қаради-да:

— Булар кўнгли тусаган пайти йиғилиш ўтказаверишди-да, — дея тўнғиллади.

Аммо буниси оддий йиғилиш эмас экан. Миразиз буни борганидан кейин билди. Аввалига бор-йўғи тўрт кишининг мажлисда қатнашаётгани уни ҳайрон қолдирди. Ўша тўрт кишининг биттаси махсус хизматдан эди.

— Жиноятчилик ҳаддан зиёд ривожланиб кетди, — деди генерал ҳамма жой-жойига ўтирганидан сўнг, — бунақада фуқаролар уруши бошланиб кетиши ҳеч гап эмас. Нормат Бердиевни билсанглар керак?

Махсус хизмат вакили Миразизга қаради. Унинг юзида қандайдир кулги ҳам бордай эди.

— Ҳамма ёқни бутунлай эгаллаб олибди, — дея гапини давом этказди генерал ҳеч кимдан садо чиқмагач. — Нима, дунё, давлат шуларнинг қўлига қолдими? Ўғлини машина уриб кетибди. Оддий бахтсиз ҳодиса. Бундай олиб қарасангиз, ҳаром луқманинг тешиб чиқишининг бошқача кўриниши. Ҳайдовчи қўрқиб кетган ва қочган. Ана энди ҳамма ёқни Норматнинг лайчалари босиб кетибди. Машиналарни тўхтатган. Текширган. Тўхтанглар, сизларнинг кўзларингиз қаерда?

Миразиз «Уйимдаги муаммолар билан овора бўлиб қол-

дим», деёлмайди. Шунинг учун унинг боши эгилди. Худди ш у н д а й бошқаларники ҳам.

— Ўғри бўл, фар бўл, инсоф билан бўл. Сизларга нима бўляпти охирги пайтларда?! Тўғри, СССР умрини яшаб бўлганга ўхшаб қолди. Лекин давлат эгасиз қолиб кетмайди-ку. Нега ҳаммангнинг бошинг эгик?! Мен сенларни чимилдиққа кирадиган келинчакдай ўтирасизлар, деб чақирганим йўқ!

Генерал бақириб юборди. Йиғилишга келганлар бирдан сергак тортишди.

— Кўшни республиканинг каттаси, — дея графиндан ўзига сув куйди генерал, — Москвадан пул олиб келибди. Шундай тарқатибди. Ҳозир одамлари оқиб келаётган экан-биз томонларга. Икки кун ичида магазинларда умуман ҳеч нарса қолмайди. Ўзи шундоғам гугурт топсанг, совун топмайсан, униям бир амалини қилсанг, ёғ йўқ. Мана шундай пайтда чеккадан биров келиб, бор-йўгингни ташиб кетса... Бу иккинчи масала. Учинчиси, референдум ўтказиш. Яна ўша Москвадан хабар келган. Референдум ўтказасизлар. Халқ иттифоқ таркибида қоламиз, деб овоз беради. Шуни ташкил қиласизлар, деган мазмунда. Бу масала ҳозирча кутиб туради. Чунки юқори алғов-далгов бўлиб ётибди. Жуда астойдил ўтказишмоқчи бўлишса, биз фақат тартибни сақлаб берамиз. Аммо юқоридаги иккита масалани зудлик билан ҳал қилишимиз шарт! Полковник Миразиз Раҳматович, — деди генерал гапининг сўнгида.

Миразиз шу заҳоти унга қаради:

— Сизнинг зиммангизда Нормат. Ишга ҳозирданоқ киришасиз. Тозалаш керак, полковник. Тозалаш!

— Хўп бўлади, ўртоқ генерал, — дея ўрнидан турди Миразиз.

Миразиз Нормат чўлоқни жуда яхши билади. Охирги пайтларда у ҳаддидан ошиб кетаётганди. Аллақачон ишга киришиш керак эди-ю, аммо Чўлоқнинг илдизи узоқроққа кетганли боис тийилиб турганди. Мана, энди вақти келганга ўхшайди. Хўжайиннинг унинг номини тилга олишига қараганда, нимадир содир бўлган. Бундан чиқди, эрта-роқ Чўлоқни темир панжара ортига тиқиш керак.

У ишхонасига борди. Навбатчи ва ишларини кечга олиб

қўйган бир-иккита офицердан бошқа ҳеч ким йўқ экан. Навбатчи уни кўриб ҳайрон бўлди. Биринчидан, якшанба, иккинчидан, вақт алламаҳал бўлиб қолди.

Миразиз йиғилиш ўтказмоқчи эди. Участка нозирларидан, бўлим бошлиқларидан қўшимча маълумотлар олиб, ана ундан кейин бугуннинг ўзидаёқ Норматга ҳужум бошламоқчи эди. Лекин биров билан гаплашгиси келмади. «Ўзи куни бўйи бошим жанжалдан чиқмади. Яна асабим бузиладиган бўлса, аниқ бирор нимани орттириб оламан. Яхшиси, эртага қолдирай», деди-да, хонасида кўп ўтирмай ўрнидан турди.

Хизмат машинасига ўтирди. Уйга боражагини айтиб, бошини орқага ташлаб кўзини юмди. «Бир кунда ҳаётимда нималар содир бўлмади. Бир лаҳзанинг ўзи одамнинг тақдирини ўзгартириб юбориши мумкинлигини илгари сира ўйлаб кўрмаган эканман. Жудаям осон экан. Сал ақлни четга суриб турсанг, бўлди. Бу ёғи остин-устун. Худо бутун Ер юзидаги махлуқотни, дов дарахтлару денгиз-океанларни, ҳаттоки атмосферани бир лаҳзага ҳам ўз ҳолига қўймайди. Агар озгина муддатга ҳамманинг ихтиёрини ўзига қолдирса борми, бутун дунё остин-устун бўлиб кетаркан. Эй, Худо, ишқилиб, Ўзинг назарингдан четда қолдирма», дея пичирлади унинг лаблари.

Машина эшигининг ёнига борганидан кейин тўхтади. У тушгач кетди. Миразиз дарвоза эшиги қулфига калитини солди. Икки марта буради. Худди шу маҳал бир йигит келди унинг ёнига. Озгин, сочлари ўсиб кетган. Бўйи узун. Устидаги кийимига қараб бўлмайди. Юзиниям бир ҳафта мобайнида умуман юлмаган бўлса керакки, кўзинг тушиши билан ғазабинг қўзийди.

— Амаки, амаки, — деди у.

— Ҳа, сенга нима керак? Кимсан? — деди ҳайрон бўлиб Миразиз.

— Менга ҳеч нима керак эмас. Манавини сизга бериб юборишди, — дея у Миразизнинг қўлига икки буклоғлик қоғоз узатди.

— Нима бу?

— Мен билмайман. Мен бечора одамман. Мен мол-дунё тўпламайдиган, ҳар кунги ризқимни кўчадан излайдиган одамман. Хе... Хе... Хе.

У кулганда оғзидан бадбўй ҳид келди. Миразиз ижирғанди ва қоғозчани очди. Унда шундай деб ёзилганди: «Ўзингни бос! Кераксиз жойга қадам босма!»

Миразизнинг асаби кўзиди ва ёқимсиз одамга қарамоқчи бўлди. Аммо у шу қисқа муддатда кўздан ғойиб бўлганди. Миразиз узоқларга қаради. Кўрди, ҳов нарида қорайган бир кимса кетяпти.

«Нима демоқчи булар? Бугунги йиғилишни қаердан эшитишди? Ким хабар етказди? Кераксиз жойга қадам босма-миш... Хўш, боссам нима бўлади? Бу масалани эртага кўриб чиқаман», дея хаёлидан ўтказди Миразиз ва ҳовлисига кирди.

Рухшона ҳам, қизи ҳам аллақачон ухлаб қолишганди. Рухшона Мавзунанинг хонасига кириб олибди. Миразиз аввал ўзининг ётоғини кўрди. Кўнглига бир нима-бир нима шубҳа оралади ва қизининг хонасига ҳам мўралашга мажбур бўлди. Шунда Рухшонанинг қизининг қаравотига ётволганини кўрди. Кўнгли хотиржам тортиб ухлашга кетди. Мияда минг хил ўй бўлганидан кейин уйқу ҳам дарровда келавермас экан. У роса қийналди. Аммо, барибир, ухлаб қолди.

Эртасига ишга борганидан сўнг хатча ёдига тушди. «Ўзларича мени кўрқитмоқчи бўлишган. «Лекин чучварани хом санабсанлар», дея энди гўшакни қўлига олган эди ҳамки навбатчи кирди. «Ҳозиргина айтишди, зудлик билан горкомга боришингиз керак экан. Йиғилиш бўларкан», деди.

«Уфф, роса жонга тегиб кетди шу йиғилишлариям. Умуман ишлагани қўйишмайди. Ҳаво булут бўлса ҳам йиғилиш, қаттиқроқ шамол турса ҳам йиғилиш. Бирортаси сал ёмонроқ туш кўриб юборса-ку, тоза Худо беради», дея хаёлидан ўтказди у ва ўзини мажбурлаб ўрнидан турди.

Юқоридан одам келибди. Янги горкомни тайинлаш учун. Ўзиям роса гапга ўқиган экан. Аввалги бошлиқни икки соат ёмонлади. Гдлян, Ивановларниям тилга олди. Шуларнинг ҳамтовоғи эди. «Каромати»нинг орқасидан оз-мунча одам қамалиб кетдими? «Ватанпарварлик деган нарса у одамда умуман йўқ. Бўлмаган ҳам», деди. Нима аввал билмасмидинлар? Билмай туриб бутун шаҳарга катта қилиб қўйдинларми?» дея кўнглидан ўтказди Миразиз. Ва раҳбарнинг ҳар битта сўзини жон қулоғи билан тинглаётган-

дай унинг юзига термилганча ўтираверди. Юқорининг вакили эскини обдан «авра-астари»ни ағдариб ташлаганидан сўнг янгини мақташга тушди. Қулоқларининг орқаларидагина сочи қолган, кўзойнак таққан, Гитлерникидан каттароқ мўйлови бор одамни мақтади. Бу одам, бутун структурани оёққа тургаза олади. Бу одам бировдан бир сўм олмайди. Шу пайтгача қилган ишларида тирноқнинг учича бўлса камчилик топилмаган. Ўша Гдлян, Ивановлар обдан текшир-текшир қилишган. Лекин топишолмаган айбини. Ахир йўқ нарсани қандай топиш мумкин? «Тўғрими?!» деди у гапининг сўнгида ва биринчи бўлиб қарсакни бошлаб берди. Ўзининг гапига ўзи қарсак чалди. «Кўрдингларми, мен қандай зўр гапиришни биламан, кўрдингларми мен қандай қойиллатаман. Қани энди мен учун чалинлар», дегандай кафтларини бир-бирига урди. Унинг кетидан бошқалар ҳам қарсак чалди. Ура деганлар бўлди орада. «Қойил, кўнглидан ўтказди, Миразиз, — бу ёғи чириб, нураб турибди-ю, бутун структурани кўз очиб юмгунча ўзгартириб юборармиш. Ҳамма ёқ гуллаб-яшнаб кетармиш. Бутун дунё ҳайратдан ёқа ушлармиш. Миш... Миш...». У беихтиёр жилмайди. Тасодифни қарангни, худди шу маҳал олдинги қаторда ўтирган Миразизга нотиқнинг кўзи тушган эди. Бунга қарангки, у ҳам иржайди. Миразиз унга жавобан худди саломлашгандай бошини қимирлатиб кўйди.

У ишхонасига қайтиб борганида вақт пешиндан ошганди. Маълумот бор экан. Норматнинг уйидаги таъзия ўтиб бўлибди. Жуда ғалати бўлибди. Энди ҳамма тарқаган, Нормат мотам тутиб ўтирган эмиш. Шотирлари эса бошқа ҳамма жиноятларини бугунча тўхтаибди. Ҳаммаси бутун шаҳар бўйлаб айбдорни қидираётганмиш.

Миразиз дарров ўзига тегишлиларни йиғди. Қисқа муддатга. «Барча бўлимларнинг ходимлари ҳар қандай ишларини четга сурсин-да, Норматнинг одамларини кузатсин. Кечга бориб операция ўтказамиз», деди.

Унинг шу гапидан бир соат ҳам ўтмади. Қўнғироқ бўлди.

«Ўртоқ полковник, «ип»ни ўзимиз тортамыз, ҳозирча бошқа ишларингиз билан шуғулланиб туринг», деди қўнғироқ қилган ко-о-о-оттакон.

Миразиз дами чиққан шардай бўшашиб қолди-да, бе-

ихтиёр стол тортмасидан тутатқини олди.

— Шарманда қилдинглар! Нега бошида айтасанлар?! Кейин тегинмамиш! Ҳе-е-е, сенларнинг кўрсатган кароматларингга, фалон-пистон, пистон! Мен энди ходимларнинг олдида нима деган одам бўлдим! — дея бақирди ва тутунни ичига ютди-да, уни қайтариб чиқарар-чиқармас тугмачани босиб, навбатчини чақирди ҳамда унга буюрди:

— Ҳаммага хабар бер, операция тўхтатилди.

— Ўртоқ полковник, — дея навбатчи эндигина гап бошлаган эди, унинг оғзига урди.

— Буйруқ муҳокама қилинмайди, ўртоқ капитан. Бажаринг! — деди ғазаб билан.

Капитан чаккасига бармоқларини қадади-да, «Хўп бўлади», деди ва шу заҳоти ортига бурилиб, чиқиб кетди.

Бармоқлари орасида тутаб турганнинг биттаси тугади. Иккинчиси тутатилди. «Мен шуни ютгим келмайди. Лекин булар мажбур қилишади. Ҳаммасига қўл силтаб кетворгинг келади», дея ўйлади у ва ўрнидан турди-да, орқасида турган шкафни очди. Ичига қизил суюқлик солинган шиша идишни ва стаканни олди-да, столнинг устига қўйди. «Янаям айтаман, — деди такрор ўзига ўзи, — мен бу сабил қолгурни ютгим келмайди. Мени мажбур қилишади...»

У эртасига эрталаб гарчи боришга хоҳиши бўлмаса-да, кийиниб энди ишга кетмоқчи бўлиб турганида телефон жиринглаб қолди. Гўшакни кўтарди. Қўнғироқ қилган Достон экан.

— Фирдавс билан боғлиқ жуда зарур иш чиқиб қолди, — деди у.

* * *

— Ойи, — деди Сабина акасининг қайси хонага кириб кетганини кўрганидан сўнг, — ўғлингиз анавини кўриб қолмасин тагин.

— Хонасига кетмадими? — деди хавотир олган Роза ва дарров ўрнидан турди.

Она билан қиз кириб борганида Комил жомадонни кўрган ва унга ҳайрон бўлганча тикилиб турган эди.

— Бу ерда сенга нима бор?! — дея бирдан пўписага ўтди Роза.

Комил эшик томонга ўгирилди. Ўшшайди:

— Менга мумкинмасми?

— Йўқ, чиқ уйдан!

Шундай дея Роза ўзидан-ўзи қалтираб кетди. Ранги ҳам оқарди.

— Ойи, мен ҳеч нимани тушунмаяпман. Ўзимнинг уй-имдан қувяпсизми? Ўғлингизни-я?! — дея кўзини олай-тирди Комил.

Роза кўзини юмди. Унинг нафас олиши тезлашган эди. Ўрнига қизи гапирди.

— Ака, қанақанги гапга тушунмаган галчасиз?! Сизга чиқ, деяптиларми, чиқингда энди! Сиз сабаб оз мунча қийналдими? — деди Сабина ва онасининг олдига ўтди.

— Сен оғзингни юм! Қачондан бери оппоқ бўлиб қолдинг? Ўзинг қийнамадингми?! Бу ёғи эрингдан ажрашиб кетганинг етмагандай, дуч келганга маъшуқалик қилиб юрибсан! — дея бақирди Комил.

— Нима?! Нима дединг, сен ифлос?! Ҳали ўз синглингни шунақа ҳақорат қиладиган бўлдингми?! Кўрганмидинг, ушлаб олганмидинг?! — деб чинқирган Роза қизини четга суриб, ўғлига яқинлашди.

— Ойи, сиз билмайсиз, мен кўчада бош кўтаролмай қолдим бунингизнинг дастидан! Ҳар иккитадан биттаси гапиряпти!

— Гапирса индамай кўявердингми?! Акалик гуруринг қаерда қолди?!

— Чунки бунингизни жуда яхши биламан! — деди чи-долмаган Комил. — Жуда яхши биламан! Ҳозир! Ҳозир мен бу уйдан кетаман, лекин қайтиб қорамни кўрмайсизлар! Мен бу уйга бегонаман!

Шундай дея бор овозда бақирганча онасини ҳам, синг-лисини ҳам суриб ўтган Комил эшикдан йўлакка чиқди-да, тўғри хонасига кирди. Шоша-пиша, кийимларини жомадонга жойлай бошлади. Шунда кийимлари орасидан бир вақтлар ўзи яшириб қўйган, кейинчалик ёдидан кўтарилган «ўрама» чиқиб қолди. Бирдан унинг кўзи «ёнди». «Айни пайтда олдимдан чиқдинг, айни керак бўлиб тургандинг», деб чўнтагидан чақмоқтош олиб уни ёқди. Сўнг «ўрама»ни тутатиб, гиламга ўтирганча жони борича тутунини ичига ютди. Бир муддатдан сўнг худди сувнинг остида бўлиб қайтган одамдай «уф-ф-ф», дея ўпкасида туриб қолган тутунни чиқазди. Кейин яна такрорлади. Кўзи юмилди ва бир

муддат шу тахлит тургач, орқасига қулади. «Ўрама»нинг учи чўғ эди. Гилам устига тушди. Бир оздан сўнг хонага Роза кириб келди. У қизи билан бирга жомадонни ошхонага яширгач, пича шаштидан тушган ва ўғлини ниятидан қайтариш учун кирган эди. У гиламнинг тутай бошлаганини кўриб, жон-пони чиқиб кетаёзди.

— Сабина! Сабина! Сув олиб кел! — дея бақирди ва ўғлининг ёнига югуриб келди-да, гиламнинг тутаётган жойини кафти билан уриб ўчиришга тушди.

Сабина аввал ўзи ҳовлиққанча келди. Кейин онасидан дакки эшитгач, яна изига қайтди. Бир коса сув олиб келди.

— Вой, — деди чўғни ўчириб бўлган Роза, — бу дардисар қачонгача бизни куйдиради?!

Аёл бақириб юборди ва ҳеч нарсани билмай ётган ўғлининг ёнига ўзини ташлаб ўкирганча йиғлашга тушди.

— Вақтида роса эркалагандингиз-да, ойи! Мана, аҳвол! Энди дод-вой қилиб ётибсиз! Бунингизни дарров касалхонага жўнатиш керак! Қўлидаги нима эканини кўрдингизми?! Юз марта айтдим, лекин гапимга ишонмадинглар! — дея онасини койиди Сабина. — Туринг, ҳали қиладиган ишларимиз кўп. Бунингиз эртага шу пайтгача ухлайди. Додвой қилганингизнинг фойдаси йўқ. Туринг энди!

Роза ўрнидан туриб ўтирди. Тиззаларини букди ва унга кўлини қўйди-да, қизига буюрди:

— Газак-пазак тайёрла. Ҳамма нарса ошиб кетди. Бу аҳволда рўшнолик кўрмай ўлиб кетадиганга ўхшайман.

— Ойи...

— Минғирламасдан айтганимни қил! Қачон битта бола туғсанг, кейин биласан. Унгача айтганимни қил.

Сабина елкасини қисиб қўйди-да, ошхонага кетди. Музлаткичдан помидор, бодринг, кўк пиёз олди. Тўғради. Уларни ликопчага терди. Кейин дудланган колбасани ҳам паррак-паррак қилиб кесди-да, бошқа ликопчага уларни ҳам териб қўйди. Бундай колбасалар фақат амалдорларникида бўлади. Оддий халқ тушида ҳам кўрмайди.

Роза кирди. У ҳам музлаткични очди. Шиша олди. Столнинг устига қўйди. Буни кўрган Сабина шоша-пиша шкафдан иккита қадаҳни олди.

— Сенга мумкин эмас! Сен йўлга чиқасан. Олиб кетади-

ган нарсанг нозик. Яна оғзингдан ичимлик ҳиди келиб турса бўлмайди, — деди Роза.

— Ойи, у ёғи билан ишингиз бўлмасин. Биринчи марта самолётга чиқаётганим йўқ-ку. Аэропортдагиларга битта кўзимни қисиб қўйсам, ўзларидан кетиб, оёқларим остига таппа ташлашади, — дея ҳиринглаб кулди Сабина.

— Аканг бир нарсани билмаса гапирмайди. Яхшиямки, мен бор эдим. Бўлмаса, шу ҳолида у аниқ сени бир нарса қилиб қўярди. Бунақанги маҳаллари оғирроқ бўл.

— Ойи, унингизнинг қўлидан ҳеч нима келмайди. Мен дунёни остин-устун қилиб юборадиган бойваччаларни биламан. Ҳаммасининг оталари амалдор. Ғўдайиб юришади. Гапларини бировларга бериб қўймайди. Бунингизнинг бўлса одам бўлиши қийин. Латта чайнар. Агар бунинг ўрнига мен ўғил бола бўлганимда борми, ҳамма ёқни ёндириб юборардим.

— Куйган юрагимни сен ҳам куйдирма, — дея қадаҳдагини охиригача ичиб юборди Роза.

Аёл кўзларини чирт юмиб, юзини буриштирди ва алам билан лабини артди. Сўнг унинг кўзидан ёш сизиб чиқди.

— Мен, — деди Роза бироз қалтираган овозда, — бой бўлсак, эрим амалдор бўлса, бахтли яшайман. Маза қилман, деб ўйлагандим. Лекин чучварани хом санаган эканман. Ҳозир бойлигимнинг учи қуйруғи йўқ. Аданг шу кунгача амалдор бўлиб келди. Аммо ўша маишат қани? Қани?! Кундан-кунга ҳамма ёқ расво бўлиб кетяпти. Муаммоларнинг охири кўринмайди. Бу ёғи акангнинг аҳволиниям кўриб турибсан. Эй-й, воҳ!!!

Роза ўзини ерга ташлаб юборди ва иккала қўли билан сочларига чанг солди.

— Ойи! Ойижон! — дея шу заҳоти Сабина онасини тиз чўкиб кучоқлади. — Ҳаммаси зўр, ҳаммаси... Сиз, сиз, биласизми... Ҳалиги, буларнинг бари вақтинчалик, ўтиб кетади. Мана кўрасиз, кўз очиб югунча ўтиб кетади.

Кутилмаганда Роза бошини кўтарди ва сал бўлмаса калласини қизининг иягига уриб юбораёзди.

— Комилнинг гиёҳвандлиги ҳам ўтиб кетадими? Комил ҳозир уйқудан уйғонади-ю, бирдан одам бўлиб кетадими? Бўлмайди. Баттар бўлади. Керак бўлса қутиради! Шуми менинг бахтим?! Шунча пул бўла туриб, хотиржамлик деган

нарсанинг тирноқдеги ҳам сенга бегоналик қилиб турса... Мана, яна битта нарса, сен ҳали замон жомадонни кўтариб, Москвага жўнайсан. Худо хоҳласа, омон-эсон етиб оласан. Лекин мен-чи? Мен бу ерда нима аҳволга тушаман? Самолётга чиқолдими? Қўлга тушиб қолмадими? Москвадагилар қандай кутиб олишди?.. Хуллас, юрагимни ҳовучлаб ўтираман. Энди айт, шуям бахтми? Юрагимни ҳовучлаб ўтиришим лаззатми?!

Сабина ойисига термилганча ҳайкалдай қотиб қолган эди. Роза алам билан яна қадаҳ тўлдирди. Яна бир кўтаришда охиригача ичди. Аммо бу сафар юзини буриштирмади. Гўёки оддий сув ичгандай.

— Ойи, ростини айтсам, мени ҳам қўрқитиб қўйдингиз. Ўзингизни ҳам баттар эздингиз. Келинг, барини эсимиздан чиқарайлик. Худо хоҳласа, бари яхши бўлади... Эй-й, шошмай туринг, миямга битта фикр келди, — деди Сабина бирдан кўзлари чақнаб.

Роза улкан янгилик кутаётгандай қизига умид билан тикилди.

— Вақтинча бойликларимизни ҳовлининг бирор жойига кўмиб ташласак-чи?! Адажоним чиқади, ана ундан кейин таниш-билишлари орқали кам-камдан олиб кетармиз, — дея гапига якун ясади Сабина.

— Жиннимисан?! Мен сендан тузукроқ таклиф кутгандим, — дея Роза помидор бўлагидан биттасини олиб, оғзига солди-да, чайнаш асносида гапида давом этди. — Биринчидан, текширувчиларнинг қўлларида қурилмалари бор. У айнан олтин, қумушни топиш учун яратилган. Кўз очиб юмгунча топиб олишади. Иккинчи томондан, ҳозир айни алғов-далғов пайти. Аэропортдагиларниям бирор нима билан иши йўқ...

Шундай дея Роза бирдан гапиришдан тўхтади ва бир нуқтага термилганча гапирди:

— Битта жуҳуд танишим бор. Кўча-қўйда бечора одамдай юради. Лекин бойлиги иқи-биқи. Тиллалари беҳисоб. Мен билан ёшлигидан қадрдон. Ўша билибми, билмайми, айтди. «Уйимиздаги «эрка» нарсаларни теннис коптокчалари қиляпмиз. Исроилга олиб кетамиз», деб.

— Нима у «эрка» нарсалар? — дея Сабина пешонасини тирриштирди.

— Нима бўларди? Олтинларда. Олтин қошиқлар, идишлар яна бир бало-бир балолар. Ҳаммасини эритиб бошқа бир нарсага айлантириб, ундан кейин олиб чиқиб кетишади. У ёққа боришганидан кейин яна хоҳлаган нарсаларига айлантириб олишади. Ёки шундайлигича сотиб юборишади. Қарабсанки, ҳеч нима йўқотишмайди. Биз ҳам, балки, шундай қилганимиз дурустмиди?

— Лекин, қаранг, одамнинг калласига келмайдиган нарса. Теннис коптогини шартта қорага бўяб олишса, тайёр ўйинчоқ. Унинг олтинлигини биров билмайди. Лекин, ойи, биз кеч қолдикми дейман-да!

— Ҳмм, майли, бунисини ҳозирча шундайлигича олиб чиқайлик. Қолганларини, балки, аданг билан келишиб бирор нимага айлантирармиз? — дея Роза деворда осилиб турган соатга қаради. — Кетар пайтинг яқинлашиб қолибди-ку, анави қоровул дардисар қайси гўрда юрган экан?

— Келиб қолар, ойи. Бир ҳисобдан келмай тургани ҳам маъқул.

— Сен тур, тайёргарлигингни кўравер, ўтирма энди, — деб Роза қизини «ҳайдади».

Сабина хонасига кириб, тош ойна қаршисидаги стулчага ўтирди. Ўзига қаради. Негадир юзи сўлигандай эди. Куни кеча ялтираб турганди. Ҳозир сўлиш олиб қолибди. У кўрқиб кетди ва юзини кўзгуга яқинроқ олиб борди. Ҳа, ажинлар тушганга ўхшайди. «Зудлик билан бунинг олдини олишим керак. Ўзи уйдаги муаммолар ҳам еб ташлади-да. Бош қотирмаслигим керак эди. Комил? Э-э, йўқ бўлиб кетмайдими, у билан нима ишим бор?! Шу пайтгача бирортаям яхшилик қилмаган менга», дея хаёлидан ўтказди ва жавоннинг пастки тортмасини очди. У ерда қип-қизил суюқлик солинган шиша турибди. Ўзи учун аталган. Ўтган сафар Москвадан қайтаётганида олганди. Сотувчи французларники, «выдержка»си ўттиз йил деганди.

Сабина уйига келганидан кейин дарров очиб ичиб кўрди. Ҳақиқатан ҳам бошқача экан. Кейин тегинмади. Шунга ҳам, мана, олти ойдан ошибди.

— Бу ерга яна қайтиб келишим аниқ эмас. Шу кетишим бўйича, балки, умуман келмасам керак. Келганимда нима қилардим? Шундай экан, тугатиб қўяман, — деди у ҳамда ўрнидан туриб шкафдан каттароқ идиш олди. Уни қизил

суюқликка тўлдирди ва бир кўтарди-ю, ича бошлади, шу ичиш асносида «Ҳаммасини тугатиб қўймай. Каллани иш-латай. Аэропортга борганимда у ердагилардан бирортаси тихирлик қилиб қолса бераман. Бечора умрида кўрмаган бўлса керак. Битта маза қилади-да. Менинг бўлса ишим битади», дея хаёлидан ўтказди.

Бир фужер суюқлик қизнинг бошини яхшигина айлан-тирди. Лекин бошқача. Кайфиятини кўтариб айлантирди...

Сабина роса бўянди. Сочларини алламбало қилиб турмаклади. Сўнг кийим танлади. Ана шунда жудаям қийналди. Унисиям ёқмайди, бунисиям. Ранги маъқул келса, тикилиши кўнглига ўтирмайди.

Унинг қўйлаклари бутун хона бўйлаб ёйилиб кетди. Ниҳоят, қиз топди. Жинси шим ва кўкраги керагидан очиқроқ футболка. Ойнага қаради. Даҳшат. Кўрган эркак зоти борки, ўзини ташлаб юборади. Ҳозир унга айни шунақаси керак. Айнан шу йўл билан аэропортдагиларни енгиб ўтиб кетади.

Аммо қизининг бу кийими Розага маъқул тушмади.

— Сенга ҳаддан зиёд эркинлик бериб юборганмиз. Аммо бу кийимларинг билан янаям ҳаддингдан ошибсан, ўзгартир, — деди онаси.

— Ойи, мен ўзгартиравераман. Лекин ундан кейин анави «молингиз»га кафолат йўқ. Олиб қўйишса, менга, барибир. Узоғи билан қамаб юборишар, — дея нозланди Сабина.

Қизининг гапи Розани шаштидан қайтарди. У қўл силташга мажбур бўлди. Қолаверса, Неъмат қоровул олдида қизи билан тортишгиси келмади.

Ҳозир Неъмат аввалгидан бутунлай бошқача кўринишда эди. Костюм-шими яп-янги, оппоқ қўйлак, қора бўйинбоғ тақиб олган ва соқол-мўйловини қиртишлаб олганди. Бунинг устига, сартарош унинг сочини худди амалдорларникидай олиб қўйганди. Уни кўрган Роза роса мақтади. «Ўн беш ёшга ёшарибсиз. Бўларкан-ку! Ўҳ-ҳў, сизни кўрган жувон у ёқда турсин, бўйи етган қиз ўзини ташлаб юборади», деганди. Ана шу гаплар Неъматни анча «кўтарди». Ана шу гаплар ҳозир Сабинага суқланиб қарашга мажбур этди.

— Вақт бўлди. Энди йўлга тушинглар. Мен аэропортга бормайман. Сизлар эса Москвага етишларинг билан менга

қўнғироқ қилинлар. Уйдан ҳеч қаерга қимирламай қўнғироқларингни кутаман. Неъмат ака, сиз узоқ қолиб кетманг. Сабинани уйга олиб бориб қўйинг-у, шу заҳоти изингизга қайтинг. Чунки бу ерда қиладиган ишларингиз жудаям кўп. Ҳали замон акангиз ҳам касалхонадан чиқиб қолади. Бир кун ҳам ортга сурмасдан ҳал қиладиган юмушлари бор экан. Хўпми? — деди Роза уларни кузатиш олдидан.

— Бу ёғидан хавотир олманг, онам. Ҳаммаси зўр бўлади. Келишиб қўйганман. Москвада ҳам бизни кутиб олувчилар бор. Бу ёғига Худо хоҳласа, ишларимиз юришиб кетади. Қайтаман-у, акани ўзим касалхонадан олиб чиқаман, — дея иржайди Неъмат қоровул.

Худди шу пайт ҳовлида Комил пайдо бўлди. Унинг кўзлари ярим очиқ эди.

— Мен одамманми ё итманми? — деди у зинада турганча тебраниб.

— Қайт орқангга, уйга кир! — дея бақирди ўғлига Роза.

— Йўқ, сизлар менинг гапимга жавоб беринглар, итманми, одамманми? — деганча ўжарлик билан жойидан қимирламади Комил.

Неъмат Розага қаради. Сўнгра Сабинага. Кейин:

— Ҳозир ўзим киргазиб, ётқизиб келаман, — дея бориб Комилнинг билагидан гижимлаб ушлади-да, уй томонга тортганди у бўкириб берди.

— Ифлос, қўлингни менга теккизма, ҳаромхўр!

Неъматнинг жон-пони чиқиб кетди. Бироқ айни чоғда у ҳеч нарса қилолмасди.

— Ювиб қўяман, ҳазратим, ювиб қўяман, қани, ичкарига кирсинлар-чи!

Неъмат Комилни судраб аввал йўлакка, кейин биринчи дуч келган хонага олиб кирди. Бу хона Сабинаники эди. Сочилиб ётган кийимлар орасида энг аввал унинг кўзи ички кийимларга тушди. Хаёли бузилди. «Москвага етиб олай, кейин...» дея қўнғилдан ўтказди ва Комилни гиламининг устига ётқизмоқчи эди, у унамади. Шундан сўнг қорнига мушт туширишга мажбур бўлди. Комил «ҳиқ» этдию, икки букилди.

— Мен сенга ифлослик қанақа бўлишини ҳали яхшилаб тушунтириб қўяман, тирранча! — дея ғазаб билан шивирлади Неъмат ва умуртқасига тирсаги билан ҳам урди. Қараб-

сизки, Комил гиламга ёпишди, қолди.

Роза кўз ёш тўкаётганди.

— Хафа бўлманг, — деди ҳовлига қайтиб чиққан Неъмат, — ҳали ёшда. Шунақанги ақлли йигит бўлиб кетадики, кўрганлар ҳавас қилади.

— Ишқилиб, ҳавас қилмаса ҳам бундайроқ бўлсин-да. Майли, энди сизлар кетинглар! Омадларингни берсин!

Улар йигирма дақиқага қолмасдан аэропортга етиб келишди. Сабина машинадан тушганидан сўнг бир қур атрофга кўз ташлади. Адашмаган экан, сал нарироқда турган иккита йигит унга тешиб юборгудек бўлиб тикилиб туришибди. У кўксини бироз кўтарди.

— Неъмат ака, юкларни олинг, — деди нозик овозини баттар нозиклаштириб.

«Уйида амаки деганди. Бу ерда акага айландим. Москвага борсак, умуман бошқача бўлса керак», дея хаёлидан ўтказган Неъмат чаққонлик билан юкхонадаги иккита жомадонни олди.

Аэропортга киришди. Сабинанинг кўзи иккита милиционерга тушди. Улар айнан эшик томонга қараб туришар эди. Қизнинг юраги бирдан шув этди. Хаёлига жомадондаги бойликлар келди. «Тортиб олишса нима қиламан?!» дея кўнглидан ўтказди ҳамда беихтиёр милиционерларга жилмайиб қаради ва шу заҳоти мана шуни бекор қилдим. Эътиборларини тортиб қўйдим деб ўйлади.

Бир-бирига қараб олган милиционерлар эса улар томон кела бошлашди.

* * *

Расм Арслонни калтакдан сақлаб қолди. Бошқаларни ҳам. Баха югургилаб кетди. Кетиш аввалида «Бўлди, тўхтатинглар, агар зарур бўлса, қолганини кейин давом этказамиз. Ҳеч ким ҳеч қаёққа кетмасин», деди. Аммо у кутганига эришолмади. Чунки Нормат ўзида эмасди. Юмшоқ каравотда ётарди хуррак отиб. Шу ҳолида ҳам унинг ёнида битта оппоқ тан бор эди. У Чўлоқнинг кўксини силаш билан овора эди. Силашмас, иложи бўлса, бу одамнинг кўксини бўлакларга бўлиб ташлайди. Аммо иложи йўқ-да. Ожиз-да. Ожизки, кўчада у ёқдан-бу ёққа тимирскиланиб юрган итнинг обрўси уникидан юқорироқ.

Нормат ҳеч қачон қилмаган ишини қилди. Томирига игна

санчди. Шундан сўнг унинг кўз олдида бутун дунё ағдар-
тўнтар бўлиб кетгандай бўлди. Биринчи бор «ўрама»дан таъ-
тиб кўрганида ҳам шундоқ аҳволга тушганди. Кейин жуда
енгил бўлиб қолганди. Ўтирган столини маҳкам ушлаб ол-
ганди. Гўёки қўйиб юборса, учиб кетиши аниқдай. Бугун
энди «ўрама» унга таъсир қилмади. «Мен ўғлимдан айрил-
дим. Меросхўримдан айрилдим. Агар игна санчмасам, кўта-
ролмаيمان!» деди. Ваҳоланки, у ёлгон гапирётганди. У кат-
танинг олдида обрўси пастлашганини сезиб қолди. Ана шу
нарса уни эза бошлади. Агар катта унинг кўкрагидан яна
озроқ итарса, кейин аҳвол чатоқ. Уни топтаб ташлашади.
Биринчи навбатда, атрофида лайчадай тилларини осил-
тириб юрганлар бошлаб беришади бу ишни. Бунисига у
чидолмайди. Чунки қамокдалигида хўрланиш нима экани-
ни танасида яхшилаб ҳис этиб кўрган. Яна шу аҳволга ту-
шишни истамайди. Аммо ҳамма нарса унинг хоҳиши би-
лан бўлавермайди-да. Тепада турибди «хоҳиш». Унинг
кўрсатмасига биноан бўлади ҳаммма иш. Агар чизиб қўйил-
ган чизикдан Нормат бир қадам четга чиқса борми, шу
заҳоти Чўлоқнинг бошига қора булут келади. Бўрон туриб,
уни осмону фалакка олиб кетади-да, қайтариб ерга шуна-
қанги урадики, Норматдан Нормат деган ном ҳам қол-
майди. Биринчи учкун кўринди. Таъзияга келган одамлар
дарров тарқатиб юборилди. Бу ердагиларнинг бу нарса би-
лан ишлари йўқ. Аммо четдан келганлар жиддий қабул
қилишди. Ҳатто биттаси секингина унинг қулоғига «Нор-
мат, иккинчи оёғингдан ҳам мадор кетибди-ку», деди.
Шунгача Чўлоқ таъзия билан овора бўлиб, бу ҳақда ўйла-
маганди... Боласининг ўлими эмас, айнан ўзининг орқага
кетгани уни тушкунликка тушириб қўйди. Мана, у ҳеч қачон
қилмаган, охири бадҳақ жарлик бўлган ишга қўл уриб ўти-
рибди.

— Хўжайиннинг кайфияти жудаям ёмон. Ҳозир ҳар қан-
дай хабар билан унинг ёнига кириб бўлмайди, — деди
кўриқчи йигит Бахага.

Баха шу заҳоти дами чиққан пуфакдай бўшашиди ва ор-
тига қайтиб, «Бўпти, ҳамманг жой-жойингни эгалла. Агар
биттада тополмасам, барингнинг онангни уч кўргонида
кўрсатаман», деди йигитларига.

Шу билан Арслон уйига қайтди. Унинг ичи қайнар бу-

лоқдай қайнарди. Ғазаби чегара билмай қолди. Таксига ўтирганидан уйига етгунича сўқинди. Машинадан тушди-ю, уйига кирмади. Лекин ўзи келган таксини ҳам қўйиб юбормади.

— Бу аҳволда мен уйда ўтиролмаيمان, — деди Ўлмасга, — сигмаيمان. Портлаб кетаман. Битта жой бор ўша ерга борамиз. Озроқ маишат қиламиз-да, кейин яхшилаб режа тузамиз.

— Бугун жудаям чарчадинг. Дамингни олганинг маъқул, — эътироз билдирди Ўлмас.

— Эсинг жойидами? Бу аҳволда қанақа қилиб дам оламан? Мен сенга айтдим-ку, портлаб кетаман деб. Ўтир машинага, бошқа жойга борамиз.

Ҳайдовчи кеч бўлиб кетганини, энди тўғри уйига кета-жагини айтганидан сўнг Арслон баттар тутақиб кетди.

— Менга қара, агар жонингдан умидинг бўлса, айтган жойимга олиб бориб қўясан. Бўлмаса, сўйиб ташлайман! — дея пўписа қилди у такси ҳайдовчисига.

Ҳайдовчига ҳам жон ширин. Унинг ҳам хотин, болачақаси бор. У дардисар билан сен-менга боргандан кўра айтганини қилиб, тинчгина уйига боргани маъқул-да.

Машина «Олмос» ресторани ёнидан ўтаётганида Арслон ҳайдовчига «Тўхтатинг!» деди. Машина тўхтагач, Ўлмасга «Сен ўтириб тур», деб ўзи шоша-пиша ресторанга кириб кетди. Кўп қолмади, тез қайтди. Тўлиб-тошиб қайтди. Сотиб олганларидан иккита шишали идишни чиқарди-да, биттасини Ўлмасга бергач:

— Юмшоқроғи, уйга етгунимизча асабни озроқ тинчлатиради, — деди.

Ўлмас роса чанқаган эди. Шунинг учун идишни қўлига олиши билан тишида қопқоғини очди-да, қулт-қулт қилиб ича бошлади. Арслон эса унинг қилиғини томоша қилди.

— Зўрсан, оғайни, сени мана шунақанги дангаллигинг учун яхши кўраман-да. Агар сенга ўхшаганидан яна иккита бўлганида аллақачон шаҳарнинг ағдар-тўнтарини чиқариб ташлардим, — деб уни мақтади.

Кейин у ҳам Ўлмасдек бир кўтаришда охиригача ичмоқчийди, бўлмади. Ярмига келганида бўғилиб қолди.

Чилонзордаги кўп қаватли уйларнинг бири ёнида машина тўхтади. Арслон мардлик қилди, бирдан таксичининг

қўлига битта яп-янги ўн сўмлик тутқазди-да:

— Ака, биз унақа ўтириб қўядиганлар хилиданмасмиз. Гапига жавоб берадиганларданмиз. Лекин нормальный болларга дуч келганингизда тихирлик қилманг бошқа, хўпми? — деди.

— Хўп, ука. Айб биздан ўтибди. Энди бошқа бундай қилмаймиз, — дея пулни олди-ю, қўлини кўксига қўйиб, бошини бир неча марта эгганча кечирим сўради ҳайдовчи.

У, албатта, қутулганига шуқр қилаётганди. Айни пайтда Арслон бир тийин бермай тушиб кетганида ҳам бир нарса деёлмасди. Чунки бунақанги безорилардан ҳар нарса кутиш мумкин-да.

— Бу уйни шахсан ўзим сотиб олганман. Пахан умуман билмайди. Бошқалар ҳам. Ҳар-ҳар замонда «ўйнагани» келаман. У ёғини ўзинг тушунавер, — деди Арслон иккинчи қаватга кўтарилганидан кейин қулфга калит соларкан.

— Яқин ўртоғинг бўлиб менга ҳам айтмабсан. Бир марта биттасини ёнимга олиб, роса жой қидирганман, — дея иржайди Ўлмас.

— Калланг борми сенинг?! Бу уй бир ўзим учун.

Арслон эшикни очди. Улар олдинма-кетин уйга киришди. Арслон тўғри ошхонага борди. Қўлидагиларнинг ҳаммасини столнинг устига қўйди-да, Ўлмасга:

— Чой қўйиб тур, мен озгина енгиллашиб олай, — деб кичкина хонага кириб кетди.

У чиқиб талай муддат кўзгуга қараб турди, минғирлади.

— Ҳали лабимни ёрганингнинг ҳақини минг баробар қилиб тўлайсан. Ўлигингни ҳам қўйиб қўймайман, — деди ва келиб стулга ўтирди-да, қадаҳни бўшатди.

— Ёмон солди ўзиям, — деди Ўлмас овқат чайнаш асносида.

— Хурсандмисан? Ҳеч қачон менга биров қўл кўтарганини кўрмаганмидинг? Кўрмагансан. Ўзи бировдан калтак еган одаммасман. Ҳатто дадам қўл кўтармаган. Лекин ўша мараз иккинчи марта мени урди. Биринчисига кўп бўлмаганди. Менимча, аввалгисига индамаганим учун ҳаддидан ошган. Барини бир қилиб, бурнидан булоқ қилиб чиқарман, — деди Арслон.

Сўнг телефоннинг ёнига борди. Рақам терди ва дағдаға билан:

— Қайси гўрда юрибсанлар! Нима орқаларингдан қидиришим керакми?! Ҳозир етиб кел! — дея гўшакни қўйди.

Сўнг яна рақам терди. Яна бир марта дағдаға қилди. Кейин Ўлмаснинг рўпарасидаги стулга ўтирди-да, тутатди.

— Ўлмас, — деди ҳамон кавшашда давом этаётган ош-насиға, — агар менинг ёнимдан қимирламасанг, пулдан кўрпа ясайсан. Мен сенга ваъда бераман. Йўқ, мабодо хаёлинг айнийдиган бўлса, бугун бўлмаса эртага, ундаям тиррик қолсанг, индинига ўлдириб кетаман!

— Нима деб валдираяпсан? Мен сенга бир марта ваъда бердимми, тамом, гапимнинг устидан чиқаман. Анави ертўладаям «Бос!» деганингда ҳаммасининг онасини уч кўрғондан кўрсатардим. Лекин сен индамадинг. «Демак, индамаслик керак экан», деб ўйладим.

— Эй-й, буни қара-я, оғайни, сенинг шунақа кучга эгаллигинг умуман хаёлимга келмабди. Хуллас, гап бундай, паханни яхши биласан. Тепада танишлари ачиб ётибди. Қанчадан-қанчаси паханнинг бир оғиз гапини икки қилмайди. Пахан жуда ақлли одам! Ҳаммасини қарз қилиб ташлаган. Агар бирортаси айтганини қилмаса, шу заҳоти оёғини осмондан қилиб ташлайди. Чунки олган поралари, тоғдаги дала ҳовлиларда миёвлашганлари расмлари билан алоҳида-алоҳида папка қилинган. Лекин, барибир, мен паханнинг йўлидан бормайман. Мен ўзим куч бўламан. Пулим кўп. Менга қурол керак. Эшитишимга қараганда, Украинадаги ҳарбий қисмлардан роса қуролларни олиб чиқиб сотишаётганмиш. Пулимиз борми, демак, эртароқ қуролланишимиз зарур. Ҳеч бўлмаганда, тўртта тўппонча сотиб олсак ҳам анча-мунчасини қўлга оламиз. Бу иккаламизнинг орамиздаги сир, тушундингми?!

Ўлмас овқат чайнашдан тўхтаган, ҳайкал мисол Арслонга термилиб қолганди. Ҳамма жойни куч, узоғи билан пичоқ ёрдамида қўлга олсак керак, деб ўйлаётганди. Аммо Арслондан бутунлай бошқача гап чиқиб турибди.

— Агар Нормат сендан олдинроқ сотиб олган бўлса-чи? — деди у киприк қоқмай.

— Бўлиши мумкин. Лекин менда ҳам арзирли нарса борлигини билса, ўйлаб муомала қилади. Ундан кейин даданинг гапига қараганда, Чўлоқнинг тагига сув кетганмиш. Сен билан мен Норматни қийналиб йиқитишимиз мум-

кин. Лекин дадам бир пуф деса, учиб кетади! — деди Арслон ва колбасадан уч-тўрт бўлагини бир қилиб оғзига солди.

Уни чайнаб бўлмай, яна ўрнидан туриб кетди. Бориб телефонга ёпишди. Бу сафар Сабинага қўнғироқ қилди. Аини дамда Сабина ёнида бўлишини истади. Бироқ қўнғироғига биров жавоб бермади. «Оёғини осмондан қилиб ётган бўлса керак!» дея қўнғилдан ўтказиб деворни муштлади ва қайтиб келиб, тагин ютди.

— Тўртга бўлдик, агар Лазиз пиёнистани ҳам қўшсак, бешта бўламиз. Шунини ўзи анча-мунча куч. Хўш, ҳозир келадиганларнинг иккитасининг тилидан бошқа ҳеч нимаси йўқ. Келишлари билан бир элакдан ўтказиб оласан. Токи кейин сал йўталиб қўйсанг ҳам оёғининг тагига ўзларини ташлашсин! — деб яна битта «БТ»дан олди.

* * *

Фирдавс жуда ёмон ухлади. Тушига алламбалолар кирди. Ўзи у ёққа ағдарилиб, бу ёққа ағдарилиб зўрға ухлаб қолганди. Устига оғзи ка-а-а-тта, тишлари сўйлоқдай, ўткир, бошида тожи бор етти-саккиз бошли аждаҳо ташланиб қолди. Бирдан ташланди. Ўзини четга олиб қолди. Кейин уча бошлади. Хурсанд эди. Чунки аждаҳо уни ушлолмайди. Хурсандлиги узоққа чўзилмади. Шаҳарнинг электр симлари шунақанги баланддан ўтказилган эдики, шитоб билан учиб бораётган Фирдавс урилиб кетишига оз қолди...

Кўзини очса, тонг ёришибди. «Худога шукр, — деди у ўзига ўзи, — ҳаммаси тушим экан». Ўрнидан турди. Бироқ ювинаётганида ҳам кўрган туши хаёлидан кетмади.

Салом бериб, ошхонага кирса, онасининг қовоқлари шишиб кетган. Бошини эгганча чой қайтаряпти. Одатда, уч марта қайтаради. Бироқ онаси умуман тўхтамаяпти. Пиёлага чойни қуяди, чойнакнинг қопқоғини олади. Кейин яна, яна. У ҳатто ўғлининг саломини эшитмади ҳам. Дадаси эса йўқ. Қаергадир чиқиб кетган. «Яна мардикорликка бўлса керак? Тонг саҳардан бозорга юк кўп келади. Эй-й, Худо, қачон бирор ишни удалайдиган, тўрт-беш сўм топадиган бўламан? Дадамнинг умуман бирор нима кўтаришига йўл қўймасдим... Аям нега бундай ўтирибди?» дея ўйлади ва яна қайтадан салом берди. Ана шундан кейингина Моҳирўй бошини кўтарди. Ўғлим кўрмасин, деб шоша-

пиша кўз ёшини артди.

— Тинчликми? — деди Фирдавс кўрпачага ўтириб. — Нега йиғляяпсиз?

— Тинчлик, — дея жилмайишга ҳаракат қилди Моҳирўй. — Ўзим шундай, эски бир нарсаларни ўйлагандим. Ўзидан-ўзи кўзимдан ёш қуйилиб кетаверди.

— Дадам қани? Яна кетдими ишга? — деб пешонасини тириштирди Фирдавс.

— Йўқ. Бошқа бир жойга кетди. Сени уйдан қимирлама-син, деди. Ўқишига ҳам бормасин, деди.

— Нега?!

— Билмадим. Ўзинг яхши биларкансан. Чойингни ич. Дарсингни уйда қилиб ўтиравер. Бир кун бормасанг, осмон узилиб ерга тушмас.

— Очиқроқ гапиринг, ая!

— Болам, — дея йиғлаб юборди Моҳирўй, — сен менинг ёлғиз умидимсан. Ўзинг...

Моҳирўй бошқа гапиролмади. Юзини кафтлари билан беркитиб олди. Йиғиси кучайди.

— Ая, нега йиғлаверасиз? — дея онасини қучди Фирдавс.

— Сўрама, болам, сўрама. Ишқилиб, бахтингни кўриш насиб этсин. Мен бошқа йўқотишга чидолмайман. Сен ҳам худди дадангга ўхшаб кетяпсан. Тарих бошқатдан такрорланаётганга ўхшайди. Лекин менинг юрагим энди кўтаролмайди.

Аёлнинг қўллари қалтирай бошлади.

— Ая, ҳаммаси зўр, сиз ҳеч нимадан хавотир олманг. Хавотир оладиган нарсанинг ўзи йўқ... Тухум қовуриб беринг.

Фирдавс атай онасини чалғитиш учун шундай деди. Кейин ўзи ўрнидан сакраб турди.

— Мен ўзим боплайман. Икки марта қовурганман. Зўр чиққан. Пиёз билан аралаштириб қовурганман. Кейин устига томат солганман. Даҳшат, ая. Ҳозир ўзим кўз очиб юмгунча тайёрлаб оламан.

Фирдавс шошарди. Нега шунақалигини ўзи ҳам билмасди. Аммо шошилмаса, эртароқ шу тухумни қовуриб еб, кейин бир жойларга бормаса, бўлмайдигандай туйилаверди. Эҳтимол, ўқишига бориши керакдир. Кеча яхши воқеа

бўлмади... Лекин нима қилсин, ўртоғининг ўлиги устида виждони қийналиб тургандан кўра, мана шуниси яхшироқ-да.

Моҳина келди. У ҳам ҳайрон эди. Албатта, онасининг қовоқлари шишганидан. Фирдавс унга «Аямга хушомад қил. Кўнглини кўтар. Менинг гапларим негадир таъсир қилмаяпти. Сен уриниб кўр», деди. Очiqча айтди. Шу гаплардан сўнг ойисининг юзида ним-ним табассум кўрармикинман, деган умидда. Ҳа, аяси озгина жилмайиб қўйди...

Телефон жиринглади. Моҳирўй телефондан кўрқиб қолганди охирги пайтлари. Чунки ҳамма воқеа ўша телефонда гаплашишлардан сўнг содир этиляпти. Аввал ўғли, кейин эри...

Ўшакни ўзи кўтармоқчи эди, бироқ Фирдавс чаққонлик қилди. Буни қаранги, ўртоғи экан.

— Нима гап? — деди Фирдавс ошхонага зимдан қараб қўйиб.

— Даҳшатли нарсалар содир бўляпти. Кеча... Оғайни, мабодо сен эмасмидинг? Чунки мен деразадан қаролмадим. Қидириб келишибди...

— Нимани, кимни қидириб келади? Ким қидириб келади? — дея ўзини гўлликка солди Фирдавс.

Чунки кеча дадаси унга ўртоғинга ҳам борганингни, мушглашганингни айтма, деганди.

— Эсингдан чиқиб кетдими? Хуллас, кўчанинг болалари келишган экан, биттаси билан муштлашибди. Ўша биттаси уларнинг икковининг ҳам пачағини чиқарибди. Ўша мабодо сенмасмисан, деб сўраяпман. Кеча кел, дегандим, келмадинг-ку?!

— Боролмадим. Синглимнинг туғилган куни эди. Сира чиқишга сабаб тополмадим. Нима бўлди ўзи?

— Ишқилиб, билмайман. Холмурод амакимнинг айтишига қараганда, битта бола иккита хўкиздайнинг бурнини ерга ишқаб кетибди.

— Менимча, улар ўзаро келишолмай қолишган бўлса керак. Кейин улар сенинг ёнингга келганини қаёқдан билдинг?

— Билмадим, шундай деб ўйладим.

— Томинг жойидами сенинг?! Қаердасан, ўқишга бормадингми?

— Амаким тоғамларникига олиб келиб ташлади. Почтага келиб кўнғироқ қиялпман.

— Ўзинг-чи, нега бормадинг ўқишга? “Граф Монте Кристо”ни ўқийвериб, кеч ётгандим. Шунга эрталаб ухлаб қолибман. Асқардан хабаринг борми?

— Йўқ.

— Бўпти, унда гаплашармиз, — дея Фирдавс гўшакни телефоннинг устига қўйди-да, ошхонага қайтиб кирди.

Онасига курсдошларини дарс тайёрламасликда айблаб, баҳона қилди. Аммо ўзининг ичи ёнаётганди. Шу боис дарров хонасига кириб кетди. Кўп ўтирмади. Ўтиролмади. Дадаси бир-иккита эски танишларининг ёнига боришини, унинг масаласини гаплашишини айтганди. Ана шу ўй Фирдавсни қийнамоқда эди.

Достон аввал ҳар эҳтимолга қарши Миразизни хабардор қилди. Пешиндан кейин у билан учрашишни келишди. Кейин Ёдгор билан кўришиш учун кетди. Ёдгор ундан аввалроқ бориб, ўриндикда оёқларини чалиштирганча ўтирган экан. Достон уни сал бўлмаса танимай ўтиб кетаёзди. Ахир кўп йиллардан бери кўрмаган эди-да. Танигач эса қучоқлашиб кўришди. Сўнг иккиси ёнма-ён ўтирди. Озгина соғлик сўралгандан сўнг мақсадга кўчилди. Достон ўгли билан боғлиқ воқеаларнинг ҳаммасини гапириб берди.

— Отасининг ўзи бўлибди, — деб томоғини қириб қўйди Ёдгор, — уям мард эди. Ҳеч қачон атрофидагиларни ёлғизлатиб қўймаган. Бировдан ёрдамини аямаган. Мен унинг олдида қарздорман. Лекин Фирдавснинг Нормат чўлоқ билан рўбарў келиши чатоқ бўлибди. Чўлоқ ҳозир айна от устида, унинг айтгани-айтган, дегани-деган. Умуман сўнгги пайтлар у билан ишим бўлмади. Заводга кирволиб, тинчгина ишлаб юрибман. Ақлим ҳам кириб қолди. Бу ёғи ёш ҳам кетди-да. Лекин бўйнимда қарз билан ўлиб кетишни хоҳламайман. Йигитларни тўплаймиз, кўриқчилик қиламиз. Керак бўлса, Фирдавс билан бирга ўқишига бориб келамиз. Аммо битта «но»си бор. Даромад манбасини қилиб қўйиш керак. Чунки ўзинг биласан, унақа ишларда пул биринчи ўринда туради. Бир хилда одам ёллашга ёки қайсидир амалдорни сотиб олишга тўғри келади. Пулинг бўлмаса, ишинг битмайди, оғайни. Буни ўзинг ҳам биласан.

— Ўзимизникилардан бир-иккитасини қайтариб олиши-

мизга тўғри келади. Бошқа йўлини кўрмайман.

— Мана шу қаҳвахона бир пайтлар бизники эди. Эсингдами? — дея Ёдгор «Баҳористон» деган ёзувга кўзини қисиб қаради.

— Икки куннинг бирида келардим. Қандай эсимдан чиқарай? У пайтлари гуллаб-яшнаганди. Хўжайини ким экан ҳозир?

— Билмадим, кирайлик-чи, билиб оламиз. Мен сени меҳмон қиламан. Икки сих кабоб мендан. Кўк чой билан бир маза қилайлик.

Қаҳвахонада эрталабдан ҳеч нарса тайёр эмас экан. «Фақат чой бор», дейишди.

— Директор ким? — дея сўради Ёдгор паст овозда.

— Турсун ака, — жавоб берди хизматчи уларга бир-бир қараб.

— Бир чақиргин, ука, — деди Ёдгор жилмайиб, — унга биз шу стулларингда ўтира турамыз.

Директор деганлари анча ҳаяллади. Сўнг келди. Роса қорин қўйган. Юзи семизлигидан ялтиллаб кетган эди. Афтидан қаҳвахонадаги бор овқатнинг ҳаммасини ўзи паққос туширса керак. Унинг бармоқлари орасида сигарета бор эди. Уни кўриб Ёдгор бошидаги кепкасини олди-да, бошини қашлаб қўйди.

— Ассом, сизларга нима керак? — деди уларнинг ёнига лапанглаб келган директор.

— Олдин салом бер одамга ўхшаб, — деди бирдан қовоғини уйган Ёдгор.

— Ассалом, — деди Турсун директор.

— Қолгани-чи, қолганини онанг берадимми? — дея қаншарини қашлади Достон.

Директорнинг бирдан «капалаги учди». Илло, оддий одамлар бунақа муомала қилмаслигини у жуда яхши биларди. Буларнинг иккаласининг ҳам ёши ўтиб қолган, кийимлари ҳам бундайроқ эса-да, гаплари даҳшат эди. Бундан чиқди, буларнинг ўғли ёки қариндошларидан бири амалдор. Ёки шунга ўхшаш. Демак, муомалани жойига қўйиш керак.

— Ассалому алайкум, отахонлар, хуш келибсизлар! Узр, ишлар озроқ кўп эди. Шунга хаёлим... Сал чарчабман, шекилли-да, сал бундайроқ гапириб қўйибман.

— Ўтир, — дея унга жой кўрсатди Ёдгор.

Турсун ака ўтиришдан олдин уларнинг ҳар икковига яна бир мартадан қараб қўйди. Ўтиргач эса қўлини кўксига қўйиб:

— Биздан нима хизмат, отахонлар? — деди.

— Нима биз қариб-чириб, тамом бўлгандай кўриняп-мизми, отахонлайсан? — дея Ёдгор унга еб қўйгудек тикилди.

— Энди, ҳар қалай...

— Кимга ишляяпсан? — деб унинг гапини бўлди Достон.

Директорнинг бирдан ранги оқарди. Нормат чўлоқнинг йигитлари мана уч ойдирки, қораларини кўрсатмайди. Ҳар келганда улар буни «соғишади». Лекин маълум битта суммани белгилаб қўйишмаган... Наҳотки, Чўлоқ энди шу иккита чолни юборган бўлса...

— Ҳалиги йигитлар келиб туришибди. Баҳоли қудрат, қўлдан келганча узатиб турибмиз, — деди у.

— Кимга?!

Директорнинг ранги баттар оқарди. Доктор унга кучли ҳаяжонланиш мумкин эмас деган. Чунки ички ёғлари юрагини қисиб қўйган эмиш. Ҳозир эса бирдан пайдо бўлишлари, ваҳимали гаплари унинг юрагини ўйнатиб юборди. У жавоб беролмади.

— Кимга?! — саволини такрорлади Ёдгор.

— Нормат акамнинг умри узоқ бўлсин. Уйда отам билан онам бор. Уларга ҳам дуо қилинглар, дейман доим.

Достоннинг кулгиси қистади. У кулиб юбормаслик учун сонини чимдиди.

— Бошқа қиладиган ишинг йўқми? Чўлоққа хизмат қиляпсанми?! — деб Ёдгор бироз иягини кўтарди.

— Нима десам экан! Акахоннинг йигитлари келишади-да, муомала билан харажатга, дейишади. Шунга қўлдан келганча...

— Ундан олдин кимга ишлардинг?

Директорнинг кўзи ўйнади. Яна бир марта уларга қараб олди-да:

— Ундан олдин бу қаҳвахонада амаким директор эди. Очиги, у кишининг ким билан салом-алик қилишини мен билмасдим, — деди.

— Билардинг. Шу ерда ишлардинг!

— Ҳа, ишлардим. Лекин амаким ҳамма ишларни бировга айтмасдан ўзлари қиларди.

— Яширма! Ҳозир бир-иккитасини айтаман, ўтириб қўясан! — дағдаға қилди Ёдгор.

Директор қулт этказиб ютинди.

— Тўғриси айтсам, сизлар кўпни кўрганга ўхшайсизлар. Ўшанда адашмасам, Фаррух деган бир одам кўчада катта эди. Бир-икки марта амаким буюргани учун унинг йигитларига олиб бориб берганман.

Достон билан Ёдгорнинг бирдан юзи ёришди. Биларкан. Унутмаган экан. Бундан чиқди, бу боланинг умри узоқ бўлади.

Ёдгор бармоқларининг учини силади. Бунинг маъноси «пулни олиб кел» эди.

Директор бирдан ўрнидан турди.

— Телефонинг борми? — сўради ундан Ёдгор.

— Ҳа...

— Менга қара, кабоб йўқ эмиш.

— Бор, бор. Қўй гўштининг юмшоқ жойидан тайёрла-тиб қўйганман. Хоҳласанглар, мол гўшtidан ҳам пишириб келишлари мумкин!

— Биз қўй гўшти емаймиз. Ўша мол гўштингдан икки сихдан бер. Унгача мен телефонингдан фойдаланиб тураман, — деди Ёдгор. — Мен оғайнимни кабоб билан сийлайман, деб келсам, кабоб йўқ, дейишади. Инсофданмас-да.

— Адашишган-да. Дарров тайёрлаймиз. Телефонда гап-лашиб бўлгунингизгача пишади.

— Ҳовлиқма, яхшилаб пишир, — деди Достон.

Унинг олдига дарров нон, қанд-қурс, ликопчада тўғралган помидор-бодринг, яхна гўшт келтириб қўйишди. Кейин чой билан бирга яна уч хил газак ва анави битта бўйни узун «зорманда»дан ҳам олиб келишди.

Достон чойдан бўлак ҳеч нимага қўлини узатмади. Аммо келтириб қўяётганларида эътироз ҳам билдирмади.

Орадан ўн дақиқалар ўтиб Ёдгор келди. Унинг оғзи қулоғида эди.

— Бештасини топдим. Бургутни эшитишлари билан дод-лаб юборишди. Ярим соатда бари келади, — деди у сўнгра

столнинг устидагиларга қараб, — сен айтдингми буларнинг барини? — дея Достондан сўради.

Достон «йўқ», дегандек бошини қимирлатди.

— Бизни шундай қилиб қўлга олмоқчимиз? Ололмайдим. Лекин Турсуннинг минг сўми иссиққина экан, — дея ўшшайди Ёдгор.

— Бекор олдинг. Мен Фирдавсни умуман бошқа бола қилмоқчиман, — деб қовоғини осилтирди Достон.

— Нима мен уни «кўча»га қўшиб қўярмидим? Кўтарамиз. Катта одам қиламиз. Бу ёғи бизникилар ҳам катта бўлишган. Бир-бирининг қанотларининг остига киришмасан, қийналиб қолишадим. Кассир эса ўзинг бўласан, — деб Ёдгор унга столнинг тагидан пулни узатди.

— Эсинг жойидами? Бунақанги пулларни қўлимга ушламайман! — деди Достон ғазабланиб.

— Фирдавс ўлиб кетаверсинми? Нега мен билан кўришгани келганингни биласанми ўзинг? Ўзингни покиза кўрсатиб, уни йўқ қилиб юбормоқчимисан? Сен билан бирга нима ишлар қилмаганмиз!..

— Тўғри. Лекин бекордан-бекорга бировнинг бурни қонатилмаган. Биз фақат порахўрлар, ҳаддидан ошганларнинг танобини тортардик.

— Энди-чи?! Чеккада писиб ўтирибсан. Бу ёғи ҳамма нарса чиққан жойига кириб кетяпти. Ҳаммаси ҳаддидан ошган! Одамга ўхшаб кўчага чиқолмайсан. Ё бизни қандай қақшатгани эсингдан чиқиб кетдимиз? Раҳматли Аҳмад акани қандай кўмган эдик. Буям эсингдан чиқдимиз? Йўқ, орқага қайтиб бўлмайди. Тартиб ўрнатадиган вақт келди. Энди хоҳласанг ҳам, хоҳламасанг ҳам шу ишга аралашсан. Билиб қўй, Моҳирўй, Фирдавс сабаб сен меросхўрсан.

Достон ерга қаради. Сўнг муштини манглайига қўйди.

— Қутингдигидан битта бер, — деди шу алфозда.

Ёдгор унга сўраганини берди ва шишага қўлини узатди. Кейин хизматчини чақирди-да, яна кабоб буюртма қилди.

— Очма, — деди Достон, — ичмайман, деб Моҳирўйга ваъда берганман. Ундан кейин яна биттаси билан кўришим керак.

— Қиз бола биланми?

— Қанақа қиз? Фирдавсга устоз бўлмоқчи биттаси.

— Ким у?

— Прокурор Миразиз.

— Ҳеч қиси йўқ. Озгина-озгинадан, бир жойинг камайиб қолмайди.

Уларнинг ёнига директор келди. Энди унинг юзига бироз қон югурган, чиройи ҳам очиқ эди. Сабаби, амакиси ўз ўрнига уни қўйиб кетаётганида «Олган одам билан муомала қилса бўлади, аммо олмагани чатоқ», деган эди. Чоллардан бири ундан пулни олди. Демак, булар билан бемалол гаплашса бўлади.

— Ҳамма нарса етарлими? Камчилик йўқми? — деди у қўлини кўксига қўйиб.

— Зўр. Айтмасак ҳам ҳамма ёқни тўлдириб ташлабсизлар, — деб унинг юзига тикилди Ёдгор.

— Меҳмон қилмоқчиман. Сизлардай табарруқ инсонлар бир келиб қолибди, меҳмон қилмасам уят. Бу ёғи бехижолат. Менимча, яна меҳмонлар келишади?!

— Ҳа, болалар сергак туришсин.

— Акагинам, бир қошиқ қонимдан кечасиз. Ёнингизга чой олиб кирмоқчийдим. Бехосдан телефонда гаплашаётганингизни эшитиб қолдим. Бизга қадрдон бўлиб қолган исмни тилга олдингиз. Шу ростми?

Ёлгор жавоб беришдан олдин Достонга қараб қўйди, сўнг сўради:

— Қанақа ном экан?

— Бургут.

— Бургут? — такрорлади Достон.

— Ҳа, биз унинг борлигида худди ўзимизнинг уйимизда яшагандай яшардик. Амаким раҳматли Бургут бор экан, биз омонмиз, дерди. Шунга қувондим-да...

— Менга қара, умрингда бургут кўрганмисан ҳеч? Менинг уйимда бургут бор, тушундингми? Ҳар куни тўрт кило гўшт ейди. Семизгина экансан.

Турсуннинг ранги яна докадай оқарди.

— Кўрқма, — деди Достон унинг кўнглини кўтариш учун, — лекин шу тилинга суяк керак экан.

— Бўлди, бўлди, тушундим. Безовта қилмайман, бу ёғи бемалол, — деб директор ўзига ярашмаган чаққонлик билан ортига бурилиб кетди.

Ёдгор чақирган одамларнинг биринчиси ўн беш дақи-

қаға қолмай етиб келди. Эшикдан кира сола қучоғини очди ва хайқирди.

— Мен сизларни кўрмай ўлиб кетаманми, деб кўрққан-дим!

— Букрини гўр тузатади, деб бекор айтишмаган экан. Ўша ҳовлиқма, ўша ҳовлиқма! — деди Ёдгор ва ўрнидан турди.

Учаласи бир-бири билан қучоқлашиб кўришди. Абдулатифнинг кўзига ёш тўлди. У буни яшириш учун кўзини Достоннинг елкасига босди.

Кейин боя Достон йўқ деган, аммо Ёдгорнинг томоғини қитиқлаган шайтон сувидан биринчи бўлиб ичди ва паст овозда Ёдгорга қараб:

— Отам тирилиб келгандай бўлди. Гапинг ростми? Қани Бургут? — деди.

— Буни қара, ҳа дегандан, ма деб оғзига тиқиб кўйсанг. Шошилма. Аввал у ёқ-бу ёқдан гаплашайлик. Тепакал бўлиб қолибсан. Олдин шундан гапир, — дея ўшшайди Ёдгор.

— Эй-й, оғайни, бу бошга нима кўргуликлар тушмади, дейсан. Бир ёқдан эндигина олтмишдан ошган отам вафот этди. Тўғриси, ёмон қийнаб юборгандим. Энди ёнига кириб, суянчиқ бўла бошлаганимда тап этиб ўлди-қолди. Кейин йўқ жойдан ўғлим қамалиб кетди. Кўй оғзидан чўп олмаган бола. Ниҳоятда мўмин-қобил эди. Унинг ақлигидан ўзим кўрқардим ҳатто, — дея ажин босган пешонасини силади Абдулатиф.

— Нимадан қамалди? — сўради Достон.

— Ўғрилиқ.

— Ўзинг ҳам ёшлигингда шу ишни қилардинг, болангга ўтибди-да, — дея кесатди Ёдгор.

— Йўқ! У бошқача бола эди. Бировнинг ҳамёни кўчада ётса ҳам тегинмасди. Бўйнига илишди. Айби ўша пайтда ўша жойда бўлгани. Маҳалламиздаги дўконга «тушиш»ган экан. Аксига олиб, ўғлим ўша куни қариндошларникидан уйга кеч қайтган. Соат тахминан ўн бир яримларда. Таксидан тушибди-да, энди магазиннинг тўғрисига етганида, таппа ушлашибди. Бу пайтда ўғрилиқни қилганлар алақачон жуфтакни ростлаб қолишган экан... Куйиб кетдим. Илгариги куч-қудратим бўлганида ҳаммасининг онасини кўзига кўрсатардим. Анавингдан яна қуй. Келганимдан ярам-

ни янгиладинг, сен ярамас! — деди Абдулатиф Ёдгорга.

Ёдгор унинг сўраганини қуйиб узатди. Абдулатиф бир кўтаришда ҳаммасини ичиб юборди. Худди шу маҳал уларнинг олдига кабобни қўйишди.

Уларнинг иштаҳаси бўғилган эди. Илло Абдулатифнинг айтган гаплари бир ўзига эмас, ҳаммасига тегишли эди. Ҳаммасининг бараварига ожизлиги оқибатида Абдулатифнинг ўғли қамалган. Биров ундан қўрқмаган. Қайтанга отасининг қамалиб чиққани дастак бўлган.

— Сиқилма, ўғлингни чиқариб оламиз. Ўша тухмат қилган маразнинг ўзини панжара ортига тикамиз! — деди кўзлари худди ёшлигидагидай ёнган Ёдгор.

Сўнг бирин-кетин бошқалар ҳам келишди. Бир-бирини соғинишган экан, кучоқлашиб кўришишди. Аввалига ҳазил-хузул қилинди. Кейин олдинги ўзларининг гуллаб-яшнаган даврлари эсланди. Ана ундан сўнг Ёдгор мақсадга кўчди.

— Яна бирлашадиган, тартибга қараб қўядиган вақтимиз келди. Қаранглар, бирортамизнинг ҳам оиламизда ҳаловатимиз йўқ. Бирингники ундоқ, бошқангники бундоқ. Достон тўғри қилиб катта қиламан, дея ният қилган экан, лекин унинг ҳам олдидан тўсиқлар чиқибди. Бу ёғи неча кунлигимиз қолгани номаълум. Жаҳаннамнинг энг қаърида бўламизми ва ёки Худо олдинги гуноҳларимизни кечириб, жаннатга киргазадими — буниси ҳам номаълум. Шундай экан, бошимизни бириктириб иш қилмасак бўлмайди, — деди у Фирдавс ҳақидаги ҳикояни гапириб бўлганидан кейин.

— Эсларингда бўлса, Фаррух пайдо бўлиши билан «кўча»да тартиб ўрнатилганди. Мана, энди ўғли бор. Маслаҳатни аямаймиз. Насиб бўлса, яна ўшандай бўлади, — дея Ёдгорнинг гапларини маъқуллади Мурод.

— Лекин Фирдавс яна «кўча»га аралашиб қолмаслиги керак, — деди Достон. Дарҳақиқат, Фирдавснинг худди отаси сингари жиноий тўдага бош бўлиши уни даҳшатга солмоқда эди.

— Достон, ўғлинг битта сеники эмас. У бизга ҳам тегишли. Сен боқиб катта қилдинг. Бунинг учун раҳмат! Лекин аҳвол мана бунақанги бўлиб турганида ҳеч ким ўзини четга тортмаслиги керак! Бу — биринчиси. Иккинчиси — ҳозир ҳаммадан ҳам кўра Фирдавснинг ўзига ёрдам керак!

Ким беради ўша ёрдамни? Анави прокурорингми? Ҳа, ёрдам беради. Фақат қамалишига. «Бировнинг айбини бўйнингга олибсан, раҳмат сенга, ниҳоятда мард йигит экансан. Олижаноб иш қилибсан. Манави сенга мукофот деб ким айтади?...» Мукофот қилиб беради камида ўн йил панжара ортида ўтиришни. У ёқда эса Норматнинг ҳамтовоқлари тиқилиб ётибди. Бориши билан ғажиб ташлашади. Шу керакми сенга?! — деди Ёдгор жаҳл билан.

Достон бошини эгди. Бир оғиз ҳам қарши гапиролмади. Айни чоғда унинг калласи ишламаётганди. Айни чоғда у туманнинг орасига тушиб қолгандай, қай томон юрса, чиқиб кетишни билмасди.

— Гап шу, бугун Норматнинг итлари Фирдавснинг ўқиш жойига, Достоннинг уйи атрофига келишади. Мен, Соли, Абдулатиф ўқишига борамиз. Достон, бўш қолганлар, уй атрофини эгаллайди. Кечқурун йиғилишиб гаплашиб оламиз. Келишдикми? — деди Ёдгор.

— Тўғри гап бўлди. Ҳаммамиз розимиз. Таваккал, — дея унинг гапини қўллади Мурод.

— Унда кабобни охиригача еб қўйинглар. Сизларга деб атай пиширтдим. Достон, сен бўшашма, оғайни, ҳаммаси зўр бўлади. Ҳа, айтгандай, биринчи унум бор, — деб Ёдгор оғайниларига бирма-бир жилмайиб қаради, сўнг чўнтагидаги пулларни олиб, тенг иккига бўлди-да, ярмини Достонга бергач қўшиб қўйди, — харажат чиқиб қолиши мумкин.

Кабобхўрлик тугагандан кейин улар ўрнидан туришди. Ёдгор директор билан ҳисоб-китоб қилмоқчи бўлганди, Турсун кўнмади. “Озиб-ёзиб бир келиб қолибсизлар. Мен меҳмон қилдим сизларни”, деди. Аммо йиғилганлар қаҳвахонадан чиқиши билан хонасига югуриб борди-да, гўшакни кўтариб рақам терди. У ҳансираб нафас олар, кўзлари чарақлаганди. «Тўртта чолдан менга нима фойда? «Утил»га чиққан одамлар. Тириги керак. Дудлангани эмас», дея у рақам терди ҳамда қаддини ростлади-да, қўлини белига қўйди.

— Алло, Баха ока! Оканинг зўри, яхшимисиз?! — деди қувонч билан.

— Ҳа-а, Бўтқа, юрибсанми семириб-шишиб? Фақат тез гапир, вақт йўқ, — деб Баха тишларини бир-бирига уриб

қўйди.

— Тўртта чол эрталабдан келганди. Бургут тўғрисида гапиришди.

— Қанақа Бургут яна?..

— Ўша, сиз билан мен биладиган Бургут. Ўғли бормишми ёки ўзи гўридан чиқиб келганмишми, шундай бир гап. Ўзлари ҳам осмон. Сизга аталган пулнинг бир тийинини ҳам қолдирмасдан олиб кетишди. Бермайман, деб оёқ тирадим. Улар бўлса, пешонамга тўппонча ўқталишди. Аввал иккита эди. Кейин бештаси қўшилди.

— Нималарнидир эслатиб юборяпти. Башараларини эслаб қолдингми?

— Ҳа, бир кўргандаёқ барини танийман.

— Онасини эмдираман. Менга деса, мингга кирган чол бўлмайдами? Бўпти, ҳозир бошқа ишлар бор, — деб Баха гўшакни қўйди.

* * *

Сабинанинг юзида дарров табассум пайдо бўлди. У қимтинибгина лабини тишлаб қўйди ва милиционерларни кута бошлади. «Керак бўлса, ўзлари самолётга юкимни чиқариб қўйишади», — деди ичида юксак ишонч билан.

Аммо Неъмат уларни қизнинг ёнига яқинлаштирмади. Салом берди. Илжайди. Сўнг ёши каттароғининг қулогига бир нималар деб шивирлади. Шу заҳоти милиционер сергак тортди ва:

— Мабодо, юкингиз оғирлик қилмаяптими? — деди Сабинага.

— Йўқ, раҳмат, — жавоб берди Сабина шундоқ ҳам майин овозини баттар майинлаштириб.

— Унда сиздан битта илтимос, бирга суратга тушайлик, — деб у Сабинанинг ёнига туриб олди.

Ёши кичикроқ милиционер уларни расмга олиб қўйди. Шундан сўнг милиционерлар хайрлашиб кетишди.

— Довдиратиб қўйдингиз уларни. Нима дедингиз? — дея сўради Сабина Неъматдан.

— Буларнинг калитини биламан. Бир бурасангиз, дарров ҳамма ёқлари очилиб кетади, — дея гўдайди Неъмат.

— Шундай истеъдодингиз билан бизнинг дала ҳовлимизда қоровуллик қилиб умрингизни ўтказаяпсизми? — деди ажабланиб Сабина.

— Ким айтди мени қоровул деб. Лекин бундай ўйлаб қараса, шундай деса ҳам бўлаверади. Аммо қиладиган ишларим бир-биридан нозик. Бўлди, қолганини самолётдан чиққаннимизда гаплашамиз.

Уларни биров тўхтатиб, жомадонларини текширмади. Аёллару эркаклар Сабинага ғалати қарашди. Аммо энг муҳим нарсани текширишмади. Шу боис омон-эсон самолётга чиқиб олишди. Ёнма-ён ўтиришди ва «учишмагунча» қарийб гаплашишмади.

— Чарчадим, — деди самолёт энг юқори нуқтага етганидан сўнг камарни бўшатган Неъмат, — кейинги кунларда югур-югур жудаям кўп бўлди.

— Биздаям шундай, — деб ўриндиққа бошини қўйди Сабина.

— Ҳозир озгина чарчоқёзди қиламиз. Ўзлари олиб келиб бергани мени қониқтирмайди. Ўзим энг «қатиғи»дан оламан, — дея Неъмат тугмачани босди.

Сал ўтмай, дарров стюардесса ёнларида пайдо бўлиб, табассум билан:

— Нима истайсиз? — деди майин овозда.

— «Беш юлдузли»дан, арманларникидан. Қимматидан. Бир қути шоколад билан бирга, — дея Неъмат яшин тезлигида унинг бармоқларига битта йигирма беш сўмликни кистириб қўйди.

Стюардессанинг ранги бир қизариб, яна оқарди. Юзидаги табассум янаям кўпайиб:

— Худди айтганингиздай бўлади, — деб кетди.

— Жудаям сирли, сеҳрли одамсиз. Кимга нима айтсангиз, дарров хўп дейди. Қандай қилдингиз? — деб сўради Сабина.

Дарҳақиқат, Неъмат қилган ишни бошқа ўриндиқда ўтирганлар тугул ёнгинасидаги Сабина ҳам сезмай қолганди.

— Бир пайтлар циркда ишлаганман, десам ишонасизми?

— Аввал ишонмасдим. Айниқса, энди уйимизга келганингизда. Лекин аэропортдаги воқеа, ундан кейин манави стюардессанинг бирдан буйруғингизга итоат этиб қолишини кўргач, шубҳа қолмаяпти, — дея қиқирлаб кулди Сабина.

— Бошқа битта нарсани айтайми сизга?

— Ҳа. Энди мен учун ҳамма гапларингиз жудаям қизиқ бўлиб кетяпти.

— Мен дунёдаги жамики одамларни қўлимда ўйнатишим мумкин, аммо сизнинг гўзаллигингиз олдида ўзим сеҳрланиб қоламан.

— Бўлиши мумкин эмас. Чунки...

— Рости шундай. Аслида, Москвага келмоқчимасдим, сизни деб, — дея Неъмат Сабинанинг қўлидан ушлади.

Сабина, бу — Сабина. Унга бошқача таъриф бериб бўлмади. Эрга тегиб чиққан дейиш мумкин. Кўплар қўлини ушлаган, дейиш мумкин. Яна бошқа нарсаларни ҳам қўшса бўлаверади. Аммо буларнинг ҳеч бири Сабинанинг тўлиқ характерини очиб беролмайди. У иккинчи қўлини Неъматникининг устига қўйди-да:

— Москвага борайлик, хўпми? — дея жилмайди.

— Албатта.

Неъматнинг буюртмасини келтиришди. Ҳаттоки хушодамадига идишнинг оғзини ҳам очиб беришди. Қолганини Неъматнинг ўзи бажарди.

Бу пайтда турли-туман режалар Сабинанинг хаёлида ғужгон эди. У Арслон билан ваъдалашди. Бироқ Арслон унинг илтимосини бажарадими, йўқми, бу қоронғи. Неъмат эса ўзларининг одами. Оиласини, айниқса, дадасини қаттиқ ҳурмат қилади. Ҳатто дадаси мен учун ўласан деса, ҳеч иккиланмай жонини фидо қилиб юбориши мумкин. Демак, бундан бу ёғига ундан ҳам фойдаланса бўлаверади.

— Неъмат ака, — деди у суюқликдан сўнг шоколад бўлақларидан бирини олиб тишларкан, — оилангиз қаерда?

— Хотинингиз қаерда, демоқчисиз-да, а?!

— Ҳа, шундай.

— Мен умуман уйланмаганман.

Сабинанинг юзи бирдан жиддий тортди.

— Бўлиши мумкинмас! — деди ҳайратини яширолмай.

— Мумкин. Олдинига армияга бориб келдим. Кейин қамалиб қолдим. Саккиз йилга. У ёқдан чиқиб келсам, отам ҳам, онам ҳам аллақачон борса келмасга кетишга улгуришган экан. Ҳатто менга хабар ҳам беришмабди акаларим. Кейин жаҳл билан уйдан чиқиб кетдим. Уч йилча ҳали

у жойда, ҳали бу жойда ишлаб юрдим. Ростини айтсам, қилмаган ишим қолмади. Эҳ-ҳе, бу бошга нималар тушмади дейсиз. Охири кутилмаганда адангизга дуч келиб қолдим. Ўшандаям аҳволим оғир эди. Ана қамаламан, мана қамаламан, деб тургандим. Бирдан адангиз ёрдам қилиб юборди. Қарабсизки, биз озодликда қолдик. Ундан кейин турли-туман «санъат»ларни ўргандим. Ростини айтайми сизга?

— Ҳа, — дея бошини қимирлатди Сабина.

— Ҳозир, — деб Неъмат «беш юлдуз»дан идишчаларга қуйди, биттасини ўзи ичди, иккинчисини Сабинага берди, кейин қизнинг ичишини, шоколаддан бир донасини олишини кутди, шундан сўнггина гапини давом этказди, — аслида, биз ўғри эмас эканмиз. Шундай ўғрилар бор эканки, уларникининг олдида бизники писта пўчоғичалик ҳам келмайди.

— Нима, сиз адамни ўғри демоқчимисиз? — деди бирдан пешонаси тиришган Сабина.

— Эй-й, адангиз — олтин одам. Ундан ҳам улуг. Бошқаларни назарда тутяпман. Даҳшат, тўғриси, — деб бошини қимирлатди Неъмат.

— Хўп, шуларнинг ҳаммаси сизнинг уйланишингизга халақит бердими?

— Ҳа. Нафақат халақит берди. Олдимда тўсиқ бўлиб туриб олди. Мана, энди бундан бу ёғига бемалол уйлансам бўлаверади. Аммо ёшим қирққа келиб қуйди. Энди уйланишим шартми-йўқми, бунисини ҳам ўйлаб қолдим.

— Бирорта ҳам аёлнинг қўлини ушламагансиз. Албатта, ҳозир меникини ушлаганингиздан ташқари?

— Шундай десам, ёлғон гапирган бўламан. Чунки эркакликдан айрилиш ниятим йўқ эди. Агар яқин йўламаганимда аёлсифат бўлиб қолардим. Бу ҳақда эса ўйлашга ҳам кўрқаман.

— Оббо, — дея мийиғида кулди Сабина, — битта тоза одам бор экан десам, буниси ҳам аллақачон бузилган чиқди.

— Ёлғон гапирганимда озодагина бўлиб тургандим. Лекин энди, яъни айтмоқчиманки, кечадан бошлаб, жиддий ўйлай бошлаяпман. Битта бола керак менга. Болаки, ҳалолидан бўлсин. Агар ҳозир ҳаракат қилмасам, кейин кеч.

Мени қабрга қўядиган одам мутлақо бегона бўлади.

Сабина секин унинг қўлини силади. Кейин:

— Мен сизнинг бунчалик қийналганингизни билмаган эканман. Одам ҳам ўзини-ўзи шунчалик абгор қиладими? Сиз бу дунёга яшаш учун келгансиз. Азобланишгамас, — дея шивирлади.

Шу заҳоти Неъматнинг қўнгли бўшаб кетди. Ахир бунақанги гапни ҳеч ким унга ҳеч қачон айтмаган. Балки, онаси айтгандир. Бироқ уни Неъмат эслолмайди. Онаси қарғгани, отаси сўкканини эшитган, аммо уларнинг юшоқ гапиргани — балки, болалигида, ҳали ақлини танимаган кезларида айтишган бўлса, айтишгандир.

Неъмат яна ютди. Хаёлга чўмиб, бир нуқтага термилиб, кейин ютди. Сабина эса бутунлай бошқа нарсани ўйлаётганди: «Бундан усталик билан фойдаланишим керак. Шундай амалларни қўллайки, қулдай хизматимни қилсин. Шу кунгача адажонимнинг хизматкори бўлган, бундан бу ёғига меники бўлади... Тўғри, Арслон билан кўришишимда халақит бериб қолиши мумкин. Аммо у ёғи хуфёна бўлади. Омадингиз келиб қолганга ўхшайди қизча...»

* * *

Мавзунанинг юраги бирдан шув этиб кетди. Чунки отаси телефонда гаплашаётиб Фирдавснинг исмини тилга олгандан кейин алланечук ўйчан қиёфага кирди ва чиқиб кетди.

«Фирдавс акамга нима бўлди экан? Ўзи юрагим безовта эди. Хавотир олаётгандим. Эй, Худо, боши омон бўлсин, ишқилиб», дея хаёлидан ўтказди.

Қизнинг қулоғига дарс кирмади. Ўқитувчига термилганча ўтирар, бироқ унинг нима деяётганини эшитмас, ўй-хаёли Фирдавсда эди. Онасининг айтган гаплари ҳам ғалати эди. «Бир пайтлар дадам Фирдавс акамнинг онасини яхши кўриб қолган экан. Орқасидан юрган экан... Лекин у дадани менсимабди. Негадир шунисига ишонгим келмаяпти. Ўша пайтларда дадам юрфақда ўқиётган бўлса керак. Ҳуқуқшуносликда ўқиётганларнинг обрўси баланд бўлади. Ҳозир ҳам шундай. Ана ўзимизнинг қизлардан қиёс. Тўхта, Фирдавс акам ҳам худди шундай-ку. Лекин мен унинг айнан шу ёқда ўқиётганлиги учун севиб қолмаганман. Менга қолса, Фирдавс акам умуман ўқимаган тақдирида ҳам,

барибир, яхши кўраверардим. Бу ёғига чалкашиб кетдим. Илгари нима бўлган бўлса, бўлиб ўтган. Аммо энди менинг йўригим бошқа. Моҳирўй холам севса арзийдиган аёл. Гўзаллиги, ўзини тутиши, муомаласи шунга арзийди... Гаплашишим керак. Фирдавс акам билан холироқ жойда кўришиб, гаплашиб олмасам бўлмайди. Битта ўзимнинг ичимга бунча нарса сиғмайди», дея ўйлади охири Мавзуна.

Кейинги дарсга кирмади. Ўқитувчисига боши оғриётганини айтиб, сумкасини кўтарди-да, кетди.

Бекатнинг шундоққина ёнгинасида телефон буткаси бор. Гаплашмоқчи бўлсанг, икки тийинлик танга ташлашинг керак. Мавзуна ўша ерга етганида кўнғироқ қилиш керак, деган фикрга келди. У ёқдан гўшакни Моҳина кўтарди. Шу заҳоти Мавзунанинг юзига табассум югурди ва шоша-пиша салом берди-да:

— Иккичи, нега мактабга бормадингиз? — деди.

Моҳина хўрсинди. Дарров жавоб бермай, бироз туриб кейин:

— Уйимизда бироз нотинчлик, — деди паст овозда.

— Моҳина, мен ҳам ўзимни кўярга жой тополмай юрибман. Дарсда ўтиролмадим. Акангиз қаерда? — дея шошиб гапирди Мавзуна.

— Акам? Акам чиқиб кетди. Адам ҳеч қаерга қимирламасдан уйда ўтир, деганди. Лекин аямга дарров келаман, шундоққина магазинга бориб келай, деб кетиб қолди. Биламан, магазинга бормади.

— Моҳин, унда-чи, мен ҳозир бораман. Сизларникига борсам ноқулай. Моҳирўй холамнинг олдида гапиролмайман. Шунга... кўчага чиқсангиз... Шундоққина уйларикининг олдида, шу ерда сиз билан гаплашиб олардим. Майлими?

— Ҳм, ҳўп. Ўзи менинг ҳам юрагим сиқилиб турганди. Сиз билан кўришсам, ёмон бўлмайди.

Мавзуна шошиб гўшакни жойига илиб қўйди-да, такси тўхтатиш учун йўл четига бориб, қўлини кўтарди.

Такси керагидан ҳам ортиқ. Ҳозир ҳаммага эркинлик тегиб қолган. Кимнинг машинаси бўлса, ўшани бемалол таксичи деяверинг. Аммо Мавзуна ҳақиқий таксидан бошқасига минмайди. Онаси шундай деб тайинлаган. «Дуч келганига миниб кетаверма», деган. Ҳозир ҳам Мавзуна онаси-

нинг гапига қулоқ тутди. Битта «Жигули», иккита «Москвич» ёнгинасига тўхтади. Лекин у чиқмади...

У етиб борганида, Моҳина аллақачон кўчага чиққан, уйларининг рўпарасидаги ўриндиққа ўтирганча бир нима-ларни хиргойи қиларди.

Қизлар қучоқлашиб, ўпишиб кўришди. Кейин иккиси ёнма-ён ўтирди. Мавзуна ёрилолмади. Йўл бошидаги «озиқ-овқат»ларнинг ёнида музқаймоқ сотишаётган экан. “Юринг, битта-битта олиб еймиз. Бу ёққа шошаётганим учун ёнидан зўрға ўтиб келдим”, — деди Моҳинага. Иккиси ҳам гўзал, иккови ҳам бир-бирига ўхшаб кетади. Шунга яраша бўйлари ҳам қарийб бир хил эди. Кўрган одам буларни эгизак, деб ўйларди. Улар бир-бирлининг қўлларидан ушлаганча кетишди.

Музқаймоқ олишди ва секин ортларига қайтаётганида Мавзуна юрак ютиб сўради.

— Уйда тинчликмас, дегандингиз, нима бўлди?

— Аввал сиздан кечирим сўрашим керак. Тўғриси, англашилмовчилик бўлди. Аям ўша пулни ташлаб келганидан сўнг роса ўзларидан-ўзлари хафа бўлиб йиғлади.

— Ўзи ким ташлабди ўша ярамас пулни? — дея лабини ним тишлади Мавзуна.

— Билмадим. Фирдавс акам биларкан. Эгасига обориб бериб келди. Лекин сизлар билан орамизга совуқлик тушиб қолди-да.

— Тўғри, бизнинг уйдаям кўнгилсизлик бўлди. Дадам ойимга тушунтирганича анча-мунча сочларидан айрилди. Лекин ўтди-ку ҳаммаси. Ҳамма бир-бирини тушуниб олди-ку.

— Шундай. Аммо бизникида бошқа бир нима бошланди.

— Нима? — дея киприklarини пирпиратиб Моҳинага қаради Мавзуна.

— Акам нимагадир аралашиб қолибди. Кечаси дадамга айтганини эшитиб қолдим. Қайсидир ўртоғи қилган ёмон ишни мен қилдим, дебди. У томон ёмон одамлармиш. Дадамнинг роса жаҳли чиқди. Жуда сўкинмаса ҳам, анча тутақиб кетди. Кейин бир жойларга кўнгироқ қилди. Қандайдир бургут ҳақида гапирди. Мен ҳеч нимага тушунмадим. Лекин...

Моҳинанинг кўзида ёш пайдо бўлди. Буни кўрган Мав-

зуна шу заҳоти унинг қўлини тутди.

— Туни билан, — деди Моҳина йиғлаш асносида, — аям йиғлаб чиқди. Эрталаб кўрганингизда кўрқиб кетардингиз. Қовоқлари шишиб кетибди. Роса эзилиб кетдим.

— Хафа бўлманг, ҳаммаси жойига тушиб кетади. Дадам ҳам эрталаб ким биландир гаплашганида Фирдавс акамнинг исмини тилга олди. Ҳайрон бўлдим. Шунга боя қўнғироқ қилгандим.

— Мана, қаранг, магазинга бориб келаман, деган одам магазинга келмаган. Бошқа бир жойга кетган. Бўлмаса, дадам ҳеч қаерга чиқма, деб тайинлаганди. Ҳозир шуни аямга айтсам, кўрпа-ёстиқ қилиб ётиб олиши аниқ.

— Яхшилиқни ўйланг. Фирдавс акамни яхши биламан. Бирорта ножўя ишга қўл урмайди.

— Ножўя ишга қўл урмайди, лекин бировларнинг қилган гуноҳларини бўйнига олиб йўқ жойдан бошига ташвиш орттириб олади. Менимча, дадангизга менинг дадам қўнғироқ қилган бўлса керак. Агар шундай бўлса, иш жудаям жиддий. Нимадир қилиш керак.

— Биз иккаламизнинг қўлимиздан нима ҳам келарди?! Кутайлик, балки, биз ўйлаганчалик жиддиймасдир.

— Билмадим, лекин дадамнинг безовталаниб қолганига қараганда масала ниҳоятда жиддий.

Моҳина шундай дейиши билан уларнинг ёнгинасига ойналари қорайтирилган, ранги ҳам қоп-қора «Жигули» тўхтади. Иккала қиз ҳам чўчиб, ортларига бироз тисарилди.

Қорайган ойналардан орқадагиси секин пастга тушди ва соқоли ўсган, қора кўзойнак таққан, жингалаксоч бир башара кўриниш берди.

— Қизчалар, — деди у дўриллаб, — саккизинчи уй қаерда?

— Сак... Сак... — дея довдиради Моҳина.

Мавзуна унга қаради. Кейин:

— Саккизинчи уй сизларники, шекилли, — деди соддалик билан.

— Зўр, — деб хунук башара бурнини тортиб қўйди-да, гапида давом этди. — Санларни уйларинг бўлса, Фирдавс деган бола керак. Окаларимиз...

Моҳинанинг юраги товонига тушиб кетаёзди. Сал қолса, у менинг акам бўлади, деб юбораёзди. Лекин ҳозир улар-

никада онасидан бошқа ҳеч ким йўқ. Агар булар уларни- кига борадиган бўлса, онасининг бўлари бўлади. Инфарк- тка учраб ўлиши аниқ.

— Билмайман, ундай болани, — деди у зўрға тили ай- ланиб.

— Қизиқ-ку, битта уйда туриб билмайсизми, ойим қиз?

— Булар яқинда кўчиб келишган, — деди унинг ўрнига Мавзуна.

— Яқиндами, аввалми, нима фарқи бор?! Ўтир икка- ланг ҳам, кўрсатасанлар! Кўрқманглар. Ман тасқарага ўхша- сам ҳам ўзим яхши одамман. Давлатнинг одамиман. Дав- латнинг одами ёмонлик қилмайди, тўғрими?

— Йў-ў-ў-қ, — дея бошини қимирлатди Моҳина, — ўтирмайман.

— Ўтирсанг, шоколад берардим!

— Моҳин, кетдик. Кетдик, — дея Мавзуна Моҳинанинг кўлидан ушлаб судради.

Аммо шу заҳоти чаққонлик билан машинадан тушган барзанги қизнинг билагидан ушлаб қолди.

— Қаерга боради! Машинага мин! Машинага! — деди барзанги ғазаб билан.

— Қўйиб юбор!

Ҳамма бараварига овоз келган томонга қаради. Илло, овоз гумбурлагандай эшитилди.

Бор-йўғи етти-саккиз қадам нарида Фирдавс турарди. Унинг кўзлари ғазабдан олайган, юзи қизарган, қўллари мушт бўлиб тугилганди.

Барзанги истаб-истамай Мавзунанинг кўлини қўйиб юборди ҳамда иржайди-да, қоп-қора кўзойнагини олди.

— Наҳотки ўзларига дуч келган бўлсак?! Омаднинг бун- чалик тез келишини хаёлимга ҳам келтирмагандим. Буни қара, паҳлавон, айнан сени кутиб тургандик! — деди у қувониб ва эшикдан машина салонига энгашиб қараркан, — тушинглар, «бойлик» ўз оёғи билан келиб қолди, — деб бардачокка ишора қилди.

Бардачокда тўппонча бор. Норматнинг саккизта қуро- лидан биттаси. Қолган олтитаси Норматнинг ўзида туради. Яна биттасини у Ёдгорга бериб қўйибди. Бахага бермаган. Чунки Бахага кўпам ишонавермайди. «Бир кунмас-бир кун, барибир, панд беради. Ёки бош кўтариб чиқади», деган

хаёлда эди чўлоқ.

Фирдавс барзангининг ёнига келди.

— Мен сени қанчалик интизорлик билан қидирганимни биласанми? Ҳатто хотинимни бунчалик изламаганман. Қиз боладан ҳам ўтиб кетдинг?! — деди у ва Фирдавснинг юзига енгилгина шапалоқ туширмоқчи бўлди-ю, эвазига кўзидан «ўти» чиқиб кетди.

Чунки Фирдавснинг газаби жунбушга келиб бўлганди. Бошқарув чегарасидан чиққанди. У фақатгина бир мушт билан чекланмади. Бетамизнинг қорнига тиззаси билан зарба берди. Барзанги аввалига икки букилди. Сўнг боши билан тошли ерга қулади.

Салондагилар саросимада эди. Ҳали тўппончани олишга улгуришмаган, ташқарига шошилишарди. У ёғини сўрасангиз, ҳайдовчининг ёнида ўтирган зўравон қурол ишлаштишни билмасди. Ҳарбийга бошмалдоғи йўқлиги боис олишмаганди. Тепкини боссам тамом, тўппонча отаверади, деб ўйларди. Бироқ бундай бўлмади. Машинадан тушганларни эса Фирдавс аяб ўтирмади. Иккитасининг жағини синдирди. Яна биттасини эса ундан-да қаттиқроқ жазолади. Тинимсиз тепкини босаётган, бироқ тўппонча сира отмаётганидан жаҳли чиқиб нима қиларини билмай қолган муштумзўрнинг қўлини синдирди. Ана шу маҳал Достон шериклари билан етиб келди. У ўғлини четга тортиб:

— Ўзингни бос! Ўзингни бос, мен дадангман! — деди.

Фирдавс шундан кейингина атрофидагиларни яққолроқ кўра бошлади. Сал нарида Моҳина билан Мавзуна бири-бирининг пинжига киришиб, йиғлаб туришибди. Машина атрофида эса чўзилиб ётган барзангилар, қўлининг синганига чидолмай ўкираётган яна бир одам... Фирдавс муштлашди. Лекин манави чўзилиб ётганларнинг барини ўзи уриб ағдарганига ақли бовар қилмасди.

Достон билан келганлар чаққонлик билан калтак зарбидан ҳушини йўқотганларнинг барини машинага тиқишди.

— Шаҳардан ташқаридаги, ташландиқ заводнинг бузилган идорасига олиб боринглар. Ўзим ҳам ҳали замон етиб бораман, — деди Достон Муродга.

У «хўп», дегандек бошини қимирлатди.

Достон қизларни ва Фирдавсни уйга олиб кетди.

Унинг ичи титрарди. Боши ғувилларди. Ҳаммаси бунчалик тез, шиддат билан бошланиб кетганига ақли шошарди Достоннинг.

— Нега? — деди у уйга киришганидан сўнг Фирдавсни хонасига олиб кириб. — Нега кўчага чиқдинг? Нега айтганимни қилмадинг?!

Фирдавс бошини эгди.

— Жим турма, юрагимнинг ёрилиб кетишини хоҳласанг, жим турма, гапир! — дея титради Достон.

— Дада, индамай кетиб қолганингиз мени хавотирга қўйди. Узоққа бормадим. Бекатда кутдим сизни. Кейин орқага қайтиб келаётсам, анави падарингга лаънатилар Мавзуна билан Моҳинани ушлаб туришган экан. Қолгани қутилмаганда бошланиб кетди. Нима қилаётганимни ўзим ҳам сезмадим, — деб жавоб берди Фирдавс отасининг титраётганини кўрганидан сўнг.

— Яхши, сен энди ўтириб тур!

Достон шоша-пиша ўрнидан турди. Тўғри қизининг хонасига бостириб борди. У Моҳинанинг хонасига умуман кирмасди. Ҳозир кирди. Қизлар Моҳинанинг каравотида қушиниб ўтиришарди. Иккиси ҳам Достон кириши билан дик этиб ўрнидан турди. Бош ўша-ўша эгик.

— Моҳина, мен....

Достон бошқа ҳеч нима демади. Дея олмади. Нима десин? «У ерда сизлар нима қилиб тургандинглар, нега аканг урган такасалтанглар сизларнинг йўлингизни тўсишганди?» десинми?

Достон қўлини силтади. Чиқиб кетди. Ошхонага кирди. Бу ерда Моҳирўй ўтирибди. Унинг ҳам қўллари титраган. Болалари, эри қайтиб келганидан хурсанд бўлишини ҳам, бўлмаслигини ҳам билмасди. Бунинг устига, қаердандир Мавзуна пайдо бўлиб қолди. Очиғи, у қизни ёмон кўриб кетди.

— Ҳалиги, — деди ранги докадай оқарган Достон аёлининг қаршисидаги стулга ўтириб, — ҳалиги, биласанми? Эй-й, нима деяпман? Хуллас, мен бундан бу ёғига умуман уйдан чиқмайдиган бўлдим. Пул топиш, бошқа ишларнинг ҳаммаси Фирдавснинг бўйнида. Мен уйда ўтириб, унга йўл-йўриқ кўрсатиб тураман, холос. Ундан кейин доим сенинг ёнингда бўлишим керак. Сен, мен... Хуллас, икки-

миз бақувват бўлишимиз керак. Фирдавс катта одам бўлиб кетди. Янги битта корхона очилди. Шунга раҳбар бўлди у. Қўлида ўттиздан зиёд одам ишлайди. Мен бўлсам, унга ёрдам бериш учун... Тўғрироғи, ўзимга ёрдам беришим учун сенинг соғлигингдан хабардор бўлиб туришим керак. Ҳамма нарса ўткинчилигини ҳозиргина билиб келяпман.

Моҳирўй эрининг пойинтар-сойинтар гапларига ҳайрон бўлди. Фирдавс ҳали ўқишни тугатмаган бўлса, қанақа қилиб ўттиз киши ишлайдиган корхонага раҳбарлик қиларкин?.. Яна ҳатто унинг кўчага чиқиши хавфли бўлиб турган бир пайтда.

— Дадаси, нималар деяпсиз ўзи? Нега рангингиз бунчалик оқариб кетган? Нега уйда ўтирасиз? Нега Фирдавс пул топиб келади? Тушунтириброқ гапиринг, — деди Моҳирўй саросималаниб.

— Менга қара, биз болаларимизнинг бахтли бўлишини хоҳлаймиз, тўғрими? Лекин кўчада ҳаёт бутунлай бошқа томонга ўтиб кетди. Умуман тушуниб бўлмайдиган бир нарсаларни кўрасан. Одамларнинг бари худди бир жойдан тап этиб тушиб қолгандай. Довдирашганини бир кўрсанг... Хуллас, бунақанги пайтда организм тош бўлиши керак. Унчамунча нарсага бемалол чидаши керак. Мен ўйлаб қарасам, чидолмас эканман. Инфарктми ёки шунга ўхшаш бир нимани орттириб оларканман. Эски танишларим билан учрашиб гаплашдим. Ҳаммаси ўзим қатори бўлиб қолибди...

Достоннинг юзи қизара бошлади. Кейин қулоқлари шанғиллади. Боши айланди. Кўзлари ўз-ўзидан юмилиб кетаверди. У бошлаган гапини охиригача етказолмади. Бунинг ўрнига:

— Мазам бўлмаётганга ўхшайди...

— Фирдавс! Фирдавс! — бақирди қўрқиб кетган Моҳирўй.

Фирдавс онасининг овозини эшитиши билан ўтирган жойидан сапчиб турди-да, хонасидан отилиб чиқди.

— Даданг! Даданг!.. — деди Моҳирўй.

Бошқа нарса айтишга аёлнинг тили айланмади. Худди шу пайт қизлар ҳам ошхонага етиб келишганди. Моҳина «дада»лади. Мавзуна телефонга югурди. Фирдавс эса дадасини даст кўтарди, ётоғига олиб кириб, кўрпачага ётқизди.

— Хавотир олманглар, мен яхшиман. Салгина юрагим безовта қилди, шекилли. Сабил Ёдгор билан нимани нима қилгандик-да, менга тўғри келмай қолибди.

Достон гапининг охирига етказмасидан Моҳирўй Моҳинани дорихонага югуртирди. «Боргин-у, дори олиб кел. Ҳеч қаерда тўхтама», деди.

Достон аёлининг гапига қулди.

— Бу аёллар ваҳимачи бўлишади-да. Айтяпман-ку, мен яхшиман деб. Менга ҳеч нима қилмайди. Фақат озгина дам олволай, — дея кўзларини секин юмди.

— Йўқ, бундай қилманг! Сиз ҳам юрагимни ўйнатманг. Кўзингизни очинг. Гапирмасангиз ҳам майли. Лекин кўзингизни очиб ётинг, — деди алақачон йиғлашни бошлаб юборган Моҳирўй.

Дорихона узоқ эди. Камида икки бекат нарида. Бориб келгунча анча вақт кетади. Шу боис Моҳина Бурхон амакининг эшигини тақиллатди. Уникига «Тез ёрдам» тез-тез келиб туради. Чунки амаки инфаркт бўлган. Икки марта. Агар учинчи марта бўлса, тамом. У ўлади. Шундай экан, эҳтиёткор бўлиб қолган. Уйда доим қон босимини туширадиган дори бор.

— Дадам, дадамнинг мазаси қочиб қолди! — деди Моҳина Бурхон амаки эшикни очиши билан кўзи ёшга тўлиб.

— Ҳой, ҳой, қизим, бунчалик ваҳима қилма. Нима бўлди ўзи? — дея сўради чол қизгинани бироз хотиржам қилиш учун.

— Билмадим, амаки! Аям дори олиб кел, деди. Лекин дорихона узоқ, шунга...

— Ҳозир, ҳозир, — деб чол қизнинг гапини бўлди, — менда зўр дори бор.

Чол уйига кириб кетди ва дарров изига қайтди-да:

— Тилининг тагига қўйсин, — дея икки дона кичкина дори берди.

Моҳина уйига қушдай учиб чиқди ва ҳовлиққанча нафас оларкан, онасига:

— Тилларининг тагига қўяркансиз, Бурхон амакидан олдим. Энди дорихонага бораман, — деди.

Достоннинг қон босими икки юзга етган, энди ундан ошмоққа тайёргарлик кўраётган бир маҳал эди. Тилининг остига дори тушганидан кейин мажбур ортга қайта бош-

лади. Достоннинг юрак уриши шаштидан қайтди. Бош оғриғи камайди. Кўзлари тиниқлашди.

— Вой-бўй-й, — деди у бошини секин у ёқдан-бу ёққа қимирлатиб, — одамнинг ўлиб қолиши ҳеч гап эмас экан. Тилим музлаётганди. Буни қара-я!

— Мени ҳам ўзингиз билан олиб кетишингизга оз қолди, — дея кўзидан дув-дув ёшини оқизди Моҳирўй, — бошқа бунақа қилманг!

— Хўп-хўп! Ўзим ҳам ҳаддимдан ошиб кетдим-да. Бўпти, сен боравер, аччиққина мастава қил. Йўқ, шошма, гуруч қайнат. Кейин уни озроқ совитасан-да, сузма аралаштирасан. Зўр бўлади. Унгача мен Фирдавс билан гаплашиб тураман. Бор. Боравер.

Хотини чиқиб кетганидан сўнг Достон Фирдавсни ёнига ўтказди-да, шивирлади:

— Чорвоқнинг йўлида, шаҳардан чиққанингдан кейин чап томонга йўл келади. Тош йўл. Шу йўл билан борсанг, мотор заводининг чиқиндихонаси бор. Бир пайтлар у ерда заводнинг ўзини қуришмоқчи бўлишган. Ўзиям қарийб дарёнинг бўйида. Шу ерга борасан. Боя сен урганларни ўша ёққа олиб кетишди. У ёғини Ёдгор деган амакинг тушунтиради. Ҳаммаси ишончли болалар. Ёшлари мен қаторида. Жўнатмасдим-у, лекин бормасанг бўлмайди. Аслида, ўзим олиб боришим керак эди. Аҳволимни кўриб турибсан. Хуллас, шундай гап, боравер.

— Аям...

— Ундан хавотир олма, дедим-ку. Ҳаммасини ўзим жой-жойига қўяман.

Моҳирўй Фирдавснинг чиқиб кетганини ҳатто сезмай ҳам қолди.

Достон манзилни осонгина айтганди. Аммо у ерга бо-риш учун машина керак. Йигитнинг боши қотди. Чўнтагида бир-икки сўми бўлганидаям, майлийди. Бирорта такси билан яқинроғигача бориб, у ёғига пиёда кетарди. Ҳозир бир мири ҳам йўқ. Ҳаттоки шаҳар автобусида ҳам юролмайди. У бошини қашлаб катта кўча томонга секин-секин кета бошлади. Шунда кўзи шитоб билан келаётган «Москвич»га тушди. «Яна анавилар бўлса-я?» дея кўнглидан ўтказди ҳамда ўзини эътибор бермаётган одамдай кўрсатиш учун бошини эгди. Аммо машина унинг ёнгинасига келиб тўхта-

ди-да, ҳайдовчи деразадан бошини чиқарди.

— Болам, Достон деган одамнинг уйи қаердалигини билмайсанми? — деди.

— Нима қиласиз? — дея бирдан сергак тортди Фирдавс.

— Биз ўртоқлари бўламиз. Улфатлари. Чойхонамиз бор эди. Шунга келишгандик. Уй рақамини айтди-ю, қаердалигини айтмабди.

— Боролмайди. Мазаси йўқ.

— Сенинг исминг нима?

— Нима қиласиз?..

— Улфатимнинг боласига ўхшаб турибсан. Мабодо исминг Фирдавсмасми?

Фирдавс бирдан машинада ўтирганларга кўз югуртириб олди. Ҳаммаси қарийб дадаси тенги эди. «Бундан чиқди, булар алдашмаяпти», деган хаёлга борди ҳамда:

— Ҳа, Фирдавс, — деди.

— Эй-й, яша, — дея ҳайдовчи машина моторини ўчириб эшикни очди-да, машинадан тушди. — Кел, бир бағримга босиб кўяй.

Фирдавс ноилож у билан қучоқлашиб кўришди.

— Менинг исмим Ёдгор. Сени болалигингда кўрганман.

— Ёдгор. Дадам сизнинг номингизни тилга олганди. Сизни бошқа жойда деганди. Лекин...

— Тўхта, тўхта, ҳали танишиб оламиз. Менга айт, ўқишга бугун бордингми-йўқми?

— Дадам борма, деганди. Шунинг учун бормадим...

— Сени бировлар қидириб келдими?

— Ҳа.

Ёдгорнинг бирдан ранги ўчди.

— Нима бўлди, болам, гапиравер кўрқмасдан.

— Сал жанжал...

— Қидириб келганлар индамай кетишдими?!

— Йўқ. Уларни дадамнинг ўртоқлари олиб кетишди. Шаҳар ташқарисига. Қандайдир эски заводми ёки ташландиқ заводми, ишқилиб, шунақа жой бор экан. Ўша ёққа олиб кетишди. Менгаям дадам шу ёққа бор, деганди. Ҳозир энди кетаётгандим... Агар яна бошқа Ёдгор амаки бўлмаса, сизни шу ерда бўлади, деганди дадам.

— Даданга нима қилди ўзи?

— Қон босими кўтарилиб кетди. Ётиб қолди. Менинг

уришаётганимни кўрганди, шунга ўзига олди, шекилли.

— Майли. Бу ёғини кўрамиз. Унда машинага ўтир, болам. Тезроқ борайлик. Боргунча қолган гапларни гаплашамиз.

Машинада ўтирганлар тушишди. Фирдавснинг ёнига келишди.

— Ўҳ-ҳў, — деди улардан бири, — катта бола бўлиб кетибди-ку. Елкалари кенг. Менинг исмим Соли. Аслида, Салоҳиддин. Манавилар, — деб у шерикларини кўрсатди, — қисқартириб олган. Лекин сен исмимни тўла айт. Хўпми? Кел, энди бир кўришамиз...

— Мен Абдулатифман. Ўлгунимча даданг билан садоқатга келишган одамман! — деб учинчи одам ҳам Фирдавсни бағрига босди.

Улар машинага ўтиришди. Ёдгор газни босди...

— Айни пайтида пайдо бўлдинг. Энг керакли пайтда! — деди Абдулатиф улар шаҳар кўчасида кетиб боришаётганида. — Мана булар, даданг индамасаям мен сенга ҳақиқатни айтаман. Балки, илгари эшитгандирсан. Лекин, барибир, одамнинг тилига тушов соладиган нарсани олдиндан олиб ташламасак, гапимиз ҳам, фикримиз ҳам қовушмайди.

Олдинги ўриндиқда ўтирган Соли билан Ёдгор бир-бирига қараб кўйди.

— Нима демоқчисан? — деди Ёдгор.

— Фирдавс ўғлимга ҳамма гапни айтмоқчиман.

Фирдавснинг ичидан зил кетгандай бўлди. У нохуш бир нимани сезгандай беихтиёр лабини тишлади.

— Аслида, сен дунёга ҳукмронлик қила оладиган одамнинг фарзандисан. Минг афсус, у жудаям эрта ўлди...

Фирдавс бирдан Абдулатифга қаради. Ҳа, у аввал эшитган. Ҳозирги дадаси уни боқиб олганини яхши билади. Бироқ эслатишларини сира ҳам истамайди.

— Ўша даданг билан, — гапида давом этди Абдулатиф, — қабргача бир-биримизга садоқат билан хизмат қилишга қасам ичганмиз. Даданг ўлди. Унинг бўйнидан берган ваъдаларининг ҳаммаси кетди. Лекин менинг бўйнимда турибди...

— Абдулатиф, бўлди қил. Ҳозир оҳ-воҳнинг мавриди эмас. Ҳозир нима қилиш ҳақида бош қотиришимиз керак, — деди Ёдгор кўзгу орқали Фирдавсга қараб кўяркан. — Кўча

умуман бузилиб кетди. Амалдорларнинг бари жиноий тўда бошлиғи. Биз бир пайтлари шундай эдик. Энди улар бизнинг ўрнимизга ўтиб олишди. Бунақанги пайтда яшаб қолишнинг ўзи катта муаммога айланади.

— Амакилар, менадан нима хоҳлайсизлар? Мен умуман «кўча» деган нарсани тушунмайман. Бор-йўғи талабаман...

— Сен бош бўласан ҳаммага, — дея гапга аралашди Соли, — шернинг боласи шер бўлади. Тамом-вассалом! Майдачуйда тушунмаган нарсаларнинг бўлса, ўзимиз тушунтириб қўямиз. Ҳозир сенга қарши ов уюштирилган. Нормат чўлоқнинг бош мақсади — сени йўқ қилиш. Чунки у дадангнинг ашаддий душмани бўлган.

— Дадамни у ўлдирганми? — сўради Фирдавс.

— Йўқ. Битта аҳмоқ чўпон. Лекин шернинг ўлими шоқолнинг байрамига айланди. Ҳали бу ҳақда сенга тўла гапириб берамиз... Ҳозир қўлимизга тушганларни нима қилишни ўйлашимиз керак.

— Амаки, айтдим-ку, мен ҳеч нимани билмайман, деб. Кейин мени кўпроқ уйдагилар қизиқтиряпти. Дадам юбормаганида келмасдим. Лекин дадамнинг аҳволи яхши эмас. Кейин аям ҳамма нарсадан юрак олдириб қўйган. Бирор идиш пастга тушиб кетса ҳам икки соат йиғлаб ўтиради. Агар мен сиз айтгандай «кўча»га қўшилиб кетсам, уйимда ўзимдан бошқа ҳеч ким қолмайди.

— Қўшилмасанг ҳам шундай бўлади, — деди йўлдан кўзини узмай кетаётган Ёдгор, — биз ўз-ўзимиздан тўпланмадик. Ҳамма ёқ расво бўлгани учун... Норматнинг одамлари ўз-ўзидан сени йўқ қилмоқчи бўлишяптими?

— Мен, — дея гап бошлади Фирдавс соддалик билан, — оғайнимнинг ёнини олдим...

— Ана шу пайтда уйингдагиларни ўйлаганмидинг? Йўқ, ўйламагансан. Энди шунинг хунини тўлайсан!..

* * *

Баха гўшакни қўйганидан сўнг бир муддат туриб қолди. «Бургут, Бургут», дея ичида такрорлади. Сўнг яқиндагина очилган шишадан яна финжонга қуйди-да, бир хўплаб, пешонасини тириштирди. «Нималар бўляпти ўзи? Нега сира ишимиз юрмай қолди?.. Шошма, менга нима? Мен бош қотирадиганларданмасман. Ана, Нормат чўлоқнинг калласи оғрисин», дея ўйлади ҳамда қолган ичимликни ҳам охи-

ригача ичиб, хонасидан чиқди. Тўғри Норматнинг ёнига кетди. Нормат ўзига келибди. Ҳаттоки чўмилиб чиқиб, қизил рангли ипак халатига ўралганча, тутатқисини тутатиб ўтирган экан.

— Хўжайин, — деди унинг хонасига кирган Баха, — топдик анави ярамасни. Ўғлингизни эзиб кетганни. Мана, расми.

Нормат кўзини олайтирди ва столнинг тортмасидан тўппончасини олди-да, Бахага қаратди. Баханинг шу заҳоти оёқлари қалтиради.

— Менинг ўғлимни нима қилиб кетганни дединг?! — деди ғазаб билан.

— Ҳалигидай... Мен ўзи довдирманда, шеф, биласиз-ку. Лекин ичим тоза. Ўлай агар шундай. Ўғлингизни туртиб кетганни демоқчийдим, — дея қулт этказиб ютинди Баха.

— Мараз, тилингни суғуриб оламан, — деб Нормат эринчоқлик билан Баха узатган расмни қўлига олди-да, сўради. — Ким бу ит эмган?

— Юрфақда ўқийдиган бола экан. Мен ўқишига йигитларни жўнатдим. Қаерда туришини билишади. Кейин уйига боришади. Уруғ-аймоғи билан қуритиб ташлашади. Ўзини сизнинг оёқларингизнинг остига ташлашади.

— Қачон?..

— Ҳали-замон келади, хўжайин. Боя қўнғироқ қилишди. Уйини топишибди.

— Ўқиш жойида таниш бормиди?

— Бор, хўжайин. Ўзим ишга ўтказиб қўйганман. Чаласавод домла. Дарров топиб берди. Лекин яна битта хабар бор, шеф, — дея Баха Норматнинг кўзига қаради.

— Яна нима балони бошладинг?

— Бургут пайдо бўлибди!

— Қанақа бургут? — дея эснасини қотирди Нормат.

— Бир пайтлар ўзингиз қанотларини қирқиб ташлаган бургут-да, хўжайин!

— Тушунмадим?!

— Мен ҳам ҳайронман. Қаҳвахонадаги одамим қўнғироқ қилди. Ҳаммаси қариб қолганмиш. Яна бизнинг томорқага ҳам оралаганмиш.

— Шундай экан, бу ерда нима қилиб ўтирибсан, ит эмган?! Топганинг фақатгина қуруқ гап. Пешонангни иккига

бўлиб ташлайми?! — дея бирдан бақириб юборган Нормат Баханинг пешонасига тўппончани тўғирлади.

— Ҳозироқ ҳаммасини оёқларингиз остига ташлайман. Бўлмаса, анави семиз чўчқани...

Нормат тўппончани «қарсиллатди». Фақат шифтга тўғирлаб отди. Гумбурлаган овоздан Баха сал бўлмаса ҳушидан кета ёзди.

— Йўқол! — бақирди унга Нормат.

Баха юраги тилка-пора бўлиб, эшик томон югураркан, «Ишқилиб, эшикдан омон-эсон чиқиб олай», деб ўйларди.

У оёғи куйган товукдай у ёқдан-бу ёққа бориб келар, ҳар-ҳар замон дарвозадан ташқарига чиқиб, йўлнинг икки тарафига ҳам қараб қўярди. Йўқ. «Овчи»лардан дарак йўқ. У тоқатсизланди. Йигитлардан бирини ёнига чақирди. Ундан «ўрама» олди. Тутатди-да, ўпкасини тутунга тўлдирди ва шу аҳволида ҳам йўл пойлади. «Энди тамом, Нормат чўлоқ мени аниқ ўлдиради», деган хаёлга борди ва ўрамани яримлатганидан сўнг йигитлардан бештасини ўзи билан олиб, иккита машинада йўлга тушди.

Бундан бир кун аввал тунда.

Арслон сира маст бўлмаётганди. Бўлмаса Ўлмас билан оз мунчасини ютиб юбордими? Нақ учта шиша бўшади. Шунинг билан бирга, келтирилган ҳамма егуликлар ҳам. Аммо Арслон гўёки оддий, тип-тиник сув ичгандай эди. Бу ёғига у чақириб қўйганлар ҳам анча ҳаяллашди. Аввал Жавлон эшикни тақиллатди. Арслон Ўлмасга қаради ва кўрсаткич бармоғини тикка қилди-да:

— Биринчиси, — деди ва ўрнидан туриб, эшикни очди.

— Ассалому алайкум, — дея шу заҳоти қўлларини кўксига қўйиб, икки букилганча салом берди Жавлон.

— Ярамас, мен сени эрталабгача кутаманми?! — деди бирдан Арслон ўшқириб ҳамда Хамирнинг қулоғини бураб ушлаганча ичкарига тортқилади.

— Вой, вой, окажоним, қулоққинамни узиб оласиз, окажоним! — дея ичкарига ундан олдин чопқиллаб кирди Жавлон.

Арслон унинг қулоғини қўйиб юборди. Қип-қизил тусга кирган Жавлон қаддини ростлади. У йиғламоқдан бери эди.

— Неча соат кутишим керак?! — деди энди унинг қўйла-

гини қорнига қўшиб гижимлаган Арслон.

— Окажон, ўша заҳоти кўчага югурдим, биттаям машина йўқ. Биттасининг тагига ўзимни ташлаб тўхтатдим-да, ҳайдовчига ялиниб-ёлвордим. Қўлига ўн сўм тутқазиб, зўрға келиб олдим. Жоним қурбон бўлсин, окажоним! — дея бурнини тортди Жавлон.

— Жонинг ҳали керак. Ўтир. Қани қолган итваччалар?

— Кеп қолишади. Кимларни чақирганингизни билмайман-да, окажоним.

— Эй-й, ўчир овозингни, ман сенинг окажоним бўлиб қолдимми?! Ўтириб анави шишани оч.

Арслон шундай деб Ўлмасга қаради, сўнгра ҳайратланганча:

— Учтасини тугатиб қўйдикми? — дея сўради.

Ўлмас ўшшайди.

— Иккаламиз ҳам ўлгудай чанқаган эканмиз. Хо, хо, хо!

Жавлон уйга кираётганида қулоғи қанчалик оғриган бўлса, бурни аччиқ ҳиддан шунчалик ачишган эди. У Арслоннинг сўрови ва унга жавобан Ўлмаснинг кўпол кулгисидан сўнг ўгринча шишаларга қараб қўйди. «Балки, озгина ютсам, қулоғимдаги оғриқ йўқолармиди?» дея кўнглидан ўтказди.

— Агар биз еб-ичганимизни филга берганимизда, у бўкиб ўларди, — деб Арслон Жавлонга юзланди. — Нега серрайиб турибсан? Ўтир, ана битта бўш стул бор, ўтир.

Жавлоннинг ичига илиқлик кириб, дарров кўрсатилган жойга ўтирди.

— Тўғриси айтсам, — дея қарийб ичидагиси тугаёзган қутига қўл узатди Арслон, — роботга ўхшайсан. Ўтир, деса ўтирасан, тур, деса турасан. Оч, анавини!

Жавлон шоша-пиша шишани қўлига олди-да, қопқоғини олиб ташлаб, иккита пиёлага қуйди. Чунки учинчи пиёла йўқ эди.

— Биттасини ўзинг ол. Мен бўп қолдим. Кеча... шундай деб Арслон секин энгашганча деразадан ташқарига қараб, сўнг гапини давом этказди. — Энди кечада. Хуллас, эрта-лабдан бўлган. Жонимга ҳам тегиб кетди. Шунинг учун ол.

Жавлон Ўлмасга қўшилиб битта пиёлани «оқлаб» қўйди.

Худди шу пайт яна эшик тақиллади. Арслон бу сафар Ўлмасга буюрди. «Бориб оч», деди. У боя Жавлон келгани-

да нотўғри қилганини Хамирнинг қулоғидан тортаётганида тушуниб етганди. Ахир бошлиқ ўтирган жойини бировга бермаслиги керак. У бўлса, худди итдай ҳамон югуриб юрибди. Фаросатнинг кўчасига яқин ҳам келмайдиган Ўлмас эса ўтирибди, гўдаиб. Уни Арслон ишлатиши керак. Югуртириши керак. Итоаткорлигига амин бўлиши керак.

Ўлмас индамай ўрnidан турди-да, оғзининг атрофини артган киши бўлиб:

— Худди сендай қилиб олиб кирайми? — деб сўради.

— Йўқ.

Йигитлар киришди. Арслон уларнинг икковига ҳам куйиб, қиздириб олди. Сўнг тирноғини тишлаб, узиб олишга ҳаракат қиларкан:

— Эрталаб биттангнинг уйқусираганингни кўрсам, каллангни оламан. Ўзим ҳозир ухлайман. Товуш эшитмай. Чирокни ҳам ўчиринглар, — деди-да диванга узала тушиб ётганча кўзини юмди.

Йигитлар бир-бирига қарашди. Елка қисиди. Сўнг бир-бир туриб, қўшни хонага ўтиб кетишди.

Эрталабнинг эрталаби қолмаганди. Соат миллари ўн иккига яқинлашганди. Арслон бошини кўтарди. Ён-атрофига қаради. Уйи эмас. Бундан чиқди, нонушта ҳам йўқ. Лекин у бошқача уйғонди. Ўзини катта, хўжайин ҳис этиб уйғонди ва эринибгина ўрnidан турди-да, ювиниб келиб бақирди.

— Ҳамма ёқ сасиб кетибди!

Арслон тўплаган йигитлар ундан кейин ҳам бир соатча гаплашиб ўтиришганди. Ухлашганида тонг энди бўзариб келаётганди. Ҳозир эса қотиб ухларди. Арслоннинг бақириси чивин чаққанчалик ҳам бўлмади. Ухлашда давом этишди. Илло, уйларида уларни биров безовта қилмай қўйганига анча замонлар бўлган. Шу боис хотиржам ётишарди. Бироқ вазият ўзгарган эди. Арслон эшикни тепиб кирди. Биринчи яна ўша Жавлон дуч келди. У эшикка яқинроқ эди. Полда ётарди. Қулочларини кенг қилиб ётарди. Арслон аяб ўтирмади. Биқинига тепди.

— Тур ўрнингдан, чўчка!

Ўлмасдан бошқалар худди оёғи куйган товукдай сапчиб туришди. Нима қиларини билмасдан саросималанишди.

— Ўлмас, ювин, кетдик! Қолганлар шу ерда бизни ку-

тиб ўтиришсин! — дея амр қилди Арслон.

Буйруғи ўзига ҳам ёқиб кетди. Ўзини хўжайинлардай ҳис этди. Албатта-да. У ҳам энди хўжайин. Манави ердаги тўртта одам бундан бу ёғига унинг айтганидан чиқмайди. Айтадиган гапини ҳам ўйлаб гапиради. Мабодо Арслонга ёқмайдиган бирор нима қилиб қўйса борми, шўрига шўрва тўкилади.

Арслоннинг бахтига отаси уйда экан, ўғлини кўрди-ю, қовоғини осилтирди.

— Қайси гўрда юрибсан?! — деди пўписа билан.

— Дада, зўр ишларни қилиб келяпман. Сизнинг айтганингиз бўйича юрибман! Бу ёғи зўр кетяпти, дада! — дея отасига жавоб берди Арслон кўзлари чақнаб.

— Хўш, нима иш айтибман-у, нимани қойиллатибсан сен?

— Айтганингиздай кўриқчиликка йигитларни йиғдим. Яхшилаб бошларини «силадим». Қулдай хизматингизни қиладди!

Хидир Хурсанович кўзининг ости билан Ўлмасга қаради. Бир туки ўзгармабди. Ваҳоланки, ҳозиргина ўғли уни ҳақорат қилди. «Ҳиссиз, туйғусиз, орсиз одамлардан қандай фойдаланишни, Арслонга ўргатишим керак. Битгасини топибди. Буниси яхши», дея хаёлидан ўтказди.

— Кейин-чи?

— Аввало, пул керак, дада. Анави Баха умуман ҳаддидан ошиб кетибди. Босар-тусарини билмайди. Сал биров бундайроқ гапириб юборса, ўшанинг устига сапчийди, ада! Мен ундан учинчи марта калтак ейишни истамайман.

— Нима?! Ҳали у мараз сени урдими?!

Хамелеоннинг жон-пони чиқиб кетди. Ахир ўзи ҳали ўғлини уриш тугул, қаттиқроқ гапирмаганди. Бошқалар эса бечора боласини азоблашяпти. Бунга қандай чидаш мумкин?

— Ҳа, дада. Лекин мен ўз қўлим билан ундан ўч олмоқчиман. Сиз болам жудаям нимжон экан, деб ўйламанг. Ёнида шотирлари кўп эди. Шунинг учун ҳам бир нима қилолмадим. Энди менинг ҳам одамларим бор, битгаси мана! — деб Арслон Ўлмаснинг кўксига муштлаб урди. — Тўғрими, Башара?!

Ўлмасга лақабини эслатиш ёқмади, шекилли, афтини

бужмайтирди.

— Кўринишидан бақувват йигитга ўхшайди, — дея Ўлмаснинг кўнглини кўтарган бўлди Хамелеон. Илло, у ўғлининг нотўғри гапириб қўйганини дарров англаганиди. — Аммо, болам, сенда фаросат деган нарсадан озроқ камда!

— Бу ўрганиб кетган. Биз бирга катта бўлганмиз. Онаси чала туққан буни! — деди Арслон ғўдайиб.

— Чала эмас. Чала бола бундай бўлмайди. Бу бола вақтини озроқ ўтказиб туғилганга ўхшайди. Шер келбат! — деди Хидир Хурсанович.

— Хулас, дада, ўч олишим учун пул керак. Мен бундан бу ёғига сизнинг машинангизда юрмоқчи эмасман. Ҳамма танийди.

— Танигани яхши эмасми?

— Йўқ, дада. Танишса, фалончининг боласи, дейишади. Менинг бўлса ишларим сал қалтисроқ. Дада, пул беринг!

— Оҳо, бунинг оғзидан чиқаётган гапни қаранг. Салом йўқ, алик йўқ, осмондан тап этиб тушиб, пул сўрайди, — дея ўғлини койиди Хамелеон.

— Дада, вақт йўқ-да. Ҳали машина сотиб олишим керак. Ундан кейин анави ит эмганни топишим зарур. Суробини тўғирлашим, сўнг яқин атрофимиздаги «солиқ тўловчилар» билан бир-бир учрашиб чиқишим зарур. Бунга жуда-ям кўп вақт керак.

Ўғлининг бефаросатларча ҳовлиқмалик қилаётгани Хидир Хурсановичга ёқмади. Агар унинг ёнидаги бола бўлмаганида эди, яхшигина сўкиш эшитган бўларди. Бошқалар уришаётган бир паллада у ҳам бир маротаба сўкиб қўйса, албатта, фойдадан холи бўлмайди-да.

— Сен, болам, — деди у Ўлмасга юзланиб, — шундай ошхонага кирсанг, ул-бул пишириб беришади. Кўринишингдан ҳали нонушта ҳам қилмаганга ўхшайсан.

— Дада, ҳали мен ҳам ҳеч нима емадим, — деди шу заҳоти Арслон.

— Сенга ўзим бераман, — дея аччиқ кулди Хамелеон ва халатининг чўнтагидан бир кути тутатқи чиқариб, яна безрайиб турган Ўлмасга, — бор, бора қол, — деб қутининг ичидан бир донасини олиб, лаблари орасига қистирди.

Ўлмас уйга кирди.

— Сенда фаросат борми, ифлос?! — деди Хамелеон ўғлига.

Арслон ҳайрон бўлди ва норози қиёфда отасига қаради.

— Ҳой, эшшакмия, ҳар балоларни ҳамма жойда гапираверасанми? Агар анави бошлаб келганинг чўчқа бўлган тақдирдаям оғзингга келганини валдирайверма! Тушундингми?! — дея гапини давом этказди Хидир Хурсандович бўғилиб.

— Лекин, дада, менинг вақтим оз-да...

— Эй-й, вақтингаям, бошқа нарсангаям, ўйнаб кўяй. Бу аҳволингга уйдан кўчага чиқолмайсан, мараз. Сени еб ташлашади. Бўлақларга бўлиб ташлашади. Шунга ақлинг етмайдами?!

— Дада, агар қуролим бўлса, ҳаммасини эмаклатаман. Мен фақат сизнинг ёнингизда шундай гапираман. Бошқа жойда ҳаммасининг онасини кўзига кўрсатаман!

— Ўчир, овозингни!

— Нима қил дейсиз, дада! Сиз уйда ўтирибсиз, таниш-билишларингизнинг ҳаммаси катта-катта амалдорлар, шулар билан иш қиласиз. Лекин кўчада нима бўлаётганини билмайсиз. Дада, бировнинг биров билан иши бўлмай қолди. Бировни биров ўлдираётганини милиса кўриб қолсаям, ўзини кўрмасликка олиб, бошқа ёққа бурилиб кетяпти. Менга булар ҳали бошланишидай кўриняпти. Бундан бу ёғига, — дея қулт этказиб ютинди Арслон ва яна сўзлашда давом этди, — кучли бўлишим керак!

Хидир Хурсандович кутилмаганда кулди ҳамда ўғлининг елкасига қоқиб:

— Мен сени ҳалиям гўдак деб юрсам, ақлинг анча пишиб қолибди-ку, — деди ва бармоқлари орасида чўғи ўчиб қолганни лаблари орасига қистириб симирди.

Ҳаводан бошқа ҳеч нарса келмади. У қайтадан гугурт чақди. «Курумсоқ. Бошқасини тутатса бўларди-ку», кўнглидан ўтказди ўғил. Аммо у отаси ҳамма нарсани иқтисод қилиш ҳақида ишора берганини тушунмасди.

— Хўш, нима деяётгандим? — дея бурнини тортиб кўйиб сўради Хамелеон.

— Менинг ақлим пишиб қолгани тўғрисида...

— Ҳа. Тўппа-тўғри. Ақлинг пишиб қолибди. Биз қариганга ўхшаймиз. Кўзимиз ҳам ўтмаслашиб қолган. Унча-

мунча нарсаларни яхши кўравермайди. Кўчада ҳар бало бўлиб ётибди, дейсанми? Бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин. Бу кўҳна дунёда нималар бўлмайди дейсан?! Ҳаммаси бўлади! Лекин уни кимдир ташкил қилади. Ана шу кимдир мен. Менинг таниш-билишларим, ошна-оғайниларим. Атай қилинади бундай нарсалар. Энди мен ўзим ташкил қилган нарсаларни ўзим билмай қолибманми? Кўрмабманми? Ҳов, аҳмоқ. Ақл бошқаради. Тушундингми, ақл. Ўша сен оғзинг кўпириб гапирётган нарсаларнинг содир бўлишини ўн йил олдин мен билганман.

— Йўғ-э! — деди кўзлари ҳайратдан олайиб кетган Арслон.

— Ҳа. Худди шундай. Аммо пўртанада сени ҳам кўраман, деб сира ўйламаган эканман... Сени Европага жўнатиб юбораман. Лондон ёки Парижда яшайсан. Қачонки ҳамма ёқ тинчиса, қайтасан. Балки, умуман келмассан...

— Дада, — деди бирдан отасининг гапини бўлган Арслон, — лекин мен ҳозир кетолмайман. Иложим йўқ. Ўзимнинг ҳам Париж ёки Лондонда яшагим келяпти. Лекин бу ёқдаги ишларимни бир ёқли қилмасдан туриб...

— Бас қил!

— Мен эркакман! Бировдан калтак еб кетолмайман.

— У ёғини ўзим тўғрилайман.

— Дада! Мен ўзим қилишим керак. Тўғри, сиз учун жуда осон бўлиши мумкин. Лекин мен ўзим, ўзим қилишим керак, буларнинг барини. Пул беринг менга!

— Сенга пул берсам, юрагимни ҳовучлаб ўтираман. Бегонага берсам хотиржамман.

— Дада, мени қўлидан ҳеч нима келмайдиган латтага чиқариб қўйманг!

— Менинг ўнта ўғлим йўқ!..

— Лекин Париж кўчаларида маст бўлиб думалаб ётишимни истамассиз. Шунда ҳамма мени кўриб, сўкиб ўтиб кетади. Гадоиларга ўхшаб ётган бўламан. Мен шунга тайёрман. Агар ҳозир озгина қўллаб юборсангиз, Парижда ҳам обрўм бошқача бўлади.

— Бор, оғайнингнинг ёнига. Қорнинг очқаб кетган бўлса керак? Бирор нима еб ол.

— Дада, агар пул бермасангиз, ҳеч нима емайман!

— Бор, дедим! Ўйлаб олишимга кўясанми-йўқми?!

Арслоннинг ичига бирдан шодмонлик кирди. У энг майда томирларигача яйради ва уй томонга югурди. Хаёлида отаси рози бўладигандек эди-да...

Арслоннинг қўли овқатга чўзилган, аммо кўзи ташқарида эди. Отасининг ҳар бир ҳаракатини кузатарди. «Рози бўлмасдан иложи йўқ. Мендай ўғлига, барибир, тан беради. Ҳозир шундай ўткирлигимга қойил қолиб турибди. Шунчаки бирдан пул бергиси келмади. Лекин кўнглида сўраганидан ҳам ортиқ бергиси бор», дея дадасига руҳан хужум қилди.

Ниҳоят, Хидир Хурсандович ўғлини чақирди. Арслон гўё учиб чиқди. Ўшшайганча, кўз очиб юмгунча отасининг қаршисида пайдо бўлди.

— Менга қара, сенинг гапларингни эшитиб, фабрикани бекор сотиб олибман, деб ўйладим.

Арслоннинг бирдан қовоғи осилди.

— Аммо гишт қолибдан кўчган. Ҳеч нимани орқага қайтариб бўлмайди. Ташлаб кетсам, кўпчиликдан балога қолишим мумкин. Айниқса, ўртага тушганлардан. Бундан ташқари, анча-мунча маблағ ҳам сарфладим. Сенга пул берман. Фақат битта шарти билан...

— Жоним билан дада! Нима десангиз, ҳаммасини бажараман!

— Майда-чуйдага аралашмайсан. Кейин анави чойхона-пойхоналар, магазин-пагазинлардан, умуман, садо бўладиган жойларнинг бирортасидан ҳам «чўтал» олмайсан. Бизда пул керагидан ортиқ бор. Қиладиган ишинг битта бўлади. Ҳар хил қаланғи-қасанғиларни фабрикага яқинлаштирмайсан!

— Бўлди, дада, гап йўқ. Ўзимнинг ҳам ниятим шундай эди.

— Баха масаласини ўзим ҳал қиламан. У оддий пешка. Бошқа ҳеч нарса эмас.

Арслон бошини эгди.

— Нима, норозимисан?

— Йўқ. Йўқ. Йўқ. Мен шунчаки сизнинг олдингизда уятли бўлиб қолганимдан хафаман. Шунчаки шу ёшимдаям ўзим учун ўзим туриб беролмаётганимдан хафаман.

— Мен сенинг ёшингда сен қилганларнинг ярмини ҳам қилмаганман. Тўғри-да, у пайти мен фақат ўқиганман. Се-

нинг бойвачча даданг бор. Меники эса этикдўз эди.

Хидир Хурсанович бехосдан шундай деб юборди. Ўзи истамаган ҳолда ҳақиқий отаси этикдўз эканини айтиб қўйди. Калтафаҳм Арслон эса тушунмади. Чунки унинг бутун ўй-хаёлини пул эгаллаб олганди.

— Бўпти, кўчага чиқиб тур, — деди Хамелеон ичида хурсанд бўлиб.

— Дада, қанча?

— Бир-икки минг етар?!

— Дада, мен писта сотиб олмоқчи эмасман. Катта иш бошлаяпман. Катта ишга катта пул керак, деб ўзингиз айтгансиз-ку. Камида эллик минг!

— Ни-ма?! — деди бирдан кўзи олайиб кетган Хамелеон. — Ўйлаб гапиряпсанми?! Эллик минг?!

— Фақат менда йўқ, деманг! Ўзингиз магазин-пагазинларга орингни солма дедингиз. Энди гапингиздан қайтманг! Мен ёш бола эмасман-ку!

— Эллик минг, — дея бошини сарак-сарак қилди Хидир Хурсанович, — эллик минг! Оғзининг бир чеккасидан чиқиб кетди-я! Бир пайтлар энг катта ўғри, муттахам боланг бўлади, дейишганида ишонмагандим.

— Дада, мен ўғрилик қилмаяпман-ку!

— Ҳа, тўппа-тўғри, ўғрилик қилмаяпсан. Лекин қароқчилик қилиб турганингни ўзинг ҳам билмайсан.

— Мен эллик минг топиш учун оз-мунча тер тўкканманми?

— Пулларингизни чиритиш учун йиғмагандирсиз!

— Уф-ф-ф! Жигаримни сўраяпсан, жигаримни. Эллик минг! Бор, оғайнинг билан бирга кўчада тур! Бор, қаққайма!

— Хўп, хўп! — деди Арслон ва аввал уй томонга югурди. Эшикни қия очиб, Ўлмасни чақирди. Сўнг у билан бирга кўчага чиқиб кетди.

Эллик минг сўм Хамелеон учун чақадай бир гап эди. Керак бўлса, беш юз минг, бир миллионни ҳам бемалол топиб бера олади. Унинг пули ундан ҳам кўп. Бироқ у сарфлаб ўрганмаган. У уйдан бир тийинсиз чиқиб, чўнтакларини тўлдириб қайтиб келишга ўрганиб қолган. Мана шу нарса ҳозир уни қийнаётган эди.

Пулнинг ҳажми анча-мунча бўлди. У пулларни пойабзал

қутисига солиб, олиб чиқди. Кейинчалик худди шу нарса модага айланиб кетди...

— Буни кўтариб таксима-такси юрма, машинани миниб кет, — деди у «жигар»ини ўғлига тутқазаетганида.

Арслон ўзининг уйига борди. У аввалгидан икки қарич ўсгандай эди. Ияги янада кўтарилган, кўкрагини янада кертганди.

— Ўтирибсанларми сасиб?! — деди ва ўзини диванга ташлади-да, бақирди. — Ҳамманг маразсанлар!

Нега бундай деганини унинг ўзи ҳам билмасди. Шунчаки гўдайгиси келди. Гўдайишни мана шундай ҳақорат билан кўрсатди. Сўнг:

— Ҳозирданоқ ишга киришамиз. Менга машина керак. Сотиб оламан. Ким топиб келади? — деди.

— Мана биз-да, хўжайин! Қўшним сотмоқчи бўлганди. Қуни кеча айтганди. Агар хоҳласангиз, физиллаб бориб ҳал қилиб келаман, — деди Абдураҳмон.

Абдураҳмон — бўйи биру саксон бешдан зиёдроқ. Сочи сарғимтил. Тикка ўсган. Ранги ҳам худди шундай сариқ. Ҳеч қачон ёнидан пул сарфламайдиган одам. Аммо текин бўлса, бутун бошли туяни ютиб юборишга қодир. Яна бу ердагиларнинг ҳаммасидан ёши катта. Шунга қарамасдан шу пайтгача умуман гапга қўшилмаган. Сабаби оддий. У ўй билан банд эди. Кимдан қанча ундириш мумкинлиги ҳақида бош қотирганди. Дарвоқе, унинг яна бир ажойиб хислати бор. Қанча сўксанг ҳам миқ этмайди. Қизариб, бўзариб тураверади. Уйланган. Хотини қоп-қора. Абдураҳмонни «ўйнатади». Битта қизи бор. Келажакда яна иккита қиз туғиб беради.

Арслон машина сотиб оламан, дейиши билан унинг ичида чироқ ёнгандай бўлди. Ахир бир-икки сўм ишлаб олиши мумкин-да ўртада туриб.

— Тузукми машинаси қўшнингнинг?

— Зўр, ўтган йили олганди.

— Бир йилда сотяптими?

— Шеф, у, аслида, савдогар. Россиянинг қайсидир шаҳридан олиб келади. Бир йил минади-да, устига тўрт-беш сўм қўшиб сотворади.

— Менинг машинамининг устига бир тийин ҳам қўймайди. Қўядиган бўлса, онасини учкўрғондан кўрсатаман. Сенинг

ҳам. Тушундингми! Энди сарифингни ўчир! Бир соат вақт сенга. Ўлмас бирга боради. Ҳужжат-пужжат қилиб ўтирмаларинг. Менга машина сув билан ҳаводай зарур. Бугуннинг ўзида ундан фойдаланишим керак. Йўқол, энди, — деди Арслон ва Ўлмасга имлади-да, кўзини қисиб қўйди.

Нега кўз қисганини Ўлмас умуман тушунмади. Шунга қарамасдан «хўп», дегандек бошини ирғаб қўйди.

Улар кетишгач, Арслон бармоқлари билан имлаб, Жавлонни ёнига чақирди.

— Абдурахмон қандай одам?

— Ўтакетган фойдакаш, пасткаш. Бир жойдан бир сўм келишини билса, шу ерга бориб ётволади. Керак бўлса, ундирадиган одамнинг оёғини ялаб ҳам қўяди.

Арслон бош бармоғини кўрсатди-да:

— Зўр, менга шунақа битта ялоқхўр керак бўлиб турганди. Энди менга битта тўппонча керак. Кимдан сотиб оламиз? — деди Хамирга еб қўйгудек тикилиб.

— Бу масалада, — деди Жавлон шу заҳоти қизариб, — Карим устаси фаранг.

Карим ўзининг исмини эшитиши билан сергак тортди.

— Буниси энди қоравой. Қоранинг қони чиққунча сариқнинг жони чиқармиш. Хўш, гапир, Карим, тополасанми?

— Билмадим, шеф. Биттаси бор. Заводда ишлайди. Бирикки марта ўзи ясаганини кўрсатган.

— Ит, мен сенга биринчи ва охириги марта айтаман: ҳеч қанақанги билмадим, деган нарсани тушунмайман! Ҳозироқ қўнғироқ қил. Агар ўша танишинг топиб берса, топиб берди. Бўлмаса, ўзим ундан тўппонча ясайман. Тур ўрнингдан, ифлос, қўнғироқ қил!

Карим сапчиб туриб, йўлакка югурди. Арслон эса қўллари кўксига қўйганча рўпарасида турган Жавлонга юзланди:

— Сен бунақа қилиқни қаердан ўргангансан? Мулойим, юмшоққина, ҳеч нимани бўйнингга олмайсан. Лекин яхши кўринишни боплайсан.

Жавлон бирдан иржайди:

— Хўжайин, бундай сифатлар менда йўқ. Бўлганида калтакнинг тагида қолармидим? Қаранг, кўзларимнинг кўкаргани ҳалигача кетгани йўқ.

— Бўпти, сенинг масаланг билан кейинроқ шуғуллана-ман. Энди бирор нима топиб кел. Ютулик. Одамнинг мияси ғовлаб кетди. Бўл, тез!

— Хўп бўлади. Ҳозир «есть» қиламан.

Арслон ўзини бутунлай диванга ташлади-да, кўзларини юмди. Назарида ишлари жудаям секин кетаётгандай эди. Ҳамма масалани тез-тез, кампир олмани еб битиргунча ҳал қилишни истайди. Эртароқ «кўча» уники бўлиши, шаҳарга унинг рухсатисиз қуш ҳам учиб кирмаслигини хоҳлайди. Аммо бунгача, эҳ-ҳе қанча вақт керак?..

Карим қайтиб кирди. Унинг оғзи қулоғида эди.

— Нима гап? Бир хум тилла топгандай тиржайиб турибсан. Гапир! — деди унга Арслон.

— Шеф, бор экан. Иккита деди. Ҳар биттаси икки мингдан экан. Ўнтадан патрони билан.

— Бор-йўғи ўнта патронми? Ундан кейин мен нима қиламан, тўппончаси билан ёнғоқ чақиб ейманми? Патронларидан бирор мингта бўлсин. Ҳозироқ олиб келсин! Пули тайёр. Мен битта гапираман. Бўл, тез!

Карим яна телефоннинг ёнига югурди. Бир пастда ишни битириб, ортига қайтди.

— Шеф, ҳозирча юз донагина патрони бор экан. Лекин бир-икки кунда айтганингизнинг ҳаммасини ясаб бераркан.

— Келишдик!

Аввал машина келди. Абдурахмон бунинг учун оч биқинига мушт еди. Сабаби, қўшнисини ўзи билан бирга олиб келибди. Яхшиямки, қўшнисини пастда қолдирибди. Йўқса, Арслон унинг жонини суғуриб оларди. Ўлмас эса «товуқ-миялиги» учун сўкиш эшитди.

— Қанча сўради? — деди бироз шаштидан тушган Арслон диванга қайтиб ўтириб, тутатқи тутатаркан.

— Ўн уч минг, — деди Абдурахмон қўрқа-писа.

— Вой, онангни... Мен сенга нима дегандим, ифлос?! Магазинда янгиси қанча туришини биласанми?! — дея бақирди, сўнг Ўлмасга юзланиб, дўқ урди. — Бу ёққа олиб чиқ!

Машина эгаси калтагина, калбош одам экан. Бурни узун, кўзлари катта-катта. Ўйнаб турибди.

— Исминг нима сен сипекулятнинг?! — деди Арслон

бармоқларини бирма-бир қарсиллатаркан.

— Жамил, — жавоб берди машина эгаси хонадагиларга тез-тез қараб чиқишда давом этаркан.

— Туркмисан?

— Ўзбеклашган.

— Ўғирланган машинани ўн уч минг, деб турибсанми?!

— Ўғирланган? Ким айтди ўғирланган деб? Мен машина ўғирлайдиганлардан эмасман. Мен ишимни тоза қиламан. Иркутскдан олиб келганман. Заводагилар навбатда туриб олишган. Биттаси сотадиган бўлиб қолибди. Сотиб олдим-да, келтирдим.

— Мен сенга ўғирланган деяпман. Фарғонадан. Сен Иркутскдан машина эмас, рақам келтиргансан. Уям ўғирланган, — дея Арслон Ўлмасга қаради-да, — бошла, — деди.

Ўлмас Жамилни елкасидан ушлаб, шунақанги қисдики, бечоранинг суяклари синиб кетай деди. У қизариб-бўзариб, ўкириб тиз чўкди.

— Тўхта, — деди Арслон Ўлмасга, сўнг Жамилдан сўради. — Ўғирланган машинани қанчага сотадиган бўлдинг?

— Менга жоним муҳим. Неча пул десангиз сотавераман.

— Эй-й, йўқ. Мен унақа машинани минмайман. Менга рози бўлиб сотишинг керак. Норози... Бошқа нарса бўлгандаям майли эди. Унинг тўртта филдираги бор. Кутилмаганда биттаси чиқиб кетса, онамни кўраман-ку. Шундай экан, нархини айт.

— Саккиз минг.

— Ана бўларкан-ку. Лекин, аслида, буям қиммат. Чунки машина сенга узоғи билан беш юз сўмга тушган. Уям ҳужжатлаштириш ишларига. Ўлмас, бер пулини.

Ўлмас шу заҳоти қутини очди. Пулни санади. Жамилга узатди. Жамил одатда, кўчадан бир сўм топиб олса ҳам санарди. Лекин ҳозир санамади. Санаб бошини балога қўйишни истамеди. Пулни олиши билан кетишга рухсат сўради. Уни Жавлон кузатиб қўядиган бўлди. Ич-ичидан Абдураҳмонда кузатиш иштиёқи кучли эди. Чунки кечирим сўраши керак. Эртага кўз-кўзга тушганда нима дейди?.. Сал туриб эса Каримни уларнинг ортидан жўнатди. «Бориб машинанинг ҳужжатидаги рақам билан моторнинг рақамини, кузовнинг рақамини солиштир», деди. Сўнг девордаги соатга қараб қўйди.

— Бирор ишинг бормиди? — деди унинг безовталигини кўрган Ўлмас.

— Битта ишни бугуннинг ўзидаёқ ҳал қилиш керак. Шунга кеч қоляпман. Падарингга лаънати қурол сотувчи йўқ бўлиб кетганини қара. Келса, ўзининг қуроли билан ўзининг пешонасидан отаман.

— Шошилма, Арслон. Унақалар бизга кўп керак бўлади ҳали. Жамилни ҳам ушлаб туриш керак эди. Бир куни бир коримизга яраб қоларди.

— У мараз. У керак бўлса, ўзининг онасини ҳам сотади. Мен ундайларнинг кўпини кўрганман. Яхшиямки, улар яқиндагина ҳайдалишди. Бўлмаса ҳозир кетарди-ю, юзтасини бошлаб келарди. Бир пайтлар орқаларини ёпишга кийим топишолмаган экан. Кейин қилган ишларини кўрмадингми? — дея Арслон шишани қўлига олди-да, Абдураҳмонга юзланди. — Қўшнинг худди ўзингга ўхшаркан. Библиб қўй, бирор жойда панд бериб қўядиган бўлсанг, орқангдан ичагингни суғуриб оламан!

— Йўқ, йўқ, мен сира панд бермайман. Шу пайтгача бировни алдаган бандамасман. Мен...

— Йиғиштир, менингни! Федядан хабар олдингми?

— Худди шундай, хўжайин.

— Тирикми?

— Яхшиланяпти. Дўхтирлар соғайиб кетади, дейишди.

Уйнинг ташқи эшиги очилиб-ёпилди. Жавлон билан Карим кирди.

— Хўжайин, — деди Жавлон кўриниш бериши билан, — сиз авлиёсиз! Сизга тан бердим. Анави Жамил ҳам тан бериб кетди. Машина ҳақиқатан ҳам, ўғрилик экан. Хужжатдаги мотор рақами билан машинаники умуман бири-бирига тўғри келмайди. Лекин сиз буларнинг ҳаммасини қаердан билдингиз?

— Онанг айтиб кетди. Ифлос, унинг кўзи ўйнаётганини кўрмадингми? Фирт ўғри-ку!

Шундан кейин Каримнинг одами келди. Сетка кўтариб. Уни Арслон бошқача кутиб олди. Кафтини кўрди. Ҳақиқий уста деди. «Сендақалар хурматга лойиқ», деди ва унинг ҳам бошини қиздирди. Сўнг пулини бериб жўнатиб юборди-да, қуролнинг у ёқ-бу ёғини роса томоша қиларкан шотирларига деди:

— Кетдик, битта ифлоснинг ишини бугуннинг ўзидаёқ хал қилишим керак.

Унинг қўлига қурол тегиши атрофидагиларни янада сер-гаклантирди. Ахир Арслоннинг феъли исталган пайтда ай-ниб қолиши мумкин эди-да.

Карим машина ҳайдади. Арслон унинг ёнига ўтириб олди ҳамда иккинчи тўппончани орқа ўриндиқда ўтирган Ўлмас-га узатаётиб, «Отишни биласанми ўзи?» дея уни калака қилган бўлди.

Улардан бироз олдин Фирдавснинг ўқиш жойига Баха ўзининг йигитлари билан келган эди. Тўғри бориб ўзининг таниш домласига учрашди. Аввал ўзининг йигитлари кел-ган-келмаганини сўради. Тасдиқ олгач эса ўзи ҳам Фир-давснинг яшаш манзилини сўраб, билиб олди. Эсидан чи-қиб кетмаслиги учун қоғозчага ёзиб ҳам қўйди ва ташқа-рига чиқди. Кейин бирдан рўпарасидан келаётган Арслон-га кўзи тушди. Унинг ёнида барзангиси ҳам бор эди. «Мен бу боланинг қонини ҳозирнинг ўзидаёқ ичаман. Қўлидан бир иш келмас экан, отасидан пул олиб келади, ит эм-ган», дея хаёлидан ўтказди ва қадамини тезлатди.

— Кучукнинг боласи, мен сенга нима дегандим? — деди Баха ёнидан ўтиб кетаётган студентлар эшитмаслиги учун паст овозда Арслоннинг кўришиш учун узатган қўлига қараб ҳам қўймай.

— Ҳали дадам ит бўлиб қолдимиз?! Мен сен чўчқанинг кунингни кўрсатаман бугун!

Арслон шундай дейиши билан Ўлмас тезда ёнидан ўтди-да, Баханинг биллагини ушлаб, шундай қисдики, унинг кўзлари олайди. Баханинг йигитлари бироз орқада эди. Улар келиб аралашгунча Арслон тўппончасини чиқазди.

— Қот, ҳамманг жойингда! Йўқса, барингнинг пешо-нангдан дарча очаман!

Баханинг шотирлари бирдан тўхташди. Хўжайиндан буй-руқ кутишди. Буйруқ бўлганда ҳам бажара олишмайди. Ахир улар Арслоннинг қўлидаги тўппончани кўришди.

— Шовқин-суроннинг ҳеч кимга кераги йўқ. Машинада гаплашамиз, — деди Арслон.

Доктор келди. Достоннинг қон босимини ўлчамай ту-риб:

— Ўҳ-ху! — деб юборди.

Шифокор билан бирга эри ётган хонага кирган Моҳирўйнинг юраги бирдан орқага тортиб кетди.

— Кўзларингиз қизариб кетгунча ётавердингизми? — сўради шифокор хато қилганини сезиб, дарров гапининг оҳангини юмшатиш мақсадида.

— Ҳалиги, қизим дори олиб келди. Икки дона тилимининг тагига ташладим. Анча яхши бўлиб қолдим, — дея жавоб берди Достон аҳволи оғирлигидан ичи куйиб.

— Ўзи бизларга теккан касаллик. Тиралиб келгунича «Ана яхши бўлиб қоламан, мана яхши бўлиб қоламан. Мен ҳаммадан зўрман», дейди-да, вақтни ўтказиб ётаверади, — деб доктор эркакнинг қон босимини ўлчашга киришди. Ўлчаб бўлгач, юрагининг уришини эшитди. Кўз қорачиқларини яна бир марта текширди. Кейин айтди:

— Олиб кетамиз. Беш олти-кун даволанмасангиз бўлмайди.

— Жа, унчаликмасдир, дўхтир?! Дори-дармонни ёзиб беринг, шу ерда олавераман.

— Менга сизнинг соғлигингиз керак. Касалхонага боришингиз шарт. Уйда укол-дориларни олавераман, дейсиз-у, бир балони бошлайсиз.

Эшик тақиллади. Моҳирўй эшитса-да, ўрнидан турмади. Докторнинг оғзини пойлади. Эшик эса яна тақиллади. Буниси сал баландроқ ва асабийроқдай эди.

— Бор, ўзинг оч. Моҳина ухлаб қолганга ўхшайди, — деди хотинининг қимирламаётганини кўрган Достон.

Моҳина ухламаганди. У деразадан ким келаётганини кўрган ва бу ҳақда ёнида ўтирган Мавзунага айтганди. «Сен очма, уйингдагилар очишсин», деди негадир Мавзуна. Шундай қилиб, эшикни Моҳирўй очди ва кутилмаганда кўзи Миразизга тушди. Дарров салом берди-да, ичкарига таклиф қилди. Аммо «Достонда озгина ишим бор эди», деб меҳмон эшик ортида қолишни истади.

— Ўртоғингизнинг бироз мазаси йўқ эди. Дўхтир келганди. Текшираётганди, — деди унга лаблари тираётган Моҳирўй.

— Эй, шундай бақувват, алпқомат йигит касал бўларканми? Сал бурни битиб қолса ҳам, дарров дўхтирга югурасизлар. Касал экан, кўриб кетамиз-да, — деб ичкарига кирди Миразиз.

Достоннинг кўзининг қизиллиги унинг ҳам кайфияти-ни бузди. Салом-алиқдан кейин докторга қаради.

— Яхши, яхши, катта муаммо йўқ. Қўй гўштини сал кўп еб юборганга ўхшайди, шунга қон босими озроқ кўтарилибди. Ҳозир битта укол қиламиз. Ўйнаб-кулиб жойига тушади, фақат менга қўл ювадиган жойни кўрсатиб юборасиз, — деди доктор.

Моҳирўй қолиб, Миразиз уни ҳаммом томонга бошлади.

— Кечирасиз, кими бўласиз касалнинг? — сўради доктор қўлини юваётиб.

— Яқин ўртоғиман. Тинчликми ўзи?

— Микроинфарктга ўхшаяпти. Кардиограмма қилиш керак. Бунинг учун касалхонага олиб бормасак бўлмайди, — деб илгакка осилган сочиққа қўлини узатди доктор.

— Мен илгари инфаркт бўлганларни мумкин қадар жойидан қимирлатмаслик керак, деб эшитгандим, — дея чўнтагидан гувоҳномасини олиб шифокорга кўрсатди Миразиз. — Кардиограмма жуда катта аппарат эмас. Беморни безовта қилгандан кўра ўша матоҳнинг ўзини бу ёққа олиб келиш яхшироқми, дейман?..

— Бўлди, ока, бўлди. Ҳозироқ касалхонага бориб келаман.

— Яхши. Унгача мен ўртоғимнинг ёнида ўтириб тураман. Кейин биргалашиб битта чой ичамиз.

— Сиз нима десангиз, шу-да, — дея кулди доктор ва тезда керакли нарсаларни тайёрлаб Достонга укол қилди. Сўнгра кетди.

— Нима бало экан? Ростини айтавер, — деди юрагининг уриши бир маромга тушиб, қонининг югурдаклиги йўқолган Достон.

Достон Миразизнинг ёнида ётиб олганига ўнгайсизланиб, ўрнидан туриб ўтирмақчи эди, Миразиз кўнмади.

— Дарров туриб олмагин-да, энди. Уколдан кейин одам дегани сал ётади-да. Борсин дори жойига, — деди кулиб.

Достон хотинига юзланди-да:

— Меҳмон келибди, битта жиз-биз қилиб ташланг, — дея иккала кўзини ҳам қисиб қўйди.

Бу чиқиб кет, дегани эди. Моҳирўй дарров тушунди ва ошхонага эмас, қизининг хонаси томонга кетди. Чўнтаги-

да беш сўми бор. Шунини қизига бермоқчи ва уни дўконга жўнатмоқчи эди.

— Узр, — деди хотини кетганидан сўнг Достон, — сен билан кўришмоқчийдим. Мана бунақа бўлиб қолди. Ҳозир яхшиман. Лекин аввалроқ жуда бошқача эди.

— Хавотир олма. Иссиқ жоннинг иситмаси чиқиб туради-да. Дўхтир сал довдир экан. Шунинг учун озгина бошини силаб қўйдим, — дея жилмайди Миразиз.

— Ҳозир Моҳирўйнинг йўқлигида айтиб олай. Фирдавснинг иши ўйлаганимдан баттарроқ экан. Эскиларни топишимга тўғри келди. Улар билан гапни бир қилиб қайтсам, Фирдавс кўчанинг бошида аллақачон «ижоди»ни бошлаб юборибди. Бир ўзи тўрттасини пачақ қилиб ташлабди, — дея Достон эшик тарафга қараб қўйди-да, ҳамма воқеани ипидан игнасиғача гапириб берди.

— Алғов-далғов замон бошланди. Бунақа пайтда сўров бўлмайди. Бекордан-бекорга қанчаси ўлиб кетади. Гарчи гурӯҳбозликка қарши эсам-да, яхши қилибсан. Шундагина Чўлоқ сал ўйлаб иш қилади. Ҳозир у жудаям ҳаддидан ошиб кетди. Шотирлари билган ишларини қилиб юришибди. Фақат битта нарса, Фирдавс менинг ёнимда туриб, улар билан олишиши керак. Шунда ҳаммаси қонуний бўлади. Лекин шундай дейман-у, бизга ҳам босим бўляпти-да. Битта буйруқ иккинчисига тўғри келмайди. Одамнинг боши қотди. Аммо сен, барибир, кўп хавотир олаверма. Тирик эканмиз, қарши турамиз. Жа, дунё бесўров эмас. Кейин сен бунчалик ўзингга олаверма.

— Ҳаракат қиялман. Лекин сира имкони бўлмаяпти. Назаримда, таёқ айланиб келиб Фирдавснинг бошида синадигандай. Мен уни пишиқ деб ўйлагандим. Аммо кўрсатаётган соддаликларидан газабим қўзияпти. Биров қилган гуноҳни бўйнига олиш керакми?! Энди ўша ошнасини ернинг тагидан ҳам тополмайсан.

— Соддамас у. Одамгарчилиги бор. Агар шу ишни қилмаганида, оғайниси тупроқнинг остида ётарди. У ҳақиқий эркак. Туллак, писмиқ, мулойим супурги бўлишликдан, фақат ўзини ўйлайдиган бўлишдан Худо асрасин. Шу маънода, Достон, сенинг омадинг келган. Чунки биласан, ўғлинг ҳеч қачон пасткашлик қилмайди.

— Лекин осон эмас экан-да, ошна, — деди ичи ғурурга

тўлган Достон.

— Осон нима бор? Ҳеч нима?! Айтганча, ютгуликдан йўқми? — дея кўзларини мўлтиратиб ошнасига қаради Миразиз.

Мақсади Достонни чалғитиш, хаёлини бошқа томонларга буриш эди.

— Бўлиши керак. Музлаткичда. Лекин мен ичолмайманда.

— Сен ичаман деганингда ҳам бермасдим. Лекин Моҳирўйга қандай айтаман. Ҳар қалай, меҳмон деган номим бор.

— Хавотир олма. Ўзим «есть» қиламан.

— Менга қара, дастурхонни шу ерга ёзаверсин. Сен бу ерда ётсанг-у, мен ошхонага кириб оламанми? Бўлмайди. Бир ичингни куйдирай. Сен кўк чой ичасан, биз анави зормандадан.

— Бўпти, бўпти, ҳали ҳаммасини ошиғи билан чиқариб оламан, — деб Достон Моҳирўйни чақирди.

Жувон ҳаялламай дарров кўриниш берди.

— Бизга шу ерга дастурхон ёзинг. Помидор-бодринг билан музлаткичда сарғайиб турган шишани ҳам олиб келинг. Қолган ишларингизни у ёқда ўзингиз қилаверасиз. Биз Миразиз билан дўхтир лаш-лушини кўтариб келгунича гаплашиб ўтираемиз.

— Эсингиз жойидами, Достон ака? Ўзингиз бир аҳволда ётибсиз-у, ичишга бало борми?

— Эй-й, менгамас, Миразизга. Агар ҳозир озгина ютиб олмаса, менинг ёнимда ётишига тўғри келади.

Моҳирўй индамай чиқиб кетди ва тезда эрининг айтганларини бажарди. Еб-ичиб, дастурхон йиғиштирилиб олинганидан сўнг доктор келди аппаратини кўтариб. Қилдиган ишини қилди ва кардиограммага узоқ термилди-да, иягини қашлади:

— Касалхонага бормасангиз ҳам бўларкан. Фақат ўн кун укол оласиз. Турмайсиз, юрмайсиз. Шунда ҳаммаси жойига тушиб кетади.

Доктор ўзида бор дори ва уколларни қолдирди ҳамда эшикдан чиқиб кетаётиб Миразизга шубҳаси тасдиқланганини айтди. Кейин:

— Лекин ейиш-ичишида тартиб бўлса, асабийлашмаса,

тузалиб кетади, — дея хайрлашди.

«Асабийлашмайдиган одам борми? Асабийлашмайдиган пайт борми? Исталган маҳал, исталган нарсадан асабингни ағдар-тўнтар қилиб ташлашинг мумкин. Қачонки гўрга кирсанг асабийлашмайсан», дея хаёлидан ўтказди Миразиз ва Достоннинг ёнига кириб узрини айтди: «Кетмасам бўлмайди, ишлар қалашиб ётибди. Сен кўнглингни кенг қил, Фирдавсга ҳеч нима бўлмайди. Қонун томондан мен турибман».

Ҳа, қонун томонда у турибди. Лекин қонун ўзбошимчаликка йўл қўймайди. Қонун — қонун. Унинг таниши ҳам йўқ. Қариндош-уруғи ҳам йўқ. Қонунни бузиш эмас, қонунга итоат этиш керак. Фирдавс одам ўлдирмаган. Лекин Фирдавс бировларни урган. Қашқир бўлса ҳам, ит бўлса ҳам урган. Бунинг эса жавоби бор. «Лекин, — деди бошини ҳам қилганча кетаётган Миразиз, — онасини эмсин, агар Чўлоқнинг одамлари бориб Фирдавснинг ўртоғини пичоқлаб ташлаганида, миқ этолмасди. Жиноятчи қидириляпти. Албатта, топилади, дерди. Аммо топилиб бўпти. Топилмайди ҳам. Топмоқчи бўлганнинг ўзи ўша боланинг ортидан кетади... Одамнинг жони жудаям нозик дейишади. Лекин шунга меники кирмаса керак. Оз мунча нарсани ичимга ютаманми? Оз мунча сиқиламанми, бироқ тирикман. Қилт этганим йўқ. Яна шу ҳолимга гўдайиб ҳам қўяман. Адолатсизлик. Энг катта адолатсизлик. Чунки аллақачон ўлиб кетишим керак эди... Шу қизимни омон-эсон эгасига топшириб олай, ундан кейин, балки, оёғимни узатиб юборарман...»

Қизи... Қизи отасидан кам сиқилмаган эди. Фирдавс анави зўравонлар билан муштлашиб, уларни бир ёқли қилиб, қўшилиб уйга қайтганида бироз хотиржам тортди. Бироқ Фирдавс яна чиқиб кетди-да. Қаёққа кетганини Мавзуна билмайди. Бу ёғига Достон амакисининг бирдан юраги оғриб ётиб қолгани, дадасининг келгани, барча-барчаси бир бўлиб, бечора қизчанинг бошини тегирмон тошидан ҳам оғир қилиб қўйди. Ҳали ўн саккизга ҳам кирмаган қиз. Ҳали тузук-қуруқ ён-атрофга қаролмаган қизнинг елкасида шунча ташвиш. Бу ёғи дадаси билан аясининг муносабати, унга қўшимча Фирдавснинг бир балоларга ўралашиб юриши. Ўзи нега келганди? Ҳа-а, мақсади узр сўраш

эди. Шу билан Фирдавс, унинг оиласидагиларнинг кўнглини кўтариб қўймоқчийди. Бироқ бутунлай бошқа нарсалар бўй кўрсатиб, қизгинанинг мақсади умуман кўринмай кетди. Бечора қиз ўксина-ўксина Моҳина билан бирга дўконга чиққанидан сўнг қайтмади. Тўғри уйига кетди. «Муздай сувнинг тагида ўтираман. Кейин ёстиққа бошимни босиб ухлайман, барини эсимдан чиқараман», деди. Бироқ уйига борса, онаси бир аҳволда ўтирибди. Сочлари тўзғиган, кўзлари киртайган. Девонасифат.

— Нима гап, ойи? Нимага бунақа қилиб остонада ўтирибсиз? Кўрганлар нима дейди? — деди юраги така-пука бўлаёзган Мавзуна.

Рухшонанинг калласи ўйнади. У секин бошини кўтарди. Шунда Мавзуна кўрдик, онасининг кўзи олайиб кетибди.

— Вой, аяжоним ўзимнинг, аягинам! — дея у тиззалаб ўтирди-да, кўзидан дув-дув ёшини оқизганча, онасини кучоқлади.

— Мавзуна, даданг менга хиёнат қилди. Ўз кўзим билан кўрдим. Кел, икковлашиб ундан ўч оламыз. Уйини ёқиб юборамиз. Уй ҳам ёнади, даданг ҳам. Томошаси зўр! — деди Рухшона.

— Ая, нималар деяпсиз?! Дадам сизга ҳеч қачон хиёнат қилмайди. Сизга шундай туюлган. Дадам қордай оппоқ!

— Ҳа, тўғри, оппоқ. Лекин жудаям совуқ. Этингни музлатиб юборади. Калтакесакнинг терисига ўхшайди. Қўлинг тегиб кетса, чўчиб тушасан.

— Ая, юринг, озгина ётинг. Мен сизга иссиқ чой дамлаб бераман. Ёнингизда ўтираман. Менга эртақлар айтиб берардингиз, эсингиздами? Ана шу эртақларни айтаман. Ҳаммаси эсимда қолган. Туринг, аяжон! — деди юрак-бағри эзилиб кетган Мавзуна.

— Уйни ёқсак, зўр бўларди-да. Мен ҳамма нарсани тайёрлаб қўйибман. Газни очиб қўйдим. Ҳозир ошхона газга тўлган. Шундай гугурт чақиб юборсанг, олам гулистон. Дадангни кутяпман. У киради. Ювинади. Ана шу ювинаётган маҳали билдирмайгина ошхонага кириб, гугурт чақаман.

Мавзунанинг бирдан кўзи олайиб, ранги оқарди. Қиз онасини қўйиб юбориб, уйга кирмоқчи бўлди. Аммо бир-

дан тўхтади. Аясининг қўлига қаради. Дарҳақиқат, Рухшонининг қўлида гугурт бор эди.

— Менга манавини беринг. Айтдингиз-ку, биргалашиб ёқамиз, деб. Шунинг учун гугуртни менга беринг. Гугуртни ўзим чақаман. Сиз эпполмайсиз, беринг менга, — дея қиз онасининг кафтидаги гугуртни олишга тутунди.

— Йў-ўқ, — деди бирдан Рухшона, — ҳаммасининг режасини ўзим тузиб қўйибман. Даданг келганида, сен дадангни чалғитиб турасан. Ошхонага киришига қўймайсан. Мен кейин кираман. Секин кираман.

— Яхши, ая. Менинг чўнтагим бор-да. Дадам сизнинг қўлингиздаги гугуртни кўриб қолса, бирдан хаёли бузилади. Режамиз амалга ошмай қолади. Беринг, мен чўнтагимга солиб қўяй. Дадам келганида секин кўрсатмасдан бераман. Хўпми? Беринг менга...

Рухшона қандайдир ўйга чалғиди. Ана шундан фойдаланган Мавзуна онасининг қўлидаги гугуртни олиб қўйди. Ҳамда шоша-пиша уйга кирди. Бирдан димоғига газнинг сассиқ ҳиди урилиб, юзи бужмайди. У кафти билан оғизбурнини ёпди-да, кўзини хиёл қисиб ошхонага кирди. Ошхонани қандайдир туман қоплаб олганга ўхшарди. У газ ускунаси ёнига борди. Мурватларни бирма-бир бураб, чиқаётган газнинг «оғзи»ни ёпди. Сўнг деразани очиш учун кетаётганида бирдан кўзи тиниб, боши айлана бошлади. Оёқлари негадир ўзига бўйсунмади. Юрди. Жуда оз. Деразача икки қадам бор ҳали. Ўша икки қадам шунақанги узоқки, унга етиш шунчалик машаққатки...

* * *

Ростдан ҳам Неъматнинг йиғлагиси келганди. Ахир у ҳам тош эмас. Унда ҳам юрак бор. У ҳам меҳрга зор. Шундай экан, кўзлари намланиши керак. Ҳатто зарур. Бироз енгил тортади. Бошқа ҳеч нима кўз ёшининг ўрнини босолмайди-да.

У хўрсинди. Сабина янада қаттиқроқ кучди. Энди Неъмат ёнида ўтирган қизнинг юрак уришини ҳам эшитаётганди. Худди шу пайт самолёт «ташлаб» олди.

— Вой, — деди Сабина ва қиқирлаб куларкан, бошини Неъматнинг елкасига қўйди ҳамда шивирлади, — ҳаммаси ортда қолди. Бундан бу ёғига сиз умуман қийинчилик кўрмайсиз...

Шундан сўнг Неъмат яна идишни тўлдирди. Иккиси ҳам бир томчи қолгунича ичиб тугатишди. Газак дудоқлар бўлди.

Ҳар иккиси ҳам сиртдан хурсанд эди. Кутилмаган бахтдан иккисининг ҳам боши осмонда эди. Самолётда эмас, кўкда ўзлари учиб юргандай эди. Бироқ бошқа бир нарсаларни мўлжаллаб қўйишганди.

Самолёт пастлай бошлади.

— Наҳотки шунчалик тез етиб келган бўлсак, — деди Сабина.

— Мен мана шундан кўрққандим. Кўпроқ ёнма-ён ўтирсак, кўпроқ ширин-ширин суҳбат қурсак, дегандим, — дея жилмайди Неъмат.

— Ширини бошқа жойда, — деди Сабина.

Москва аэропортида ит эгасини танимайдиган бир аҳвол эдики, уларнинг жомадонини текширадиган одам топилмади. Бари номига. Номига паспорт текшириш. Номига жомадонларни кўриқдан ўтказиш.

— Омад биз томонда, — деди Сабина аэропортдан ташқарига чиқишганидан сўнг. — Бу ёғига ҳам, Худо ҳоҳласа, ҳаммаси жойида бўлади.

Неъмат булутли осмонга қаради. «Бизнинг бахтимиз мана шу ҳомиладор булутлардан ҳам кўп. Бизнинг бахтимиз Ер юзасига сиғмайди. Биз қайғу нималигини билмай яшаймиз. Бизнинг остонамизга зар тўшалади. Ўғирлик қилмаймиз. Бировнинг бурнини қонатмаймиз. Қонатган бурунларимизнинг қони умримизнинг охиригача етади», дея хаёлидан ўтказди Неъмат.

Улар ҳали эшикдан беш-олти қадам ҳам узоқлашмасидан ёнларига калта қора куртка кийган, жингалак соч йигит келди-да:

— Фаттоҳ Норкуловичнинг қизи сиз бўласизми? — деди майин овозда.

Сабина бирдан жилмайди.

— Ҳа, — деди Неъматга қараб қўйиб.

— Сизни кутиб олиш буюрилган. Машина кутяпти, — деди йигит жиддий оҳангда.

Неъмат унга бошдан-оёқ қараркан, негадир кутиб олувчи йигит унда шубҳа уйғотди.

— Кечирасан, исминг нима? — дея сўради ундан.

— Андрей.

— Жуда яхши. Сен гапимга ишонмассан, лекин ростини айтаман. Мактабдалигимдаёқ одамларга отасининг исмини кўшиб айтишни ёқтириб қолганман.

— Тушундим! Андрей Абрамович.

— Ана энди бошқача бўлди. Кетдик, унда.

Улар оқ рангли «Волга» ёнига боришди. Андрей юкхонани очди. Неъмат бойликларга лиммо-лим жомадонни кўйди. Сўнг улар машинага ўтиришди.

Неъматнинг хаёлидаги шубҳа кучайди. У ҳамма нарсадан шубҳаланарди. Андрей машина рулини буришидан, газ педалини босишидан, машина тезлигини оширишидан, кўзгу орқали қараб кўйишидан, бурнини тортиб кўйганидан, ўрмон томонга кўз ташлашидан... Буларнинг барида мазмун бордай. Буларнинг бари режага асосан бўлаётгандай. Чунки унга кимдир кутиб олиши айтилмаганди. Балки, Фаттоҳ Норкулович бу ёққа кўнғироқ қилгандир. Агар шундай бўлганида у Неъматни огоҳлантирарди. Лекин у ҳеч нима демади. Лекин Неъматнинг ўзи айтди. Шунчаки Розанинг кўнглини хотиржам қилиш учунгина тўқиди. Энди шу ёлғони ҳақиқатга айланиб турибди.

— Андрей, сен Тошкентда бўлганмисан? — деди у бир муддатдан сўнг.

— Йўқ. Лекин отам яшаган. Этикдўзлик қилган... Сизларга кулгили бўлиши мумкин, аммо ҳақиқатан шундай.

— Унда сен шу ёқда туғилган бўлишинг керак.

— О-о-о, афсуски! Мен онамнинг қорнида пайдо бўлишим билан Москвага жўнатган. Кейин ўзи келиб турарди.

— Қизиқ, сенинг бирор марта ҳам Тошкентга бормаганинг қизиқ?!

— Бўлиши мумкин.

— Дарвоқе, биз сенга манзилни айтмадик.

— Барибир, йўл битта. Шаҳарга кираверишда сўрардим.

— Тушунарли. Лекин сен нега менинг кимлигим билан қизиқмаяпсан?

— Мен сизни танийман.

Неъматнинг юраги баттар гупиллади. Унинг қуроли битта. Қайирма пичоқ. Кейин мушти. Урса ҳўкизни ағдаради. Аммо дунёда бошқа бир-биридан даҳшатли қуроллар бор. Уларнинг олдида Неъматнинг пичоғи ҳам, мушти ҳам икки пул.

— Фаттоҳ Норкулович кўнғироқ қилганмиди? — сўради Неъмат йўлдан кўзини узмай.

— Шунақа бўлиши мумкин. Ҳар қалай, менга хабар беришди, холос.

— Чекиш мумкинми?

— О-о, албатта! Ўзимнинг ҳам хуморим тутиб турибди. Бироқ хонимнинг ёнида ўзимни босдим. Ҳатто рухсат сўрашни ҳам одобсизликка йўйдим.

— Айлантирмасдан йўқ, деб қўявермайсанми? Лекин менга нима фарқи бор? Ҳозирда хонимлар замондан ортда қолишмаяпти.

Эркак чўнтагидан тамаки кутисини чиқарди-да, ичидан бир донасини олиб лаблари орасига қистирди ва шу алфозда гапирди:

— Самолётда рухсат бор эди. Энди ёзиб қўйишибди. Мумкинмас деб. Унда менга ўхшаганлар нима қилади? Яхшики ёнимда хоним бор эди. Йўқса, ўларканман.

Андрей унга норози қиёфада қаради-да, елкасини қисиб қўйди.

Шаҳарга кираверишда у ҳақиқатан ҳам манзилни сўради. Жавобни Сабина берди.

Уйга омон-эсон жомадонни олиб киришганидан сўнг Сабина икки кишилик юмшоқ ўриндиққа ўзини ташларкан:

— Чарчадим. Тинкам қуриди, — деди.

— Мен.. Менинг чарчашимга ҳали бор. Мени ўзингиз чарчатиб қўясиз, — деб Неъмат қизнинг ёнгинасига ўтирди ва белига қўлини қўйди.

— Имм. Ҳозир эмас. Ҳақиқатан ҳам толиқдим. Билмадим, нимадир ёқмаганга ўхшайди, кўнглим ҳам айниёпти. Бироз дам олай, хўпми? — деди Сабина нозли овозда.

Неъматнинг завқи ошди. Аммо у ўзини босди ва ўрнидан туриб тўғри ҳаммомга кирди. Салкам муздай сув уни янада тетиклаштирди. Шундан сўнг лаблари орасига тутатқисини қистирди ҳамда айвонга чиқиб, деразани очди. Юзига муздай ҳаво урилиб, янада енгиллашди. Тутунни ичига ютаркан, эсига Андрей тушди. «Барибир, унда бир гап бор. Барибир, ундан яхшилик кутиб бўлмайди. Шунинг учун эртароқ бу ердан кетиш керак. Балки, бирорта уйни ижарага олармиз. Шунда хавфсизроқ бўлади. «Синал-

маган отнинг сиртидан ўтма», деган гап бор. Аслида, менга Сабина ҳам сирли. Унинг қанақа қизлигини ҳалигача билмайман. Отасини биламан. Онасини биламан. Улардан қачон, нима кутишни ҳам биламан. Шунингдек, улардан айнан менга ёмонлик келмаслигини ҳам биламан. Бироқ Сабина... Чиройли, истарали кўрингани билан ичида бир нималар яшириниб ётганга ўхшайди. У эрдан ажрашган. Аммо бу дегани бошқа эркаклар билан «салом-алиги» бўлмаган дегани эмас-да», дея ўйлади Неъмат ва яна бир марта тутатқидан тутунни ўпкасини тўлдириб ютаркан, секин энгашиб пастга қаради. Қандайдир машина тўхтади. Икки киши тушди. Бири иккинчисига юқорини кўрсатди. Ниманидир тушунтирди. Уларнинг шу қилиғи, бирдан Неъматнинг кўнглида гулгула пайдо қилди. У тезда тамаки қолдиғини ташлаб, товони билан эзди ҳамда ичкарига кирди-да, эгнидаги оппоқ халатни ечиб, спортча кийимларини кийди. Ошхонадан ўткир ошпичоқни олиб чиқиб, эшик ёнига борди-да, «глазок»дан йўлакка қаради.

Ҳеч ким йўқ. «Демак, ҳали келишмабди», дея ўйлади. Кутди. Лекин сира оёқ товуши келавермади. Шунда у «Адашибман», дея хаёлидан ўтказди.

Ўх-хў, уй қарийб йигирма қават. Қанчадан-қанча одам яшайди. Бировнинг ёнига биров ёки ўзининг уйига биров келгандир. Ахир Неъмат ҳеч кимни танимайди-ку?!

— Бузуқ хаёлларим бир куни ўзимни хароб қилади, — дея шивирлади у ва ётоққа кирди.

Кичик хоним пишиллаб ухларди. Бир чиройли ухларди. Сочлари ёйилиб, бутун ёстиқни эгаллаб олганди.

— Сабр, сабрнинг таги сариқ олтин, — деди Неъмат яна ўзига ўзи.

Музлаткичда очилган-очилмаган, мияни гангитувчи ичимликлар турарди. Бориб очилмаган қизил суюқликни олди. «Кремль» деган ёзувни ўқиб иржайди. «Шунақа номлисини сира кўрмаган эканман. Ҳойнаҳой, зўр бўлса керак. Ҳойнаҳой, Кремлда ўтирадиганлар ичишса керак. Бундан чиқди, у ёқларда ҳам Сабинанинг таниши бор. Бундан чиқди, ўша танишлари бу ерда меҳмон бўлиб кетишган. Бундан чиқди, ўшалар олиб келишган... Неъмат, аҳмоқ бўлма! Дарров хаёлинг бузилиб, ҳар хил ёмон нарсаларни ўйлайсан. Индамай ўтириб ич, ундан кейин орттиражак

боланг ҳақида ўйла. «Оққан дарё оқмасдан қолмас», деган гап бор. Агар Сабина сенга бола туғиб берса, шубҳасиз, ўша боланинг келажаги зўр бўлади. Чунки буларнинг уруғи тоза. Тоза бўлмаганда отаси бунақанги амалнинг яқинига ҳам келолмасди».

У бир соатда шишани яримлатди. Мияси гангиди. Шайтонлиги ошди. Ўзидан-ўзи ботирлашиб, Сабина ухлаётган ётоққа кирди.

Сабинанинг мияси пишиқлик тўғрисидаги хаёллар билан лиммо-лим эди. «Минг афсус, — дерди у ўзига ўзи, — баъзан ўзинг хоҳламасанг ҳам ёқмайдиган одамингга инонихтиёрингни топширишга мажбур бўласан. Майли, дейсан, шу билан ишинг битиб кетади, қанчадан-қанча тўсиқларни четлаб ўтасан-ку, дейсан». Шу боис, гарчи ҳис этмаётган эса-да, ўзини улкан туйғуларни туяётгандай кўрсатишга уринди...

Қиз бу қилиғи эртага бошига бало бўлиб келишини билмасди. Чунки биров «Ҳой, бундай ишинг ҳаром, кечирилмайдиган гуноҳга ботасан», демаганди-да. Чунки бундай дейдиган одамнинг ўзи йўқ эди. Отасими? У аллақачон оврўпалашиб кетган. Унинг иши-дарди пул йиғиш. Қолаверса, не-не жойларда ким-кимлар билан «миёвлашмаган» дейсиз. Худди шундай онаси ҳам. Албатта, аёл икки мартагина «шўхлик» қилганини ҳисобга олмаса, зебу зийнатга, бойликка ва зўр ейиш билан саёҳатга кўпроқ қизиқар, умуман ҳалол билан ҳаромнинг фарқига бормасди. У қизининг ким-кимлар билан шакаргуфторлик қилишини сезмас ёки билмасмиди?! Ў-ў, билганда қандоқ?! Лекин ичидан уни қувватларди. «Қизим бечора эрсиз касал бўлиб қолади. Аёл зоти эр кўрганидан кейин, албатта, ёнида битта эркак бўлиши керак, йўқса, ёмон касалга чалинади», деб ўйларди. Шуни билган банданинг Сабинани эгали қилиб қўйишга ақли ноқислик қиларди. Бўлмаса, жуда оддий нарса. Бироқ онанинг ақли етмайди. Сабаби, у ўта кетган замонавий. Чек-чегараси йўқ замонавий.

Неъматнинг нафси қонди. Ўтилган вақт мобайнида у чиройли чақалоқни тасаввур қилди. Пешонаси ярақлаган, қўлчалари жажжигина, оппоққина, кўзлари катта-катта, юзида кулгичи бор чақалоқни. Худди ўшандай одамча ҳаромдан бунёд бўлажаги хаёлига келмади. Пешонаси ярақ-

лармикин? Ярақламайди-да. Толе унга кулмайди-да. Аксинча, чексиз омадсизлик, бахтсизлик қамраб олади. Ўғри бўлиб ўсади. Йўлтўсар, бузғунчи бўлиб ўсади. Пиёнисталикни касб қилиб олади. Чунки асли уруғи тоза эмас. Шуни тозалаб олиш мумкин эди. Озгина муддат кетарди шунга. Битта мулла чақирилади. Икки киши гувоҳликка ўтади. Никоҳ ўқитилади. Олам гулистон. Шугина нарсани қилишмади булар. Хаёлларининг бир чеккасига ҳам келмади...

Кутилмаганда Сабина қиқирлаб кула бошлади. Неъмат аввалига иржайди. Кейин қовоғи осилди. «Шу менинг устимдан кулаётганга ўхшайди. Нўноқлик қилди. Эплолмади, деяётган бўлса керак», деб ўйлади.

— Ака, — деди, ниҳоят, кулгидан тўхтаган Сабина, — шер бўлиб кетинг-э! Мен сизнинг олдингизда қуён бўп қолдим. Тўғриси, кутмагандим. Кучингизга шубҳам йўқ эди. Аммо чарчаган, деган хаёлда эдим. Лекин чарчамабсиз. Агар чарчаган ҳолингизда кучингиз шундай бўлса, чарчамаган пайтингизда жонимни суғуриб оларкансиз...

Қиз яна қиқирлаб кулди. Неъмат эса ғўдайди...

Музлаткичда ейдиган ҳеч вақо йўқлигини Неъмат боя кўрганди. Шу боис ўзининг жомадонини очди. У гамини еб келган, колбаса, қовурилган гўшт, пишлоқ, нон бор. Бемалол қорин тўйғазишса бўлади.

Неъмат егуликларнинг ҳаммасини тахт қилиб энди стулга ўтирганида Сабина ошхонага кирди. Суйкалди. Нозланганча Неъматнинг тиззасига ўтириб олди-да, нон устига қўйилган колбаса бўлагини олиб оғзига солди. Ана шу пайт пастга, йўлак тўғрисига, қоп-қора «Волга» тўхтади. Уч киши тушди. Йўлак томонга юришдан олдин биттаси чор тарафга аланглади.

* * *

Ташландиқ завод. Тўғрироғи, умид билан бошланган. Аммо охирига етказилмаган катта иморат. Маблағ тугаб қолган. Қурилиш участкаси бошлиғининг уйи битган. Прораб дала ҳовли қурган. Инженер иккита машина олган. Бош бухгалтерининг ўғли ўқишга кирган. Амалдорлар навбатма-навбат Кисловодскда дам олиб келган. Завод эса битмаган. Фишт етмайди. Цемент йўқ. Арматура тугаган. Ишчиларга маош йўқ... Шунга ҳам ўн йилдан ошди. Деворлар нурай бошлаган. Темирларни занг босган. Адашиб қўйил-

ган ромларнинг ойналари синиб тушган. Ёввойи ўт босган, қўрқинчли бир маскан. Бу ерга камдан-кам одам келади. Келганларнинг ҳам мақсади мана шу. Ким-ким биландир орани очиқ қилиш, хун олиш, қийноққа солиш, нималаргадир мажбур этиш. Яна «миёвлашиш»лар учун ҳам гоҳ-гоҳида мана шу ташландиқ жойдан фойдаланишади.

Фирдавс пешонасини тириштириб, атрофга нафрат билан боқди. Агар ёнида отасининг ўртоқлари бўлмаганида эди, ҳеч қачон бу ерга келмас ва ўз-ўзидан асаби бузилмасди. Ҳали ҳеч гап-сўз йўқ, лекин унинг газаби қўзиган эди.

— Фирдавс, сен ҳеч нарса демайсан. Индамай турасан. Ҳаммасини ўзимиз ҳал қиламиз. Улар билан қанақа тилда гаплашишни яхши биламиз, — деди Соли бузилган бионинг ичкарасига киришларидан олдин.

— Хўп, — деди Фирдавс бошини қимирлатиб.

Ичкарига киришди.

Фирдавс билан муштлашганларнинг ҳаммаси қўллари орқасига боғланиб, бир қатор қилиб шифтга қараб ётқизилган. Ётганларига бирор икки соатча бўлди. Қўллари уюшди уларнинг. Аммо бирови миқ этмади. Тепкилаб, бурунларини, қовургаларини синдиришгандан, майиб-мажруҳ қилишгандан, эркаклик неъматидан айиришгандан кўра қўллари уюшгани маъқул. Қани энди, фақатгина шу жазони қўллашса. Ҳаммаси сочларини қирдириб, ўтга ташлашарди.

— Турғизинглар барини! — деди Абдулатиф.

Бир пайтлар у «амир» эди. Буйруқлари ўтар эди. Ҳозир ҳам ўтди. Эски ҳурмати қолган экан. Шериклари дарров ерга ётганларни бирма-бир турғазишди.

— Буларга қаранглар, ҳалигина дунёни бузаман деб турган аждаҳодай эди ҳаммаси, бир пасда мулла минган эшакдай бўлиб қолишибди, — дея кулди Соли.

Барзангиларининг боши эгик эди. Доскага чиққан билмасвойлардай туришарди улар. Кўрган одамнинг ичи ачийди.

Абдулатиф улардан энг гавдалисининг ёқасидан олди ва бўғиш асносида:

— Ким жўнатганди?! Мақсад нима эди?! — деб сўради.

Бироқ Баханинг барзангиси миқ этмади. Бироз хириллади, аммо жавоб бермади. Бундан Абдулатифнинг қони

қайнади. Туфлисининг учи билан унинг тиззасидан бироз пастроққа тепди.

— Вой! Вой! Вой! — дея энгашди гавдали барзанги.

— Энг осони шу, бундан бу ёғига қийинлашиб кетаверади. Жаҳаннам азобини ҳозирданоқ кўра бошлайсан! Ит! Ким жўнатди?!

Барзанги гапирмади ва бунинг эвазига энди Солининг тепкисидан «бахраманд» бўлди. Кучлироқ, азоблироқ бўлди буниси.

— Айтаман, айтаман! — дея бирдан бақириб юборди жабрдийда.

— Тез! Тез! — қичқирди Абдулатиф.

— Баха! Баха юборди бизни! Шефнинг боласини машина билан уриб ўлдириб кетганнинг тиригини ё ўлигини олиб келинглар, деди!

У яна бир марта калтак еб олмаслик учун шошиб, овозининг борича бақириб гапирди.

— Аниқ шундай дедими?!

— Тирик... Адашиб кетдим, «Тириклай олиб келинглар, Чўлоқнинг ўзи суробини тўғирлайди», деди!

— Энди унинг ўрнига сенинг билан шерикларингнинг калласини жўнатаман!

— Окахон! Қулингиз бўлай! Яқинда уйланганман. Битта болам бор! Битта болам! — дея шу заҳоти у ўзини ерга ташлади.

— Ҳечқиси йўқ. Ўзинг ҳам қанчадан-қанча болани отасиз қолдиргансан. Етим болалар қаторига яна биттаси кўшилади, шу билан олам гулистон, — деди Абдулатиф ва Солига қаради-да, — тайёрами? — дея сўради.

— Ҳар доимгидек.

Магнитофон ёқилди. Овоз ёзгич қурилмаси ишга туширилди. Шундан сўнг Баханинг йигитларини ўзларига кўшиб олиш жараёни бошланди. Бари Бургутга сўнгги нафаси қолгунча хизмат қилишга қасам ичишди. Бахани эса сўкишди ва унга дуч келгани ҳамон ўлдиришларини айтишди. Ўртага бутун оиласи — ота-она, ака-ука, опа-сингил, хотин, фарзандлар қўйилди. «Агар айтганларимга хиёнат қилсам, улардан бирини қатл этишларингга розиман», дейишди. Биттаси жуда ёмон қасам ичдики, Фирдавснинг эти жимирлаб кетди. Одамзот шунчалик ҳам паст кетиши мум-

кинми, «Одамзот ўз туққан онасини гўшангамга кирсин», дейиши мумкинми?! Даҳшат! Даҳшатнинг ўзгинаси», дея кўнглидан ўтказди у ва Солига юзланиб:

— Керак эмасди, — дея шивирлади.

— Хўжайин, ундай деманг. Буларни шу тахлит қасам ичирмасак, исталган дақиқада айтган гапларидан тониб кетиши мумкин, — деди Соли бу гапга жавобан.

Солининг «хўжайин», дейиши ҳам Фирдавсга ёқмади. Ўзи бу ерда ёқадиган одам йўқ эди. Ёқадиган гап йўқ эди. Бунақанги расво, пасткаш сўзларни у сингдиrolмасди ўзига. Бироқ нима қилсин, қулоғи очиқ, эшитишга мажбур. Кўзлари кўришга мажбур.

Онт ичиш маросими тугаганидан сўнг тамға босилди. Беш тийинлик танга катталигидаги айлана. Герб ва тийин ўрнига «Бургут» деган ёзув бор. У аввал чўғда роса қиздирилди. Сўнг янги аъзоларнинг яланғоч кўксига босилди.

Жараён даҳшатнинг ўзгинаси эди. Фирдавс кўришни ҳам, оҳ-воҳларни эшитишни ҳам истамади. Аммо на илож?! Суякларигача зириллаб кетаётган эса-да, тишини-тишига босиб, гувоҳи бўлиши шарт.

Тўрттасига Соли тамға босди. Бешинчисини Фирдавсга бераркан:

— Йўқ дема. Шарманда бўламиз, — дея шивирлади.

Фирдавс учига тамға пайвандланган темирни олди. Бақираётганлар бақиритдан тўхташди. Отасининг ўртоқлари ҳам тек қотишди. Ҳамманинг кўзи унда эди. Кўллари орқасига боғланганлар оғриқни унутишганди гўё. Абдували, Соли, Ёдгорнинг кўзи Фирдавсда эди. Ҳамма кутаётганди. Кўксига тамға босилажак барзанги йигит ҳам кутарди. Фирдавс ёш бола. Қаҳр-ғазаб унинг ичига ўрнашганми-йўқми, шуни билишни иташди ҳамма. Шунингдек, улар бу ишни Фирдавс қилолмайди, деб ўйлашаётганди. Аммо адашишди.

Фирдавс улар кутмаганда темирни олди-ю, барзангига яқинлашди. Давоми даҳшат. Ҳамма музлаган. Ҳамма бирдай тишини-тишига босган эди. Гўёки барчасининг кўксига Фирдавс тамға босадигандай.

Фирдавс ҳеч ким қилмаган ишни қилди. Тамғани барзангининг кўксига жуда секинлик билан яқинлаштирди. Тамғаланувчи иссиқ тафтни ҳис этди. Юраги ўйнади. Оёқла-

ри қалтирай бошлади. Ана босади, мана босади, деб кутди. Шу кутиш асносида чексиз азоб чекди. Азоб-ки охири кўринмайди. Кўзидан тирқираб ёш оқди. Сал бўлмаса, иштонини ҳўллаб қўяёзди. Бироқ Фирдавс тамғани босмади. Барзангининг баданига тегар-тегмас бўлганида «асбоб»ни «изи»га қайтарди ва жилмайди.

— Совиб қолибди. Совиган темир из қолдирмайди, — деди ва Солидан қайтадан қиздиришни илтимос қилди.

Илтимос буйруқ оҳангида эди. Кескин эди. Адо этилма-са, ортида жазоси бордай эди.

— Хўп, — деди Соли бирдан ҳамда Фирдавснинг қўлидаги темирни олди-ю, учини қиздиришга тушди. Барзанги кўриб турди. Ҳозир шу темир унинг баданига босилади. У бунга қандай чидайдди? Йўқ, чидаб бўлмайди! Чидаш ўлим билан тенг. Йўқ, ундан беш баттар.

— А-а-а!!! А-а-а!!! — дея бақирришга тушди барзанги.

Фирдавс унга қаҳр билан қаради-да, ёнига яқинлашиб:

— Сен эркак эмассан!!! — деди.

— Хўжайин, нима десангиз денг. Бошқа нима амал билан мени қийнасангиз қийнанг, лекин тамға босманг, илтимос-с-с-с!!! — деди у кўзидан тирқиратиб ёшини оқизаркан.

Фирдавс бирдан Абдувалига юзланди ва:

— Бу менинг одамим бўлишга лойиқ эмас. Исталган пайти сотқинлик қилади! — дея қовоғини осилтирди.

Кўпни кўрган Достоннинг ошналари унинг «шайтонлиги»ни дарров пайқашди. Қойил қолишди. «Вазиятдан усталлик билан чиқиб кетди», дея кўнгилларидан ўтказишди. Аъзоликка даъвогарларнинг қўркуви икки ҳисса ошди. Чунки уларнинг малакаси паст. Улар фикрлашмайди. Улар кўрганига қараб ҳаракат қилишади.

Фирдавс қабристонни эслатувчи завод ҳовлисига чиқди. Унга Абдували ва Соли эрга-шган эди. Фирдавс тўхтаб уларга юзланди.

— Энди бошқа бу ерга келмаймиз. Анавиларнинг бирор-таси ҳам менга керак эмас. Бугун улар хўжайинига хиёнат қиляптими, демак, эртага мени ҳам сотади! — деди.

— Тўғри. Лекин улардан фойдаланса бўлади. Қора ишларни бажаришади. Аммо сенинг яқинингга йўлашмайди.

— Унда сиз жавоб берасиз. Кетдик.

Абдували қолди. Фирдавсга Солигина шериклик қилди. Улар шаҳарга қайтишди.

Фирдавс қандайдир туман ичидадек сезарди ўзини. Қаёққа борарини билмайди. Бирор нима қилай деса, фикр йўқ. У ҳаттоки отаси билан кўришишни истамади. Тўғри хонасига кириб, ортидан эшикни қулфлади.

Достон оёққа турганди. Чунки у маҳаллари ҳали доридармон айнамаганди. Ишлаб чиқарувчилар виждонини бозор расталарига қўйишмаганди. Тўғрироғи, қўйишганди, бироқ инсоф билан. Дорининг таркибига қаёқдаги нарсаларни қўшиш хаёлларига келмаганди. Шунчаки кўпроқ ишлаб чиқаришар ва ҳеч қаерда рўйхатдан ўтказмасдан таниш сотувчиларига арзонроқ баҳода пуллашарди. Шунинг учун ҳам Достонга дори таъсир қилди. У анча тетиклашди. Ўрнидан турди. Фирдавс қайтиб келгунича хотини билан ошхонада овқатланди.

Достон ўелининг эшикдан кириб келишини кўриши билан бир хум тилла топиб олгандай хурсанд бўлди. Аммо Фирдавс отаси ўтирган томонга қараб ҳам қўймади. Қовоғини осилтирганча хонасига кириб кетди. Яхшики, Солиунинг ортидан келди. Йўқса, нималарни ўйларди у.

— Отасига тортибди. Худди Фаррухнинг ўзи, — дея Соли Фирдавсни мақтади салом-аликдан сўнг.

— Ким? Ким дединг? — дея энсасини қотирди Достон.

— Фаррух...

— Ҳов, — дея шу заҳоти Солининг ёқасидан олди Достон, — агар яна бир марта менинг ёнимда йўқ одамнинг номини тилга оладиган бўлсанг, онангни уч қўрғондан кўрсатаман! Икки қулоғинг билан ҳам яхшилаб эшитиб ол: унинг отаси менман! Мен!

— Бўлди, шуми? Тамом. Унинг отаси сенсан. Худди ўзингга ўхшаган. Фақат билагидаги кучига эмас, ақлига ҳам суянади.

Достон дўстининг ёқасини қўйиб юборди. Пешонасини қўлининг орқаси билан артди.

— Бу ёққа юр, — деб Солини хонасига бошлади.

Улар бир-бирига рўбарў бўлиб ўтиришганидан сўнг:

— Энди гапир, нима бўлди? Қандай бўлди? Кимлар бор эди? — дея Солининг юзига тикилди Достон.

— Хуллас, сен билан бирга бир неча марта ишимизни

битирган ташландиқ жой. Бу ёғи ўзимизникилар. Яна бешта... Фирдавснинг ўзи уларнинг шохларини синдириб ташлаганини биласан... Фирдавс бировга бир мушт урмади. Бировни сўкмади. Лекин шундай қилдики, ҳамманинг жони чиқиб кетаёзди. Бундай иш, тўғриси, унча-мунча одамнинг қўлидан келмайди. Ишқилиб, умри узоқ бўлсин, оғайни. Худо хоҳласа, аввалги обрўмизни қайтариб оламиз.

— Унда нега у қовоғини осилтириб хонасига кириб кетди?

— Ўзига ёқмаганлиги аниқ. Лекин кейинчалик тўғри иш қилганини тушунади... Сенга Абдували битта гапни айтиб қўйишимни тайинлади.

— Нима экан?..

— Кўчиш керак бу ердан. Болалар икки кун қўриқлашадди. Кейин кўчасан.

— Мен...

— Ҳамма нарса ўзгарди. Керак бўлгандан кейин керакда. Биринчи ўринда хавфсизлик масаласи турибди. Биз Чўлоқнинг бор-йўғи бешта йигитининг суробини тўғирладик. Ўзи билан бирга юрганлари, ялоғини ялайдиганлари, киприк қоқмай буйруқ кутадиганлари, обрў талашаётганлари оз мунчами? Улар устимизга бир бостириб келса, сониянинг ўзидаёқ кўринмай кетсак керак.

Достон Солининг гапларини эшитмаётганга ўхшарди. Унинг қаршисида бошқа бир рақиб пайдо бўлган. Фаррух — унинг рақиб. Қабрда суякларигина қолган Фаррух ҳозир унга рақиблик қиляпти. Мана, биттаси келиб: «Фирдавс худди отасига ўхшайди. Отасидай топқир, чаптаст. Ҳар қандай муаммодан осонлик билан чиқиб кетади. Отаси Фаррух худди шундай одам эди», — деди. Достон бир чеккада қолиб кетяпти. Иссиқ-совуғидан хабар олган, касал бўлган кунлари кечаси билан мижжа қоқмай чиққан, бир бурда бўлса ҳам нон топиб берган Достон бугун чеккага чиқиб қоляпти. Шу адолатданми?

— Кўрасан, — деди Достон ғазаб билан, — Фирдавс йўлини топади! Унда туғма талант бор!

Солининг ранги гезарди. Унинг-да қаҳри «бўй кўрсатди». Бироқ тишини-тишига босиб бошини хиёл эгди-да, чўнтагидан сигарета чиқазиб лабларининг орасига қистирди.

— Бу ерда чекилмайди, — деди Достон паст овозда.

— Биламан. Чекаётганим йўқ. Аммо кўчиш керак. Бугуноқ. Кейин кеч бўлиши мумкин. Сен гапларимни охирига-ча эшитмай, ҳар бало, бир бало деяверма.

— Кўчиш?! — дея ўйчан нигоҳини Солига қадади Достон.

— Чўлоқни аҳмоқ десанг, адашасан. Бу ёғи замон ҳам ўзгариб кетди. Ит эгасини танимаяпти. Сени, мени, Фирдавсни ўлдириб кетишгани билан бировнинг иши бўлмайди. Қолаверса, Чўлоқнинг қўли қанчалик узунлигини била-сан. Энг керакли нарсаларингни ол, қолганини шу ёқда тўғирлаймиз.

— Қаерга кўчирмоқчисан?

— «Оқ Мармар» маҳалласига. Шаҳарнинг биқинида.

— Кимники?

— Меники!

— Мен бировларнинг ҳадясига муҳтож эмасман.

— Сенга ҳеч ким ҳадя қилаётгани йўқ. Вақтинчаликка бериб турибман. Кейинроқ пулини тўлаб, сотиб оласан. Энди мижғовланма. Бўл.

Соли уйдан чиқиб кетди. Пастга тушди. Бир қур ён-атрофни кўздан кечирганидан сўнг лаблари орасига сигарета қистирди.

Достон бир муддат жойидан қимирламай ўтирди. Ҳаммаси яна бошидан бошланаётганига унинг сира ишонгиси келмаётганди. Фақат бу сафар у Фирдавс билан бирга бош ролда. «Тақдир, деди у охири ва ўрнидан турди. Деразани очиб ўпкасини тўлдириб-тўлдириб нафас олди-да, бориб Фирдавснинг эшигини тақиллатди. Аввал каравотнинг гижирлагани, сўнг қадам товуши эшитилди. Эшик очилди. Фирдавснинг ранги оқарган эди. Достон эътибор бермади. Тўғрироғи, эътибор бермасликка ҳаракат қилди.

— Кетамиз, ўғлим, кўчамиз, — деди Достон.

Фирдавс отасининг кўзларига бир муддат тикилиб тур-гач, бошини қимирлатди:

— Ҳа. Ҳозир ҳамма нарсамни йиғиштираман.

— Ҳамма нарса шарт эмас. Китоб-дафтарларингни ол. Яна ҳужжатларингни. Қолганини ўзлари олиб кетишади. Фақат тезроқ, ўғлим.

Фирдавс додлаб юборай деди. Йўқ, йўқ! Иссиқ жойини совитаётганидан, хавф-хатар бостириб келаётганидан, эр-

тароқ жуфтакни ростлаб қолмаса ўлдиришлари мумкин-лигидан эмас, ҳаёти остин-устун бўлиб кетаётганидан, бундан бу ёғига ишлари тунда битадиганлар сафига қўшилаётганидан, бир умрга ёмон отлиққа айланаётганидан додлаб юборай деди ва отаси кетиши билан яна ўзини каравотга отди...

Улар роппа-роса қирқ беш дақиқада пастга тушишди. Соли кулиб кутиб олди. Достон оила аъзолари билан кутганидан тезроқ пастга тушганди. Шунинг учун ҳам у жилмайганди.

* * *

Машинанинг орқа ўриндиғига ёнма-ён ўтириши билан Арслон Баханинг бўйнига чанг солди. Сўнгра:

— Кимни ит дединг, мараз?! Яхши тушунмадим! — деди газаб билан.

— Ўзимман ит. Авлод-аждодим ҳам ит... — дея шоша-пиша жавоб берди Баха хириллаб.

— Вой, пасткаш! Ҳароми?! Шунчаликка ҳам борасанми?!

— Чунки мен сени ҳақорат қилдим. Ҳақоратнинг жазоси шу. Агар бирор жойингга зиён етказганимда унинг ҳам хунини тўлардим.

Арслон бирдан Баханинг қорнига мушт туширди. Баха «ҳиқ», деди-ю, букилди.

— Унда мендан қарзинг ачиб ётган экан. Тўлашга умринг етармикин? — дея уни масхара қилган бўлди Арслон.

— Меники етмаса, Чўлоқникини ҳам олиб бераман.

— Тушунмадим?!

— Сен бизга шаҳаншоҳ бўласан. Боя болаларнинг олдида атайлаб асл мақсадимни яшириш учун сени ҳақорат қилгандим. Уларнинг кўнглига шубҳа ораламасин, дедимда. Сенинг тагинг тоза. Нормат чўлоқники булганиб ётибди. Меникида ҳам кир кўп. Шундай экан, хоқон бўлишга биргина сен лойиқсан!

Баха жуда тез гапирарди. Нима қилиб бўлса ҳам, Арслонни эртароқ жаҳдан туширишни истарди. Йўқса, бу оғзидан она сути кетмаган гўдак отасига ишониб исталган бебошликни қилиб қўйиши мумкин эди. Бекорга ўлиб кетади у. Шунча елиб-юургани, ҳаракатлари, орзу-умидини бир лаҳзада бой бериб қўяди. Бир марта ўзи, уруғ-аймоғи

ит бўлса, Нормат чўлоқни сўкса, осмон узилиб ерга тушармиди? Вазият юмшасин, кейин барини аста-секин жой-жойига қўяди.

— Шунақамиди ҳали? Мен билмаган эканман. Айтдим сенга яқинлашишим билан бадбўй ҳид келади деб. Гап бу ёқда экан-да?! — дея Арслон унинг жиғилдонини қўйиб юборди-да, чўнтагидан тўппончани чиқазди.

— Мен отиб ташлашингга қарши эмасман. Бугун ўлдим нима-ю, ўн йилдан кейин омонатимни топширдим нима? Сен бўлмасанг, бошқа биттаси ими-жимиде кекирдагимни узиб ташлайди. Лекин менинг сенга бошқа таклифим бор. Агар бугун иккаламиз дуч келмаганимизда ҳам, барибир, шу масалада эртага сен билан гаплашардим, — деди Баха ўзини хотиржам тутиб. Аслида, унинг юраги ўйнаб кетганди. Ширин жони кўз олдида бир неча марта кўринганди. Лекин у ҳаяжонини босишнинг уддасидан чиқди. Бунинг учун одатий ёлфончлигидан фойдаланди ва кутганидай самарага эга бўлди.

— Гапир, — деди Арслон бироз юмшоқроқ овозда.

— Мен бекордан-бекорга Нормат чўлоқни сўкканим йўқ. Хоҳласанг ишон, хоҳламасанг ўзинг биласан, лекин мен ҳам жонимни яхши кўраман. Унинг олдида пул, бойлик, умуман, ҳамма нарсадан кечиб юбораман. Агар Чўлоқ ҳалиям бақувват бўлганида ҳеч қачон уни сўкмаган бўлардим. У ҳозир банди қуриган баргдай. Қаттиқроқ пуфлаб юборсанг, учиб кетади. Хуллас, давринг келди.

— Шунақами? Ўзинг-чи? Нега энди отингни қамчилаб қолмаяпсан? — дея кесатди Арслон.

— Биз аскармиз. Буйруқ бажариб ўрганиб қолганмиз. Калла ишламайди. Ҳозир айт, бориб фалончининг салласини олиб кел, де. Бораман-у, бошига қўшиб оламан. Лекин ўзим шунинг калласини олиш вақти келганини билмайман.

— Молдан фарқинг йўқ-да!

— Тўппа-тўғри. Аммо битта гапни айтай. Нормат чўлоқни сен йўқ қилишинг керак. Мен ҳамма шароитни қилиб бераман. Мен йўлини биламан.

— Ўзинг чеккада қоласан ва оппоққина кўринасан бошқаларнинг кўзига, шундайми?!

— Қандай хоҳласанг шундай тушун. Битта нарсани эсингдан чиқазма, кимки, Норматнинг бошини олса, ўша

қирол бўлади. Ўғрибоши бўлади. Зўравон бўлади. Одессада, Ленинградда, Москвада, Кавказда у тан олинади. Шундай экан, Арслонбой, сенинг ўзинг ҳал қилишинг шарт. Ҳатто сенга биров ёрдамлашмайди. Ҳаммасини ўз қўлинг билан қиласан.

Арслон тўппончасини беихтиёр чўнтагига солди. Бошини қашлади. Баха эса ич-ичидан хурсанд эди. «Ўйнатдим-ку. Шу ҳолинг билан мени ўйиндан чиқармоқчимидинг? Шошма, онангни кўзингга кўрсатаман. Гўдак. Отангнинг пулига ишонаяпсанми? Бўлди, яхши, ишониб тур. Пулларнинг ҳаммаси менинг чўнтагимга ўтгунича ишониб тур. Ана ундан кейин менинг оёғимни ялайсан. Қафасгинамда, қўриқчи итимнинг ёнгинасидан сенга жой ажратиб қўяман», дея ўйларди у.

Арслон Баханинг башарасига тикилди. Қовоғини осилтирди.

— Ё устидан, ё остидан! Агар мени туширишни режалаштирган бўлсанг, бошингга шундай кунларни соламанки, эртароқ ўлиб кетишни орзу қилиб қоласан! — деди Арслон ва Баханинг биқинига муштлади. Кейин:

— Олдинги ўриндиққа ўт! — дея буйруқ берди.

Машиналар катта тезликда Нормат чўлоқнинг уйи томонга йўл олишди.

Нормат уйқудан уйғонган, аммо карахт бир ҳолатда эди. Каравотидан тураётиб йиқилиб тушди. Сўкинди. «Қайсинг бор?!» дея бақирди. Шунда кеча туни билан ва бугун қарийб тушгача унинг ёнида бўлган, Норматнинг ором олиши учун ҳамма ҳаракатни қилган, бироқ ҳеч натижа чиқазолмаган, ичида «Чекмай ҳар бало бўл, чекаркансан менинг нима ҳожатим бор эди?» дея кўнглидан ўтказган, Норматнинг чорловидан нақ икки соат бурун чиқиб кетган ва қўшни хонадаги икки кишилик ўриндиқда ётган Лида кирди.

— Сен кимсан? — деди қонталаш кўзларини унга қаратган Нормат.

Лиданинг энсаси қотди, ҳам жаҳли чиқди. Пешонасига тушиб турган сариқ сочларини тўғирлаган бўлди-да:

— Эсингдан чикдими? — деди ўзбек тилини бузиб гапириб.

— Нима эсимдан чиқиши керак? — дея ҳайрон бўлиб сўради Нормат.

Лида ўзини мажбурлаб қиқирлади. Сўнг бирдан жиддий тортди.

— Менинг қўлларим эркаловчи, — деди бу сафар рус тилида.

— Нима бўлса ҳам онасининг гўрига. Сен бориб, менга қайноқ бирор нима олиб кел. Яхшиси, қаҳва келтир. Кўриқчилар қайси гўрда? Ҳаммасининг терисини шилиб, сомон тикаман!..

— Билмадим? — дея елка қисган Лида чиқиб кетди.

Нормат оғирликда тегирмон тошини ортда қолдирадиган бошини яна болишга ташлади-да, кўзларини юмди. «Нималар бўлаяпти ўзи? Нега бундай ётибман? Неча кундан бери ётибман? Тирик мурдага ўхшайман?.. Охирги марта ким билан гаплашгандим? Одамларимга нима буйруқ берганман? Анави сариқ сочнинг бемалол гаплашаётганига қараганда, бирови хабар олмай қўйганга анча бўлган. Уфф! Ўзи жудаям ошиб кетди. Кўп чекдим. Ичганим ҳам кўп бўлса керак. Бир-икки кунга ҳаммасидан дам оламан. Ўзи тоққа чиқиб кетишим керак эди. Ҳамма ташвишлар бир бўлиб қийнаб ташлади мени», дея хаёлидан ўтказди. Кейин юмшоқ болиш ҳаддан зиёд юмшоқлик қилаётганини ҳис этди ва ўрнидан турди. У ҳалигина ўрнимдан турсам, «Бари тезда ўтиб кетади. Енгил тортаман. Илгаригидай бардамбақувват бўламан», деб ўйлаганди. Бироқ бундай бўлмади. Унинг юраги шунақа қаттиқ потирлаб урардики, гўё кўкрак қафасини, суякларини синдириб, ёриб чиққудек эди. У мана шу кенг, шинам хонага сиғмаётганди.

Лида қўлида бир финжон қаҳва билан кирди.

— Ҳалиги, сенинг исминг нима эди? — деди унга Нормат.

Лида қиқирлаб кулди ва нозланмасдан айтди-қўйди. Илло буларга нозланиши ўтмаслигини яхши билади. Булар нозланганларни ёмон кўришади. Шартта бир нарса қилишади-қўйишади.

— Ҳмм, менга қара, бирорта дори-пори топиб кел. Мазам йўққа ўхшайди. Жудаям ҳолсизман. Ундан кейин ҳовлига чиққим келаяпти, — деди Нормат.

— Бу аҳволингизда чиқмаганингиз маъқул. Қаҳвадан ичинг, бироз тинчлантиради. Ундан кейин мен... Эшик ёнида уйқусираб ўтирганларга айтай, дори келтиришсин.

Бирор соатда отдай бўлиб кетасиз...

— Нима дединг? — дея бирдан уни гапини бўлди Нормат. — Уйқусираб ўтиришибди?! Мен уларга уйқусираш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман! Ҳэ, най-най, нананг-нанг! Онасидан қачон туғилганликларини эсларидан чиқаришган бўлишса керак. Эслатаман! Бор, чақи-и-и-и-ppp!!

Лида Норматни бунчалик қаҳрли деб ўйламаганди. Чунки куни кеча келганида Нормат маст эди. Кўзлари сузилганди. Гаплари пойинтар-сойинтар эди. Яна ялинганди ҳам. «Меҳрибоним йўқ, биров менга яхшиликни раво кўрмайди. Шунчалик беозорманки, кўргани бир тепиб ўтади. Ҳаммасини биламан. Лекин кўнглим юмшоқлигидан бир нима деёлмайман. Майли, уларни, эркакларни ўзим амаллаб йўлга соламан. Лекин оиламда чатоқ...» Мулойим мушукка ўхшаб кўринган Нормат бир пайтлари уйланиб, энди битта болали бўлганида бегона аёлларга ўзини шунақа кўрсатарди. Кейин-кейин, айниқса, «саман от»га минганидан сўнг бу қилиғи эсидан чиқиб кетди. Бунинг ўрнига дағал, кўпол муомала қиладиган бўлди. Аммо кеча у ўзини билмайдиган аҳволда эди. Шунинг учун ҳам ёшлигидаги маккорлигини ишга солганини билмади ҳам.

Лида тескарига қараб лабини бурди-да, энди даҳлизга чиққан эди ҳамки, ташқари эшик қарсиллаб очилди ва кўзлари қонталаш, сочлари тўзиган, кўлида тўппонча ушлаган бир нусха пайдо бўлди. Лида уни кўриши билан бақариб юборди-да, деворга қапишиб, икки букилди.

Арслон Норматнинг хонасига бостириб кирди. Чўлоқ бундай ҳолатни, албатта, кутмаганди. Ҳайратдан донг қотди.

— Сен?.. Сенинг исминг Арслонмиди? — деди ранги бироз оқариб.

— Чўлоқ! Эсингдан чиқазмаган экансан! Ажалинг етди! Ўласан! — бақирди Арслон.

ЧНормат чўлоқ секин эшик томонга мўралади. Ахир йигитларидан кимдир келиши, манави аҳмоқнинг кўлидан тўппончасини тортиб олиши керак-ку. Йўқ, биров кўринмайди. Бундан чиқди, аҳвол чатоқ. У секин бошини эгди.

— Бир куни шундай бўлишини билардим. Сен менинг болам қаторисан. Ҳозир мени ўлдирмоқчи бўлиб турибсан. Ўлдирасан ҳам. Шу, ўлимимдан олдин битта насиҳат қилай... Майлими?

— Тез гапир! Вақтим зиқ! Ажалинг бўғзингда турибди.

— Хўп, — дея Чўлоқ стол томон юра бошлади. Стол тортмасида тўппонча бор. Амаллаб унга етиши лозим. Ундан кейин манави ҳовлиқмадан, оғзидан она сути кетмаган тирранчадан олдин тепкини босиши керак! Фақат шу йўл билангина тирик қолади.

* * *

Қизнинг боши айланиб кўзи тинди ва секин ёнбошига кулай бошлади. Чунки оёқларидан ўз-ўзидан қувват кетди. Мавзуна букчая бошлади.

— Эсиз, боролмас эканман, деразани очолмас эканман, заҳарланиб ўларканман. Ундан кейин дадам келганида ойим гугурт чақиб юборади. Бутун уй ёниб кулга айланади. Уйнинг ичида мен, дадам, ойим қоламиз. Менинг жоним эртароқ чиқиб кетади. Дадам билан ойимнинг руҳи бараварига осмонга кўтарилади. Эҳтимол, улар шу билан бахтли бўлишар...

Хаёлидан мана шундай ўйлар кечаётган Мавзунанинг кўзлари юмила бошлади.

Миразизнинг қўли ишга бормади. Текстиль комбинатида ўғирликка тушганларни сўроқ қилаётган терговчи билан гаплашиши керак эди тергов жараёни ҳақида. Аммо кутилмаганда у кўз олдига терговчининг афти-башарасини келтирди: совуқ. Агар салгина истарали бўлганида шу бола билан Миразиз гаплашарди. Балки, шунчаки гаплашиб ўтирарди. Тергов деган сўзга унда аллергия пайдо бўлган. Безган. Номини эшитиши билан титроқ тутади уни. Шунинг учун ҳам тергов тўғрисида гаплашишни истамай қўйган. Агар ўша терговчи истарали бўлганида эди, «Ишларинг қалай» дерди, «Бекордан-бекорга бир бегуноҳнинг бурнини қонатиб қўйма», дерди. Аслини олганда, ўша текстиль комбинатнинг раҳбарларини олиб бориб қамаш керак. Ўғирликнинг бошида улар турибди», дерди.

Миразиз ўрнидан турди. Дераза ёнига бориб сал энгашди-да, ташқарига қаради. Рўпарасида тарвақайлаган чинор турибди. Танасига икки қулоч етмайди. Сояси зўр, аммо лекини бор. Айни баҳор келиши билан ўзидан шунақанги бир нималарни тарқатадики, остида сал кўпроқ туриб қолсанг, бурнинг битади.

Миразиз кўксини қашлади ва ортига бурилиб эшик то-

мон юрди.

Пастга тушиб, машинага ўтирганидан сўнг ҳайдовчига уйга боражагини айтди. Юрагининг уриши тезлашди. Ҳаво етишмаётгандай туюлаверди унга. Машина ҳам секин юраётгандай, имиллаётгандай, бундан кўра пиёда борса, уйга тезроқ етиб борадигандай эди.

— Тошбақа ҳам сендан тезроқ юради! Газни босмайсанми одамга ўхшаб?! — дея беихтиёр бақириб юборди Миразиз.

Ҳайдовчи чўчиб тушди. Кўзгу орқали хўжайинига норози нигоҳ ташлади. Сўнг газни қаттиқроқ босди.

Миразиз уйга келганида дарвозасининг кичик табақаси очиқ эди. Ҳар доим ҳар қандай шароитда ҳамма нарсага синчиклаб назар ташлайдиган полковник бу сафар эътиборсизлик қилди ва ичкарига кирди.

Бўсағада хотини ўтирибди. Қўлларини ҳавога кўтарган, бир нималар қиляпти. Шу аснода ўзига-ўзи гапиряпти. Миразизнинг ичидан зил кетиб қадамини тезлатди.

— Нима қилиб ўтирибсан? — деди аёлининг ёнига борганидан сўнг. Худди шу маҳал газ ҳиди урилди унинг бурнига. Бирдан хаёли қочди. Хотинининг жавобини кутмай ичкарига отилиб кирди. Ошхонанинг эшигини тепиб очди. Не кўз билан кўрсинки, Мавзуна узала тушиб ётибди. Жонпони чиқиб кетди ва ҳовлиққанча қизини кўтарди-да, ташқарига югурди.

— Қизим! Мавзуна! Эркагинам! Кўзингни оч, мени кўрқитма, болам! — дея бақирди.

Бахтига ҳайдовчи кетиб қолмаганди. Миразиз машинадан индамай тушди. Кетавер ёки кутиб тур, демади. Ҳайдовчи ҳам ботиниб сўролмади. Хўжайинининг ортидан мўлтираб қараб қолди. Кейин ўриндиққа суянганча кўзини юмди. «Кутиш ёмон. Бир дақиқа ҳам бир неча соатдек бўлиб кетиши мумкин. Агар бироз мизғисанг, дарров ўтадиқўяди», дея ўйларкан, Миразиздан чўчиб кўзини очди. Хавотир билан дарвозага қаради. Нима қилишини билмай турганида, «Қизим, нима қилиб қўйдинг?!» деган аянчли ўкирикни эшитди ва шоша-пиша машинадан тушиб, уйга югурди.

— Миразиз ака, нима бўлибди?! — деди хўжайинининг тепасига келиб.

— Газ! Газдан заҳарланибди! «Тез ёрдам»га қўнғироқ қил, бўл, тез! — дея бақирди Миразиз.

Ҳайдовчи уйга отилиб кирди. Киришда, шундоққина тумба устида оппоқ телефон турарди. Лекин у аввал ошхонага кирди. Қараса, газ мурватларининг ҳаммаси беркитилган. У деразани бир тепган эди, ром ошиқ-мошиғидан чиқиб, ланг очилди. Шундан кейингина ҳайдовчи қайтиб чиқиб, «Тез ёрдам»га қўнғироқ қилди. «Прокурорнинг уйи», дея охирида қўшимча ҳам қилиб қўйди. Чунки шундай деса «Тез ёрдам»дагилар оёқларини қўлларига олиб келишади.

У ташқарига чиққанда, Миразиз қизини жўмракнинг ёнига олиб борган, юзини ювмоқда эди.

— Хўжайин, озгина сув ичириб юборинг, кейин оёғидан кўтарамиз, сув қайтиб чиқади, ичи сал бўлса ҳам тозаланади! — деди ҳайдовчи.

Миразизнинг бахтига Мавзуна кучли заҳарланишга улгурмаганди. Шу боис «Тез ёрдам» машинасидаёқ кўзини очди ва дадасини кўриб, йиғлаб юборди.

— Ўзимнинг она қизим, ўзимнинг ширин қизим, нега бундай қилдинг? Мени тириклайин гўрга тикай дедингку, — дея беихтиёр кўзидан ёшини оқизди Миразиз.

— Дада, улгурмадим деразани очишга, — дея Мавзуна отасига нимжон овозда жавоб берди.

«Демак, Мавзуна газни очиб қўймаган, у ўчирган, деразани очишга улгурмаган... Вақтида келмаганимда ҳозир жонсиз танасининг устида ўтирган бўлардим. Рухшона, Рухшона, нега? Қачонгача давом этади?!» дея хаёлидан ўтказди Миразиз ва бирдан эсига аёлининг битта ўзи уйда қолгани тушди.

— Машинани тўхтатинглар! — деди бирдан.

«Тез ёрдам»да келган шифокор шу гапни прокурордан бошқа биров айтганида нима дейишни биларди. Лекин ҳозир унинг айтганини бажариши шарт.

Миразиз ҳайдовчиси билан бирга ортига қайтди. Рухшона ўша-ўша ўтирган жойида. Ҳаракатлар ўша-ўша. Оғзидан чиқаётган гаплар ўша-ўша. Ачинди. «Ҳаммасига ўзим сабабчман. Кўнгилдаги ният эмас, баъзан хатти-ҳаракат ҳам одамни айбдор қилиб қўйишини жуда кеч тушунибман», — ўйлади ичида.

Миразиз хотинини машинага ўтказди, кейин дарвозани

кулфлади.

Мавзунанинг ичини тозалашганидан сўнг қиз анча тетикланди. «Барибир, бирор ҳафта ётиши керак», дейишди врачлар. Бироқ қизнинг ўзи рози бўлмади. Аммо Рухшонанинг аҳволи бироз оғир эди. У жинниликнинг бошланғич босқичида турарди. Агар шу аҳволида яна бирор икки кун юрса, тамом, кейин бир умр ҳар олти ойда даволаниб чиқишига тўғри келади.

Миразиз қизи билан бирга уйга қайтиб келганидан сўнг тўғри хонасига кирди-да, кийимларини ҳам ечмасдан каравотига чўзилди. Шифтга тикилди ва умрида биринчи марта ўзини-ўзи имтиҳон қила бошлади. Илгарилари у фақат қилган ишларининг тўғри ёки нотўғрилигини баҳоларди. Энди емак-ичмагини ҳам тарози палласига ташлади-ю, беихтиёр ўрнидан туриб кетди. Эҳ-ҳе-е-е, оз мунча ароқ ичдимиз? Агар уларни бир жойга тўпласа, камида битта чўмилиш ҳавзаси тўлади. Кейин калла ташлаб сузиши мумкин... Қачондир, қаердадир битта чол унга «Болам, ичма, ичкилик бир куни бошингни ейди. Чунки ичкилик ҳаром», деганди. Чолнинг гапи эшитгани ҳамон эсидан чиқиб кетди. Мана, ҳозир боши деворга текканида ёдига тушди. «Мен Достонникига нима учун боргандим? Каллани каллага қўйиб «томоқ хўллашга», бундан чиқди, асли ниятим бузуқ бўлган. Ҳаром ичаман деб борганманми, демак, ниятим ҳам ҳаром бўлган. Натижаси эса мана! Сал қолса, оилам кунпаякун бўлиб кетаёзди. Бошқа бир нима сабаб эмас, айни ҳаром луқма аралашгани учун... Тамом. Имтиҳон тугади. Иккига ҳам лойиқ жавоб беролмадим».

— Дада, — деди эшикни оҳиста тақиллатган Мавзуна.

Миразиз шу заҳоти ўрнидан туриб ўтирди-да:

— Лаббай, қизим, — дея жавоб қайтарди.

— Чой тайёр бўлди.

— Хўп, ҳозир бораман.

Миразиз ошхонага кирди. Ўтиришдан олдин музлаткични очди. Ҳамма нарса бор. Бироқ унинг наздида, барига заҳар ўтириб қолгандай эди.

— Буларни емаймиз. Ташлаб юборамиз. Увол яхши эмас. Лекин заҳарланиш ундан баттар, — деди у.

Шу билан бир лаҳзада музлаткич бўшади-қолди ва ота билан қиз бозор сари равона бўлишди.

Кечки пайтга келиб, Миразизнинг кайфияти роса кўтарилганди. Ахир қизи билан бирга овқат қилди, еди. Иккиси роса суҳбатлашишди. Миразиз унга студентлик даврларини гапириб берди. Борган сари кайфияти кўтарилиб кетаверди. Аммо шом қоронғусида ҳайдовчиси етиб келди.

— Хўжайин, ишхонага тезда етиб бораркансиз, — деди у.

— Мен ҳам бир пайтлари сендай эдим. Қизиққон, ҳеч нарсадан тап тортмайдиган. Керак бўлса, ўлимни ҳам менсимайдиган эдим. Мендан олдин кўчага хоқонлик қилган одамни бир чўқишда қочиргандим. Қайтар дунё экан. Мана, пешонамга «ўйинчоғинг»ни тўғирлаб турибсан. Демак, даврим ўтибди. Сеники ҳам ўтади, — деди Нормат ва шу аснода тортмани очиб, тўппончани олди. — Лекин адашасан...

Аммо улгурмади. Қуролини Арслонга тўғирлади, лекин тепкини босишга кеч қолди. Арслон аввал уни отиб қўйди.

— Менмас, — деди Арслон жон талашини бошлаган Норматнинг тепасига келиб, — сен адашдинг! Сен!!!

У шундай дея бақирганча кетма-кет икки марта тепкини босди. Гумбурлаган товушдан бутун хона ларзага келди. Арслоннинг эса кўзи қонга тўлиб, бўйин томирлари бўртиб чиқди. Муваффақиятидан газаби икки ҳисса ошди ва ташқарига мағрур чиқиб кетмоқчи бўлганида кўзи Норматнинг тортмасидаги ўткир ханжарга тушди. Дарров Баханинг гапларини эслади: «Кимки Нормат чўлоқнинг бошини олса, ўша ҳукмдор бўлади!»

У пичоқни олди ва Норматнинг сочидан гижимлаб юқорига тортган эди, бўйин териси таранглашди...

Эшик очилди. Тизилишиб турган йигитлар бирдан ортига тисарилишди. Чунки Арслоннинг қўлида Норматнинг қони томчилаб турган, нурсиз кўзлари чақчайган калласи бор эди.

Энг аввал Баха ўзини қўлга олди ва бақирди:

— Арслон хоқ-қ-қон!!!

Шу заҳоти бошқалар ҳам унинг гапини такрорлаб бўкиришди.

Арслон эса каллани Бахага отди:

— Нима қилишни ўзинг яхши биласан!

Ўлмас қулочини кенг ёзиб Арслоннинг ёнига келди-да,

уни маҳкам кучоқлади.

— Сен эркаксан! Эркак! — деди ва шартга ортига бурилиб, бақирди. — Ҳамманг тиз чўк!!!

Ўзининг ва Баханинг йигитлари шуни кутиб туришганди. Бараварига ўзларини ерга ташлаб, тиз чўкишди.

— Ҳозирдан бошлаб хоқон Арслон бўлади, ҳамманг яхшилаб қараб, таниб ол, йўқса, барингнинг кўзингни ўяман!

Арслоннинг ички ғазаби ҳали-ҳамон тарқамаганди. Шунинг билан бирга ичини бир нималар кемираётганди. Чунки у ҳаётида илк бора қотилликка қўл урди. Урганда ҳам унақа-бунақа эмас. Рақибининг нақ бошини олди. Ҳозир иккала қўли ҳам қип-қизил қон. Ҳали-ҳамон нима бўлаётганини, ўзининг нима иш қилиб қўйганини тўла тушунганича йўқ эди.

— Тан олиш маросими икки соатдан сўнг дала ҳовлида бўлади! — деди Баха орага қўшилиб.

Шу билан у шотирларига ўзининг ҳали-ҳамон амалда қолганини билдириб қўймоқчи эди.

Ўлмас бирдан Бахага қаради. Унинг нима демоқчилигини Баха дарров англади ва Арслонинг қаршисига турдида, қўлини кўксига қўйганча:

— Хўжайин, хоқон, — деди бошини эгиб, — Чорбоқда ҳозиргина ярим гектар келадиган дала ҳовлига эга бўлдингиз!

У шундай деб бошини кўтарди.

— Олдин сув олиб кел, — деди Арслон.

Шу заҳоти чойнакда сув келтирилди. Баханинг ўзи сув қуйди.

Улар ташқарига чиқиб машинага ўтиргунича, Баха йигитларини тарқатиб юборди. Ҳамма майда гуруҳларнинг катталарини дала ҳовлига тўплашни буюрди у. Кейин мурдани қаерга кўмишни айтди.

Арслонни титроқ босди. Ҳали улар шаҳардан чиқиб кетишмаганди. Унинг кўз олдида Норматнинг чақчайган нигоҳи пайдо бўлди. Шу заҳоти Арслонинг пешонасида маржондай тер кўриниб қолди.

— Нима бор?! — деди у.

Овозининг қалтираганини ҳамма сизди. Баха эса устамонлик қилди.

— Орқадан келаётган машинада, — дея у ҳайдовчи Аб-

дураҳмонга юзланди, — йўлнинг чеккасига тўхтат.

Ўлмас Арслоннинг елкасига қўлини қўйиб:

— Ҳамиша ёнингдаман, оғайни. Бир жону бир танман,
— дея унинг қўнглини кўтармоқчи бўлди.

Арслон бир нуқтадан кўзини узмаган қўйи бошини қимирлатиб қўйди.

Ичкиликдан сўнг Арслоннинг ҳаяжони бироз босилгандай бўлди ва у мақтанишга тушди:

— Ҳароми мени лақиллатмоқчи бўлди. Бир нарсалар билан калламни қотириб тортмасидан тўппончасини олишга, кейин мени отиб ташлашга ҳаракат қилди. Лекин менинг қай даражада чаққонлигимни билмасди у. Қарсиллатдим. Гурсиллаб йиқилди.

— Гўрсўхта, сасий бошлаганини билмаган-да. Мен уни аллақачон огоҳлантиргандим, — деди ҳайдовчининг ёнида ўтирган Баха ортига ўгирилиб қараркан, — сенинг номингни айтгандим. Шу болани бош қилиб, ўзинг дамингни ол, дегандим. Лекин гўдайиб «Ўлгунимча тахтада ўтираман!» деганди. Мана, нима бўлди? Аммо сен, Арслон, Худо хоҳласа, ҳаммамизнинг бошимизни бириктириб, катта гуруҳ тузасан. Бунга менинг кўзим етади.

Арслон шишани кўтарди. Томоғидан товуш чиқди: «Култ, култ, култ».

Дала ҳовли, ҳақиқатан ҳам, кенг эди. Боғи, иккита бассейни, гулзори бор эди. Шунингдек, кичкина футбол майдончаси ҳам. Бу дала ҳовли Норматники эмас, Баханики эди. Азбаройи омон қолиш учун Арслонга инъом қилиб юборганди. Агар ҳозирги талотўпдан соғ чиқса, албатта, кейинроқ бундан ҳам зўрини қуриб олишига ишончи комил эди.

Ҳамма югур-югурга тушди. Биров олов ёқишга, бошқаси помидор-бодринг тўғрашга, яна биттаси гўшт майдалашга. Ана шу гўштни кўрган Арслоннинг қўнгли айнаиди. Чунки у бошқача гўштни ҳам кўрганди. Бостириб-бостириб учта тутатқини тутатди.

— Оғайни, — деди унинг ёнига келган Ўлмас, — ҳалиям босилмаяптими?

Арслон «йўқ» дегандек бошини қимирлатди.

— Биринчисида шундай бўлади. Иккинчисидан кейин...

— Нима, сен иккита одам ўлдирганмисан?

- Йўқ, лекин биламан.
- Унда мен ўлдирадиган иккинчи одамни топ.
- Тайёр.
- Ким?
- Баха.

* * *

Хурсанд Хидирович уйида эди. Унга аэропортдагилар Исландиянинг машҳур қип-қизил ичимлигини келтириб беришди. Роса қиммат экан. Нақд уч минг сўм. Бунча пулга керак бўлса, иккита тўйга етадиганини олиш мумкин эди. Бироқ Исландияники ноёб. Нақ ўттиз йил турган экан. Ўзиям анча-мунча қуюқлашиб қолибди. Таъми янги сиқилган шарбатга ўхшаб кетади. Кейин бирдан кайфиятни ҳам кўтариб юборади. Ана шуниси Хамелеонга маъқул келди ва гарчи оғринса-да, пулини санаб бериб юборди.

Эндигина икки қадаҳ бўшатганди, бирдан телефон асабий жиринглаб қолди. Хурсанд Хидирович кўзини юмиб ўтирганди, чўчиб тушди-да, ёқасига туфлаб:

— Ҳэ-э, телефон бўлганни... Падарингга лаънати, шунақа ҳам бемаза жиринглаш бўладими? — дея эринибгина ўрнидан турди-да, гўшакни кўтариб қулоғига тутди.

— Бойвачча, қалайсиз энди?! — деди қўнғироқ қилган одам салом-аликсиз.

Хурсанд Хидировичнинг шу заҳоти ранги оқарди. Бунақанги муомалани Лочин Бўриевич қилади. У — махсус орган вакили. Илгари ҳам бир неча марта ёнига чақирган. Бир неча марта сиқувга олган. «Агар менга хизмат қилмасанг, уруғинг қуяди. Чунки мен сенинг ҳамма кирдикорларингни биламан. Айтиб қўяй, йиғиб қўйган тоғдай пулинг ҳам ёрдам беролмайди», деган ва иккитагина далил кўрсатганди. Унда Хамелеоннинг пора олаётгани акс этган эди. Хурсанд Хидировичнинг мослашиш қобилияти иш бермай қолди. Юрак уриши тезлашиб, ҳаяжон босди ҳамда иккала қўлини ҳам кўтариб таслим бўлди. Шу-шу, Лочин Бўриевичнинг исмини эшитса ёки у қўнғироқ қилиб қолса, бир сапчиб тушадиган одат чиқарди.

— Ия, Лочин акам, ўзингизмисиз?! Буни қарангки, хаёлимдан ўтиб тургандингиз, хурсанд бўлдим! — деди Хурсанд Хидирович худди симнинг нариги учидан Лочин Бўриевич кўриб тургандай ўрнидан туриб, қўлини кўксига қўяр-

кан.

— Шунақами, соғиниб турганмидингиз? Билмабмиз-да. Унда бир келиб кетасиз. Биз ҳам сизга муштоқмиз, — дея кулди Лочин Бўриевич.

— Бўлди, ҳозир-ҳозир, — деб Хурсанд Хидирович гўшакни қўйди. Кейин кўйлагининг тугмаларини ечиб, чуқур нафас оларкан:

— Сен падарингга лаънати қачон ўласан-у, мен қутуламан, — деди минғирлаб.

У шоша-пиша эски костюм-шимини кийди, ранги ўчган бўйинбоғини тақди. Кейин атайлабдан тозаланмаган туфлисини оёғига илди-да, кўчага шошилди.

Лочин Бўриевичнинг идорасидан анча берида машинадан тушди. Ахир унинг таксида келганини валломат кўрмаслиги керак. Кўрса, шунга ҳам бир гап топади.

Кўриқчи йигит унинг нима мақсадда келганини эшитганидан кейин юқорига кўнғироқ қилди ва Хурсанд Хидировичнинг паспортини текшириб, дафтарига қайд қилганидан сўнг киришига изн берди.

— Эшик очик!

Хамелеоннинг қўли ҳали эшикка етиб бормаганди. У оҳиस्ताгина тақиллатмоқчийди. Лекин улгурмади. Лочин Бўриевичнинг йўлакда ҳам кўзи борга ўхшарди.

— Ассалому алайкум, — дея сохта табассум билан ичкарига кирди Хурсанд Хидирович.

Лочин Бўриевич алик олмади. Ҳатто олдидаги қоғозлардан кўзини узиб, унга қараб ҳам қўймади.

— Ўтиринг, — деди.

Хамелеон эшик ёнидаги стулга омонатгина ўтирди.

— Бу ёққа! — дея уни жеркиб берди Лочин Бўриевич.

Хамелеон кўрқа-писа ўрнидан турди ва бир бир қадам босганча дағдағачи столининг бериги томонидаги стулга ўтирди.

— Манави нима?! — дея шу заҳоти Лочин Бўриевич столининг тортмасидан расм олиб унга отди.

Хурсанд Хидирович тутиб қолмади. Чаққонлик маҳорати йўқ эди. У пул топишда чаққон эди.

Полдан суратни олиб қараган Хамелеоннинг бирдан ранги докадай оқариб кетди. Расмда шоввоз ўғли бир одамнинг қонли бошини қўлида ушлаб турарди.

— Ме... Ме... Бу... бу... ме...

— Ҳа-а, худди шундай. Сенинг ўғлинг. Бош кимники, деб сўрамоқчимисан?! Нормат чўлоқники! Бир соат олдин ўғлинг ўз қўли билан Чўлоқнинг калласини олган. У сенга ўхшамабди. Сендаги мослаша олиш, мулойимлик, маккорлик йўқ экан. Қилган ишини кўряпсанми, дангал, дангал, — деди Лочин Бўриевич ундан кўзини узмай.

Хурсанд Хидирович кўксига қўлини қўйди. Унинг ранги баттар оқара бошлаган эди.

«Валломат» столининг тортмасидан чаққонлик билан дори олди-да, ўрнидан бироз туриб Хамелеонга узатди. Бироқ у ололмасди. Бутун вужуди қалтирашга тушганди. Шу боисдан Лочин Бўриевич столни айланиб ўтиб, дорини Хурсанд Хидировичнинг оғзига солиб қўйишга, ортидан сув ичиришга мажбур бўлди. Ўзи эса чекди.

Орадан бироз ўтиб Хамелеоннинг юзига қизиллик югурди ва у қўлидаги расмни яна кўрмоқчи бўлганида Лочин Бўриевич олиб қўйди.

— Етар. Кўрдингми?!

— Хўжайин, хўжайин, энди нима бўлади?

— Нима бўларди? Ўзинг нима бўлишини кутяпсан?

— Ҳалиги мен...

— Йўқ қилиш керак бўлганда, ҳозир сенга ўлигини ҳам кўрсатган бўлардим. Энди ўғлингни пул билан таъминлайсан. Қолгани менинг ихтиёримда, тушундинг?! Сен эса қарамоғимдасан! Энди жўна!

— Ўғлимга ҳеч нима бўлмайдами?

— У ҳозир хоқон. Унга тегиб бўлармиди? Яна менинг ҳам калламни... А? Нима дединг?

Хурсанд Хидировичга ҳаво етишмаётгандай эди. У зўрға уйига етиб олди. Ҳаммомга кириб устидан муздай сув қўйди. Бироз салқинлагандай бўлди. Сўнг ҳалиги қиммат ичимлигини қимматлигига ҳам қараб ўтирмасдан охиригача ичди. Бир туки ўзгармади. Юраги эса сиқилишда давом этаверди. Деразага қараса ҳам, эшикка қараса ҳам, ўша расм кўз ўнгида намоён бўлаверди. «Йўқ, чидолмайман. Аниқ бир ёқли бўламан. Қандай қўли борди ярамаснинг. Ота-бобоси қилмаган ишни қилибди. Вой, ярамас. Вой, аблаҳ!»

Ота-бобоси? Унинг ота-бобоси дегани ғалати. Чунки Арслоннинг асли отаси бошқа-да. У пайтлари Хурсанд Хиди-

рович укувсизроқ эди. Шунинг орқасидан «тушиб» қолди. Бир муддат «ўтириши»га тўғри келди. Ана шу пайтда хотини «юриб» қўйганди. Кўп эмас, оз «юрди». Яна Ёқуб деган яҳудий билан. Ёқуб айтдики, «Сенинг омадинг бор экан. Вақти келиб ҳамма бой-бадавлат бўлсам, дейди. Сен бўлсанг, қоринчанга битта жухудчани солволдинг. Агар уни дунёга келтирсанг, зарга кўмиб ташлайди».

Аёл унинг баҳридан ўтмоқчи эди. Бироқ шу гаплар сабаб тўққиз ой кўтарди ва қарабсизки, Арслон дунёга келиб турибди...

Хурсанд Хидирович хотинининг «саргузашти»дан беҳабар эди. Шу боис уни ўғлим деб қабул қилди.

У оқсочни чақирди.

— Манави бир тийинга қиммат экан, — дея бўш шишани унга кўрсатди, — нархи осмонда. Ўзимизникидан олиб кел. Тўрт бўлак гўшти яхшилаб қовур. Қўй гўшти бўлсин. Устига оқ пиёздан тўғра. Кейин ўзинг ҳам ёнимда ўтирасан.

Ҳа, дарров билинди. Биринчи рюмкани бўшатиши билан мияси қизиб кетди. Гандираклаб ўрнидан турди. «Юқори»га кўнғироқ қилди. Окахонига.

— Ока, — деди кўринмас одамга, — суҳбатингизга муҳтожмиз.

— Ҳа. Хабарим бор. Уйингга ўтаман. Битта шахмат ўйнаймиз. Айтганча, огоҳлантириб қўяй, бу сафар оқ доналар меники бўлади, — деди кўринмас юқори мартабали, ақлли одам.

— Хўп, хўп, — деди Хурсанд Хидирович ҳамда гўшакни қўйди-да, кафтларини бир-бирига уриб ишқалади.

— Хўжайиннинг кайфияти зўр. Бундан чиқди, бу ёғи ҳам даҳшат бўлади. Арслон! Той бола! Хато қилмаган экансан! — дея қийқирди ва ликопчада қовурилган гўшт кўтариб кирган оқ сочни маҳкам кучоқлади-да, даст кўтариб икки марта айлантирганча ерга қўйди ҳамда юзидан чўлпиллатиб ўпиб қўяркан:

— Сен Арслонни яхши кўрасан, тўғрими?! — дея бақирди.

Оқсоч дув қизарганча:

— Ха-а, — деди бошини қимирлатиб.

— Кўрдингми, биламан! Керак бўлса, молу дунё учун

Ўзини томдан ташлайдиган онасидан ҳам кўпроқ яхши кўрасан! Эсиз, шу болани ўзинг туғмагансан-да!

— Туғмасам ҳам, чакалоклигидан кўтариб катта қилганман.

— Тўғри. Шунинг учун ҳам айтяпман, ўзинг туғмагансан-да. Ишимиз зўр. Мен билан битта-битта оласан.

— Йу-у-у, хўжайинжон. Мени...

— Каллани қотирма, ўзим рухсат беряпман.

Хамелеон шундай дея иккита катта пиёлани тўлатди. Ўзи бир кўтаришда ҳаммасини ютди. Оқсоч эса шунчаки пиёлага лабини теккизиб қўйди.

— Олдинроқ катта хўжайинга қўнғироқ қилсам бўлмасмиди? Ҳатто анави ит эмганнинг ёнига боришдан олдин хўжайин билан гаплашиб олсам бўларкан. Ярамас ит, юрагимни ёрдинг, ҳаммаси жойида экан-ку! — деди у ва стулга оҳиста ўтирди-да, бир бўлак гўштни оғзига солиб чайнаш асносида «Лочин Бўриевичнинг жойини солишим керак. Йўқса, у мен тугул Арслонга ҳам кун бермайди бундан бу ёғига. Кетмоним учди. Бундан усталик билан фойдаланишим зарур. Ҳамма томонлама бақувват бўлиб олиш чорасини кўришим керак. Бунинг учун йўлда учрайдиган катта-кичик тўсиқларнинг ҳаммасини олиб ташлашим шарт. Биринчи тўсиқ — Лочин Бўриевич. Ҳозир айни алғов-далғов замони, у хизматнинг битта-иккита одами йўқ бўлиб қолгани билан бировнинг иши бўлмайди. Демак, отни қамчилашим даркор», дея кўнглидан ўтказди. Сўнг яна пиёлани тўлдирди-да, охиригача ичиб бўлиб сигара тутатди. Ҳа-а, тўппа-тўғри, бунақасидан ҳам бор унда. Ичимликнинг энг қимматидан топтириб келган одам сигарага етишолмайдими?

У оёғини чалиштирганча юмшоқ оромкурсига суянган кўйи бармоқлари орасидаги сигара билан уйқуга кетди.

Хамелеон ухлаган пайти сигараси гиламнинг устига тушиб кетибди. Агар ўша маҳали оқсоч кириб қолмаганида, уй ёниб кетиши ҳеч гапмас эди. Оқсоч хўжайинига қаҳрли нигоҳ ташлаб қўйганидан сўнг сигарани кулдонга қўйди ҳамда чиқиб кетди. У ғира-шира қоронғилик тушиб, эшик қўнғироғи жиринглаганидан сўнг дарвозахонага бориб келиб, хўжайинини уйғотди-да, Хурсанд Хидирович кўзини очганидан сўнг қандайдир қора шляпа, қора камзул кий-

ган бир киши сўраётганини айтди.

— Ия, вой ярамас, бирдан ичкарига таклиф қилмайсанми?! — деди Хурсанд Хидирович ўрнидан шоша-пиша тураркан.

Оқсоч хоним елкасини қисиб қўйди.

— Зудлик билан меҳмонхонани тайёрла.

У дарвозахонага боришидан олдин юзини апил-тапил ювди-да, сочиққа чала артиниб югурди.

— Келсинлар, келсинлар, Фулом Турсунович! Қадамларига ҳасанот! Бу сизни танишмабди-да! Жуда ноқулай бўлди, минг бор узр! — дея ялтоқланди у.

— Йўқ, тўғри қилди. Йўқса, сен хумпарни ўзим уйғотишим керак бўларди, — дея хунук иржайди узун бўйли, кўзлари катта-катта, қорачадан келган, соқоли қиртишлаб олинган одам.

— Кутиш. Ўтириб-ўтириб... Шу десангиз, кўз кетиб қолибди-да. Қани, ичкарига марҳамат!

Хамелеон Фулом Турсуновичнинг олдида минг бир товланиб, уни меҳмонхонага бошлади. Оқсоч ниҳоятда чаққон, батартиб аёл эди. Чақ-чуқларнинг ёнига ширинликларни ҳам қўйишга улгурибди. Кейин помидор-бодринг ва шунга ўхшаш газакларни ҳам дастурхонга қўйди. Шунинг билан бирга «бўйни узун»дан иккитасини келтирди.

— Шошма, — деди Фулом Турсунович энди шишага қўлини узатган Хамелеонни тўхтатиб, — олдин гаплашиб олайлик. Ана ундан кейин ичкилик бўлса, қочмас. Нима гаплар, менга шундан гапир?

Хурсанд Хидирович гапиришдан олдин ҳамсуҳбатига қараб олди. Кейин томоқ қириб бугунги воқеаларни бирма-бир гапириб берди.

Фулом Турсунович (бу ўша кўринмас одам) бир нуқтага термилганча унинг гапларини эшитди. Сўнг қаншарини қашлаб деди:

— Нормат «пишган» эди. Шунинг учун ҳам ўғлини машинада уриб кетган бола топилмади. Тўғрироғи, аллақачон топилганди. Лекин йўқ қилишига рухсат бермадик. Арслон... Ҳмм. Ўткир чиқибди.

— Энди ҳайронман. Мен ҳеч қачон бунақанги...

— Хавотир олма. Зўр. Лекин Лочин ҳам анойиларданмас. Унинг одами Норматнинг атрофида ўралашиб юрганини

билар эдим. Қизталоқ, тезкор экан. Ўшани топиш керак. Йўқса, Арслон Норматдан баттар бўлади. Аммо бу ҳам муаммонинг каттаси эмас. Ими-жимиди тўғирлаш қийинчилик туғдирмайди. Муаммо бошқа ёқда. Худди Арслондай бошқа бир жойда биттаси яхшигина одам тўплаган атрофига. У Арслондан ақллироқ. Демак, тўқнаш келишса, бе-малол ютиб чиқади.

— Ким экан у? — дея пешонасини тириштириб сўради Хурсанд Хидирович.

— Бир пайтлари гапга кирмас, билганидан қолмас бир бола пайдо бўлганди. Исми Фаррух эди. Муштдай боши билан бутун шаҳарни қўлга олганди. Кейин уни битта чўпон отиб қўйди-ю, ҳамма бир балодан қутулди. Хуллас, ундан ўғил қолган экан. Отасининг «тахт»ига даъвогарлик қилаётган эмиш. Қўллаётганлар ҳам отасининг одамлари. Демак, ёшлик билан ақл бирлашган.

— Йўқ қилишга ожизмизми?

Хамелеон шундай дейиши билан Фулом Турсуновичнинг қошлари чимирилди. Жаҳли чиқди. Аммо буни билдирмаслик мақсадида:

— Анави зормандадан қуй. Жа маҳтал бўлиб қолди, — деди.

Хурсанд Хидирович чаққонлик билан шишани қўлига олди-да, пиёлаларни тўлдирди. Ҳар иккиси ҳам бир имода пиёлани «оқ» қилишди.

— Ака, — деди бироз тетиклашган Хамелеон бурнини тортиб, — битта нозик иш тўғрисида ўйлаб турибман.

— Гапир?!

— Битта тўсиқ бор. Агар шуни олиб ташлайдиган бўлсак, Фаррух тугул ундан каттасининг боласи бош кўтарса ҳам, мажақлаб ташлайман.

— Ким?

— Лочин Бўриевич.

— Рухсат. Фақат бу масалага мен аралашмайман. Ими-жимиди ҳал қилсанг, қандингни ур. Қовун туширсанг, калланг билан жавоб берасан.

— Бу ёғига хотиржам бўлинг. Қани, яна битта-биттадан олайлик. Шахсан ўзим бундан икки йил муқаддам Москвадан келтирганман. Кўзингизга таниш кўринмаяптими?

— Бунақа шишалардан анчасини бўшатганмиз... Ўғлинг

келганидан сўнг у билан яхшилаб гаплашиб ол. Фирдавс масаласи бир ҳафтада ҳал бўлиши шарт! Бўлмаса, «тахт» унга ўтиб кетишини эсингдан чиқазма.

* * *

Миразиз тўғри бошлиқнинг хонасига кириб борди.

— Ҳамма ёқ остин-устун бўлиб кетяпти, — деди кайфитсиз бир аҳволда ўтирган бошлиқ ўрнидан туриб Миразиз билан кўришиш учун қўлини узатар экан. — Нима қилишни билмай бошим қотди.

— Тинчликми, хўжайин? — сўради Миразиз ҳайрон бўлиб.

— Тепада амал талаш, бойлик талаш, пастдагилар эса бир-бирини ўлдириш билан овора. Бунақада тез кунда етти-саккизга бўлиниб кетсак, сира ажабланмайман. Хуллас, гап бундай, ўртоқ полковник. Норматни ўлдиришибди. Ўлдирганда ҳам унақа-бунақа қилиб эмас, нақ калласини олишибди. Ишни зиммангизга юклайман. Шахсан ўзингиз шуғулланмасангиз, қолганлар бирор наф чиқазолмайди. Мен четнинг қўли борми, деб қўрқиб турибман. Анавиларда батафсил хабар бор. Лекин уларни биласиз, Москвага хизмат қилишади. Ҳозирданоқ ишга киришинг!

— Хўп бўлади. Лекин...

— Лекинга ўрин йўқ, полковник! Жиноятчилар топилиши, панжара ортига тиқилиши шарт, тамом-вассалом!

Миразиз бўшашибгина бошлиқнинг хонасидан чиқди. Унга одатда, иқтисодий жиноятлар бериларди. Майда-чуйда безорилик, оилавий келишмовчилик ишларини ҳам қилган. Аммо бунақа тўда тўплаганлар, «кўчага эга» чиқиб олганлар билан бошқа бўлимдагилар шуғулланишарди. Бу сафар унинг бўлимига умуман алоқаси бўлмаган иш топширилди. «Бекорга бўлмаса керак. Бунинг тагида бир гап бор. Йўқса... Менга ўхшаган битта прокурор кетса кетди-да. Ҳамиша қурбонликлар бўлган ва улар ўзлари билан кўп нарсани олиб кетган-у, бошқалар сутдай оппоқ бўлиб қолаверган. Секин-секин шошмасдан бошлайверай-чи, қолгани бир гап бўлар», дея кўнглидан ўтказди. Ҳамда айвонга чиқиб чўнтагидан тамаки қутисини олди ва пастга қаради. Бир йигит шошиб келарди. Ён-атрофига қарамасди. Миразиз тикилиб турди. Бироқ нега шошиб келаётганини ҳаракатига қараб билолмади ва беихтиёр чека бошлади.

Шошилаётган йигит тез ортига қайтди. У Нормат ҳақида прокуратурага маълумот келтирган эди. Қисман, махсус жойдан келганди бу хабар. Қотилнинг бўйи, ёши, юз тузилиши ёзилганди унда. Буни қарангки, Фирдавсникига ўхшайди. Арслонники умуман бошқача.

Миразиз чекиб бўлмасидан яна бошлиқ сўраётганини айтишди.

— Мана сизга ёрдам, — деди бошлиқ худди тилла топгандай иржайиб, — воқеани жойига бориб ўрганганингиздан сўнг шу параметрлар бўйича жиноятчини қидирасиз. Ўйлайманки, албатта, топасиз. Олиб келинг, ўзим у муттаҳамни чиқмайдиган қилиб тиқиб юбораман!

Энсаси қотган Миразизнинг қазаби кўзиди ва хонадан чиқиб кетди.

* * *

Неъмат билан Сабина бир-бирига емак чайнаб беришаётганди. Неъматнинг ёшига мос эмасди бу қилиқ. Лекин нима қилсин, ҳамроҳи ёш нарса, унча-мунча шўхликлар қилиши табиий. Кўтариши керак. Шунда, албатта, ҳаммаси жой-жойига тушади...

Эшик қўнғироғи жиринглаганидан сўнг иккиси ҳам сергак тортиб, бир-бирига қараб қўйди. Сабина чаққонлик билан Неъматнинг тиззасидан туриб пилдирабгина эшик ёнига борди-да:

— Ким у? — деди рус тилида ноз билан.

— Ўзимизникилар, — деган овоз келди эшик ортидан.

— Андрей! О-о-о!!! Мен сени қанчалик кутганимни билсанг эдинг! — дея ҳайқирди Сабина.

Неъмат шу заҳоти ўрнидан турди. Кўзи олайди. «Бу мараз нима деяпти? Андрейни кутганмишми? Ҳозир мен сенга куттириб қўяман!» деб хаёлидан ўтказди.

Сабина чаққонлик билан эшикни очди ва не кўз билан кўрсинки, Андрейдан ташқари башаралари совуқдан-совуқ, лекин иржайиб турган яна икки киши турибди. Қизгина дами ичига тушаркан, истар-истамас:

— Марҳамат... — дея йўл бўшатиб ичкарига таклиф қилди.

— Мен сизларни безовта қилмаслик учун кўп уриндим. Тўғриси айтсам, суҳбатлашиш иштиёқи баланд эди. Қолаверса, бир-биридан қизиқ хабарлар оқими тўхтайдиган

масди. Шунинг учун ҳам гарчи одобсизлик эса-да, келишга мажбур бўлдим. Буни тўғри тушунасизлар деган умиддан, — деди Андрей эшикдан уч қадамча ичкарилаб.

Унинг гапларини ошхонадан келаётган Неъмат ҳам эшитди ва кўнгли бир қадар хотиржам тортгандай бўлди.

— Меҳмонхонага киришлар. Фақатгина минг бор узр, биз ҳали яхшилаб жойлашишга улгурмаган эдик. Бесаранжомлик учун айбга буюрмайсизлар, — деди Сабина гўё хижолат тортган киши бўлиб.

— Ностандартлик — менинг шиорим. Тартиб бор жойда иш кетмайди, деб ўйлайман, — деб мийиғида кулиб қўйди Андрей.

Улар меҳмонхонага киришганидан кейин бирин-кетин стулларга ўтиришди. Неъмат ҳам келиб улар билан кўришар-кўришмас қаторларига қўшилди.

Бунақанги маҳал салгина фаросати бор қиз ошхонага югуради. Аммо Сабина учун бундай нарса ёт эди, шу боис у ҳам Неъматнинг ёнига «қўниб» олди ва Андрейга юзланди-да:

— Гапларинг юрагимни ўйнатиб юборди. Наҳотки биз ҳали келишга улгурмасимиздан шунча воқеалар бўлган бўлса юртимизда, — деди.

— О-о-о, буни замоннинг тезкорлигига йўйган бўлардим. Биз ҳали ҳам тезкор замонда яшаётганимизни ҳис этмаяпмиз, мен сизга айтсам, — деди Андрей ва бирдан Неъматга қаради ҳамда умуман бошқа гапни бошлади. — Мен ҳақиқий яҳудий оиласида катта бўлганман. Бизда шафқат ҳам пул билан ўлчанади. Меҳр-оқибатнинг ҳам пули бўлмаса, сариқ чақага қиммат нарсага айланади. Биз мақсадимиз йўлида ҳеч нимадан қайтмаймиз. Ҳар қандай тўсиқни чилпарчин қиламиз. Оғайни, Сабинани Москвагача кузатиб келганинг учун раҳмат. Билишимча, жуда кўп нарсадан хабаринг бор экан. Ўша хабарларингнинг баъзилари кўринмас тўсиқчалар ҳосил қилибди. Сенга ҳаётдан сўнги лаззат олиш имкони берилди ва ўйлайманки, бундан унумли фойдаланиб қолдинг.

Андрей гапини тугатиши билан ўзи билан бирга келган йигитлардан бирига юзланди. У эса шартта ўрнидан туриб қўйнидан тўппонча чиқарди ва Неъматнинг бошига қадади.

— Андрей, бу нима қилганинг? Нега бирдан?! Ахир сен Неъмат билан ҳаттоки гап талашмадинг. Яхшилаб танишишга ҳам улгурмасингдан пешонасига қурол ўқталиб турибсан? Нимаси бу?! Тушунтир менга! — дея Сабина Неъматнинг қўлини маҳкам қучоқлади.

— Фурсат йўқ, — деб Андрей шеригига ишора берди.

Шерик худди шуни кутиб турганди. Бирдан тепкини босди. Тўппончага овос пасайтиргич ўрнатилгани боис «гуп» этган товуш эшитилди ва Неъмат бирдан орқасига қулади. Сабина чинқириб юборди-ю, иккала кафти билан юзини беркитиб олди.

— Айвонга чиқариб ташланглар! — дея юзига сачраган қон юқини дастрўмоли билан артди Андрей.

Шериклари мурданинг қўлтиғидан олиб судрашди.

— Хоним, хоним, — дея Сабинанинг елкасидан қучди Андрей, — ҳеч нарса бўлгани йўқ. Бор-йўғи меҳрибон дадангизнинг буйруғини адо этдик. Қани, энди туринг, ошхонага ўтайлик. Бу ерни йигитлар тартибга келтиришади. Ҳалигина ўзингиз айтгандингиз, йўлдан келиб улгуролмадик, ҳамма ёқ бесаранжом деб. Ана йигитлар бир пасда хонангизни чиннидай қилиб қўйишади. Юринг, юринг.

У қизни кўтарди ва қўлини унинг елкасидан олмаган қўйи охсона томонга етаклади. Сабина дир-дир титрарди.

— У, — деди охсонага киришганидан сўнг Сабина, — отамга садоқат билан хизмат қилганди. Ҳеч ҳам хиёнат қилмаганди. Шундай экан, отам нега уни ўлдиришни буюрди.

— Айтдим-ку, баъзан кўп билиш ҳам бошга битган бало бўлади, ундан кўра стулга ўтиринг, мен сизга қуйиб берай, битта отасиз, шу билан олам гулистон.

Сабина ўтирди. Қўллари шундай титрадики, стол қимирлай бошлади. Қўлига суюқлик тўла фужерни олганди, ичидагининг ярми тўкилиб кетди.

— Шошманг, шошманг, ўзим ёрдамлашиб юбораман, — деб Андрей қизни маҳкам қучоқлади-да, оғзига идишни тутди ва бирдан кўтариб юборди.

Суюқликнинг ярмидан кўпи Сабинанинг оғзининг чеккасидан оқиб кетди.

Андрей қизнинг газак қилишига йўл қўймади. Яна фужерни тўлдирди...

— Нима бало, мени ҳам ўлдирмоқчимисан?! — бақариб

юборди Сабина бунисини тўкмасдан охиригача ичганидан сўнг.

— Ягона чора — шу! Ана, ўзингга келиб олдинг, энди бемалол манави помидор бўлакчаларидан ейишинг мумкин.

Сабина алам билан кўзининг ёшини артди-да, ўткир нигоҳини Андрейга қаратди:

— Нега? Нега отам Неъмат акани ўлдиришга буйруқ берди? Нега?

— Бунисини отангнинг ўзидан сўрайсан.

— Мен энди бу уйда яшолмайман.

— Биладан. Шунинг учун Москва остонасидан сенга уй олиб кўйилган.

— Хўш, яна нима янгилигинг бор менга?

— Отанг ҳафтанинг охирига келади ва муқим яшай бошлайди. Иккинчиси, юртинг ҳокимиятида ўзгариш бўлди.

— Тушунмадим, қанақанги ўзгариш? Ҳокимиятга менинг нима дахлим бор? — дея энсасини қотирди Сабина.

— Сен бориб қўшилмоқчи бўлган кўча ҳокимияти. Сен истаган одам ҳозир тахтга ўтирди.

— Мен кимни истабман?

— Арслонни!

Сабинанинг кўзлари чақнаб кетди.

— Урра! — деди у қичқариб, — зўр иш бўлибди! Мен энди унинг ёнида бўлишим керак! Мен — унинг маликаси...

— Кўйсанг-чи, — дея афтини бужмайтирди Андрей, — ҳалигина Неъматни деб ўлиб-тирилаётгандинг. Бирдан ўзгариб қолдингми? Ўзи аёл зотига умуман ишониб бўлмайди. Ҳаммаси хиёнаткор.

— Эркак зотига-чи? — деб кўзларини сузди Сабина. — Наҳотки уларнинг ҳаммасини вафодор деб ўйласанг?

— Йўқ, мен ҳеч кимни садоқатли демайман. Ҳеч кимга ишонмайман ҳам. Ҳаттоки отамга... Гапимиз чўзилди. Жомадонингни йигитлар кўтаришади.

— Йўқ, жомадонни ҳеч кимга бермайман.

— Жони-и-и-им, — дея Адрей такрор Сабинани қучмоқчи бўлди. Аммо қиз бу сафар уни силтаб ташлади.

— Мен сенинг жонинг эмасман, бу — бир. Иккинчиси, жомадон — шахсий мулким.

— Биз сенинг кимлигингни, жомадонда нима борлигини жуда яхши биламиз.

— Менинг кимлигим фақат ўзимизникиларга. Сен Неъматни севиб қолган деб ўйласанг, адашасан. Шунчаки мен унинг мардлигини ҳурмат қилдим. Мардлигига кўнглим кетганди. Сенлар бўлсанглар, — дея йиғлашга тушди Сабина.

— Бас қил! Мен сенга отангнинг айтганини бажардим, деб айтдим. Нега шундай қилганимни отанг келганидан кейин сўрайсан. Ҳозир мен сени шу ҳолингда ташлаб кетишим мумкин. Ана ундан кейин кўрадиганингни кўрасан. Сенинг жомадонингдаги бойликлар мен учун бир тийин. Тушуняпсанми? Меникиларнинг олдида йўқ бўлиб кетади. Аммо сенга яҳудийлигимни маълум қилиб қўяйин. Яҳудийманми, демак, ҳар қандай миқдордаги бойлик аҳамиятли! Тушунасанми, аҳамиятли! Ҳар қандай майда сумма мени тешиб чиқмайди. Менга пул керак, пул, билдингми?! Чунки азал-азалдан ота-бобомиз шундай қилиб келишган. Билсанг, дунёни биз бошқарамиз. Дунёни бизнинг пуллари-миз титратади... Эй-й, мен сенга нима қилиб бу гапларни гапириб ўтирибман. Барибир, ҳеч вақога тушунмасанг. Сенга жомадондагилар керак, холос. Биласанми, нега мен унга тегинмаяпман. Мен отангдан ундан кўпини оламан. Энди яхши қол, биз кетдик. Ўликни ўзинг бир ёқли қиласан!

Сабина сапчиб тушди. Худди ҳаво етишмаётгандай чуқур-чуқур, тез-тез нафас ола бошлади ва бақирди:

— Мен нима қиламан?! Уни ўзларинг ўлдирдинглар-ку! Мен ўлик билан битта уйда туролмайман!..

Қизнинг ранги докадан ҳам оппоқ эди.

— Ана энди ўзингга келдинг! Кетдик! Ҳеч нарсангни олма, шу кийимингда юр!

Улар йўлакдан чиқишанида Сабина ич-ичидан бир жомадон бойликдан айрилганини ҳис этди.

* * *

Оддий ҳовли. Уй икки қатор пишган гишт устида турибди. Лой сувоқ. Айвонининг устунни сарғайиб кетган. Ромларига охирги марта камида бундан йигирма беш-ўттиз йил олдин бўёқ суртилган. Ҳамма ёқни ўт босган. Томорқанинг ўртасида биттагина олма бор, тарвақайлаб кетган. Ҳар йили ҳосил беради. Меваси каттароқ тухумдай. Эртапишар, «жа-

ноқи» дейишади. Лекин унақа эмас. Пўсти жудаям юпқа. Бозорга олиб бориб бўлмайди. Узишингиз билан ювиб ейишингиз керак. Аммо шу пайтгача ейдиган одамнинг ўзи бўлмаган. Олма мева туккан, пишган ва тап-тап ерга тушган, чириган.

— Ҳар қалай, «дом» эмас. Юрак сиқилмайди. Ўзим бир кунда томорқани тартибга келтираман. Лекин, Соли, қадмингням босмаган экансан, — деди атрофни кузатган Достон ошнасига.

— Бирор икки йилча бўлиб қолди. Ишлар билан бўлиб келолмадим. Хотиним келиб турарди. Уям олти ойдан бери тўшакда михланиб ётибди. Юролмайди. Дўхтирларнинг айтишича, тиззасининг «мойи» қочган эмиш. Тўртта хонаси бор. Ҳозирча амаллаб турасизлар. Худо хоҳласа, Фирдавс зўр уй қуради.

Фирдавс қабристонга тушиб қолгандай эди. Пешонасини тириштириб устунга суянди. Сўнгра:

— Мен бу ерда яшамайман, — деди.

— Тўртта девор бўлса ҳам, ўзимизники яхши эди, — дея қўшимча қилди унга Моҳина.

— Бир умрга эмас, вақтинчалик, деди-ку! — дея жаҳланди Достон. — Ҳозирча бошқа иложимиз йўқ экан. Ҳали насиб қилса... Балки, шу ернинг ўзини даҳшат қилиб юборармиз. Мутлақо қаровсиз қолганига қараганда, Солига керакмасга ўхшайди.

— Тўғри айтдинг, — деди унинг гапини маъқуллаган Соли.

Фирдавс кечгача амаллаб вақтни ўтказди. Сўнг ҳеч кимга билдирмай уйдан чиқиб кетди. Аэропортга борди. Нега борганини ўзи ҳам билмайди. Таксига ўтирди-кетди. Етиб боргач эса бошини қашлади. «Ҳарна бу ерда мени биров танимайди. Озгина эмин-эркин сайр қиламан», дея кўнглидан ўтказди у. Энди-энди салқин туша бошлаган маҳали хаёлингдан ҳамма нарсани чиқариб ташлаб, сокин қадам босиб юрсанг, енгил тортасан. Бироқ хаёл қурғур сенга бўйсунмайди-да, сал бўш қўйишинг билан бир томонга тортиб кетади. Фирдавс ярим соатдан мўлроқ юрди. Кун бўйи кўрганини эсидан чиқармоқ учун ўқиши, Мавзуна ҳақида ўйламоқчи бўлди, бироқ, барибир, ўхшатолмади. Юраги эса сиқилгандан-сиқилаверди, кутилмаганда кўзи

бир одамга тушди. Узун бўйли, қоп-қора соқолли, оқ салла ўраган. Эгнидаги яктаги ҳам оқ рангда эди. Фирдавс бу одамни телевизорда кўп кўрган. Ҳар кўрганида гапларини жон қулоғи билан эшитарди. Вужуди жимирлаб кетарди. Ҳозир, ҳозир учратаман, деб сира ўйламаганди. Умуман, кунларнинг бирида бундай улуғ одамга дуч келиб қоламан, деб кутмаганди. Бирдан юраги ҳапқириб, ҳаяжон босди. Қадамини тезлатди. Шошмаса ҳам бўларди. Чунки у одам қарама-қаршисидан келяпти. Ҳали-замон иккиси дуч бўлади.

— Ассалому алайкум, — деди Фирдавс оралиқ масофа икки қадамча қолганида ва дарров кўришиш учун иккала кўлини ҳам олдинга чўзди.

— Ва алайкум ассалом, — алик олди соқолли киши.

Иккиси бир-бирининг кўлларини ушлаб кўришишди. Фирдавс ҳақиқий отасини кўргандай, ҳимоячисини топгандай эди.

— Ҳазрат, анчадан бери сизни учратишни орзу қилиб юрардим, — деди у шошиб.

— Мана, Худо насиб этган куни кўришиб турибмиз, — жавоб берди улуғ киши.

— Очиғини айтсам, сиз билан кўришганимдаёқ дардимни дoston қилишга ботинолмай турибман. Лекин ҳозир айтмасам, кейин кеч бўладиганга ўхшайди.

— Бемалол гапираверинг.

— Вақтингизни ўғирлаб қўяманми, деб кўрқяпман.

— Агар самолёт кечикмаганида эди, эҳтимол, ўғирлаб қўярдингиз. Ҳозир мен ҳам кутяпман. Қолаверса, Худонинг хоҳиши шу экан.

— Ўзи студентман. Юрфакда ўқийман.

— Аллоҳ хайрли қилсин.

— Лекин ўзим хоҳламай бир нимага аралашиб қолдим. У худди ботқоққа ўхшайди. Қанча кўп қимирласам, шунча домига тортиб кетяпти.

— Намоз ўқийсизми?

— Йўқ.

— Афсус. Лекин кеч эмас. Эртароқ бошлаш керак. Балогатга етган ҳар бандага намоз фарз қилиб қўйилган.

— Лекин, Ҳазрат, аввал бошимга тушган балолардан қутулишим керак.

— Сиз Худодан сўранг. Тўкилиб, йиғлаб, бечора бўлиб сўранг. Иншаоллоҳ, балолардан қутулсангиз. Энди гапиринг, нима бўлди?

Фирдавс бошини эгиб, чуқур нафас олди. Кейин юти-ниб қўйди-да, бир бошидан сўзлади. Ҳазрат диққат билан унинг гапларини эшитди. Орага сўз ҳам қўшмади. Қалин қошлари гоҳ-гоҳида чимирилиб турар ва пешонасидаги ажинлари ҳам баъзан кўпаярди.

— Мана, — деди, ниҳоят Фирдавс, — ҳаммасини айтдим. Ҳеч нима қўшмадим. Бирорта воқеани тушириб ҳам қолдирмадим. Энди нима қилай, Ҳазрат?

— Зикр қилинг.

— Нима у?

— Аллоҳни кечаю кундуз эслаш, ҳамду санолар айтиш, намоз ўқиш.

— Лекин мен билмайман-ку!

— Ҳечқиси йўқ. Шогирдлардан бирига айтаман, ўргатади. Фақат ҳаром еманг. Бировнинг дилини оғритманг. Бундай воқеалар бўлиши мумкин бўлган жойдан қочинг. Агар сидқидилдан Худодан сўрасангиз, ҳаммасини беради. Бошингизга ёғилиши муқаррар бўлиб турган бало-қазолар ўз-ўзидан ортга чекинади. Муҳими, тоза туриб, тоза юринг. Ҳалигина бир қиз билан кўришдим дедингиз, гаплашдим дедингиз, асло у билан холи кўришманг. Ёнингизда учинчи бир одам бўлсин. Шайтон борлигини сира эсингиздан чиқазманг.

Ҳазрат қарийб кўп гап айтмади. Аммо шунинг ўзи ҳам Фирдавснинг энгил тортишига етди. У Ҳазратнинг тез кетиб қолганидан афсусланди. «Эҳтимол, ўзим кўп валдираб юборгандирман. Ҳамма нарсани ипидан-игнасигача айтавермай, қисқа-қисқа гапирсам бўлмасмиди. Лекин кейинги сафар уйига бораман. Ҳайдаб юбормагунча кетмайман... Самолёт ҳам бетайин матоҳ-да, яна ярим соатгина кеч қолса бир жойи камайиб қолармиди», дея кўнглидан ўтказди. Ҳамда ортига, уйига қайтди. Қушдай энгил эди. Аммо уйга яқинлашгани сари елкасидан бир нима босаверди. Ҳатто у тўхтади. «Шу ерга бориб нима қиламан? Ундан кўра кўчада юрганим ва ёки бирорта панароқ жойга кириб ухлаганим минг марта яхши-ку», деган фикрга ҳам келди. Аммо онасини эслаганидан сўнг худди биров судраётгандай, оғир-

оғир қадамларини олға ташлашга мажбур бўлди.

Соли кўчада турган экан. Фирдавсни кўрди-ю, сонига шапатилаб урди ва:

— Одам шунақаям бўладими? Ҳаммани тириклайин гўрга тиқишингга оз қолди-ку. Қидирмаган жойимиз қолмади. Аянгга минг битта ёлғон тўқидик! — деди овозини балан-длатиб.

— Нима, сал айланиб келишга ҳақим йўқми? — эъти-роз билдирди Фирдавс.

— Шуни бир оғиз айтсанг бўлмасмиди? Ҳамма ёқ хавф-хатарга тўлиб ётган пайтда кўчага ёлғиз чиқиб кетишга бало борми? Бу ёғи бир-биридан даҳшатли хабарлар келиб тур-ган бўлса?

— Қандай хабар? — деди Фирдавс ҳайрон бўлиб.

— Битта зумраша... Арслон деган бола Норматнинг кал-ласини олибди.

Фирдавс бирдан Ҳазратнинг гапларини эслади. «Зикр қилсанг, бошингдаги балолар ўз-ўзидан ғойиб бўлади...»

— Зўр-ку. Энди мени қўриқлашнинг ҳам ҳожати йўқ...

— Қанийди, шундай бўлганида, хавф икки баробар ку-чайди. «Фирдавс ёнимга келсин, оёғимни ўпсин, мени тан олсин», дебди.

— Ни-ма?!

— Ҳаммаси эмас бу. У сени ўзининг душмани деб би-ларкан.

— Қанақасига? Мен уни умримда кўрмаган бўлсам. Ис-мини ҳам сиздан эшитиб турибман. Қандай қилиб душ-манга айланаман?!

— Бунисини билмайман. Балки, сен тўғрингда ҳар хил бўлмағур гапларни эшитгандир. Лекин бунинг тагига ета-миз... Унинг отаси кимлигини жуда яхши биламан, ўта кет-ган бойваччанинг югурдаги. Текстилнинг директори эди шу пайтгача. Энди уни бус-бутунлигича ўзи сотиб олиб, эгасига айланибди. Хуллас, яна бошқа майда-чуйда гаплар ҳам кўп. Сен ҳозир ичкарига киргин-да, аданг билан ой-ингга кўриниш бер. Улар сенинг шу ердалигингни билиш-син. Ундан кейин нима қилиш кераклигини гаплашамиз.

Фирдавс бошини қашлаганча, дарвозадан ичкарига кир-ди.

Қаердандир чорпоя келтириб қўйишибди. Абдували,

Ёдгор, Достон ўтиришибди. Табиийки, дастурхон тузалган, хонтахта устида егуликлар турибди. Иккита шиша бўшаган, учинчиси яримлаган. «Булар сира мени қидирганга ўхшамайди», кўнглидан ўтказди у ва салом берди. Ҳамма бараварига унга қаради.

— Қаерда эдинг? — деди отаси паст овозда.

— Тоза ҳавода айландим, — жавоб берди Фирдавс.

— Чиқ, — дея сал силжиб қўйган бўлди ота.

— Майли, ўтираверинглар, мен кириб... Айтганча, дада, мени бошлиқ қилиб тайинладинглар, тўғрими? Шундай бошлиқманки, кечаю кундуз гапим ўтади, шундайми?

Достон жавоб беришдан олдин шерикларига қараб, мийигида кулиб қўйди.

— Ҳа, худди айтганингдай. Лекин уйдасиз. Уйда мен хўжайинман, — деди сўнгра.

— Сизга бир нарса деёлмайман, аммо, — деб у чорпоя ёнига келди ва энгашиб яримлаб қолган шишани қўлига олди-да, — менинг боримда ҳам, йўғимда ҳам, атрофимдагилар умуман ичмайди. Кўриб турганим охиргиси... Дада, сизга эса фақат маслаҳат бера оламан.

Фирдавс шишадаги ароқни ерга тўкди. Чорпоядагилар ҳангу манг эди. Тез-тез бир-бирига қараб қўйишарди. Достон эса қўлларини икки ёнига ёзишдан бошқа ҳеч нима дея олмади ҳам, қилолмади ҳам.

— Тўппа-тўғри қилдинг. Эсимизни таниганимиз бери шу заҳарни ютамиз, лекин бирортамизнинг ҳам шохимиз ўсиб чиқмади. Қайтанга азоб берди. Гапинг гап, сўзинг сўз, — деди Абдували.

— Қийин бўлади-ёв. Бироқ ҳаракат қиламиз, — дея бурнини тортди Ёдгор.

Худди шу пайт дарвозанинг кичик табақаси тарақлаб очилди. Аввал юзини кафтлари билан бекитганча икки букилиб қолган Соли, унинг ортидан Ўлмас — Башара бош уч киши отилиб кирди. Соли икки қадам босар-босмас йиқилди.

Фирдавс бостириб кирганлар томонга юрди. Унинг қўллари мушт бўлиб тугилган, кўзи ёнмоқда эди. Фазаб ўти шунчалик аланга олгандики, Ўлмаснинг қўлидаги тўппончани кўрмади.

Ўлмас Фирдавснинг нималарга қодирлигини билмасди.

Шу боисдан ғўдайиб турди. Ҳали бирор марта ҳам ишла-тиб кўрмаган, умуман ишлатишни билмайдиган қўлидаги тўппончага парво ҳам қилмади. Ҳозир манави тирранча яқинига келади. Ундан кейин уни ҳам бошқаларни қандай ер тишлатган бўлса, худди шундай башарасини бежаб таш-лайди. Ахир Худо унга бошқаларга нисбатан бир неча мар-та кўп куч берган. Узун қўллар, катта кафт белган. Уни туг-са, нақ бундайроқ одамнинг бошидай келади. Бир серпа-са, ҳўкизни ағдаради...

Фирдавс Ўлмасга яқинлашди-ю, шу заҳоти нақ томо-гига мушт туширди. Ўлмаснинг кўзидан ўт чақнаб нафаси қайтди. У нима қиларини билмай турган маҳали, оёқлари орасига, энг нозик жойига тепки тегди. Буниси биринчи-сидан ҳам ошиб тушди. Башаранинг ўпкасига нафас ки-риб келди-ю, аммо чотида шунақанги оғриқ пайдо бўлди-ки, бутун дунё зимистонга айланди.

— Вой, до-од!!! — дея бўкириб юборди ва Фирдавснинг учинчи марта куч ишлатишига ҳожат қолдирмай ерга қула-ди.

Ўлмас билан келганлар ҳангу манг эди. Нима бўлаётга-нига ақллари етмасди. Етганида эса кўришдики, кўрини-шидан девларнида титратадиган Ўлмас паҳлавон ер билан битта бўлиб ётибди. Бунақанги пайтда энг яхши йўл қочиб қолиш. Аммо қочиб қаёққа ҳам боришарди? Кўрқоқликла-рининг хабарини Арслон эшитиши билан учаласини ҳам тириклай гўрга тикади. Ундан кўра мана шу ернинг ўзида манави тирранчанинг калтагини «еб» қўя қолган минг марта афзал эмасми? Узоғи билан бурунлари ва ёки қовурғала-ридан бирортаси синар ва ё бўлмаса, эркаклик қилиши бирор ойга чўзилар, бироқ жонлари омон қолади. Жон омонми, демак, ҳар нимани тўғрилаш имконияти бор.

Бири Фирдавсга ҳамла қилмоқчи бўлди. Бироқ зарбалар кетма-кетлигидан жағи қарсиллаб кетди. Қолган иккисига эса Фирдавс куч ишлатмади. Отасининг дўстлари — ҳозирда Фирдавснинг содиқ одамларига айланганлар суробларини тўғрилаб қўйишди.

Сўнг ҳаммасининг оғзига латта тиқишди. Сабаби битта, ичкарида ўтирган Моҳирўй билан Моҳина бақир-чақирни эшитмаслиги керак. Аммо улар кеч қолишганди. Ўлмаснинг жон аччиғида додлаганини Моҳирўй эшитган ва сергак

тортганча деразадан ташқарига қараганди. У югуриб ҳовлига чиқолмайди. Қўрқади. Илгари бунчалик қўрқоқ эмасди. Энди бутунлай юрак олдириб қўйган, бировнинг додлаши, оҳ уриши у ёқда турсин, сал қаттиқроқ овоз эшитса, бир сапчиб тушади.

Орзулари саробга айланганларни кўчага судраб олиб чиқишди. Ўзлари миниб келган машинанинг юкхонасига бирини икки буклаб ортишди, қолганлари орқа ўриндиққа жой бўлди. Ёдгор рулга ўтирди. Унинг ёнидан Фирдавс жой олди.

— Сенинг боришинг мумкин эмас! Сен қолишинг керак! — деди Абдували.

— Йўқ. Шарт! Менсиз иш битмайди. Кўнглимнинг хотиржамлиги керак.

Фирдавс кескин гапирди. Ҳар қандай гап-сўз уни қайтармаслиги кундай равшан бўлди. Кейинги машинага Достон билан Абдували ўтириб, уларнинг ортидан кетишди.

Арслоннинг кайфи чоғ эди. Ахир не-не кўча безорлилари келиб, унинг қўлини ўпмади. Итоаткорлигини намойиш этмади. Совға-салом келтирмади, дейсиз. Арслон бундай бўлишини умуман кутмаганди. Шу боис ичига ҳаво киргандай шишди, ҳатто осмонга кўтарилгандай бўлди. Норматнинг бошини олганини бироз унутди ва маишатга зўр берди. Ана шу маишат орасида Ўлмасни Фирдавсни келтиришга жўнатди. «Агар хоҳиши билан келмаса, калласини олиб кел. Танасиз бошининг оёғимнинг остида ётиши ҳам мени тан олишдай бир гап», деди у.

— Туғма истеъдод! — дея шу заҳоти ҳайқирди Баха. — Бундай бошқарувни ўрганиб бўлмайди! Одессаям оёғининг остида бўлади, Хоқон!

Бу сафар Баха чин кўнгилдан бақирганди. Чунки кўрдик, Арслон маишатпараст экан. Ароққа муккасидан кетган. Бундай одамни жиловлаш осон. Демак, у яна кўзга кўринмас одамга айланади-да, Арслоннинг ёнида турволиб аввалги ишини қилиб юраверади.

— Хўжайин, — деди Ўлмас кетганидан сўнг Баха, — бугун қаттиқ ишладингиз. Дев бўлсин эди шунча юкни кўтаролмай икки букилиб қоларди. Энди озгина жонга дам беринг. Мен иккита нозик бармоқлиларни келтирганман. Оёқ-

қўлларингизни силаб қўяди. Қарабсизки, дарров чарчоғингиз чиқиб турибди.

— Олдин ўзимизникилардан бошқаларнинг ҳаммасини йўқот. Бориб ишларига қарасин. Эртага чақириб, ҳисоб сўраганимда хумдай бошларини эгиб туришмасин. Ана ундан кейин майли, анавиларингни келтир, қўрамыз.

— Бўлди, худди айтганингиздай қиламан.

Ўзида йўқ хурсанд Баха чопқиллаб ташқарига чиқди. Буйруғига маҳтал югурдакларидан бирини ёнига чорлади ва унга айтдики: «Анави оппоқиналарнинг келиш вақти бўлди. Ўзимизникилар қолишсин, қолганлар қорасини ўчиришсин. Топшириқларни эртага ўзим бераман».

— Хўжайин, — деди унинг шотири иржайиб, — бу ёғи қаймоқ-чи?

— Кейин. Бор жўна, айтганимни қил!

Баха гарчи қовоғини осилтириб олган эса-да, аслида, шотирининг гапидан яйради. Маза қилди. Қаймоқ бўлганда қандоқ? Ҳали Нормат чўлоқнинг давридагидан-да зўр бўлиб кетади бу ёғи.

У «навниҳоллар»ни киритиб юборди ва ўзи ҳовлининг ўртасидаги боққа кирди. У ерда шотирлари стулларни айлана қилиб қўйволишиб, гаплашиб ўтиришарди. Ҳаммаси бараварига ўрнидан туришди.

— Бирортангда ҳам инсоф йўқ экан. Куни билан тик оёқда юрибди шу, стол-стул қилиб устига ҳеч қурса қотган нонни қўйишни билмайсанлар! — дея гўё нолиган бўлди.

Йигитлари шу ондаёқ ҳаракатга тушишди. Кўз очиб юмгунча столнинг устини егуликка тўлдиришди. Заҳри қотилдан ҳам икки шиша қўйишди. Баханинг ўзи қарийб косадай келадиган катта пиёлани тўлдирди ва бир кўтаришда сипқориб юборди-да, тандир гўштдан бир бўлагини олиб, оғзига солди. Юмшоққина гўшт танасини яйратиб юборди.

— Зўр экан, қаердан олиб келдинглар? — деди у шотирларига чайналганча иржайиб қараркан.

— Термиздан жўнатишди. Ўзлари эртага муборак бўлсинга келишаркан. Улар ҳам хурсанд. «Куқун» камайиб қолгани учун Чўлоқ териларини шилиб олмоқчийди. Қутулиб қолишди, — деди йигитлардан бири.

— Ҳмм, қутулиб бўлибди. Бундан бу ёғига ўзим ҳар бит-тасининг онасини эмдираман.

Баха шундай деб «тандир»нинг қовурғали жойидан гўшт ажратиб олди ва иштаҳа билан оғзига солди.

У ҳали оғзидаги луқмасини ютишга улгурмаганди. Ташқарида турган югурдакларидан бир ҳовлиққанча унинг ёнига келди-да:

— Хўжайин, Ўлмас акамнинг пачағини чиқариб ташлашибди. Ҳозиргина машинасида олиб келишди! — деди.

(Тўртинчи китоб тугади)



Адабий-бадиий нашр

Ўзбек тилида

Нуриддин Исмоилов

БУРГУТ ТОҒДА УЛҒАЯДИ

Саргузашт-детектив роман

(Тўртинчи китоб)

Муҳаррир Суннатулло Саимназаров

Дизайнер Акбар Исмоилов

Техник муҳаррир Юлдуз Исоқова

Мусахҳиҳ Нодира Қурбонбоева

Саҳифаловчи Зокиржон Алибеков

Босишга 29.05.2019 йилда рухсат этилди.

Бичими 84x108 1/32. Босма табағи 16,0.

Шартли босма табағи 10,48.

Адади 3000. ...-сонли буюртма.

Нархи шартнома асосида.